

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ, ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЁЗМА УСЛУБЛАРИ ТАРИХИДАН

Тошкент – 2010

Ушбу китобда ёзма ёдгорликлар материали асосида туркий тил ёзма услубларининг юзага келиши ва юксалуви, уларнинг турлари, ёзма услубларда лексик ҳамда грамматик ўлчовларнинг танланиш йўллари тўғрисида сўз юритилади.

Китоб туркий тиллар тарихи йўналишида изланиш олиб бораётган филологлар ва илми толибларга мўлжалланди.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган (2010 йил февралининг йигирма бешинчи куни бўлиб ўтган 7- мажлис қарори).

Т а қ р и з ч и л а р:
филология фанлари доктори, профессор **С. Аширбоев**
тарих фанлари доктори **М. Исҳоқов**

© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2010 йил.

СЎЗ БОШИ

Тил услублари икки хил – оғзаки ва ёзма кўринишга эга. Ёзма услуб деганда матн услуби, унинг баён тарзи, бирон бир асарнинг, хужжатнинг матндаги ифодавий кўриниши, меъёрий қолиплар, матн талабидан келиб чиққан ҳолда лексик ва грамматик бирликларнинг танланиши, матн компонентларининг уйғун бир тизими тушунилади. Тилнинг ёзма услублари, оғзаки туридан айри ўлароқ, қатъий ўлчовлар чегарасида ишлайди. У матн тузиш анъаналарининг юзага келиши, кишилиқ ўз маънавий оламини бойитиш, ёшлар тарбияси, уларга билим бериш, ўй-қарашларини келажак ўғил-қизларга ёзиб қолдириш мақсадида олиб борган уринишлари йўлида, жамиятнинг маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида, ички ва халқаро дипломатик алоқаларда ёзма матннинг, адабий тил мавқеининг кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб келган.

Ўзбек тилининг узоқ асрли тарихий тараққиёти давомида ёзма тилнинг ўта мураккаб ва юксак даражадаги бир тизими амал қилган эди. Эски ёзма тил услубларининг айрим қирралари ўзига яраша бой ва хилма-хилки, улар ҳозирги стилистика ўлчовларигада сифмай қолади. Шунинг учун ёзма ёдгорликлар услубларини стилистиканинг ҳозирги ўлчовларига солмай, хос бир йўналишда ўрганилмаги керак.

Илгингиздаги китоб неча йиллардан буён тил тарихи, унинг ёзма услублари бўйича олиб бораётган изланишларимизнинг натижаси сифатида адоғига етиб турибди. Ўзбек адабий тили тарихида амал қилган услубларнинг барини, айниқса монографик планда, бир китобда ёритиб бериш қийин эканини шу йўлда эмгак чекаётган олимлар яхши тушунади. Шундан келиб чиқиб, ушбу китобда эски ёзма услублардан айримларининг келиб чиқиш тарихи ва юксалуви, ёзма услубларда лексик ҳамда грамматик ўлчовларнинг танланиш йўллари билан боғлиқ масалаларгина ёритилмоқда

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ҚАДИМГИ ЁЗМА УСЛУБЛАРИ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Ёзма тил услублари, уларнинг келиб чиқиши ва юксалуви.

Қадимги туркий битиглар услуби ва уларнинг турлари.

Бадий матнлар услуби.

Будда асарларига хос бўлган “сутра услуби” ва унинг ўзгачаликлари.

Туркий ёрлиқлар услуби: матн тизими ва компонентлари таҳлили.

Қадимги турк монументал матнларининг услуби.

Ёзма ёдгорликларда тарих ва унинг берилиш йўли.

ЁЗМА ТИЛ ВА УНИНГ УСЛУБЛАРИ

Тил икки хил кўринишда амал қилади: *оғзаки тил* ва *ёзма* (ёки *адабий*) *тил*. Туркий тилшунослик тарихида ушбу тушунчалар илк ўрта асрлардаёқ фарқлана бошлаган эди. Битигларда ҳар икковининг ҳам атамасини учратамиз. Чунончи, XI юзйилликда яшаб ўтган улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” достонида *оғзаки тил*ни *tilin söz* деб атаган. Мана ўша атаманинг мисоли:

Yoq ersä bitig bu kişilär ara,

Tilin sözkä kim bütgäy erdi kör-ä.

(Кишилар орасида ёзув бўлмаганида, оғзаки сўзга ким ҳам ишонган бўлар эди, кўргин) (QB.2660).

Адиб Аҳмад Югнакий ўзининг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида *ağiz til* деган атамани қўллаган. Ушбу атамадаги *ağiz* – “оғзаки” дегани, *ağiz til* эса “оғзаки тил”, яъни “нутқ” маъносини беради. Демак, бу атама остида “кишининг нутқи” кўзда тутилмоқда. Мана асардан олинган ўша мисол:

Ağiz til bezägi köni söz turur,

Köni sözlä sözni, tiliñni bezä.

(Нутқнинг беаги тўғри сўз туруп, тўғри сўзла сўзни, тилингни [яъни нутқингни] беа) (АН.155–156).

Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида *nutq* атамасини қўллаган. Инсон нутқи туфайли барча жонзодлардан устун турушини таъкидлаб ёзади:

Čun kun fayakun safxasīğa boldi tirāz,

Qīlğan anī nutq ilā barīdīn mumtāz (ML.165).

Ўтмишда ёзма тилнинг ҳам атамаси бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб *ёзма тилни bitig söz* деб атаган эди. *Bitig* туб англамида “ёзув”ни билдирган. Бу сўз “ёзмок, битмак” маъносидаги *biti*- феълига от ясовчи *-g* қўшимчасини қўшиб ясалган. Кейинчалик унинг маъноси кенгайиб, “хат, мактуб; ҳужжат; китоб; матн” сингари ёзув билан боғлиқ нарсаларни ҳам *bitig* деб кетилган. *Bitig söz* атамаси “битилган сўз; китобий сўз; матн”, тилшунослик тушунчаси билан айтганда, “ёзма тил, матн тили, адабий тил” маъносини беради.

Эски туркий тилда матн услуби билан боғлиқ атамалар тизими ҳам шаклланган эди. Айримларини мисолларда кўриб чиқамиз.

Манбаларда ёзма тил усули, матн услуби *bitig söz yaŋi* дейилган. Ёзма тил усули фикрни ифодалашнинг энг яхши йўли эканлигини таъкидлаб, Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

Nekü ter ešitkil İlä sir teŋi,

Eđi eđgü yaŋ bu bitig söz yaŋi.

(Ила-сир тенги [яъни ёши Ила дарёсидай узун, кўпни кўрган донишманд] бу тўғрида нима деган, эшитгил: Ёзма тил усули жуда яхши усулдир) (QB.2656).

Ёзма манбаларда равон, балоғат даражасида баён қилинган нутқ *yoriq til* дейилган. *Yoriq* сўзи “юрмок” маъносидаги *yori*- феълидан ясалган бўлиб, “равон, кенг, батафсил” маъносини беради; *yoriq til* нинг луғавий маъноси “равон тил, маънили гап, балоғат даражасида баён қилинган сўз”дир. Бундай нутқ тўғрисида Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

Uqušqa, biligkä bu tilmäči til,

Yaruttači erni yoriq tilni bil.

(Уқувга, билимга тилмоч – бу тилдир. Кишини рўшноликка чиқарадиган равон тил, деб билгин) (QB.158).

XV асрда яшаб ўтган Арслон Хўжа тархон Адиб Аҳмад Югнакий тўғрисида сўз юритар экан, “Ҳибату-л-ҳақойик”нинг тили ва услуби билан боғлиқ муҳим бир атамани қўллаган эди. У ёзади:

Tamamî erür kaşğarî til bilä,
Ayütmîş adip riqqat-i til bilä (АН.499–500).

Ушбу байтдаги *kaşğarî til* атамаси ўша чоғлардаги “туркий адабий тил”нинг атамасидир; арабчадаги *riqqat* – “нозик, жозибали” маъносини беради; *riqqat-i til* – “жозибали тил”, яъни “шеърий тил, бадий тил” англамидадир. Бунинг билан “Ҳибату-л-ҳақойик” асари туркий адабий тил(*kaşğarî til*)да эканлиги, адиб уни жозибали тил(*riqqat-i til*)да айтганлиги таъкидланмоқда.

Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида *türkî uslub* атамасини қўллаган. У туркий сўзларнинг нозик маънолари тўғрисида сўзлар экан, *yıǵlamaq* нинг *yıǵlamsınmaq*, *iñrämäk-u siñrämäk*, *sıqtamaq*, *ökürmäk*, *inčkirmäk*, *hay hay yıǵlamaq* сингари синонимларини қўллаш туркий услубга хос эканлигини таъкидлайди (ML.172).

Классик филологияда нутқ ва матннинг равонлиги, юксаклик даражаси *balāğat* ҳам дейилган. Ҳозирда кўп олимлар *балогат* деганда классик адабиётдаги шеърий санъатнигина тушунмоқдалар. Аслида *балогат* бадий адабиётдаги шеърий санъатнинг ўзигина эмас.

Ўтмишда билим ўрганишнинг икки хил босқичи бўлган: биринчиси – *балогат*; иккинчиси – *тугаллик* (комиллик). *Балағат* – бу етукликдир. *Балогат* даражасига ҳар бир билимли, ақли расо етуви мумкин. Халқ тилида “ўғил-қизи балогатга етди; ўғли балогат ёшида” деган иборалар юради. Бу дегани – “ўғил-қизига ақл кирди, жисми ҳам етилди; энди уни уйли-жойли қилса бўлади”. *Тугаллик* даражасига эса ҳар кимса ета олмайди; бунга эришган киши комил инсондир. Юсуф Хос Ҳожиб “комил инсон”ни *tügäl er* деб атаган эди.

Тилдаги балоғат даражаси ҳам айнаи тушунчада: у киши нутқида ҳам, матнда, хат санъатида, насрда, поэтикада бирдай амал қилади. Ўтмишдаги балоғат илми талабига кўра, нотик ёки матн битувчи билгин киши балоғат ўлчовларига амал қилмоғи керак.

Ушбу атаманинг мисоли учун яна “Қутадғу билиг”га мурожаат қиламиз. Юсуф Хос Ҳожиб яқин кишиларга йўлланадиган мактублар тўғрисида сўз юрита туриб, уларнинг ажойиб бир услубда, балоғат даражасида бўлмоғи кераклигини уқтиради:

Balağat bilä xat teñäšsa qalī

Eđi eđgü til bu bitig söz tili.

(Агар хат балоғат билан тенглашса, ёзма нутқ жуда эзгу бўлади) (QB.2655).

Тил услублари икки хил: оғзаки ва ёзма кўринишга эга. Оғзаки услуб тарихи тилнинг пайдо бўлиши, кишилиқ тафаккурининг юзага келиши, ҳукум ва фикрни таъсирли ифодалашга бўлган зарурат асосида келиб чиққан.

Ёзма тил услубларининг келиб чиқиш тарихи анча кеч – ёзувнинг яратилиши билан боғлиқ. Бирок, ёзувнинг ўзи ёзма услубни белгилай олмайди. Масалан, кишилар тасаввуридаги тушунчалар расмларда ёки ҳарфий белгиларда ифодалангани, бирор сўзнинг ёзиб қўйилгани бу ҳали ёзма услуб дегани эмас. Ёзма услуб матнда юзага чиқади; киши ўз ўй-қарашларини матнда баён эта бошлагани, матн тузиш анъаналари ишлаб чиқилгани, матн жанрлари фарқлана бошлаганидан кейингина тилнинг ёзма услублари, матн услуби юзага кела бошлаган. Демак, ёзма тил услубларининг тарихи ёзувнинг яратилиши, матн тузиш анъаналарининг юзага келиши, ёзма адабиёт тарихи, қадимги туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти билан узвий боғлиқ.

Ёзма адабий тил(*bitig söz*)нинг ўлчовлари, меъёрлари матнда ўз ифодасини топади. Мақсади, йўналишига қараб матн услублари бир-биридан фарқ қилади.

Матн услуби деганда ёзма баён этилаётган ўй-қарашлар, битигли хабар (*saw* ёки *söz*), бирон бир асарнинг матндаги ифодавий кўриниши, баён тарзи, меъёрий қолиплар, матн (*bitig*) талабидан келиб чиққан ҳолда лексик ва грамматик бирликларнинг танланиши, матн компонентларининг уйғун бир тизими тушунилади. Матн услуби (*bitig söz yanî*) адабий тил талабларига бўйсунди. Матн услуби тилшуносликнинг *стилистика* ёки *услубшунослик* (*‘ilm-i balāğat*) бўлимида ўрганилади.

БИТИГЛАР УСЛУБИ ВА УНИ ТУШУНИШ МАСАЛАСИ

Ўтмишдаги услубий нормалар ҳар қачон ҳам ҳозирги баён шаклига тенг келавермайди. Тилимизнинг узоқ асрли тарихий тараққиёти натижасида фонетик, лексик-семантик, морфологик ўзгаришлар билан бир қаторда, синтактик-стилистик ўзгаришлар, ёзма баён усулида ҳам янгиланиш содир бўлган. Буни бир неча мисолда кўриб чиқамиз.

Бурунги туркларнинг мақоли бор. Буни Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида берган: *Tilîn tergikâ tegir*, – дейди (МК.І.404). Ушбу мақолдаги *tîlîn* – восита келишигида бўлиб, “сўз билан, нутқ билан, муомала билан” деган маънони беради; *tergî* – асли “дастурхон”, бу ўринда “овқат, егулик, неъмат” англамида; *tegir* – “етишади, эришади” дегани. Мақолда кечган сўзларнинг кўчма маъноларини кўзда тутиб, уни ҳозирги тилимизга “(Киши) ширин сўзи билан дастурхонга [яъни неъматга] етишади” деб ўгиришимиз мумкин.

Маҳмуд Кошғарий келтирган яна бир мақол: *Neçä munduz ersä, eş edgü. Neçä egri ersä, yol edgü* (МК.І.426). Мақол иккита ва ҳар иккиси ҳам тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапдан тузилган. Биринчи жумлада кечган *munduz* – “аҳмоқ, тентак”, *eş* – “дўст, ўртоқ”. Қолган сўзлари таниш. Шунга қарамай, мақолни шу туришида, сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, туйунли бир маъно англамаймиз. Тагига етиш учун ҳар икки гапда кўзда тутилаётган, яширин бир тушунчани изламоғимиз керак бўлади. Очқичини

иккинчи гапнинг эгасидан топамиз, унда йўл тўғрисида сўз бормокда: *yol edgü* – йўл яхши. Бу жумлада кимсасиз, сахродаги эгри йўлга ишора этилмокда: “қанчалик эгри эса-да, йўлнинг борлиги яхши экани” таъкидланади унда. Шунга кўра, ушбу гапни “(Кимсасиз чўлда) эгри бўлса ҳам йўлнинг бўлгани яхши [чунки йўловчи эгри йўлдан бўлса ҳам ўз манзилига етиб олади]” деб тушунмоқ керак. Иккинчи гап маъносига таяниб, биринчи гапда ҳам “йўл”, аникроғи “сафар” маъносини тиклаб оламиз. Шунга кўра ундан “(Сафарда ёлғиз юриш яхши эмас, шунинг учун) тентак бўлса ҳам, дўстнинг бўлгани яхши” деган маъно келиб чиқади. Энди юкоридаги маколнинг маъноси тушунарли бўлди: “(Сафар чоғида) тентак бўлса ҳам, дўстнинг бўлгани яхши. (Кимсасиз чўлда) эгри бўлса ҳам, йўлнинг бўлгани яхши”.

Тўнюкуқ битигида кўк турк хоқонлиқларининг тарихи билан боғлиқ бир ўрин бор. Матннинг ўқилиши шундай: *Türk bodun qanin bulmayin tabğaçda adrilti, qanlantı, qanin qodup tabğaçqa yana içikdi. Täñri anča tämis ärinç: Qan bārtim, qanin qodup içikdiñ. İçikdük üçün täñri öl tämis ärinç, türk bodun ölti, alqintı, yoq boltı, türk sir bodun yärintä bod qalması (Ton,2–4).*

Туркшуносликда матн бошидаги **njmLvBniNq;NDvBkrwt** кўринишли ҳарф бирикмаларини *Türk bodun qanin bolmayin* шаклида ўқиб, уни “турк халқи хони билан бўлмай” деб талқин қилганлар. Бундай ўқилишида у матннинг давомига мантиқан боғланмайди ва мазмунда тушунмовчилик келиб чиқади. Бунинг учун битигдаги **njmLvBniNq** ни *qanin bolmayin* деб эмас, *qanin bulmayin* дея ўқилмоғи керак. Яъни **v** ҳарфини [o] эмас, балки [u] тарзида ўқилгани тўғри. Шунда “хони билан бўлмайин” эмас, “хонини топмайин” деган маъно келиб чиқади; бирикма эса восита келишиги эмас, тушум келишиги шаклини олади.

Битигда кечган **Wrsmtlw;irht** ҳарф бирикмаси ҳам эътиборни ўзига тартади. Уни *täñri öl tämis ärinç* деб ўқиш мумкин. Бу бирикма “тангри “ўл” деган шекилли” деган маънода. Қадимги

туркларда “худонинг балосига учраш, қарғишга қолиш” маъноси ана шундай айтилган.

Айтилганларга таяниб, келтирилган матнни қуйидагича талқин қилиш мумкин: “Турк халқи хонини тополмай, (хўп сарсон бўлди: аввалига) Табғачдан айрилди, ўз хонига эга бўлди, (кейин яна) хонини қўйиб, Табғачга қайта қўшилди. Тангри шундай деган шекилли: “Хон бердим, хонингни қўйиб, таслим бўлдинг”. Таслим бўлгани учун тангри “ўл” деган [яъни қарғаган] шекилли, турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди, турк сир халқи ерида (ҳеч бир) уруғ қолмади”.

Тўньюққ битигидан яна бир ўрнак. Битигда турк қўшинининг зафарли юришлари баёнида шундай жумла ишлатилган: *Ol sub qudī bardīmiz, sanağalī tüşürtimiz, atig̃ iqa bayur ārtimiz. Kün yāmā, tün yāmā yälü bardīmiz. Qırqizig̃ uqa basdīmiz* (Ton,27).

Биринчи жумладаги *sub* – “сув, дарё”; *qudī bardīmiz* – сўзма-сўз олганда “қуйи бордик”, шу туришида қадимги туркий тил учун норма саналган, маъно англатган, лекин ҳозирги ўзбек тилида бундай дейилмайди: “Ўша сув ёкалаб қуйи бордик” ёки “Ўша сувнинг қуйи томонига бордик” дейилади. Матнни ҳозирги тилга ўгиришда ҳам ана шунга таянамиз.

Кейинги *sanağalī tüşürtimiz* дейилганда “қўшин” кўзда тутилган: “қўшинни текшириб олиш учун отлардан туширилганлик” маъноси бор. Навбатдаги жумладаги *ī* – “ўт, ўсимлик”, бу ўринда “бута” деб олинса тўғри бўлади. Шунда “отлар буталарга боғланганлиги” англашилади (*atig̃ iqa bayur ārtimiz*). *Kün yāmā, tün yāmā* даги *yāmā* – таъкид юкламаси бўлиб, ҳозир қўллаётганимиз “ҳам”га тўғри келади. Буни сўзма-сўз “кундузи ҳам, тунда ҳам” дейиш мумкин, лекин “куну тун” деб ўгирилса, силлиқ чиқади: “Куну тун елиб бордик” бўлади.

Сўнгги жумлада келган **aqv** *uqa* ни мавжуд нашрларда “уйқуда” деб берадилар: **zmDSBaqv** *uqa basdīmiz* – “уйқуда босдик” (Orkun 1987,110–111). Лекин А.С. Аманжолов айна бирикма мазмуни билан боғлиқ яхши бир вариантни тавсия қилган: олим Кул тигин битигида Билга хоқон қўшинининг

қирқизлар ва тургешлар билан бўлган жанг тасвирида кечган **mDSB;aDv** *uda basdīm* бирикмасидаги (масалан, К.35 да: *Qırqız bodunuğ uda basdīm*) **aDv** *uda* ни “уйқу” сўзига эмас, “изма-из юрмоқ, қувламоқ” маъносидаги **Dv** *ud-* феълига боғлайди. Шундан келиб чиқиб, *uda basdīm* бирикмасини “изидан бориб қувиб, кетидан қувиб босиб олдим” дея талқин қилади (Аманжолов 1996,86–87).

А.С. Аманжоловнинг ушбу бирикмадаги *uda* ни равиш сифатида талқин этувида жон бор. Унинг талқини яна бир фикрни кўзғайди. Ўзбекларда “уйқу – ғафлат” дейди. Битигларда *uda basdīm* ёки *uqa basdīmiz* дейилганда “ғафлат чоғида босиб олиш; қўққисдан босиш” кўзда тутилган чамаси. Шунга кўра *uqa* ни от (яъни “уйқу”) деб эмас, равиш (“қўққисдан, тўсатдан”) сифатида ўгирса ҳам бўлади. Шундай бўлганда жумла “Қирқизни уйқуда босдик” деб эмас, “Қирқизни ғафлат чоғида босдик” ёки “Қирқизни қўққисдан босдик” деган маънони англатади.

Юқоридагилар асосида матнни қуйидагича ўгирамиз: “Ўша сувнинг қуйи томонига бордик, (қўшинни) санагали (отлардан) туширдик, от(лар)ни (эса) буталарга бойлар эдик. Куну тун елиб бордик. Қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик”.

Битигларда *qağan olurti* деган бирикма ҳам учрайди: *olurti* – “ўтирди”, *qağan olurti* деганда “хоқон бўлиб тахтга чикди, тахтга ўтирди” деган маъно англашилади. Кул тигин битигидан бир мисол: *Ācīm qağan olurtuqda özüm tarduṣ bodun üzä šad ärtim* (К.17). Буни: “Амаким хоқон бўлиб тахтда ўтирганида мен тардуш халқи устидан шад [яъни Тардуш вилоятининг ҳоқими] эдим”, деб ўгирамиз.

Кул тигин битигининг якунида Билга хоқоннинг ўз иниси Кул тигинга аталган марсияси ўрин олган. Унда хоқоннинг ўз иниси ўлимидан чеккан қайғу-алами изҳор этилади. Муҳими шундаки, марсия тугаганидан кейин шундай жумлалар бор: *Öd tāñri yasar, kisi oğlı qop ölügli tirimis* (Кб.10). Биринчи гапдаги **dw** *öd* сўзининг илк маъноси – “давр, замон”. Агар шундай деб талқин

қилинса (баъзи олимлар уни ана шундай талқин қилганганлар хам), ғализлик юз бериб, “замонни тангри яратади” деган маъно келиб чиқади. Аслида бу ўринда *öd* ни “замон” деб эмас, гапда киши умри тўғрисида сўз бораётганлигини кўзда тутган ҳолда, “умр” дея талқин қилмоқ керак. Шунда “умрни тангри яратади, умрни тангри белгилайди” деган маъно келиб чиқади. Матнга шуниси мос.

Кейинги жумлада дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг вафосизлигидан шикоят акс этган. Матндаги *kisi oğli* – “инсон боласи”; *ölügli* – сифатдош шаклида бўлиб, “ўладиган”, *qor ölügli* – “бутунлай ўладиган” деган маънони беради. Лекин ўғирмада стилистик талабдан келиб чиқиб, “Инсон боласининг бари ўлгучидир” дейилса, чиройли чиқади. Айтилганларга таяниб, ушбу жумлаларни куйидагича ўгирамиз: “Умрни тангри белгилайди. Инсон боласининг бари ўлгучидир”.

Битиглар услубини текширганда ҳамда матнни ҳозирги тилга ўгириш чоғида ана шунинг сингари нозик ва ўта муҳим жиҳатларга эътибор қаратилмоғи керак бўлади.

БАДИИЙ МАТНЛАР УСЛУБИ

Келиб чиқишига кўра тил услубларининг энг эскиси бадий услубдир. Бадий услубнинг тарихи халқ бадий тафаккурининг юзага келиши ва юксалиши, халқ оғзаки ижодининг тарихи билан бўйлашади. У ёзма адабий тилнинг, ёзма адабиётнинг юзага келишидан анча бурун келиб чиққан. Халқ оғзаки адабиётининг юзага келиши билан боғлиқ равишда бадий услуб ҳам шакллана борди. Жамият орасидан сайланган сўз усталари, сўзга чечан кишилар халқ яратган ривояту афсоналар, кўшиқлар, мақолларнинг таъсирини ошириш, тингловчига уларни таъсирчан кўринишда етказиб бериш мақсадида асарларнинг бадийлиги, жумлалар услуби, равонлиги, қолаверса, оҳангига жиддий эътибор қарата бошладилар. Бу талаб-эҳтиёж тилда ўзига яраша бир услубнинг юзага келувини таъминлаб берди.

Ёзма адабий тил, матн тузиш анъанаси эндиgina юзага келаётган бир чоғда халқ оғзаки ижоди ва унинг услуби аллақачон шаклланиб, юксалиш босқичига ўтган эди. Бадиий услуб ўзининг оғзаки босқичидаёқ пишиб етилган. Ёзма бадиий услуб ўз қолипни, бичимини оғзаки адабиётдан олди. Оғзаки кўринишда асрлар оша такомиллашиб келган бадиий услуб ёзма адабиётга кўчиб ўз йўлини янги бир шаклда давом эттирди. Шу боис ҳам бошлаб бадиий ижод намуналарини ёзувга тушириш уқадар мушкуллик туғдирган эмас. Ёзувчи-ижодкорлар ҳам бошда оғзаки адабиёт услубидан кенг фойдаландилар. Қадимги туркий адабиёт намояндаларининг кўпроқ халқ ижодига эргашганлигининг боиси ҳам ана шунда эди.

Бадиий услуб, ёзма услубларнинг бошқа турларидан айри ўлароқ, бадиий тасвир воситаларининг кенг ишлатилиши, баён тарзи, стилистик ўлчовларнинг эркинлиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Масалан, бадиий матнларда нарсасоҳобчаларнинг таърифи берилганда уларнинг сифатлари кўшиб айтилган. Тўнчоқ битигида: *qizil qanım* – қизил коним, *qara terim* – қора терим. Ёки “Қутадғу билиг”да ерга, тупроққа *yağiz* (*yağiz yer* – бўз ер), тунга *qara* (*qara tün* – қаро тун), кундузга нисбатан *yarıq* сифати берилган (*yarıq kündüz* – ёруғ кундуз) ва б. “Ҳибату-л-ҳақойиқ”да: *örün yüz* – оқ (ёруғ) юз, *qizil eñ* – қизил юз. “Ўғузхоқон” достонида: *kök yarıq* – “кундек равшан ёруғ” дегани. Қиёсланг, бошқа бир ўринда: *kün-deg jarıq* – кундек ёруғ. Битигларда осмоннинг таърифи *kök* сифати билан (*kök täñri*), ер эса *yağiz* сифати билан (*yağiz yer*) қўлланилади.

Шунингдек, бадиий матн мақол ва иборалар, бадиий тасвир воситаларининг кенг қўлланилуви билан таъсирлидир. Матн услуби муаллифнинг ёки асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиришга, асарнинг бадиий-ғоявий таъсирини оширишга хизмат қилади.

Туркий халқлар оғзаки адабиётининг энг кўҳна намуналаридаёқ бадиий услубнинг характерли белгиларини кузатамиз. Қадимги турк эпоси “Ўғузхоқон” достони бунга ўрнак

бўла олади. Достон ажойиб бир услубда ёзилган. Ушбу достоннинг илдизи мелоддан бурунги чоғларга туташади. Достонда туркий халқларнинг қадим инончлари ўз аксини топган. Ушбу эпос юзйилликлар оша туркий халқларнинг дунёқараши, бадий тафаккури эткисида юксалиб келган. Достон ғояси ва сюжетининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда унинг услуби ҳам равонлашиб, сайқал топган.

Бадий услубнинг ихчам, аммо гўзал бир кўринишини халқ моқолларида кузатамиз. Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Уларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, борлик, тириклик ва кишилик тўғрисидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг кучи шундаки, у кишини тарбиялайди, тирикликнинг ўнқир-чўнқир, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, ноқаснинг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради. Мақоллар услубий ва бадий жиҳатдан мукамал бўлиб, халқ бадий тафаккурининг юксак маҳсулидир. Улар услуб жиҳатдан поэтик турга тенглашади.

Кўк турк битигларида, Турфон харобаларидан топилган эски қўлёзмаларда, илмий, тарихий ва адабий манбаларда, ўрни билан, қадимги халқ ўғитлари келтириб ўтилган. Қадимги турк отасўзларининг катта бир қисмини XI асрда яшаб ўтган улуғ тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида берган эди. Олим туркий сўзларнинг маъносини изоҳламоқ истагида улардан фойдаланган.

Мақол киши нутқининг беагидир. Мақолни ўрнида ишлата билганнинг сўзи таъсирли бўлади. Сўзамол, гапга чечан киши сўз орасида келтирган ажойиб отасўзи билан кўпнинг эътиборини ўзига торта олади. Шунинг учун ҳам ўтмишда мақолларга, уларнинг бадииятига катта эътибор қаратилган, асарларда эса бадийликни ошириш мақсадида улардан кенг фойдаланилган.

Ёзма услубнинг юзага келиши бадий услуб тарихидаги муҳим бир босқичдир. Туркий ёзма бадий услубнинг энг кўҳна, шунинг билан бирга, ўта ажойиб намуналарини биз кўк турк мангутошларида учратамиз. Битиглар улуг йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадий услубда баён этилган. Тарихий воқеалар миллий қаҳрамонлар образини, уларнинг идеал ҳаётини мадҳ этиш учун фон бўлиб хизмат қилади. Халқ миллий қаҳрамонларининг фаолияти бадий тилда ёритилади, муаллифлар турли бадий воситалардан фойдаланади. Матнларнинг ғоявий ва услубий хусусиятлари уларни бадий асар даражасига кўтарган. Битиглар тарихий асарларгина эмас, қадимги турк адабиётининг ажойиб намуналари ҳамдир.

Битиглардан ўрнаклар келтираамиз.

Tānri küç bertük ücün qañın qağan süsi bōri-tāg ermis, yağīsī qoñ-tāg ermis (Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан) (К.12). Битигларда хоқонларнинг улуг ютуқлари таърифланар экан, тангрининг қўллагани туфайли ана шундай ишлар амалга ошганлиги эътироф этилади. Бунда *tānri yarlıqaduq ücün* (тангри ёрлиқагани учун), *tānri küç bertük ücün* (тангри куч бергани учун) сингари иборалардан фойдаланилади. Ушбу жамлада тангри куч бергани учун хоқон кўшинининг куч-қудрати орта борганлиги таърифланиб, унинг жасур ва енгилмаслиги бўрига, душманнинг ожизлиги, бўйсинувчанлиги эса қўйга қиёсланмоқда.

Qırq artuqı yeti yolı sülāmis, yigirmi sünüs sünüşmis. Tānri yarlıqaduq ücün elligig elsirātmis, qağanlığığ qağansirātmis, yağığ baz qılmis, tizligig sökürmis, başlığığ yüküntür(mis) (Қирқ етти йўла лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан

айирган, ёвни эл қилган, тиззаси борни чўқтирган, боши борни юкунтирган) (К.15).

Yalañ bodunuğ tonluğ qiltim, čiğañ bodunuğ bay qiltim, az bodunuğ öküš qiltim (Яланг халқни кийимли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим) (Х.23–24). Хоқонлар халққа қилган яхшилиғи, эл фаровонлиғи йўлида олиб борган ишларининг таърифида, уларнинг қўл остида халқ тинч-осойишта, тўқ ва бой яшагани, халқ кўпайганини билдириб қўйиш учун ана шундай жумлалардан фойдаланган. Ёки Билга хоқон отаси Элтариш юртга эғалиги чоғида юз берган ўзгаришлар, халқнинг тўқ ва бой яшаганлигини эслаб “*Ol ödkä qul qulluğ bolmīs (erti)*” деб ёзган эди (қаранг: К.21). Бу жумла “Ўша чоғлар кулнинг ҳам кули бор эди” деган маънони билдиради.

Ёки миллий қаҳрамоннинг халқ тинчлиғи, фаровонлиғи йўлида тиниб-тинчимагани “Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим” (*Türük bodun ücün tün udimadim, küntüz olurmadim*) дея таърифланади (К.27).

Бошқа бир мисол: Qanij subča yügürti, söñükün tağça yatdı, beglig urı oğluñ qul boltı, silig qız oğluñ küñ boltı (Қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уюлиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди) (К.24). Ушбу жумлада Биринчи кўк турк хоқонлиғи кулаб, халқ ёв қўлида қолган чоғлар таърифланган. Унда турк халқининг босқинчилар сиқуви остида уқубатда қолгани, унинг қирилиб бораётгани таърифланиб, кишилар қонининг тўкилиши дарёга, суякларнинг уюми эса тоққа қиёс этилади. Ҳаракатнинг белгиси (гап бўлагига кўра ҳол) *subča, tağça* равишлари ёрдамида берилган. Кейинги жумладаги *urı oğul* – “ўғил бола”, *qız oğul* – “қиз бола”; эркакларга нисбатан – *qul*, хотин-қизларга нисбатан эса *kün* сўзи қўлланилган – у “жория”ни билдиради. Ушбу жумлада ўша кезлар туркнинг бегликка лойиқ йигитлари қул, сулув қизлари эса жорияга айлангани таъкидланмоқда.

Урхун битигларини текширган олимлар матнларнинг тузилиши тўғрисида икки хил қарашда: айримлар мазкур ёдномаларни шеърий асар деса, бошқа бирлари уларни насрий асар санайдилар. Битигларни насрда ёзилган деб қаровчиларнинг фикрича, жумлаларнинг шеърга хос бир оҳангда ўқилишига сабаб, уларда саждан кенг фойдаланганлигидир.

Таъкидлаш керак, урхун битиглари, хусусан, Кул тигин ва Билга хоқон ёдномаларининг тузилиши ўта мураккаб. Қадимги турк монументал матн тузиш анъанаси юксак даража такомил топганидан далолат беради. Матннинг баён шаклига келсак, у, асосан, насрда. Бирок, ора-орада шеърий бўлақлар ҳам жой олган. Муҳим тарихий ҳодисаларнинг кульминацион нуқталари, миллий қаҳрамонларнинг фаолияти, қилиқларига оид чизгилар шеър билан баён этилади (буни ўзбек халқ дostonларига қиёслаш мумкин). Ёдномаларнинг бу тарзда тузилганлиги уларнинг бадиийлигини янада оширган. Кул тигин битигининг сўнгида Билга хоқон тилидан айтилган марсия бунга ўрнакдир:

Kül tigin yoq ersär, qop öltäçi ertigiz. İnim Kül tigin kargäk bolti, özüm saqintim: körür közüm körmäz-täg, bilir biligim bilmäz-täg bolti, özüm saqintim. Öd täñri yasar, kisi oğlı qop ölügli tirimis. – Кул тигин бўлмаганда бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, ўзим алам чекдим: кўрар кўзим кўрмасдек, билар билимим билмасдек бўлди [яъни кўзимнинг нури кетди, эс-хушим оғди], ўзим алам чекдим. Тиригликни тангри белгилайди, киши ўғли ўлгучидир (Kb.10).

Бу шеър енисей битигларидаги қайғули йиғи мазмунини эслатади. Ушбу шеърий бўлақ битигда наср сингари қилиб битилган. Шунга кўра биз уни сатрларга бўлиб ўтирмадик.

Турк монументал матнлари ичида енисей битигларининг тузилиши ва услуби ўзига хос. Енисей битигларининг муҳим белгиларидан бири уларда матн ўликнинг ўз тилидан сўзланади. Мангутошларда марҳумнинг ўз яқинлари, ёруғ дунёдан айрилиқ дарди, ўкинчи баён этилади. Бу йиғиларни ўликлар нидоси

дейиш мумкин. Битигларда ундовлар, мунгли бир мазмун етакчи. Битиглардан ўрнак келтирамыз:

Yerimä, yïta, subuma, adiriltim. Buña, sizimä, yïta, bodunïma, künimä, qadašïma, adiriltim, bökmädïm. Elimä, qanïma, bökmädïm (E.11.4–5).

Матнда *yerim, subum, sizim, bodunim* сўзларига қўшилаётган *-a, -ä* қўшимчаси ҳаяжон, ундов, мунг, қайғуни таъминлашга хизмат қилади. Мазкур ундовлар матн оҳангдорлигини, ритмни белгилайди. Шунга кўра, юқоридаги матн парчасини ҳозирги ўзбекчага куйидаги тартибда ўгириш мумкин: “Ерим-а, эсиз, сувим-а, (баридан) айрилдим. Мусибат-а, сиз яқинларим-а, эсиз, халқим-а, уруғим-а, дўст(лар)им-а, (сиздан) айрилдим, (дийдорингизга) тўймадим. Элим-а, хоним-а, (сизга) тўймадим”. Ўзбек марсияларида, азада хотинларнинг айтиб йиғлашида бу ҳолат ҳозир ҳам бор. Масалан, оғзаки услубда: *balam-a* – “вой болам, болам-а”, *anam-a* – “вой онам, онам-а”, *atam-a* – “вой отам, отам-а” дегани.

Шу ўринда Означенная кишлоғидан топилган битигни ҳам ўқиб кўрайлик (Orkun 1987,573,575):

- 1) Qunčuyim, qadašim adiriltim. Bunta yağïqa kirdim.
- 2) Ökü, Čäkül tutuq sizimä adiriltim.
- 3) Elim, qanim sizimä adirildim. Altun keš adiriltim.

Мазмуни:

(1) Маликам, ўртоғим (сизларимдан) айрилдим. Бу ерда ёвга (қарши жангга) кирдим. (2) Ўку, Чакул тутуқ, сизларимдан айрилдим (3). Элим, хоним, сизларимдан айрилдим. Олтин кеш[ўқдон]имдан айрилдим.

Худди шундай оҳанг қадимги туркларнинг бошқа марсияларида ҳам кузатилади. Чунончи, “Олтун тусли ёруғ” сутрасида оға-ини тигинлар (шахзодалар) қиссаси берилган. Қиссада кенжа тигин тўқайда ҳалок бўлади. Бу мудҳиш воқеадан оғалар фарёд кўтарадилар. Шу жойда бир марсия берилган. Мана ўша шеър:

... ulidilar siğtadilar, uliyu siğtayu inča tip tidilär:

körklä köwsäk toğılığ inimiz / ertin küwazä!
ögkä qanqa / sewitmiš ertin qadaš-a!

nečükin yana / birgärü
birläkiyä ünüp üçägü /
negülük tittin özünin
bizni birlä / barmadin.

ögümüz qañimiz biziñä /
utru körüp ayıtsar,
biz ikägü negü / tep
ötünälim sözlälim?

ol yig bolğay / üçägü
birläkiyä ölsärbiz.
näñ / biziñä kergäksiz
bu et-özümüz tirigi.

(Оғалар) баланд ун билан йиғладилар-сиқтадилар, йиғлаб-
сиқтаб шундай дедилар:

Чиройли, одоб-ахлокли инимиз эдинг, ох ғуруримиз,
Ота-онамизнинг орзули боласи эдинг-ку, қариндош-а.
Нечунким яна учовимиз бирга униб ўссак эди,
Сен нима сабабдан ўз жонингдан кечдинг?

Биз билан бирга қайтмасанг, отамиз, онамиз бизни кўриб сени
сўраса, биз нима деб жавоб берамиз?

Ундан кўра учовимиз бирга ўлсак бўлмасмиди? Энди бизга бу
жонимиз тириклигининг нима кераги бор? (АҲар.277).

Оғалар уйларига бориб шум хабарни ота-оналарига
айтганларида, ота-оналари ҳам айтиб йиғладилар. Улар айтган
марсия мана бундай:

Ötrü iliglärin örü kötürüp ulıyu sıqtayu inčä tip taqşurtılar:
Ne ada erti adayım,
körkläkyä / ögüküm,

Ölmäk emgäk nečükin
öñrä / kelip erttürti.

Sintidä öñrä / ölmäkig
bulayın i künkiäm.
/ Körmäyin erti munī-teg
uluğ açığ / emgäkig.

(Кейин (она ва оталари) кўлларини баланд кўтариб, йиғлаб-
сиқтаб шундай шеър айтдилар:

Не бало эрди тойчоғим,
ушоккина қўзим,
ўлим азоби нима учун
эрта келиб, олиб кетди.

Сендан бурун ўлсам
бўлмасмиди, қуёшим?
Кўрмайин эрди мунингдек
улуғ аччиқ азобни) (AҮar.281).

Муҳим жиҳати шундаки, қадимги шеърий матнларнинг айримлари ёзувда мисраларга ажратиб эмас, насрий матн сингари ёзилган. Буни қадимги турк муҳитида кўчирилган бошқа матнларда ҳам кузатамиз. Жумладан, “Ўғузхоқон” достонида кечган шеърий парчалар матнда мисра ва бандларга ажратмай ёзилган. Тошга битилган урхун ва енисей матнларини кузатганда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз.

Қадимги турклардан қолган дostonлар, шеърий асарлар, халқ ижоди намуналари бадиий услубга мисол.

“Ирқ битиги”нинг услуби қадимги туркий тилда бадиий услубнинг ниҳоятда пухта ишлаб чиқилганига ўрнак бўла олади. Асарда яхшиликка йўйилувчи таъбирлар *anča bilinlär, edgü-ol / anča bilin, edgü-ol / anča bil, edgü-ol / edgü-ol*; ёмонликка йўйиладиганлари эса *anča bilinlär, yablaq-ol / anča bilinlär, yabiz-ol* жумлалари билан тугайди. Жумлалар ўта аниқ ва лўнда; узоқ

такомиллашиб қиёмига етган равон бир услубда. Мисолларга эътибор беринг:

Bir tobılqu yüz boltı, yüz tobılqu miñ boltı, miñ tobılqu tümän boltı, ter. Anča bilinlär: asıǵı bar, edgü-ol (Бир тўбилку юз бўлди, юз тўбилку минг бўлди, минг тўбилку ўн минг бўлди, – дер. Шундай билинглар: бунинг фойдаси бор, (белгиси) яхшидир).

Qan sükä barmış, yaǵıǵ sančmıš, köçirü, qonturu kelir. Özi, süsi öǵirä sebinü ordusınaru kelir, ter. Anča bilinlär – edgü-ol (Хон жангга борди, ёвни енгди. Кўчириб, қўндириб қайтмоқда. Ўзи ва лашкари севиниб ўрдаси томон келаётир. Билиб қўйинг – бу яхши).

Adıǵlı toñuzlı art üzä soqušmıš ermiš. Adıǵıñ qarnı yarılmıš, toñuzıñ aزیǵı sınmıš, ter. Anča bilin – yablaq-ol (Айиқ ва тўнғиз қоя устида тўқнашдилар. Айиқнинг қорни ёрилди, тўнғизнинг озиқ тиши синди, – дер. Буни билинг – ёмондир).

Eki öküzüg bir boqarsıqa kelmiš. Qamsayu umatın turur, ter. Anča bilin – yablaq-ol (Икки хўкизни бир омонча қўшдилар. Уларнинг юришга мажоли йўқ, – дер. Шундай билинг – бунинг белгиси ёмон).

Буларнинг бари қадимги турк адабий тилида бадий услуб ўлчовлари пухта ишлаб чиқилганидан далолат беради.

“СУТРА УСЛУБИ”

Ёзма ёдгорликлар ичида диний-фалсафий асарларнинг услуби ҳам ажралиб туради. Диний асарлар услуби туркий халқларнинг буддизм, монийлик динларига сиғина бошлаган даврлар, туркий мухитда будда, моний мазмунидаги асарларнинг яратила бошлаши билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Шулардан бири, будда мазмунли асарларга хос бўлган “сутра услуби”дир.

Sutur~sudur атамаси санскритчадан ўзлашган бўлиб, буддизм таълимотини баён этувчи адабий, диний-ахлоқий асарларни билдиради. Биз атаётганимиз “сутра услуби” туркий ёзма-бадий услубининг бир тури, будда диний-фалсафий асарлари учун

хосланган бир услуб бўлиб, будда бадий адабиётининг баён тарзидир.

Буддизм даврида Шарқ халқларининг адабий алоқалари кучайди, таржима адабиёт янги босқичга кўтарилди. Ўша кезлар туркий тилга санскрит, тохар, суғд, хитой тилларидан кўплаб будда асарлари таржима қилинган. Муҳими, ана шу адабий алоқалар эткисида туркий адабиётда янги жанрлар юзага келди, кўк турк ёзма адабиётидан айрича ўларок, диний қонунларни баён этувчи йирик воқеабанд асарлар яратила бошлади. Бадий адабиётдаги ушбу жараён ёзма адабий тилда янги бир услубнинг юзага келувига олиб келди: туркий тилнинг узоқ асрли анъаналари негизида будда асарларигагина хос бўлган, ўзига яраша янги бир услуб шаклланди. Буни шартли равишда “сутра услуби” деб аташимиз мумкин. Ўша чоғларнинг диний қонунларни баён этувчи адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубда. “Майтри симит нўм битиг”, “Олтун тусли ёруғ”, “Сюань-цзан кечмиши” сингари асарларнинг услуби бунга мисол.

“Сутра услуби”нинг ўзига хослиги, биринчи галда, диний-фалсафий асарларда учровчи атамалар тизимида кўзга ташланади. Будда асарларида диний атамалар тизими пухта ишлаб чиқилган. Атамаларнинг катта бир қисми матн талаби билан санскрит ва асар таржима қилинаётган бошқа тиллардан ўзлашган. Муҳими, будда асарларида туркий тилда бурундан қўллаб келинаётган туркий сўзлар ҳам атама вазифасида қўлланилиши мумкин. Шунингдек, “сутра услуби”да чет тилдан олинган тайёр жумла, бирикмалар ҳам учраб туради.

“Сутра услуби”да битилган матнлар ўзининг бадийлиги, тасвир воситаларининг усталик билан ишлатилгани, баён шаклининг раво ва аниқлиги билан ажралиб туради. Будда матнлари қадимги турк бадий адабиётининг сара намуналари қаторидан жой олган. Мисол сифатида “Олтун тусли ёруғ” сутрасига киритилган “Тигин ва тиши барс қиссаси”даги элиг хон таърифига бағишланган бир жумлани кўриб чиқамиз:

Ol yemä Maxaradi elig xan ertiñü uluğ, bay barımlıǵ, tsanları aǵılıqları ĭ tariğ, ed tawar özä tolu, alp atım sülüg küçinä tükällig, törtin sıñar yer orunuğ iymiş basmıš, öküşkä ayatmıš aǵırlatmıš, ürük uzatı köni nomča törüčä başladaçı, imärigmä qamağ bodunın qarasın ašmıš üklitmiš, qoptın sıñar yaǵısız yawlaqsız erti (AYar.270).

Ушбу жумлада бадий услубнинг характерли белгилари кўзга яққол ташланади. Бир жумланинг ўзида сўзларни жуфтлаш орқали янги-янги маънолар ҳосил қилинмоқда. Қадимги туркий тилда кенг амал қилган ушбу усул матн бадийлигини, унинг ўқишли бўлишини таъминлайди. Шу ўринда янги маъноларни юзага чиқарувчи жуфтликларни бирма-бир кўриб чиқайлик. Сўзларнинг жуфт ҳолда англатаётган маъноларига эътибор беринг: *bay barımlıǵ* – биргаликда “бой-бадавлат, давлатманд” маъносини беради; *ĭ tariğ* – ĭ сўзи қадимги туркийда “ўсимлик”, *tariğ* билан жуфт ҳолда қўлланилиб, “дон-дун” маъносини беради; *ed tawar* – “мол-мулк” дегани; *alp atım* – *alp* – “алп, баҳодир”, *atım* – “мерган”, биргаликда “шавкатли” маъносини беради; *yer orun* – биргаликда “эл, мамлакат” маъносида; *iŷ- bas-* “хукумронлик қилмоқ” маъносида; *ayat- aǵırlat-* “кўпнинг хурматини қозонган” дегани; *ürük uzatı* – “узоқ, узоқ замонлар” маъносида; *nomča törüčä* – *nom* – “қонун, қоида”, *törü* – “сиёсат”, биргаликда “қонун-қоидалар асосида, адолат билан” маъносини беради; *bodun qara* – “авом, халқ” англамида; *aš- üklit-* “халқни оширган, кўпайтирган” дегани. Қадимги туркий адабиётда ҳоконларнинг элсеварлиги, унинг қўл остида халқ тинч яшаб, ўзидан кўпайганлиги таърифланганда шунинг сингари сўзлардан фойдаланилган; *yaǵısız yawlaqsız* – *yaǵı* – “ёв”, *yawlaq* – “ёвуз”, жуфт ҳолда “ёвсиз-ёвузсиз” деган маънони англатади. Бу бирикма адабиётда ён-веридаги эллар билан тотув яшаган ҳоконлар таърифида келтирилади.

Жуфт сўзларнинг юқорида келтирилган маъноларига таяниб, юқоридаги матнни ҳозирги тилимизга ўгириб кўрамиз. У шундай бўлади: “Ўша Махаради элиг хон беҳад улуғ, бой-бадавлат, омбору хазиналари дон-дун, мол-мулкка тўла, алпу мерган, кучли

черикка эга, тўрт томондаги элларни ўзига бўйсундирган, кўпнинг хурматини қозонган, узоқ йиллар адолатли сиёсат юритган, бўйсунган барча элларнинг халқини кўпайтирган, ён-вери бутунлай ёвсиз-ёвузсиз эди”.

Матндан узилмай, кейинги жумлани ўқиймиз: *Ol antağ osuğluğ çoğluğ yalınliğ küçlüg küsünlüg elig xannīn uluği xatunīnta toğmīš körgäli sewiglig, körklüg meñizlig üç oğlanī erti* (AҲar.270).

Ушбу жумлада: *чоғлуғ yalınliğ* – жуфт ҳолда “куч-қудратга эга” маъносини беради; *küçlüg küsünlüg* ҳам аввалги бирикманинг синоними. Бари биргаликда, уюшиқ ҳолда “шавкатли, чексиз куч-қудратга эга” деган маънони беради; *körklüg meñizlig* – асли “чиройли” маъносида, лекин сўз йигитлар тўғрисида бораётгани учун уни “истараси иссиқ” деб ўгирганимиз яхши. Ана шуларни инобатга олганда жумланинг маъноси қуйидагича бўлади: “Ана ўшандайин шавкатли, чексиз куч-қудратга эга бўлган элиг хоннинг катта хотинидан туғилган кўхли-суюкли, истараси иссиқ уч ўғлони бўлар эди”.

“Сутра услуби”да сутраларгина эмас, буддизм муҳотида яратилган бошқа жанрлардаги асарлар ҳам яратилган. Шу ўринда буддизм муҳотида яратилган “Оға-ини тигинлар қиссаси”дан олинган (АТ.283) қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрайлик:

Tigin inčä tep ötünti: Luu xanlarīnta Čintamani erdāni bar-kim, ülüglüg qutluğ kiši ol erdāni bulsar, qamağ tīnliğlarqa asiğ tusu qīlur. Anī üçün taluyqa kirigsäyür-men, – tep ötünti.

Биринчи жумладаги *ötünti* – “ўтинди, ёлборди” дегани. Бадиий асарларда, баён тарзи, одатда, сўзнинг кимга қаратилаётганига боғлиқ ҳолда танланади: сўз хонга қарата айтилаётган бўлса, одоб юзасидан *ötünti*, хоннинг сўзи бўлса, *yarliğ yarliqadi* ёки *yarliqadi* дейилади. Бу ўринда тегин отаси хонга ёлборапти, шунинг учун *ötünti* сўзи қўлланилган. Кўчирма гапдаги *ülüglüg qutluğ* – жуфт сўз, “омадли, бахти қулган” деган маънони беради. Кейинги гапдаги *tīnliğ* – “тин олувчи, жонзод”, *qamağ tīnliğlar* – “барча жонзодлар” дегани. Ундан кейинги жумладаги *taluyqa kirigsäyür-men* – сўзма-сўз “денгизга киришни истайман” дегани. Бу ўринда

денгизнинг қуруқлик билан қуршалгани кўзда тутилган ҳолда *денгизга кир-* (*taluyqa kir-*) ибораси ишлатилган. Ҳозирги ўзбекчада эса денгизнинг кенглигини кўзда тутган ҳолда *денгизга чиқди* дейилади. Матнни ўғирганда ҳозирги тушунчадан келиб чиққан маъкул.

Таъкидланганлар асосида матнни ҳозирги ўзбекчага қуйидагича ўгириш мумкин: “Тегин шундай деб ўтинди: “Аждар хонлигида Чинтамани отли жавоҳир борким, бахти кулган киши ўша жавоҳирни топиб келтирса, бари жонзодларга фойда қилур. Шунинг учун денгизга чиқишни истайман”, – дея ўтинди”.

Маънони боғлаш учун ўша ердан матннинг давомини ўқиймиз: *Ol ödün qaṇī xan yarliḡ yarliqadi: Kim taluyqa barayin tesär, kiriṅlär, oḡlum tiginkä eš boluṅlar. Ne kergäkin barča bergäy-biz. Kim yerči suwči, kemäči bar ersär, yemä kelzün. Tiginig asan tükäl kelürzünlär.*

Бу матнда *денгизга кир-* (*taluyqa kir-*) деб эмас, *денгизга бор-* (*taluyqa bar-*) деб ишлатилган. Бунда ҳаракатнинг айни нуктадан кетиш ҳолати кўзда тутилган. Яна хоннинг ёрлиғида жамоага қарата *kiriṅlär* дея буюрилмоқда. Бунинг билан жасур кишилар хон қошига, саройга кириши кўзда тутилади. Матндаги *yerči* – “йўлни билувчи, йўл кўрсатувчи”, *yerči suwči* эса “денгизда йўл кўрсатувчи” дегани; *kemäči* – ҳозирги тушунчамиздаги “капитан”га тўғри келади. Кейинги гапдаги *asan tükäl kelürzünlär* жумласидаги *kelürzünlär* (келтирсинлар) буйруғининг ўзида “олиб бориш ва қайтиш” маъноси жамланган, шунинг учун бу бирикмани “эсон-омон олиб бориб келтирсинлар” деб талқин қилмоқ керак.

Шуларга таяниб матнни ҳозирги тилимизга қуйидагича ўгираимиз: “Ўша кезде отаси хон элга ёрлиқ берди: “Кимки денгизга борайин деса, қошимга киринглар, ўғлим тегинга эш бўлинглар. Нима керак бўлса, барини бергаймиз. Ораларингизда денгизда йўл бошловчи, кемачи бор бўлса, у ҳам келсин. Тегинни эсон-омон олиб бориб келтирсинлар”.

Матннинг давоми:

Ötrü bu yarlıġ eşidip, biş yüz satıġçı eränlär terilip, içgärü ötüg berdilär: Qamaġın edgü ögli tiginkä qulluġ barır-biz. Ölsär, birlä ölür-biz, kelsär, birlä kelir-biz, – tep ötüg berdilär.

Мыаллиф гапидаги *ötüg berdilär* – “арз қилдилар” дегани (*ötüg* – хужжатчиликка тегишли атама; *ötüg bitig* – матнга нисбатан қўлланилиб, “ариза”ни, *ötüg ber* – нутққа нисбатан қўлланилиб, “арз қил-” маъносини беради). Кўчирма гапдаги *edgü ögli* – “эзгу ниятли”, *qulluġ barır-biz* – сўзма-сўз “қул бўлишиб борамиз”, лекин бу ўринда “унга хизмат қилишиб борамиз” дегани бўлади.

Матннинг маъноси шундай: “Сўнг бу ёрлиғни эшитиб, беш юз жасур эрлар териблиб, саройга арз билан келдилар: “Ҳаммамиз бир бўлиб эзгу ниятли тегинга хизмат қилишиб борамиз. Ўлса, бирга ўламиз, соғ қайтса, бирга қайтамиз”, – дея арз қилдилар”.

Матнни ўқишда давом этамиз:

Ol ödün Baranas ulušta bir edgü alp yerçi suwçı bar erti. Qaç qata taluyqa kirip, beşär yüz erin barıp, asan tükäl kelmiş erti. İnçip sekiz on yaşayur, qarī erti, yana iki közi körmäz erti. Ol beş yüz er qamaġun ol körmäz yerçikä ötüntilär. Ol ödün tigin özi barıp, qolın yetip, içgärü qañı xan tapa kigürdi. Qañı xan inçä tep yarlıqadı: Bir-kiä amraq oġlumın siziñä tutuzur-men, asan tükäl kelürün, – tep yarlıqadı.

Мазмуни: “Ўша чоғда Баранас мамлакатада яхши бир алп, сувда йўл кўрсатувчи бўлар эди. Қанча бор денгизга чикиб, беш юз эр билан бориб, эсон-омон келмиш эрди. Шундай қилиб, саксон ёшга чикқан, қари эрди, яна икки кўзи кўрмас эрди. Ўша беш юз киши ҳаммалари бир бўлишиб ўша кўр йўл кўрсатувчига ўтиндилар. Ўшал замон тегиннинг ўзи бориб, унинг қўлидан етаклаб, саройга, отаси хон қошига олиб келди. Отаси хон шундай дея ёрлиқ берди: “Биргина қадрли ўғлимни сизга топшираяпман, уни эсон-омон олиб бориб қайтинг”, – дея ёрлиқ берди”.

Яна бир жиҳати, “сутра услуби”да яратилган асарларда турли бадийий воситалар, матннинг баён тарзи ҳам буддизм тушунча-қарашлари билан уйғунлашиб кетади. Ўрнак сифатида “Оға-ини

тигинлар қиссаси”дан олинган, юқорида келтирилган матннинг давомида турувчи қуйидаги матнни кўриб чиксак:

Ötrü ol awiçğa iğlayu xanqa inča tep ötünti: Tāñrim, ne muñ taq bolti-kim, antağ tāñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yerinā idur-siz? Ol taluy suwı ertinü qorqinčig adaliğ-ol. Öküš tñliğlar barip, ölüglär bar; barsar yarağay-mu? – tep ötünti (AT.283).

Ушбу матндаги энг характерли саналган, бадий тасвир воситалари будда қарашлари билан уйғунлашиб кетган *Tāñrim, ne muñ taq bolti-kim, antağ tāñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yerinā idur-siz?* жумласига эътибор беринг. Жумла бошидаги *tāñrim* – тангрига илтижо, “эй тангрим” деган маънони беради; *muñ taq* – жуфт сўз, “қайғу-алам, мусибат” дегани; *tāñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni* бирикмасидаги *ögükünüz* – тегинга нисбатан қўлланилиб, “энг суюкли кишингиз, жигарбандингиз” деган маънони билдиради. Муҳими, унга нисбатан *tāñri-teg, erdäni-teg* (*тангридек, жавоҳирдек*) сифатларининг берилаётганида. Буддизм фалсафасида *erdäni* – қутлуғ тушунча (“уч жавоҳир” ҳам шундан); яна матнда шахзоданинг тангрига қиёсланаётгани қизиқ; буддизм тушунчасида тангри – бу “Будда”; кимсани *tāñri-teg* дейилганда “Буддадек покиза” деган маъно келиб чиқади. Ҳозирги ўзбек тилида бунинг ўрнида *фариштадек* сифати юради: *фариштадек онам, фариштадек боланг* сингари.

Энди юқоридаги матнни қуйидагича ўгирамиз: “Сўнг ўша қария йиғлаб, хонга шундай дея ўтинди: “Тангрим, не мусибатким, шундай фариштадек, жавоҳирдек жигарбандингизни ўлим ерига юборяпсиз? Ўшал денгизнинг суви ўта кўрқинчли, ваҳималидир. Кўп кишилар бориб, ўлиб кетади, ўғлингиз борса, ярайдими?” – дея ўтинди”.

Яна бир жихати, будда муҳитида яратилган насрий матнларгина эмас, шеърий асарлар ҳам “сутра услуби”да ижод қилинган. Будда шеърлари матнларнинг ўзида *küg, taqšut, küg taqšut, šlok, padak* атамалари билан қайд этилган. Буларнинг ҳар бири қадимги турк шеъриятининг ўзига хос турлари бўлиб, матн тузилиши, қаторлардаги бўғинлар сони, қофия тизими, ритми

билан ажралиб туради. Бироқ уларни ҳозирги ўлчовлар билан ўлчамаслик керак. Улар қадимги туркий поэтик услубининг талаблари, ёзма адабий тил меъёрларидан келиб чиққан ҳолда юзага келган. Ҳатто қофия тизими ҳам айрича. Қадимги турк шеърларида сатрбоши қофия тизими амалда бўлиб, етакчи ритмни ҳам ана шулар таъминлайди.

Қадимги турк диний-фалсафий асарларини битишда шаклланган ва муқом бир қолипга тушган адабий тил анъанаси диний асарлар тилида асарлар оша сақланиб келди.

МОНИЙЧИЛАРНИНГ ЎТИНЧИ “ХУАСТУАНИВТ” ВА УНИНГ УСЛУБИ

“Хуастуанивт” монийлик динининг ўтинчидир (нашрларига қаранг: Малов 1951,108–130; Дмитриева 1963; Sodiqov 2009(b),318–331). Асарнинг оти матнда *N(i)ğošaklarniñ suy'ın yazuq'ın öküngü Huastuan(i)vt* деб берилган. Ушбу жумладаги *niğošak* – суғдчадан ўзлашган бўлиб, “тингловчи” маъносини англатади, у моний диний жамоасида қуйи даражани билдирган; *suu yazuq* – жуфт сўз, “гуноҳлар, ёзуқлар” деган маънони билдиради; *öküngü* эса ҳозирги “ўкинув, тавба қилув” сўзига тенг. Шунга кўра, ушбу жумладан “Ниғўшакларнинг ёзуқларлардан ўкинувчи “Хуастуанивт” деган маъно келиб чиқади.

“Хуастуанивт”нинг туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида. Қўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлин фондларида сақланмоқда.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölüg* дейилган. Ҳар қайсиси муайян масалага бағишланган. Матнда, ҳатто унинг кўчирилув жараёнида асарнинг тузилишига алоҳида урғу қаратилган. Уйғур ёзувли матнда жумлалар қўш нуқта (..), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (.. ..) билан ажратилган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *ücünc, törtünč, bişinč, altinč, yitinč, säkizinč* ва б.

Қўлёзма сўнгида, асар тугандан кейин, уни кўчирган котиб ва тавбаноманинг тугаганлиги тўғрисидаги қайд ёзиб қўйилган:

Bütürmiş Tarhan. Tügädi n(i)ğošaklarınñ suyın yazuqın öküngü Xuastuan(i)vt. – (Матнни) тугаллаган Тархон. Тугади ниғўшакларнинг ёзуқлардан ўкинув китоби – “Хуастуанифт” (Huast.159–160).

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишда ёзувнинг хос бир услуби танланган. “Хуастуанифт”нинг хати ҳам ўта чиройли, уйғур ёзувининг классик услубидадир.

“Хуастуанифт” ниғўшаклар ичида ёлғиз ҳолда ҳам, жамоа бўлиб ҳам ўқилган. Фанда бу асарни таржима деб қарайдилар. Асарнинг кунимизга қадар сақланиб қолган нусхалари орасида матний жиҳатдан катта фарқ йўқ. Бу жиҳати, асарни қадимги туркий тилга бир киши таржима қилган, қолган нусхалари эса ана шу таржима асосида яратилган, деган хулосага олиб келади.

“Хуастуанифт” – моний инончига сиғинувчиларнинг (ниғўшакларнинг) билиб-билмайин қилган ёзуқ-гуноҳлари учун тангридан ўтинувидир. Топинувчилар кўнглидаги инжа туйғуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун таржимон ниҳоятда гўзал бир бадий услубни қўллаган. Матн услуби таржимоннинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан белги бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсирчанлиги, топинувчи кўнглининг туб-тубидаги туйғуларга (қадимги турк адабиётшунослигида буни *berk qatig saw* деб аталган) айрича урғу берилган. (Буни ислом даврида яратилган муножотларда ҳам кузатамиз). Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиётида ёзма бадий услубнинг бир кўриниши сифатида “ўтинч” ёки, жанрга нисбатан қўллайдиган бўлсак, “ўтингу”, яъни “тавбанома услуби”нинг юзага келувини таъминлаб берди.

Бошқа бадий асарлардан фарқли ҳолда, асар бўлимларининг муайян бир қолипи бор. Асар бўлимларини тузилиши, моҳиятига қараб бир қанча бўлақларга (компонентларга) ажратиб ўрганишимиз мумкин. Бу жиҳати ҳам биз атаётганимиз “ўтинч услуби”нинг хос бир услуб эканлигига ишорат.

Асарнинг бадийлигини тасаввур этмаклик учун еттинчи бўлимидан олинган қуйидаги узиндига эътибор беринг: *Näčä yañilu yüküntümüz ärsär, näčä yañilu buşı birdimiz ärsär, yämä buyan bögtäg qılur-biz tip yañilu, näčä ayığ qılınč qiltimiz ärsär, yämä yäkkä içkäkkä täñri tipän, tınliğağ turaliğağ ölürüp yüküntümüz ärsär, yämä burxan tipän igid nomqa tapintimiz uduntumuz ärsär, qut qolu yüküntümüz ärsär, täñrikä yazınip, yäkkä tapintimiz ärsär, täñrim, amtı ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz* (Қанча янглишиб, топинган бўлсак, қанча янглишиб эҳсон қилган бўлсак, яна савоб ишлар қиламиз деб, янглишиб, қанча ёвуз ишлар қилган бўлсак, яна шайтону иблисларга тангри дебон (уларнинг ҳақиға) тирик жониворларни ўлдириб, топинган бўлсак, яна бурхон деб сохта ақоидга топинган, инонган бўлсак, (улардан) қут тилаб юкунган бўлсак, тангрига ёзуқ қилиб, шайтонга топинган бўлсак, тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз) (Huast.62–69).

Матн услубининг энг характерли қирралардан бири унинг бадийлиги, ниҳоятда таъсирлилигидир. Аввало, жумлаларнинг тузилиши, баён тарзида муайян бир оҳанг бор. Бунинг аломатини ҳатто ёзув хусусиятида ҳам кузатиш мумкин. Ҳаттоки жумлалар орасидаги қўшалок нуқталари ҳам бежизга эмас, матн қироати учун ишлайди. Шунингдек, уюшиқ бўлакли гаплар, кесимларнинг бир қолипдаги қайтариғи, синтактик параллелизмлар, аллестерацион бирликлар – қўйингки, бутун матн тузилиши ана шу ритми, матннинг жозибали ўқилишини таъминлашга хизмат қилади.

Асар услубининг яна бир жиҳати, ёзма адабий тилнинг архаик, классик ўлчовларини ўзида яхши сақлаганида. Сўзларнинг ёзилиши, талаффузи, лексик, морфологик, синтактик-стилистик хусусиятларида туркий тилнинг эски ўлчовларини кузатса бўлади. Муҳими, кейинчалик моний диний мазмунидаги асарларни кўчиришда ҳам ўша эски замонларда ишлаб чиқилган ўлчовларга амал қилинаверган.

Бадийликни таъминлаш, асар таъсирини ошириш, маънони кучайтириш мақсадида ёзма адабий тилнинг турли воситаларидан фойдаланилган. Бири – сўзларни жуфт ҳолда қўллаш усулидир. Бу нарса маънони кучайтириш, бадийликни таъминлашгагина эмас, ўша жуфтликлар қўмагида янги маънолар яшашга ҳам хизмат қилади. Сўзларнинг бунингдек жуфт ҳолатда кенг ишлатилганини бошқа асарларда учратмаймиз. Айниқса, ҳаракат ва ҳолат баёнида бу усулнинг ўрни ва аҳамияти яққол сезилиб туради: кишиларнинг ёруғ дунёдаги қилмишлари, эзгу ва ёвуз амаллари таърифланар экан, феъллар *qorqitdimiz ўrkitdimiz* (қўрқитиб хурқитдимиз), *urtumuz yontumuz* (уриб азобладимиз), *açitdimiz ağırtidimiz* (ранжитдимиз), *yazintimiz yañiltimiz* (ёзуқ қилдимиз, янглишдимиз), *tapintimiz uduntumuz* (топиндимиз, инондимиз), *äksütümüz käreğätimiz* (зиён етказдимиз), *töktümüz saçtımız* (тўкиб сочдимиз) шаклларида берилади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, белгисининг таърифи ҳам, ўрни билан, айна усулда берилади: таржимон таъсирли, бадий шаклда ифодалаш учун ҳаракат тарзини *ädgüti tükäti* (яхши ва тугал), *ädgüti ariiti* (эзгулик билан, покизалик билан), *ärinip ärmägürüp* (эриниб), *ärkligin ärksizin* (билиб-билмайин) сингари шаклларда қўллайди.

От туркумига кирувчи сўзлар ҳам баъзан жуфт ҳолда берилади. Бу усул, ўз ўрнида, янги маъно ифодалашга ҳам хизмат қилган. Масалан, *äw* – “уй”, *barq* ҳам “уй”. Матнда *äwkä barqqa* дейди, бу “уй-жойга” деган маънони беради. Ёки яна: *yilqıqa barımqa* (мол-мулкка), *işkä ködügkä* (юмушга), *köñülümüzni saqinčimizni* (қўнглимизни, ўй-фикримизни) сингари.

Матнда ҳатто иш-ҳаракатнинг миқдори таърифланганда-да, аниқ эмас, бадийлик талабидан келиб чиққан ҳолда, чамани англатувчи *näčä* олмошидан фойдаланилади (*näčä sidimiz* (неча синдирдимиз), *näčä yazintimiz* (неча гуноҳ қилдимиз), *näčä qorqitdimiz ўrkitdimiz* (неча қўрқитдимиз) сингари).

Жумлаларнинг тузилиши ҳам жанр талаби, асар моҳиятига мос. Масалан, билиб-билмайин йўл қўйилган гуноҳлар бирма-бир

саналар экан, жумлалар кўпинча сабаб эргаш гапли қўшма гаплардан тузилади. Бунда эргаш гапнинг кесими (-*dīmiz*, -*dimiz* / -*tīmiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz*) *ärsär*, бош гап эса -*dīmiz*, -*dimiz* / -*tīmiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz* қўшимчаси билан қўлланилади. Масалан: *Bu biş türlüg tñliġaġ turaliġaġ, uluġqa kičigkä tägi näčä qorqıtdımız ürkitdimiz ärsär, näčä urtumuz yontumuz ärsär, näčä açıtdımız aġrıtdımız ärsär, näčä ölürdümüz ärsär, munča tñliġqa turaliġqa öz ötäġci boltumuz* (Бу беш хил мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб ҳурқитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган бўлсак, қанча ўлдирган бўлсак, шунча жонзодга қарздор бўлдик) (Huast.35–39).

Матн компоненти билан боғлиқ ҳолда баъзи жумлалар пайт ёки натижа эргаш гапли қўшма гап кўринишида. Бундай ҳолларда эргаш гап кесими пайт ёки сабаб муносабатини англатувчи сўзлардан, бош гап эса ана шу чоғда ёки шунинг натижасида юз берган воқеа-ҳодисани англатади; унинг кесими -*dīmiz*, / -*tīmiz*, -*timiz* / -*tumuz* қўшимчаси билан қўлланилади: *Kirtü täŋrig, ariġ nomuġ biltügümüzä, baru: iki yiltizig, üč ödki nomuġ biltimiz, yaruq yiltizin, täŋri yirin, tünäriġ yiltizin, tamu yirin biltimiz* (Ҳақиқий тангрини, чин қонунларни англаб етганимизда икки асосни, учала замонга тегишли қонунни билдик. Ёруғликнинг асосини, тангри ерини, зимистоннинг асосини, дўзах ерини билдик) (Huast.69–72).

Асарда мунтазам қўлланувчи, жанр билан боғлиқ ўлароқ шаклланган, қолипга тушган жумлалар ҳам бор. Чунончи, асар бўлимлари *Täŋrim, yazuqda boşunu ötünür-biz* (Тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз), *Täŋrim, amtī yazuqda boşunu ötünür-biz* (Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз), *Amtī, täŋrim, yazuqda boşunu ötünür-biz* (Энди, тангрим, ёзуғимизни кечиргин дея ўтинурмиз), *Täŋrim, amtī ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz* (Тангрим, энди ўқинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз) ёки *Anī üčün, täŋrim, qor yazuqda boşunu ötünür-biz* (Шунинг учун, тангрим, бутунлай ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз)

жумлалари билан охирлайди. Шундан сўнг *Manastar qirza* ёки *Manastar xirza* [моний ёзувли нусхаларида *Manastar xirza~Manastar xirz*] дуоси келади. Ушбу дуо кўриниши ўртанча эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангридан “Ёзуғимизни кечиргайсан!” [*Mnastar hirz-a*] дея қилинган илтижони англатади. Уни таржима қилмай, аслидай қўллаш монийчи туркларда русум бўлган.

Юқоридаги мулоҳазалар туркий ёзма услублари тарихида “ўтинч услуби”нинг ҳам характерли ўрин эгаллаганини кўрсатади.

ХУЖЖАТЛАР УСЛУБИ

Расмий услубнинг келиб чиқиш тарихи ёзувнинг яратилиши, шунингдек, жамият ўртасида расмий-хукукий муносабатларнинг юзага келиши, давлатчилик тарихи билан боғлиқдир. Давлат ташкил топгандан кейин иш юритиш ва расмий хужжатчилик соҳаси ҳам юзага келди.

Давлат бошқарув ишларида ёзувнинг тутган ўрни тўғрисида Юсуф Хос Ҳожиб шундай битган эди:

Eđi keđ keräklig turur bu bitig,

Bitig birlä beglär etär el etig. –

Бу ёзув жуда ҳам кераклидир. Беклар ёзув билан элни идора этадилар (QB.2662).

Ёки бошқа бир ерда ёзувнинг бошқарув, кириш-чиқим ишларида етакчи эканлигини таъкидлаб ёзади:

Qamuğ el işin barča etgän bitig,

Bitigin tutar el kirişin tetig. –

Эл ишининг барини хат изга солади. Тетиклар эл киримини ёзув билан қўлга оладилар (QB.2667).

Расмий услубнинг тарихи ёзма ёдгорликларда қўлланган матн билан боғлиқ атамаларнинг луғавий маъносида ҳам ўз изини қолдирган. Масалан, энг эски туркий ёзма ёдгорликларда *bitim*

деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti*- “ёз-” феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра, ёзма ҳужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу ҳужжат турининг эскилигига далолат қилади.

Бундан ташқари эски битигларда *yarliq~yarliḡ* сўзи ҳам бор. Ушбу атама асли “тангрининг ёрлиғи, буйруғи, ҳукми” маъносини англатган. Битигларда *Tānri yarliqasu* деган тилак-дуо тез-тез учраб туради, бу “тангри ёрлиқасин; тангри буюрсин; тангрининг буйруғи ана шундай бўлсин” деганидир. Ёки *Ūzä tānri yarliqadī* дейилади. Бу “юқорида тангри ёрлиқади; кўк-тангри шуни буюрди; кўк-тангри шуни истади” деган маъноларни беради. Кейинчалик юрт эгасининг буйруғини ифодалаш учун ҳам ана шу сўз қўлланилиб кетган. Расмий ёзмаларда *yarliq~yarliḡ* атамаси “ёрлиқ, фармон” маъносини билдиради; *yarliq yarliqadī* дейди, бу “фармон берди” дегани. “Ўғузхоқон” достонида бу сўз *čarliḡ* кўринишида қўлланилган.

Муҳими, қадимги туркий тилда ҳужжат ишлари, расмий-ҳуқуқий муносабатларга тегишли бутун бир атамалар тизими амал қилган. Бу ҳам бўлса расмий услубнинг такомиллашганлигини кўрсатувчи белгидир.

Туркий ҳужжатчилик тарихи турклар ер юзида ўз давлатларини кура бошлаган, давлат идораларида бошқарув ишлари туркий тилда юритила бошлаган даврларга илдиз отган. Бизгача қадимги искиф ва хун давлатларида яратилган расмий ёзмалар сақланган эмас. Энг эски туркий расмий битиглар кўк турк хоқонлиқлари давридан қолган. Шундай эса-да, ушбу матнлар расмий услубнинг даврлар оша юксалиб, ана шу кўринишга келганидан далолат беради.

Расмий ёзмалар ўзининг мақсади, даражаси, ҳуқуқий мавқеи нуқтаи назаридан турларга бўлинади. Бундай ҳужжатлар тузилиши, матн компонентларига кўра ўзаро фаркланиб туради.

Масалан, ёрлиқларни олайлик. Уларни тузилишига кўра кириш, асосий ва якун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш қисми, кўпинча уч компонентдан тузилади. Биринчиси – унвон. *Унвон* битиг(*söz*)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлиқдир. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamış sözüм Yağaylağa*, Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи эса *Temür Qutluğ sözüм* деб бошланган.

Ўрта аср ёрлиқлари унвонларининг қолипи қадимги турк даврига илдиз отган дейишга тўла асос бор (бунинг исботини қуйроқда ўқийсиз). Туркий унвонлар қолипи кўк турк хоқонлиқлари даврида ишлаб чиқилиб, замонлар оша ёзма тил (*bitig söz*) услублари билан тенгма-тенг юксалиб келган.

Киришнинг иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган.

Билдирилган саломдан кейин мақсадга (асосий қисмга) кўчилади.

Ёрлиқларнинг сўнгги – якуний қисмида таърих ва ёрлиқнинг ёзилган ери қайд этилган.

Ўтмишдан нарсани ёки ерни ишловга олиш учун берилган тилхатлар ҳам етиб келган. Бундай тилхатларнинг матн компоненти ёрлиқлардан ажралиб туради. Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса ёки тушумидан улуш олиш шарти билан ишловга олинган ер учун ёзилган расмий ҳужжатлар (тилхатлар), одатда, ўша нарса насияга олинган санани қайд этиш билан бошланади. Муҳим белгиларидан бири, тилхатларда (одатда, унинг охирида) тилхат бераётган киши, ҳатто хатни ёзган котиб, гувоҳлар ҳам қайд этилади.

Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса учун ёзилган тилхатларнинг бошламаси учта компонентдан тузилган бўлади: 1)

қарзга олинаётган сана; 2) сабаб: қарз олувчига қандай шарт асосида керак бўлган нарса; 3) оқибат: кимдан ва қанча нарса олинганлиги.

Албатта, бундай матнда иккинчи ва учинчи компонентлар (сабаб ва оқибат) муҳимдир. Биринчи компонент эса ана шу ҳодисанинг пайтини кўрсатишга хизмат қилади ва унинг юридик мақомини мустаҳкамлайди. Матннинг биринчи компонентини ташкил этувчи сана йил, ой ва кун кетма-кетлигида ифода этилади.

Иккинчи компонентда қарз олиншининг сабаби, қарз олувчи ва унга қандай шартга рози бўлган шароитда нима керак бўлганлиги таъкидланади. Ушбу компонентда қайд этилаётган қарз олувчининг исми, одатда, *māñä* аниқловчи-изоҳловчиси билан қўлланади.

Матннинг ушбу компонентида, кўпинча, *tüškä* сўзи ишлатилади. Бу “ортиғи (фоизи) билан қайтариш эвазига” деган маънони англатади. Бирор шарт асосида керак бўлган нарса эса *kärgäk bolup* бирикмаси билан келади.

Сўнгги — учинчи компонентда кимдан ва қанча нарса олинганлиги қайд этилади. Бундай матннинг кесими ўтган замон шаклидаги *aldim* сўзи билан тугайди.

Шу ўринда Берлин фондида сақланаётган U 5252 рақамли кунжит олинганлиги хусусидаги ўн бир қаторли хужжатнинг бошламасидаги жумлани кўриб чиксак. Уни таркибий қисмларга (компонентларга) шундай ажратишимиз мумкин: *Bičün yil törtünč ay on yañıqä / māñä Qimırqä tüškä künčit kärgäk bolup / Qıyımudın tört qap künčit aldım.*

Юқоридаги матннинг биринчи компонентида қайд этилган сана “Маймун йили, тўртинчи ойнинг ўнинчи кунида” деган маънони билдиради. Иккинчи компонент “Менга — Қимирга, ортиғи билан қайтариш эвазига кунжит керак бўлиб” дегани. Учинчи компонент “Қайимтудан тўрт қоп кунжит олдим” деган маънони англатмоқда.

Ёки U 5254 рақамли тариқ (*yür*) олинганлиги хусусидаги ўн тўрт қаторли ҳужжатнинг бошламасини компонентларга шундай бўламиз: *Qoyn yıl ikinti [ay] biş yañıqā / mänjä Tuğamqa tüškā yür käreğäk bolup / Qayumtudın bir q[...]in yür aldım*.

Бундай ҳужжатларда келтирилувчи таърих учта компонентдан тузилган бўлади: йил, ой, кун. Йил, одатда, мучалйил отлари билан келтирилади.

Расмий услубнинг муҳим белгиларидан бири, уларда муболаға, ўхшатиш, сифатлаш, ортиқча таърифлар, йўқ. Уларда фикр аниқ ва лўнда баён этилади. Қолаверса, ёрлиқлар услуби бадиий эпистоляр матнлардан ҳам ажралиб туради. Эпистоляр жанрда, одатда, бадиийлик устивор бўлади. Ёрлиқлар эса расмий услубда ёзилган.

Расмий ёрлиқлар тилида муайян қолипдаги бирикмалар ҳам учраб туради. Шулардан бири *Teñri 'ināyatī bulup* бирикмасидир. У “Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб” деган маънони англатади (*bulup* – “топиб, етишиб” англамидадир). Бу бирикма *Teñri 'ināyat qīlīp, Teñri 'ināyatīğa siğīnīp, Teñri 'ināyatīdīn, Teñri 'ināyatī birlä* шаклларида ҳам учрайди. Шунингдек, расмий матнларда ўзига хос атамалар ҳам мавжуд. Масалан, ўрта аср мактубларида ўзига тобе кишиларга, ҳукумдор учун эса ўзига тобе юрт ҳукумдорига нисбатан *ini-oğulluq* сўзи ишлатилган.

Ўтмишдан қолган айрим ҳужжатларда бирон маълумотлар қайд этиб қўйилган, холос. Шу ўринда Дунхуандан топиб келтирилган қоғоздаги кўк турк ёзувли бир ҳужжатга эътибор қаратайлик (Orkun 1987,288,292).

Қизиғи шундаки, урхун ва енисей битигларида, имло қоидасига кўра, **а** ҳарфи ёзувда ҳар қачон ҳам ифода этилмайди, лекин ўрнига [a], [ä] ва [e] унлиларини қўйиб ўқилаверади. Ушбу ҳужжатда эса **а** ҳарфи сўз боши ва сўз ўртасида изчил ҳолда ёзиб борилган. Чамаси, ушбу ҳужжат уйғур ва кўктурк ёзувларини аралаш қўллайдиган турк-моний жамоаси ичида

битилган чиқар. Унинг битувчиси уйғур ёзуви принципларидан келиб чиқиб, кўк турк ёзувида ҳам унлиларни тўлиқ бериб кетган.

Матннинг ўқилиши шундай:

- (1) Yemä bišinč ay säkiz yig-
- (2) irmikä Bilig Köñül
- (3) sañun başlap kelti. Yabaš
- (4) tutuq, Bozač tutuq, Ör-
- (5) ä Bört tutuq, Altun T-
- (6) ay sañun yartimlıq erür. Ati
- (7) Öz Apa tutuq. Ulati qam-
- (8) aǵ atliǵ yüzlög otuz er
- (9) keltimiz. Bir kön, bir qoñ,
- (10) iki küp begni. Bitgäči
- (11) esiz yabiz qul bitidim.
- (12) Atim Bağatur Čigši.

Шу ўринда матннинг ўқилуви ва мазмуни билан боғлиқ айрим изоҳларни келтириб ўтамыз. Саккизинчи қатордаги **GwlzwxjLca** ҳарф бирикмаси *atliǵ yüzlög* деб ўқилади, у жуфт сўз бўлиб, “атоқли-обрўли” деган маънони англатади; тўққизинчи қатордаги **nwK** ҳарф бирикмасини Н. Ўркун *kün* деб ўқиган. Бинобарин, бу ерда сўз кун тўғрисида бораётгани йўқ. Шунинг учун уни *kön* деб ўқиганимиз маъкул. Чоғиштиринг, МК да: *tewä köni* – туя териси; ҳозирги ўзбек тилида: *kön* – “отнинг шилиб олинган териси”, ёки *könči* – “териға ишлов берувчи уста”; ўнинчи қатордаги **icaGtib** ҳарф бирикмаси *bitgäči* ўқилади, у “битувчи, қайд этувчи, идора нозири” маъносида; ўн биринчи қатордаги **ziBJzisi** *esiz yabiz* – сўзма-сўз “бечора ёвуз”, кўчма маънода “фақир”, **LvQziBJzisi** *esiz yabiz qul* – “фақир қул” маъносини билдиради. Хат битиш одобига кўра, битувчи, котиб камтарлик билан ўзига шундай сифатни эп кўрган. Ўрнак келтирадиган бўлсак, “Роҳату-л-қулуб” асарини кўчирган котиб ўзини *kātibu-l-faqir Mansur baxši* деб атаган ва б. Шулардан келиб чиқиб, юқоридаги хужжат мазмунини қуйидагича талқин қилиш мумкин: (1) Яна бешинчи

ойнинг ўн саккизинчисиди (2) Билиг Кўнгул (3) сангун бошлаб келди. Ябаш (4) тутук, Бўзач тутук, Ўра (5) Бўрт тутук, Алтун (6) Тай сангун (унинг) ёрдамчиларидир. Оти (7) Ўз Апа тутук. Сўнгра бутун (8) доврўгли-обрўли ўттиз эр (9) келдик. Бир кўн, бир кўй, (10) икки куп шароб (келтирдик). Битувчи (11) факир кул битидим. (12) Отим Бағатур Чигши.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг бошламалари тўғрисида

Машхур Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг муаллифи адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин эрса-да, битигларнинг асосий қисми Билга хоқон тилидан сўзланади. Уларда хоқоннинг элулусга мурожаати, чақириғи берилган. Битиглар хоқоннинг қуйидаги сўзлари билан бошланади (матнни асл ёзувида берамиз: Ка.1):

mcRLv;akdwvB;Nxq;aglib; Frwt;YmLvB;adirth;gtirth

Фарқи: Билга хоқон битигида еттинчи нуқталар оралиғидаги сўз **akdwB** кўринишида.

С.Е. Малов Кул тигин битиги бошламасидаги ушбу жумлани *Tāŋri tāg tāŋridä bolmīš türk bilgä qağan bu ödkä olurtīm* шаклида ўқиб (Малов 1951,27), рус тилига “Небоподобный, неборожденный (*собств.* “на небе” или “из неба возникший”) тюркский каган” я ныне сел (на царство)” деб таржима қилган (Малов 1951,33).

Хусайн Ўркун бу жумлани туркчага “Göge benzer gökte (mevcud) olmuş Türk Bilge hakan bu zamanda [iktidar mevkiine] oturdum” дея ўгирган (Orkun 1987,22–23).

Талат Текин эса ушбу жумлани туркчага “(Ben), Tanrı gibi (ve) Tanrı’dan olmuş Türk Bilge Hakan, bu devirde tahta oturdum” дея ўгирган (Tekin 1988,3,62).

Этибор берсангиз, талқинларнинг барида умумий яқинлик бор: уларда юрт эгаси Билга хоқон ўзини “кўкдан ёки тангридан бўлганлиги, яралганлиги”ни (неборожденный, на небе или из неба

возникший; *gökte mevcud olmuş; Tanrı'dan olmuş*) таъкидламокда. Битиглар бошламасининг бундайин талқини туркшуносларда кизиқ бир фикр уйғотган. Унга кўра, турк хоқонлари ўз насл-насабларини Кўк ёки Тангри билан боғлайдилар, ўзларини ундан яралган деб қарайдилар. Бундайин қараш уларга қадимги хитой фалсафасидан ўтган, деган фикр устивор. Лекин бу қарашга қўшилиб бўлмайди. Бунинг раддини битигларнинг ўзидан топамиз.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларидаги хоқонлиқнинг узок ўтмиши тўғрисидаги ҳикоялар куйидаги жумлалар билан бошланган: *Üzä kök täñri, asra yağız yär qilintuqda ikin ara kisi oğli qilinmiş. Kisi oğlinta üzä äcüm apam Bumın qağan, İstāmi qağan olurmış.* – “Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яралган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон (ва) Истами(лар) хоқон бўлиб (тахтга) ўтирган” (К.1). Билга хоқоннинг ушбу ҳикоясида туркларнинг оламини англаш ҳақидаги тасаввур-қарашлари акс этган. Унга кўра, юқорида осмон, пастда ер, иккисининг орасида эса инсон болалари яралган. Муҳими, Бумин ва Истами тўғрисида сўз борар экан, улар “кўкдан ёки тангридан яралган” деб эмас, (тангрининг сайлаши, хоҳиш-инояти билан) инсон болалари устидан бошчилик қилиш учун тахтга ўтирганликлари таърифланади.

Бошқа бир мисол: Билга хоқон битигида икки ўринда – биринчиси улуг битигнинг бошланиши (Х.1), иккинчиси битигнинг хотима қисмида (Ха.13) куйидаги унвон келтирилган:

mBSNxq;aglib; Frwt;YmcRJ;irht;gtirht

Биринчиси Билга хоқоннинг, иккинчиси эса унинг кичик ўғли Билга Қутлуг хоқоннинг унвонидир.

С.Е. Малов ушбу жумлани *Täñri-täg täñri yaratmış türk bilg(ä) qağan sabīm* шаклида транскрипцияга ўгириб, биринчисини русчага “(Вот) речь моя богоподобного, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана” (Малов 1959,20), иккинчисини “(Вот) речь моя, подобного Небу, Небом

поставленного (*или* угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана” деб таржима қилган (Малов 1959,23).

Хусайн Ўркун эса бу жумлани туркчага “Göğe benzer göğün yarattığı Türk Bilge Hakan [işte benim] sözüm” дея ўгирган (Orkun 1987,58–59).

Талат Текин бу жумлани туркчага “Tanrı gibi, Tanrı (hükümdar) yarmış, Türk Bilge Hakan, sözüm” деб ўгирган (Tekin 1988,37,99).

Бу талқинларда хоқонга “кўк ўрнатган, кўк яратган, тангри ўрнатган” (Небом поставленный, göğün yarattığı, Tanrı yarmış) сифатлари берилмоқда.

Шу ўринда ушбу жумлани синчиклаб қарасак. Биринчи *Täŋri-täg* сўзи “кўк, осмон” маъносида келган, у ўзи бирикаётган *täŋri* (яъни худо) нинг сифатидир, *Täŋri-täg täŋri* дейилганда “кўкдай (улуғ) тангри” тушунилади. Кейинги *yaratmış* – сифатдош бўлиб, “яратган” дегани; *Bilgä qağan* га қўшилаётган *türk* сўзи этнос эмас, балки “жасур, баҳодир” деган маънода келган. Сўнгги *sabīm* – “менинг сўзим, буйруғим, ёрлиғим” дегани. Шуларга таяниб, ушбу бошламани қуйидагича талқин этишимиз мумкин: “Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим”. Аслида бу Билга хоқоннинг унвонидир. Кейинчалик унинг ўғли Билга Қутлуғ ҳам отасининг унвонидан фойдаланган. Шу унвон билан улуғ битигнинг бошланишида Билга хоқоннинг, битиг хотимасида эса Билга Қутлуғ хоқоннинг ёрлиғи берилган.

Билга хоқон битигидаги ушбу бошламада ҳам хоқоннинг сифати “кўкдан бўлган”, “тангридан бўлган” деб эмас, “кўкдай (улуғ) тангри яратган” (*täŋri-täg täŋri yaratmış*) дея қайд этилмоқда.

Бу бошлама хоқоннинг эл-улусга йўллаган ёрлиғининг унвонидир. Унвон уч компонентдан тузилган: биринчиси яратганнинг эътирофи (*Täŋri-täg täŋri yaratmış*), иккинчиси хоқоннинг оти ва унвони (*türk Bilgä qağan*), учинчиси эса “сўз, фармон, ёрлиқ”нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (*sabīm*).

Ўрта асрларда битилган туркий ёрлиқларнинг бошламасида ҳам баъзан ёрлиқ йўллаётган юрт эгасининг даражаси, унвони қўшиб ёзилган. Масалан Шохруҳ Мирзонинг 1422 йили ёзилган нишони *Šāhruh bahadur* шаклида келади. Ушбу бирикмадаги *bahadur* сўзи юқори табақа кишиларига берилувчи нисбани, унвонни билдиради. Қиёс учун туркий ёрлиқлар бошламасида қўлланган *abu-l-muzaffar*, *abu-l-ğāzī* унвонларини эслаш кифоя. Билга хоқон унвонидаги *sabīm* – “менинг сўзим” дегани эмас, балки “менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим” маъносидадир. Туркий тилнинг кейинги босқичида *sab* (~*saw*) сўзи истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнида *söz* калимаси қўллана бошлади. Энди расмий ҳужжатлар бошламасида ҳам қадимги *sab*(~*saw*) ўрнини *söz* эгаллади. Бу ҳам тарихий анъанага мувофиқ ҳолда “буйрук, фармон, ёрлиқ” маъноларини беради.

Юқоридагилар асосида Билга хоқон битигидан ўрин олган ёрлиқлар бошламасини шундай талқин этиш мумкин: “Кўкдай (улуғ) тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим”. Билга хоқон ҳам, унинг ўлимидан кейин эса ўғли Билга Қутлуғ ҳам ўз ёрлиқларини ана шу унвон билан бошлаганлар. Ушбу бошламада барча компонентларнинг тўла-тўқис, лўнда, ихчам ҳолда муайян қолипга жойлашганлиги кўк турк ҳужжатчилигида расмий ҳужжат унвонларининг услуб жиҳатдан анчайин такомиллашганидан дарак беради.

Таҳлиллардан сўнг Кул тигин битигининг юқорида келтирганимиз *Tāhri-täg tāhridä bolmiš türk Bilgä qağan bu ödkä olurtim* жумласига қайтамыз. Ушбу жумлада Билга хоқонга “тангридан бўлган, яралган” дея сифат берилаётгани, асосини эса хитой фалсафасига тақалаётганининг сабаби бир: матнда кечган **YmLvB** сўзи *bolmiš* кўринишида ўқилиб, маъноси “бўлган” дея тушунилганида. Аслида бу сўзни *bolmiš* деб эмас, *bulmiš* (**v** ҳарфини [o] эмас, [u] шаклида) деб ўқилгани тўғри бўлади. Шунда маънода янгиланиш юз беради: *tāhridä bulmiš* – “Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан]” деганидир. Жумлада кечган *bu ödkä* –

С.Е. Малов талқин қилганидек, “бу тахтга” деган маънони беради. Билга хоқон битигидаги **akdw** кўринишини назарда тутадиган бўлсак, фикримиз янада ойдинлашади. Чунки у *bödkä* деб ўқилади, *böd* эса “тахт” дир.

Демак, Кул тигин битиги бошламасидаги юқоридаги жумлани қуйидагича ўқиймиз: *Täñri-täg täñridä bulmuş türük Bilgä qağan bu ödkä olurtum.*

Бунинг маъносини қуйидагича талқин қилиш мумкин: “Кўкдай (улуғ) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан] турк [яъни баҳодир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим” (Бунинг тўғрисида қаранг: Содиқов 2004,66–72).

Ушбу қарашларни қувватловчи яна бир муҳим мисолни келтираман. Мўюн-чўр битиги хоқоннинг қуйидаги унвони билан бошланади:

Nxq;aglib; smtli;smLvB;adirht

С.Е. Малов ушбу жумлани *Täñridä bolmīs il ätmīs bilgä qağan* шаклида транскрипцияга ўгириб (Малов 1959,34), рус тилига “Тенгрида болмыш, Иль-итмиш Бильга Каган (Небом поставленный, государство устроивший, мудрый, или владетельный, Каган)” деб таржима қилган (Малов 1959,38).

С.Е. Малов ушбу бошламадаги **smLvB;adirht** бирикмасини *Täñridä bolmīs* кўринишида ўқишига қарамай, уни “Небом поставленный” дея талқин қилаётганининг ўзи қизик. Чамаси, кейинчалик, Билга хоқон, Мўюн-чўр битигларини нашрга тайёрлаш жараёнида, ҳарқалай, Билга хоқон битигидаги унвонларидаги “тангри яратмиш” (*täñri-täg täñri yaratmīš*) таъсирида бўлса керак, унда ҳам худди шундай фикр уйғонган бўлуви керак.

ТЕМУРИЙ ХОНЛАРНИНГ ЁРЛИҚЛАРИ: МАТН ТУЗИЛИШИ ВА УСЛУБИ

Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий хужжатларини уйғур хатида ёзганлар. Темурбег ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг эгаларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айнаи ёзувда. Темурбегнинг ўлимидан сўнг Шохруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо ва унинг ўғли Умаршайх Мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурий хонларнинг юртга эгалиги чоғида уйғур хатида ёздирган ёрлиқ ва мактубларидан бир қанчаси сақланган, холос. Қуйида ана шу битиглар ва уларнинг услуби тўғрисида сўз юритамиз.

ШОХРУҲ МИРЗОНИҢ УЙЎУР ЁЗУВЛИ ЁРЛИҒИ

Шохруҳ Мирзонинг юртга эгалиги чоғида туркий тилда ёздирган ёрлиқларидан биттагина қолган. Ёрлиқ туркий-уйғур хатида. У Афғонистондаги Маймана деган жойдан топилганида, яхшики, профессор Э. Бенвенист суратга тушириб қўйган экан. Ўша бўлиб, хужжатнинг ўзи кимнинг қўлида қолгани номаълум. Сурати бўйича Ж. Дени унинг транскрипцияси ва таржимасини ҳам берган (Deny 1957). Биз ёрлиқнинг Ж. Дени мақоласида берилган суратига асосланиб, фикр билдирамыз.

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ бир варақ қоғозда. Қоғознинг ўнг бетига уйғур хати билан ўн уч қаторли матн битилган. Ёзуви текис ва чиройли, лекин майда; кейинги чоғларда, айниқса, ислом даврида оммалашган югуруқ хат.

Қоғознинг терс ёғида, ярим белидан куйироқда қаторасига мухр-тамғалар босилган. Мухр-тамғаларнинг олдида, чап қанотда ёнламасига уйғур хати билан *Niṣ(ā)nnī Īsmāyīl aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуби қоғознинг ўнг бетигади матн билан бир

хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши хужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрликни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлуви керак.

Матн якунида тарих берилиб, унда хужжатнинг ёзилган санаси ва ери қайд этилган. *Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yil muharram ayniñ yigirmi ikisidä Bağī šaharda bitildi* (Саккиз юз йигирма бешида, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди). Бу сана мелодий 1422 йилнинг 16 январига тўғри келади. Ж. Дени Боғи шаҳарни Самарқанддаги жой деб айтган. Ҳолбуки, “Бобурнома”да бу ер Ҳирот яқинида эканлиги таърифланган (Sertkaya 1977,10).

Ёрликни мақсади ва турига кўра имтиёз берувчи хужжатлар гуруҳига киритиш мумкин. Матннинг ўзида у *nišān* деб аталган.

Шоҳруҳ Мирзо нишонининг араб алифбосида эмас, уйғур хатида эканлиги, айниқса, қоғознинг терс бетидagi уйғур хатида битиб қўйилган ёзуви ўта муҳим. Буларнинг бари темурийлар замонида уйғур хатининг мавқеи юқори бўлгани, давлат ишларида унинг кенг ишлатилганига очик-ойдин далил бўла олади.

Битигнинг тузилиши

Нишон *Šāhruh bahadur sözüüm devānlarğa* жумласи билан бошланади. Бу ўринда *Šāhruh bahadur sözüüm* – унвон, шунинг учун у алоҳида бир қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: хоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлик (*sözüüm*). Унвонга қўшилаётган *devānlarğa* сўзи – ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот(адресат)ни билдиради. Адресат унвондан ажратиб кейинги қаторга олиб ёзилган. Матнда у жўналиш келишигида.

Битигнинг *асосий қисмини* мазмун ва камровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Талхан ота мазорининг мужовурига бир қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилиб, луй (аждар) йилдан

бошлаб наиким ҳосилини қайтармаслик шарти билан хонақога харж қилиши, ҳеч кимса ундан мол-мулк қистамаслиги, солиқ солмаслиги, зиён-заҳмат етказмаслиги беглик нишонида қайд этилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими ўтган замон (*bermiş erdük*) кўринишида берилган.

Суюрғалнинг ким учун берилаётгани, унинг иш ери ва лавозими (*Ceçäktöbädä Tarnaq ariğida Talxan atanıñ mujāvuri*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган. Лекин бу кишининг оти (*İsmāyil mujāvur*) кейинги компонентда – тарихдан олдин, унга берилаётган эркинликни кафолатловчи кўрсатмада тилга олинган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла келаётган тушумни хонақога харж қила олажаги таъкидланади.

Янги суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда тушумни хонақога ишлатиш эркинлиги тўғрисидаги кўрсатма. Унга кўра, бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан бошлаб қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла олиб хонақога харж қилиши таъкидланади. Бундан ушбу ёрликнинг бунга қадар берилган суюрғал ҳуқуқини тўла таъминловчи, унинг ўрнини боса оладиган ва ҳатто олдингисидан ҳам юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрликнинг кучга кириш санаси (*ud yildin başlap* – сигир йилидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқ ва қистовлардан эркин эканлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадларни хонақога эркин-эмин сарфлаши, бунга қўшимча ҳолда унинг уй-жойи, мол-мулкига ҳам ҳеч кимса таҳдид солмаслиги таъминланади. Шохрухнинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sun, -sün* аффикси билан) берилган: *Kim ersä mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küç uğa tegürmäsün.* Ёки: *ewi barini tartip tonup almasun.*

Юқоридаги буйруқнинг хон номидан битилаётгани *tep* феъли билан тасдикланиб, якун қисми – *тарих*(datum)га ўтилади.

Тарихни қуйидаги компонентларга ажратишимиз мумкин: тарихга ишора этувчи сўз (*tarix*); ҳужжатнинг йил-ой-куни (*sekiz yüz yigirmi beşidä ud yıl muharram ayniñ yigirmi ikisidä*); ёзилган ери (*Bağī šaharda*); битилганлигининг тасдиғи (*bitildi*). Йил ҳам хижрий, ҳам турк-мучалйил саноғида.

Ёрликнинг матни

Қуйида ёрликнинг Ж. Дени мақоласида келтирилган сурати асосида матн транскрипциясини келтирамиз:

1. **Šāhruh bahadur sözüm**

2. **devānlarğa.** Cečäktöbädä Tarnaq arıǵı-

3. da Talxan atanıñ mujāvurigä bir

4. qoşluq altmıš kivi yer suyurǵal berildi. Luy yıldın başlap

5. ne kim hāsılını Ut böri xanaqāğa xarj qılsun. Kim ersä

6. mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč uğa tegürmäsün, tep

7. beg niş(ā)n bermiș erdük. Burunǵı niş(ā)n yosunı bilä ud yıldın

8. başlap Ut böri, altmıš kivi yerni suyurǵal yosunı

9. birlä alıp (?) xanaqāğa xarj qılsun-kim, kim ersä

10. mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč uğa tegürmäsün.

Basa

11. İsmāyil mujāvurnıñ ewi barını tartıp tonup almasun,

12. tep niş(ā)n berildi. Tarix sekiz yüz y(i)g(i)rmi beşidä ud yıl muharram

13. aynıñ y(i)g(i)rmi ikisidä Bağī šaharda bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *Luy yıl* – турк-мучалйил саноғи бўйича – аждар йили. Махмуд Кошғарий ўз девонида мучал йилларни келтирар экан, буни *Nek yılı* (тимсоҳ йили) деб беради (МК.I,331–332; Содиқов 2008,109–110). *Luy* сўзи хитойчадан ўзлашган, қадимги битигларда уни *lu* деб

ёзадилар. Шунга ўхшаш бир-икки ўзлашган сўз туркча мучалйил отларида аралашиб юради.

5- қаторда: *Ut böri* – бу сўз 8- қаторда ҳам келган. Ж. Дени бун *Ot böri* кўринишида бериб, жой оти деб изоҳлаган. Ўйғур хатидаги матннинг қўлимиздаги фотосурати анча хира бўлгани учун, бу сўздаги иккинчи ҳарфнинг ўқилишини аниқлаш қийин кечди. Ҳозирча бун шундай қолдирамиз.

6- қаторда: *ayasağ alpağ* – солиқ тўлов турларидан бири, унинг *salmasun* сўзи билан бирикаётгани ҳам шундан белги бериб турибди. Матннинг 10- қаторида ҳам бу сўз айна кўринишида қайтарилади.

7- қаторда: *beg nişān* – “беглик нишони, беглик ёрлиғи” маъносини беради.

yosun – “қонун-қоида, йўсин”, матнда *nişān yosunī, suyuırğal yosunī* бирикмаларида келади, “ёрлиқда белгиланган қонун, йўсин” деган маънони беради.

ud yil – турк-мучалйил саноғи бўйича – сигир йили. Бундан бошқа ёрлиқларда бу сўз *uy yil* кўринишида ҳам келади.

10- қаторда: *ayasağ alpağ* – солиқнинг бир тури бўлиши керак; *salmasun* феъли билан бирикуви ҳам шуни кўрсатиб турибди.

küč uğa tegürmäsün – суюрғал аталмишнинг эркинлигини қафолатлаш мақсадида ёрлиқларда шундай жумла ҳам қўшиб ишлатилади, “зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради.

11- қаторда: *ewi barinī* – “уйи ва бор мулкани” дегани.

tartip tonup almasun – “зўрлик билан тортиб олмасин” деган маънони беради.

Ёрлиқнинг ҳозирги ўзбекча ўгирмаси

1. Шохрух баҳодур сўзим

2. девонларга! Чечактўбада, Тарнақ ариғи-

3. да Талхан ота(мозори)нинг мужовурига бир

4. қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилди. Луй (аждар) йилдан бошлаб

5. наинким ҳосилини (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри хонақога харж қилсин. Кимса

6. (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зиён-заҳмат етказмасин, деб

7. бег-нишон бермиш эрдик. Бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан

8. бошлаб (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри (?), олтмиш киви ерни суюрғал йўсини

9. бирла олиб хонақога харж қилсин-ким, кимса

10. (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зиён-заҳмат етказмасин. Яна

11. Исмойил мужовурнинг уй-жойини, мол-мулкини тортиб олмасин,

12. деб нишон берилди. Тарих: саккиз юз йигирма бешида, сигир йили, муҳаррам

13. ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди.

СУЛТОН УМАРШАЙХ ЁРЛИҒИ

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган ҳужжатлардан бири Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғидир (Мелиоранский 1906,01–012, таблица I).

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ варақнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва тартибли (ўтмишда бундай нафис хатни *uz xat* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энига икки букланган. Қайта-қайта букланаверганидан, йиртилишига оз қолган. Ҳатто букланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам кўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатор. Бошидаги уч қатори, қолганларига қараганда, ичкарироқдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторларининг олдида доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матннинг ўзида *muhur*, ёрлиқнинг ўзи эса *muhurluğ nišān* дейилган.

Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб қўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barin baxši bilä*, қуйироқдагиси эса *roznāta bitildi* деб ўкилади (Мелиоранский 1906,08). Ушбу қайдлар идоранинг хужжат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлуви керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб букланган кўринади: хужжатнинг айрим сатрлари варақнинг турс ёғига ҳам юқиб қолган.

Битигда ёзилишига кўра, Мир Сайид Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Marğinan büzrügäräridin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб, суюрғал берган. Ушбу суюрғалда эса унга қўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлиқ (*muhurluğ nişān*) туркмучал саноғи бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида *muhurluğ ni(šā)n uy yil šavval ayinīn yigirmi sekizi Andigändä bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрлиқнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлиқ битилган қоғознинг терс ёғидаги девонхона ходими томонидан ёзиб қўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида эканлиги ўта аҳамиятли. Буларнинг бари темурийлар давлатида ушбу ёзувнинг юридик мавқеи катта бўлганидан далолат беради.

Битигнинг тузилиши

Тузилишига кўра битигни кириш, асосий ва яқун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчиси – *унвон*; иккинчиси – *адресат* (inscriptio).

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлиқ бўлиб, матнда *Sultān Umar šayx bahadur sözü* шаклида

берилган. Ундаги *sultān* – юрт эгасининг даражаси, *bahadur* – унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон(*söz*)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу хужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари қайд этилади. Улар девонлар, тушим йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида берилган: *Divānlarğa, barča Marġinan urċinnij tüşämäl amaldār, sāhib čamlariğa*.

Битигнинг *асосий қисмини* мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Мир Сайид Аҳмадга илгари Марғинан қасабасидан бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг хазинага тўланувчи даромади суюрғал қилиб берилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими узок ўтган замон (*berilip erdi*) кўринишидадир.

Суюрғал берилаётган, солиқлардан озод этилаётган кимсанинг даражаси (*Marġinan büzrügläridin*) ва исми-шарифи (*Mir Sayid Ahmad*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда яна қасабадан ўттиз олтин тавачи тартуси – яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромад суюрғал қилиб берилганлиги таъкидланади.

Ҳар икки суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда уларни расмий дафтарларга қайд этиш тўғрисида кўрсатма. Унга кўра, аввалги суюрғални кейинги берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, ҳар йили янги нишон талаб қилмай, йил бўйи ҳар турли солиқ солмай, дафтарларга қайд этилиши таъкидланмоқда. Бундан ушбу ёрлиқнинг бунга қадар берилган хужжатларни қамровчи, юқори даражадаги хужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрлиқнинг кучга кириш санаси (сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадлардан ўзи фойдаланиш эркинлиги берилади. Ушбуни таъминлаш учун бирор амалдор ундан мол, дон-дун талаб қилмаслиги, унга зўравонлик қилмаслиги таъкидланади. Султоннинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (-sün аффикси билан) берилган: *Özi alip yesün. Heç kişi māl, tartu tilämäsün, küç uğa tegürmäsün.*

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *теп* феъли билан тасдикланиб, якун қисми – тарих(*datum*)га ўтилади. Тарих *muhurluğ nişān uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi Andigändä bitildi* кўринишидадир. У қуйидаги уч компонентдан тузилган: ёрликнинг расмий даражаси (*muhurluğ nişān*); унинг битилган санаси – йил-ой-куни (*uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi*) ҳамда битилган ери (*Andigändä bitildi*).

Матн транскрипцияси

Қуйида П. Мелиоранский келтирган факсимили асосида (Мелиоранский 1906, таблица I) ёрликнинг транскрипциясини келтирамыз:

(1) Sultān Umar šayx bahadur sözüm.

(2) Divānlarğa, barča (3) M(a)rğın(a)n určinnıñ (4) tüşämäl amaldār, sāhib čamlarığa!

M(a)rğın(a)n büzrügläridin Mir Sayid Ahmadğa (5) M(a)rğın(a)n qasabasıdın burun bir milk bağı bilä iki qoşluq ekininiñ har ne (6) divānga çıqar har türlüğ mālını suyrğal berilip erdi. Emdi uy yilida (7) riāyat qilip qasabadın otuz altun tawaçı tartusini dağı suyrğal (8) berildi. Emdi bu tarixqa berilgänni uy yil šavval ayiniñ yigirmi yetisidin (9) başlap burunğı suyrğalini dağı berilgän nişāni yosuni bilä musallam tutup, (10) yilğa yañğı niş(ā)n tilämäyin bu niş(ā)n bilä yil sayu heç türlüğ saltıq (11) salmayın daftarlarğa surusun. Özi alip yesün. Heç kişi māl, (12) tartu (?) tilämäsün, küç uğa tegürmäsün tep

muhurluğ ni(šā)n uy yīl (13) šavval ayīnī yigirmi sekizi Andigāndā bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *tūšāmāl amaldār* – тушим йиғувчи амалдор, темурийлар замонидаги солиқчи лавозими; *sāhib čamlarī* – солиқ идораларининг бошлиқлари.

4-5- қаторларда: *Marğīnan* – Марғилоннинг эскича аталиши; у ўша чоғларда қасаба эди.

5- қаторда: боғлар *milk* ўлчови, экин майдонлари эса *qoşluq* ўлчови билан белгиланган. Матнда Мир Саид Аҳмадга бундан бурун *bir milk bağ* билан *iki qoşluq ekin* дан келадиган даромадлар суюрғал қилиб берилгани таъкидланмоқда.

6, 8, 12- қаторлардаги *uy yīlī~uy yīl* турк мучалйилларининг иккинчиси – “сигир йили”дир. Қадимда *ud yīlī* дейилган, кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *uy* га айланган (*ud>ud>uy*).

7- қаторда: *tawačī tartusī* – товачилар томонидан йиғиладиган солиқ (?), дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни кўзда тутати.

Матнда ушбу ёрлиғ *nišān*, *muhurluğ nišān* деб аталган. *Nišān* – илк ангиламида “белги”, ҳужжат атамаси сифатида эса “далилловчи ҳужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради; *muhurluğ nišān* – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдиқланган ҳужжат”, баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluğ nišān* ҳам дейилган.

9- қаторда: *nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – “қонун, қоида”, *nišān yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат” маъносини беради.

12- қаторда: *küč uğa tegürmäsün* – “зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради. Одатда, эркинлик, имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кишининг муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган ва унинг эркинлигини кафолатлаш учун “Унга ҳеч кимса зўравонлик қилмасин” (*Heč kiši küč uğa tegürmäsün*) деб ёзиб қўйилган.

13- қаторда: *Andigān* – Андижоннинг эскича аталиши; ушбу тапонимдаги *gān* – “шаҳар, кент” маъносини билдиради. *Andigān* ўша

кезларда йирик, марказий шаҳар саналган. Султон Умаршайхнинг ўрдаси шу шаҳарда эди.

Матннинг мазмуни

(1) Султон Умаршайх баҳодур сўзим.

(2) Девонхоналарга, барча (3) Марғинан юртининг (4) тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига!

Марғинан бузургларида Мир Сайид Аҳмадга (5) Марғинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не (6) девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди. Энди сигир йилида (7) (бунга) риоят қилиб, қасабадан ўттиз олтин тавачи тартусини [яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни?] яна суюрғал (8) қилиб берилди. Энди бу санада берилганни сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан (9) бошлаб аввалги суюрғални яна берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, (10) ҳар йили янги нишон талаб қилмай, бу нишон билан йил бўйи ҳар турли солиқ (11) солмай, дафтарларга қайд этилсин. (Даромадларида) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, (12) дон-дун талаб қилмасин. Унга зиён-заҳмат етказмасин деб, бу муҳрли нишонни сигир йили, (13) шаввал ойининг йигирма саккизида Андиганда битилди.

СУЛТОН АБУ САИД БИТИГИ

Битигнинг очиқламаси

Темурийлар даври ҳужжатчилиги, ёзма адабий тил расмий услублари тарихини ўрганишда султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) йўллаган битиги айрича ўрин тутди. Битиг Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида Е 12307 рақами остида сақланмоқда. Эски ўзбек тили(“чиғатой туркийси”)даги 76 қаторли ушбу битиг уйғур хатида ёзилган бўлиб, ўқилиши тагма-таг араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган (Kurat 1940,119–134,196–200).

Мактуб сичқон йили (ҳижрий 873 йил) рабиул-аввал ойининг йигирма иккисида Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Sičqan yili rabi'ul-avval ayiniñ yigirmi ikisidä Miyānada erkändä bitildi*). Бу сана мелодий 1468 йилнинг 10 октябрига тўғри келади.

Битигнинг 3, 13, 19, 28, 38, 47, 49, 51, 61, 63, 71- қаторларида *Teñri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айни қатордаги *'ināyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал унинг билан бирга ўкилади.

Матнда Абу Саиднинг уй ичига тегишли кишиларнинг (ота-боболарининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4, 24, 69- сатрларда *Temür beg*, 6, 7, 11, 12, 13, 15- сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27- қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон ҳужжатчилигида русум бўлган ўзига яраша бир этикетдир. Бошқа ҳужжатларда ҳам бунинг сингари ҳолатлар учраб туради.

71–74- қаторлар устига султон Абу Саиднинг 8,5х8,5 см ўлчамидаги тўрт бурчакли муҳр-тамғаси (нишони) босилган. Муҳр-тамғанинг ёзуви сулсда. Унинг гирдига бисмиллоҳ; калимаи тоиба; тўрт бурчагига тўрт саҳобанинг, остига эса Ҳасан ва Ҳусайн отлари ёзилган. Ўртадаги ёзуви: *As-sultānu-l-'azam val-xaqanu-l-akram muğisu-l-haqqi vaddin Sultān Abu Sa'id Kōrāgān haladallahu mulkahu va sultānahu* (Буюк султон ва улуғ хоқон, ҳақ ва динни ривожлантирувчи Султон Абу Саид кўраган, Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини мангу қилсин).

Битигнинг тарихий аҳамияти шундаки, у темурийлар давлатининг зиддиятли даврини акс эттиради. Давлатнинг бурунги – Темурбег замонидаги сиёсий мавқеини тиклаш мақсадида Абу Саид катта юришлар олдида турар, бунинг учун ўз тарафдорлари билан келишиб олмоғи керак эди. Хат ана шу мақсадда йўлланган.

Хатнинг туркий тилда ва уйғур ёзувида эканлиги аҳамиятли. Бу, ўз навбатида, темурийлар давлатида расмий-дипломатик ҳужжатлар туркий тилда, ўша замонда бутун “Чиғатой эллари” учун умумий бўлмиш ёзма адабий тилда олиб борилганлиги,

уйғур хати эса расмий доираларда, давлат ишларида кенг амал қилганлигини тасдиқлайди.

Битигнинг тузилиши

Султон Абу Саиднинг битиги икки юртнинг эгалари ўртасида ёзилган расмий мактубдир. Уни Абу Саид мавқе жиҳатдан ўзидан қуйи турган юрт эгасига йўллаган. Мактуб ўрта асрларда тузилган расмий-халқаро дипломатик ёрлиқлардан ажралиб туради. Қолаверса, ушбу хатни бадийий эпистоляр матн ҳам дея олмаймиз. Эпистоляр жанрда, одатда, бадийийлик устивор бўлади. Ушбу хат эса расмий услубда.

Битигни тузилишига кўра кириш, асосий ва якун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш уч компонентга ажралади. Биринчиси – унвон. Унвон битиг(söz)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлиқ (*Sultān Abu Sa'id Körägän sözüm*) кўринишида берилган. Бу Ғарб ҳужжатшунослигида қабул қилинган адресант(intitulatio)га тўғри келади.

Маълумки, ислом даври ёдгорликлари, хусусан, ўша замонларнинг расмий ёзмалари, анъанага кўра, басмала (бисмиллоҳ) билан бошланар эди. Абу Саид битиги эса бундай эмас. Битиг *Sultān Abu Sa'id Körägän sözüm* унвони билан бошланган.

А.П. Григорьев ўрта аср ҳужжатларининг тузилишини тадқиқ этар экан, туркий тилдаги ҳужжатлар басмала билан берилмаганлигининг сабабини битигларнинг ёзувига боғлайди. Унинг фикрича, басмала фақат араб ёзувли ҳужжатлардагина берилган. Уйғур ёзувли ҳужжатлар эса басмала билан бошланмаган (Григорьев 1978,208–209).

Бизнингча, темурийлар давридан қолган ёрлиқларнинг, хусусан, Абу Саид битигининг басмала билан берилмаганлигига сабаб бу эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, мазкур битиг

туркий хужжатчиликнинг энг эски анъаналарига риоя қилган ҳолда тузилган. Иккинчи сабаби, унинг расмий хужжат эканлигида. Одатда, бундай унвон бошқа мактубларда учрамайди. Аммо ушбу битиг бир юрт эгасининг бошқа юрт эгасига йўллаётган хатидир. Шунинг учун у ана шундай унвон билан бошланмоқда. Унвонни басмаладан кейин келтириш, иккаласини бир матнда олдинма-кетин қўллаш эса мантиққа терс. Басмала билан бошланган расмий ёзмаларнинг бошламаларини қараб чиққан киши фикримизга қўшилади.

Иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*Hasan beggä*) қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган. Бу компонент матнда пайт эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гапи кўринишидадир (*salām tegäč*).

Билдирилган саломдан кейин *söz ul-kim* жумласи билан мақсадга (асосий қисмга) ўтилади.

Битигнинг мазмунига қараганда, Ҳасанбегнинг бобоси Усмон бегнинг Темурбег ва унинг ўғлонларига, у дунёдан ўтгандан кейин эса Ҳасанбекнинг Темурийларга ихлос билан хизмат қилиб келаётгани, ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғини билдирганлиги эътироф этилади. Ҳасан бег билан Абу Саид ораларида аҳд сўзи кечганлиги, улар бир-бирларининг дўстига дўст, душманига душман бўлишлари келишилганди. Энди эса Рум, Миср, Шом элларининг фатҳи мўлжалланаётгани, бунинг учун султон Абу Саид керагича қўшин, қурол-аслаҳа ажратишга тайёр эканлиги билдирилган.

Муҳими, асосий қисмнинг охирида битиг йўлловчининг аҳд сўзи баён қилинган. Келишувга кўра, Абу Саид Ҳасан бегга Миср, Рум вилоятларини олиб беришни ваъда қилиб, қиёматга қадар орадаги дўстликни бузмасликка сўз беради (69–74-қаторлар). Мазмуни ва моҳиятига кўра ушбу хат расмий-дипломатик аҳдлашувга (*ahd sözi, bitim* га) тенглашади.

Мактубнинг сўнги – якуний қисмини тўрт компонентга ажратиш мумкин: Биринчиси – битиг йўлловчининг тилаги (*Seniñ esänligiñni körä*); иккинчиси – битиг бериб юборилган кишининг оти (*Mahmud begni yibärildi*); учинчиси – тарих, бунда битиг битилган сана қайд этилган; тўртинчи компонент – битигнинг қаерда ёзилганлиги (*Miyānada erkändä bitildi*).

Битигнинг ёзилган санаси қатъий изчилликда: аввал турк мучал ҳисобида йил, сўнг мусулмон тақвими бўйича ой ва кун келтирилади: *Sičqan yilī rabi'ul-avval ayiñiñ yigirmi ikisi* (Сичқон йили, рабиул-аввал ойининг йигирма иккинчи куни).

Битигнинг матни

- 1) **Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm.**
- 2) Hasan beggä salām tegäč, sōz ul-kim,
- 3) **Teñri** 'ināyatī bulup Sāhib qirān
- 4) **Temūr beg** tamām mamālikni musahhar qīlīp yūrügāndā Uluğ
- 5) atañ 'Usmān beg čin kōñli bilä
- 6) **Beg** davlatīğa panāh keltürüp ihlāsini bildürgān üçün
- 7) **Beg** dağī 'ināyatlar qīlīp barča ulusdīn artuqsī kōrüp
- 8) Diyārbakir vilāyatini bildürüp xāsa oğul uşaqi-
- 9) niñ tınçlıqı üçün Hamid teg yerni dağī
- 10) suyuṛğap yurt bergān durur. 'Usmān beg dağī
- 11) **Begniñ** ul 'ināyat şafqatini unutmayin
- 12) **Begdin** soñra oğlanlarīğa čin ihlāsı bilä küč berip, burun
- 13) **Beg** čaqında da qīlğan xiđmatlarini hargiz özgä qīlmadı. Teñri 'ināyat
- 14) qīlīp Sāhib qirān
- 15) **Beg** atamnīñ taxtini
- 16) meñä rozi qıldi ersä, sen dağī atañ yurtini
- 17) bilip el-ulusunni başlağandın beri
- 18) yaxşılığın čin etiqađınni bildürüp
- 19) erdiñ. **Teñri** 'ināyatı bilä erānlār himmatidin bu oçurlarda burunğı kečkān

- 20) ata-ağalarındın artuqsı, könül tilägän-deg, şäyasta xidmat-
 21) lar qıldın. İni-oğulluq, dostluq, qarındaşlığıñnı bildürdün.
 22) Seniñ bu xidmatlarıñdın asru rāzi bolduq. Emdi sen dağı bilürsen-
 23) kim, ulus egäsi
 24) **Temür beg** tamām mamālikni zabt qılıp ülāškändä Tabriz
 25) taxtını
 26) meniñ atam
 27) **Mirānšāh Mirzā**ğa bergän durur. Seña dağı ma'lum durur-kim,
 28) ata yurtı öz yurt bolur. **Teñri** 'ināyatığa sığınıp
 29) bu fursatlarda Aðarbayjān vilāyatlarıñı zabt qılıp,
 30) atam yurtını burunğı yosun bilä taxt qılayın tep kelä durur-
 31) men. Hasan 'Alinıñ buzulğan xabarı örtüdin keldi. Bağāyat davlatğa
 32) munāsib iş bolmuş. Miyānağa yetkändä iniñ Murād
 33) bilä yaxşı sözlärin keldi. Seniñ köñlündä andaq
 34) keçmäsün-kim, Tabrizda Jihānšāh turup erdi, meña bermädilär dep.
 35) Sen dağı bilürsen-kim, Jihānšāhğa bir vāsita bilän andaq tüşüp erdi.
 36) Arada bir ahd sözi dağı keçip erdi. Basa
 37) biz dağı Xurāsān vilāyatlarığa yanla kelip erdük. Bir neçä
 38) vilāyatlarnıñ zabtını qılmaq muhim erdi. **Teñri** 'ināyatı
 39) bilä erānlär himmatıñdın ul vilāyatlar musahhar bolup
 40) erdi-kim, Jihānšāh seniñ üstünä yürüdi tep eşittük
 41) ersä, ul ahd arada qalmadı. Sen dağı eşitmiş bolğay-sen-kim,
 42) 'Ali beg degän joramnı bitiglär bitip Jihānšāhğa çapturdum-kim,
 43) seniñ bilä ahd qılğanda bir-birimizniñ dostığa dost, duşmanığa
 44) duşman bolalı tep söz keçip erdi. Emdi
 45) bizniñ Hasan begdin yaxşıraq dostumız yoq turur. Yüz yıldın
 46) beri özgä bolmağan ahd seniñ üstündä boldı.
 47) Men dağı **Teñri** 'ināyatığa sığınıp seniñ üstünä yürüdüm tep

- 48) bildürä yibärip erdim. Yibärgän elçi Tabrizğa yetkändä
 49) Jihānšāhnñi işini bir sarı qılğan ermiş-sen. **Teñri** 'ināyatı bilä
 50) Tabrizğa kelgänimdä sen dağı yıraqsınmayın kelip körür
 yaraqñı
 51) tapsañ, kelip körgil. **Teñri** 'ināyatıdın 'umidim ul durur-kim,
 Rum, Mısır,
 52) Šām başlıq tamām mamālik fathını bāt
 53) bizgä rozi qılğay esä, Allah taālā emdi bilä bolğan-
 54) dın soñ 'umid ul-kim, barça iş köñül tilägän-deg bolğay.
 55) Ul sarıqı vilāyatlarnıñ yaraq maslahatları-
 56) nı sen yaxşıraq bilürsen. Ägär
 57) men özüm barmaqlıq hājat bulmayın oğlanlarımdın basa
 58) beglärdin, čerigdin ne mıqdār keräklük bolsa,
 59) yaraq körüp tiläsäñ, ul čaqlıq kişi yibäräyin. Bu
 60) čaqlıq inilik, qarındaşlıq, xidmatkärliqnı sen qıldıñ.
 61) **Teñri** 'ināyatı bilä erānlār himmatıdın Mısır, Rum, Šām-teg
 yerläрни
 62) alıp bermäkni
 63) men biläyin. Sendin **Teñri** 'ināyatı bilän 'umidim ul durur-
 kim,
 64) mundın soñra dağı ini-oğulluq xidmat-
 65) kärliqnı artturğay-sen. Hargiz özgä bolmağay-
 66) sen. Ne oğul bolğay-kim, bu kečär dunyāda burunğı yaxşı-
 67) ları yüz yildın beri qılğan dostluq, qarındaşlıq-
 68) nı özgä qılğay.
 69) **Temür beg** atañ 'Usmān beggä Diyārbakir vilāyatını
 70) bergän bolsa, 'umidim ul durur-kim,
 71) men seña Teñri 'ināyatı birlä Mısır, Rum vilāyatlarını
 72) alıp bergäy-
 73) men. Kečär dunyāda qiyāmatğa deginč bu yaxşı at arada
 74) qalğay. Seniñ esānligiñni körä Mahmud beg-
 75) ni yibäridi. Sıçqan yılı rabi'ul-avval ayınıñ yigirmi
 76) ikisidä Miyānada erkändä bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

1- қатор: *Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm*. Ушбу унвондаги *sultān* сўзи Абу Саиднинг унвонидир. Одатда, расмий битигларда юрт эгасининг оти тилга олинганда унинг унвонлари қўшиб айтилган. Абу Саид исмидан кейин қўшилаётган унвонни А. Курат *kürkān* шаклида ўқиган. Бу сўз асли мўғулча *küregen* – “куёв” сўзидан. У матннинг уйғур ёзувли сатрида <ö> ҳарфи билан ёзилган. Шунинг учун уни *kōrāgān* шаклида ўқилгани маъқул. Унвонда кечган *sōzūm* – “менинг сўзим; менинг битигим” маъносини англатади ва битигнинг султонга қарашлилигини далиллайди. Бошқа расмий ёзмаларнинг унвонида эса бу калима “менинг фармоним; менинг ёрлиғим” маъноларида ҳам қўлланилган.

3- қатор: *Teḡri 'ināyatī bulup* бирикмаси “Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб” деган маънони англатади (*bulup* – “топиб, етишиб” англамидадир). Матн давомида бу бирикма *Teḡri 'ināyat qīlīp*, *Teḡri 'ināyatīḡa sīḡīnīp*, *Teḡri 'ināyatīdīn*, *Teḡri 'nāyatī birlā* кўринишларида ҳам учрайди.

4- қатор: Амир Темур туркий хужжатларда *Temür beg* деб тилга олинган. Бу исмдаги *beg* унинг даражасидир. У “амир”га тўғри келади.

7- қатор: *artuqsī* – “ортиқ даражада” маъносида.

8- қатор: *oḡul ušaḡī* – “бола-чақаси”; *ušaḡ* – “майда” дегани.

12- қатор: *küč berip* – “хизмат қилиб” маъносида.

19- қатор: *erānlār himmatī* – “мардлар ҳиммати” назарда тутилмоқда.

21- қатор: *ini-oḡulluq* – ўрта аср мактубларида бу сўз ўзига тобе кишиларга, юрт эгаси учун эса ўзига тобе юрт эгаси нисбатан ишлатилган.

30- қатор: *yosun* – расмий хужжатларда “қонун” маъносида қўлланилган.

42- қатор: А. Курат *jora* сўзини “мулозим” деб изоҳлаган. Бизнингча, бу сўз “мулозим” эмас, “ўртоқ, сафдош” маъноларида. Қиёсланг, ҳозирги ўзбек тилида: *jora* – “ўртоқ, биродор”; *küyaw joralari* – “куёвнинг ўртоқлари, тенгқурлари” дегани. Битигда шундай: *'Ali beg degān joramnī bitiglār bitip Jihānšāhḡa čapturdum* (Али бег деган жўрамни битиглар битиб, Жихоншоҳга чоптирдим).

48- қатор: *bildürä yibārip erdim* – “билдиргулик (мактуб) юбориб эдим” маъносида.

55- қатор: *Ul sariqī vilāyatlarınñ yaraq maslahatlarınñ* – “ўша ёқлардаги вилоятларнинг қурол-аслаҳаларини; уларнинг ҳарбий қудратини” дейилмоқчи.

69–74- қаторлар: Ушбу сатрларда Абу Саиднинг Ҳасан бегга берган аҳд сўзи қайд этилган.

74–75- қаторлар: *Seniñ esänligiñni körä* – “Сенинг эсонлигингни кўриш учун; Сендан хабар олиб келиш учун” деган маънода.

Битигнинг мазмуни

(1) Султон Абу Саид Кўраган сўзим.

(2) Ҳасан бегга салом дегач, сўз ул-ким, (3) **Тангридан** иноят етиб Соҳибқирон (4) **Темур бег** тамом мамлакатларни мусахҳар қилиб [эгаллаб] юрганда улуғ (5) отанг [яъни, бобонг] Усмон бег чин кўнгил билан (6) **Бег** давлатига паноҳ келтириб [яъни, бег давлатининг тинчлиги учун курашиб], ўз ихлосини билдиргани учун (7) **Бег** ҳам иноятлар қилиб, (уни) барча улусдан ортик даражада кўриб, (8) Диёрбакир вилоятини берди. Барча болачақаси(9)нинг тинчлиги учун Ҳамид таг ерни ҳам (10) суюрғал қилиб, юрт қилиб берган эди. Усмон бег ҳам (11) **Бег**нинг ул иноят шафқатини унутмайин (12) **Бегдан** сўнгра (унинг) ўғлонларига чин ихлоси билан хизмат қилиб, бурун (13) **Бег** чоғида-да қилган хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади.

Тангри иноят (14) қилиб, Соҳибқирон (15) **Бег** отамнинг тахтини (16) менга насиб қилди эрса, сен ҳам отанг юртини (17) билиб, эл-улусингни бошлагандан бери (18) яхшилиғинг, чин эътиқодингни билдириб (19) эрдинг. **Тангри** инояти билан мардлар ҳимматидан бу чоғларда бурунги кечган (20) ота-оғаларингдан ортик, кўнгил тилагандек, шояста хизмат(21)лар қилдинг. Ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғингни билдирдинг.

(22) Сенинг бу хизматларингдан бениҳоя рози бўлдик. Энди сен яна билурсен-(23)ким, улус эгаси (24) **Темур бег** тамом мамлакатларни забт қилиб, (уларни ўз яқинларига) улашганда Табриз (25) тахтини (26) менинг отам (27) **Мироншоҳ Мирзога** берган эди. Сенга-да маълум турур-ким, (28) ота юрти ўз юртинг

бўлур. **Тангри** иноятига сиғиниб (29) бу фурсатларда Азарбайжон вилоятларини забт қилиб, (30) отам юртини бурунги йўсун [яъни, Темурбек замонидаги қонун] билан бошқарайин деб келяпман(31). Ҳасан Алининг бузуқ хабари чаппасидан келди. Давлат учун бағоят (32) муносиб (бир) иш бўлди. Миёнага етганда ининг Мурод (33) билан яхши сўзларинг келди. Сенинг кўнглингда андоқ (34) кечмасин-ким, Табризда Жихоншоҳ турур эрди, менга бермадилар, деб. (35) Сен яна билурсен-ким, Жихоншоҳга бир восита билан андоқ тушиб эрди [яъни, бир сабаб билан берилган эди]. (36) Орада бир аҳд сўзи ҳам кечиб эрди. Сўнг (37) биз ҳам Хуросон вилоятларига қайтиб келиб эрдик. Бир неча (38) вилоятларнинг забтини қилмоқ муҳим эрди. **Тангри** инояти (39) билан, мардлар химматидан ул вилоятлар мусахҳар бўлиб (40) эрди-ким, Жихоншоҳ сенинг устингга юриди, деб эшитганимизда (41) ул аҳд орада қолмади. Сен ҳам эшитган бўлсанг керак-ким, (42) Али бег деган жўрамни битиглар битиб Жихоншоҳга чоптирдим-ким, (43) сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига (44) душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди. Энди (45) бизнинг Ҳасан бегдан яхшироқ дўстимиз йўқ турур. Юз йилдан (46) бери ўзга (билан) бўлмаган аҳд сенинг устингда бўлди. (47) Мен ҳам **Тангри** иноятига сиғиниб, сенинг устинга юридим деб (48) билдиргулик юбориб эдим. Юборган элчи Табризга етганда (49) Жихоншоҳнинг ишини бир ёкли қилган эмишсан.

Тангри инояти билан (50) Табризга келганимда сен ҳам йироқсинмай, келиб кўришнинг яроғини [яъни, иложини] (51) топсанг, келиб кўргин. **Тангри** иноятидин умидим ул турур-ким, Рум, Миср, (52) Шом бошли бутун мамлакатлар фатҳини бот (53) бизга насиб қилса, Аллоҳ таоло шунга етиштиргандан (54) сўнг, умидим ул-ким, барча иш кўнгил тилагандек бўлғай. (55) У ёқлардаги вилоятларнинг ҳарбий қудратини (56) сен яхшироқ билурсен. Агар (57) мен ўзим бормоққа ҳожат топмай, ўғлонларимдан, сўнгга (58) беклардан, черигдан не миқдор керакли бўлса, (59) (черигнинг) ҳарбий аҳволини қараб чиқиб, яна

тиласанг, ул чоқли киши юборайин. Бунга (60) тенг келадиган [яъни, бунга арзирли] иницилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг.

(61) **Тангри** инояти билан, мардлар ҳимматидан Миср, Рум, Шомдек ерларни (62) олиб бермакни (63) мен билайин [яъни, мен шуни билай; ўз устимга олай]. Сендан **Тангри** инояти билан умидим ул турур-ким, (64) бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизмат(65)корликни орттирғайсен. Ҳаргиз ўзга бўлмағай(66)сен. Бу қандай ўғил-ким, бу кечар дунёда бурунги яхши(67)лари юз йилдан бери қилган дўстлик, қариндошлик(68)ни ўзга қилса?!

(69) **Темур бег** отанг Усмон бегга Диёрбакир вилоятини (70) берган бўлса, умидим ул турур-ким, (71) мен сенга **Тангри** инояти бирла Миср, Рум вилоятларини (72) олиб бергай(73)мен. Кечар дунёда қиёматга қадар бу яхши от орада (74) қолғай.

Сенинг эсонлигингни кўриш учун Маҳмуд бег(75)ни юборилди.

Сичқон йили, Рабиул аввал ойининг йигирма (76) иккисида Миёнада эканлигимизда битилди.

Битигда кечган киши отлари

Abu Sa'id Kōrāgān 1 – XV асрнинг ўрталарида Туркистон ва Эронда ҳокимият сурган. Темур бегнинг эвараси (шажараси: Абу Саид Султон Мирзо бин Муҳаммад бин Мироншоҳ Мирзо бин Темур бег).

Hasan beg 2, 45 – битиг йўлланаётган киши. Унинг бошқа бир оти Узун Ҳасан эди. Оқ қўюнли туркманларнинг беги. Бошда Диёрбакир ҳокими, кейинчалик Шарқий Анатўлида катта юртларни забт этиб, улуғ бир давлатнинг ҳукумдорига айланди. У қўшнилари, айниқса, Шарқий ёндаги қўшниси Қора қўюнли беги Жихоншоҳ учун таҳликали рақиб эди. Ҳасан бег замонасининг довруғи кетган турк бекларидан бўлган.

Sāhib qirān Temūr beg (3–4)=*Temūr beg* (24, 69)=*Sāhib qirān beg* (14–15)=*Beg* (6, 7, 11, 12, 13) – Амир Темур шундай отлар билан тилга олинган.

Mirānshāh Mirzā 27 – Темур бегнинг ўғли.

Jihānshāh 34, 35, 40, 42, 49 – Қора қўюнли туркманларнинг беги.

'Usmān beg 5, 10, 69 – Матнда бу кишини Ҳасан бегга нисбатан *Uluğ ataṇ 'Usmān beg* деб қайд этилган. Шунга қараганда у Ҳасан бегнинг бобосидир.

Hasan 'Ali 31 – Жихоншоҳнинг ўғли.

'Ali beg 42 – Абу Саиднинг жўраси, унинг сафдоши бўлиши керак. Боиси, ҳозирги ўзбек тилида “жўра” сўзи “ўртоқ, сафдош” маъноларида қўлланилади.

Murād 32 – Ҳасан бегнинг иниси.

Mahmud beg 74 – Ушбу битигни Ҳасан бегга келтирган киши, Абу Саид давлатининг элчиларидан бири.

Hamid 9 – А. Курат бу сўзни жой оти деб берган. Аслида бу киши отидир.

Битигда учраган жой отлари

Rum 51, 61, 71 – юрт оти.

Misir 51, 61, 71 – юрт оти.

Šām 52, 61 – юрт оти, Сурия.

Xurāsān 37 – юрт оти.

Aḍarbayjān 29 – юрт оти. Уйғур хатида бу сўз <d> ҳарфи билан ёзилган. Вазифасига қўра уни [δ] деб ўқиш керак.

Diṽārbakir vilāyatī 8, 69 – Шарқий Анатўлидаги вилоят.

Tabriz 24, 34, 48, 50 – Эрондаги ер. У замонлар Жихоншоҳнинг қўл остида эди.

Miṽāna 32, 76 – Озарбайжондаги бир шаҳар.

ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА САНА ВА УНИНГ АЙТИЛИШИ

Ёзма ёдгорликларда санани айтишнинг йўли ўзига яраша: бирор воқеанинг санаси кўрсатилганда аввал йил, кейин ой, сўнгра кун айтилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида *yil-ay-kün* деган атама қўлланилган. Бунинг маъниси “тақвим”дир. Муҳим жиҳати, бу атама шу туришида санани айтиш кетма-кетлигини акс эттирган.

Қадимги туркларда мучалйил саноғи амал қилган. Кўк туркларда ойлارнинг оти йўқ: улар тартиб кўрсаткичи билан

юртилган. Бир мисол. Кул тигин битигининг якунида саркарда Кул тигин ўлимининг ва унинг хотирасига атаб ўтказилган йўғ маросимининг санаси шундай берилади: *Kül tigin qoñ yilqa, yeti yigirmikā ucdī. Toquzunč ay yeti otuzqa yoğ ertürtimiz.* – Кул тигин қўй йилида, (биринчи ойнинг) ўн еттинчи кунида (=731 йил, 27 февраль) ўлди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида (=731 йил, 1 ноябрь) йўғ маросимини ўтказдик (К.ІІІ). Эътибор берилса, биринчи санада ой кўрсатилган эмас, фақат кун қайд этилган. Нечанчи ой тўғрисида сўз бораётганини кейинги жумладан билиш мумкин. Кейинги жумлада йилнинг тўққизинчи оyi (*toquzunč ay*) қайд этилган. Демак, аввалги жумлада йилнинг биринчи оyi кўзда тутилмоқда.

Туркий ёзма ёдгорликларда сана, кўпинча, асар якунидаги тарихда қайд этилади. “Тарих” асли “сана” демакдир. Лекин шарқ манбашунослигида асар охиридаги якуний маълумотларни “тарих” дейиш русум бўлган. Сабаби, матннинг якуний маълумотлар келтириладиган бўлимида (тарихда) унинг санаси келтирилади. Тарихда асарнинг битилган (йирик асарларда уларнинг кўчирилган) санаси, котиби, ери тўғрисидаги маълумот берилган бўлади. Сана тарихнинг биринчи, шунинг билан бирга, энг керакли компонентиدير.

Илмий терминологияда тарихни *колофон* (рус манбашунослигида “выходные данные”) ёки *datum* ҳам дейилади.

Туркий ёзма ёдгорликларда тарихни бериш тартиби ҳар хил: масалан, тилхатларда келтирилган тарих ёрлиқлар тарихидан айрича. Ёрлиқлар, тарихий ёки бадий асарлардаги тарих уч компонентдан тузилган бўлади: сана, матнни кўчирувчи котибнинг оти, матн битилган ер. Туркий тарих ана шу компонентларнинг бирлигидан иборат.

Анъанага кўра, тарихдан аввал асар тугаганлиги қайд этилади. Бу гап *tügädi // tügändi* ёки *tamām boldi* сўзлари билан бошланади. Ёки гапнинг кесими *tamām boldi, bitildi*, унинг котиби қайд этилган бўлса, *bitidi, bitidim* сўзлари билан тугайди. Масалан, “Қутадғу билиг” уйғур ёзувли ҳирот нусхасининг охирида асар

кўчириб тугаллангандан кейин битилган тарих *Tügändi Qutadğu kitapı* деб бошланади. Ёки Британия музейида От.8193 сони остида сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмадан ўрин олган “Муҳаббатнома”нинг охирига тарихдан аввал *Tamām boldi Muhab(b)atnāma kitāpı* деб ёзиб қўйилган. Қўлёзмаларда асар тугаганлиги маълум қилинган, унга баъзан *Qutluğ bolsun; Qutluğ bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün* деган тилаклар ҳам қўшиб қўйилади.

Ислом даври матнларида сана, кўпинча, *tarix* деган умумлаштирувчи сўз билан бирга қўлланади ва бунинг билан матннинг битилиш санасига ишора қилинади. Масалан: *tarix sekiz yüz otuz beštä; tarix sekiz yüz qırq üčtä* сингари.

Ислом даври матнларидаги йил саноғи ҳижрийда. Масалан, *sekiz yüz qırq üčtä* дейилганда ҳижрий “саккиз юз қирқ учинчи йил” кўзда тутилади. Ундан кейин туркий мучалийил оти келтирилади. Бундай матнларда ой отлари ҳам мусулмон тақвими асосида.

Табиийки, кейин ойнинг нечанчи куни эканлиги таъкидланади. Баъзан бунга ҳафтанинг куни ҳам қўшиб қўйилади. Шунинг сингари бир-икки ўзгачаликларни айтмаганда, компонентларнинг кетма-кетлиги, жумла тузилишида ислом даври матнчилигидаги сана битиш анъанаси ўзидан бурунги давр матнчилигидан унча фарқ қилмайди. Ислом даври матнчилиги қадимги туркий анъанани сақлаган.

Бадий матнлардаги тарих битиш тартибини “Қутадғу билиг”нинг ҳирот қўлёзмасидан олинган мисол билан далиллашмиз. Чунончи, асар кўчириб тугалланган ўриндаги тарих шундай: *Tügändi Qutadğu kitapı tarix sekiz (yüz) qırq üç yilta qoy yil muhar(r)am aynıñ törti Haruda.*

Ёки, айти қўлёзманинг бошқа бир ерида берилган тарих қуйидагича: *Tarix sekiz yüz qırq üčtä qoy yil axiri muhar(r)am aynıñ tört yañısı Haru šahrında bitildi.*

“Ҳибату-л-ҳақойиқ” истанбул нусхасининг охиридаги тарих эса шундай: *Tarix sekiz yüz seksän dördtä toñuz yili zulqada ayıñıñ*

on yetisidā šamba küni tamām boldī. Qutluğ bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün tep Šayxzāda `Abdulrazzāq baxšī Qustantaniyada bitidi.

Уйғур ёзувли “Мухаббатнома”нинг охирига битилган тарих: Qutluğ bolsun. Tarix sekiz yüz otuz beštā čičqan yıl rajap aynıñ altısında Yazd šahrında Mir Jalāl(id)din buyurğan üçün bu faqir Mansur baxšī bit(i)di.

Уйғур ёзувли “Тазкирайи авлиё” асарининг якунига шундай тарих битилган: Emdi tazkirada bitilgān mašāyix avliyālarınñ hikāyat sözlāri tügätildi. Tarix sekiz yüz qırqta at yıl jumādul-āxira aynıñ onıda Heruda Abu Malik baxšī bitidim.

Ана шундай тарих битиш анъанасини ўрта асрларнинг ёрлиқларида ҳам кузатамиз. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига уйғур хатида йўллаган ёрлиғининг охирида берилган тарих шундай: Taqağu yıl tarix yeti yüz toqsan beštā rajap ayıññ sekiz yañıda ordu Tanda erürdā bitiglädimiz (Товуқ йили, таърих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда эканлигида ёздик).

Олтин Ўрда хони Темур Қутлуғнинг 1397 йили уйғур ёзувида битилиб, сатрма-сатр араб хатида изоҳи келтирилган ёрлиғида унинг хижрий 800 йил (=1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг ёқасида Мужаваранда битилганлиги қайд этилади: Tarix sekiz yüzdä bars yili ša`ban ayıññ altınçı künidä Üzü suyıññ kanarida Mujavaranda erürdä bitildi.

Шохрухнинг Ҳиротнинг Чечактўба мавзеидаги Талхан ота мазорининг мужовури Исмоил номига берган уйғур ёзувли суюрғалида қайд этилган тарих: Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yıl muharram aynıñ yigirmi ikisidä Bağ-i Šaharda bitildi (Таърих саккиз юз йигирма бешинчи, сигир йили, муҳаррам ойининг йигирма иккисида (=1422 йилнинг 16 январь) Боғи шаҳарда битилди).

Тилхатларда тарихни келтириш шакли булардан фарқ қилади. Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса ёки тушумидан улуш олиш шарти билан ишловга олинган ер учун ёзилган расмий

хужжатлар (тилхатлар), одатда, ўша нарса насияга олинган санани қайд этиш билан бошланади.

Мухим белгиларидан бири, тилхатларда (одатда, унинг охирида) тилхат бераётган киши, ҳатто хатни ёзган котиб, гувоҳлар ҳам қайд этилади. Бироқ хатнинг ёзилган санаси ва битилган ери кўрсатилмайди.

Шу ўринда Берлинда сақланаётган Турфондан топилган уйғур ёзувли расмий ҳужжатларнинг саналарини кўриб чиқамиз:

U 5238 сони билан сақланаётган ҳужжат шундай бошланади: *Taqiğu yil aram ay altı ...* (Товуқ йили арам ойининг олти ...). Бу ўринда *aram ay // ram ay* – кадимги уйғур тақвимининг биринчи ойидир.

U 5329 сони билан сақланаётган уч қаторли ҳужжат *Toғuz yil ücünç ay bir ...* (Тўнғиз йили, учинчи ойининг бир...) деб бошланган.

U 5316 сони билан сақланаётган уч меш май (*üç qar sücük*) олинганлиги ҳақидаги тўрт қатордан иборат бўлган ҳужжат *Ud yil yitinc ay bir otuzqa* (Сигир йили еттинчи ойнинг йигирма бирида) деб бошланади.

U 5314 сони билан сақланаётган беш қаторли ҳужжатнинг бошланиши шундай: *Tawşan yil onunc ay tört yigirmikä* (Товушқон йил ўнинчи ойининг ўн тўртинчи куни).

U 5301 сони билан сақланаётган уч қаторли ҳужжатнинг бошланиши: *İt yil onunc ay biş yañıqa* (Ит йил ўнинчи ойининг бешинчи куни).

U 5291 сони билан сақланаётган ўн қаторли ҳужжат *İt yil bir yigirminc ay tö[r]t ..]* (Ит йил, ўн биринчи ойининг тўрт ...) деб бошланган.

U 5284 сони билан сақланаётган сақланаётган тўрт қаторли ҳужжатнинг бошланиши: *Ud yil č(a)xš(a)p(a)t ay iki otuzqa* (Сигир йил чахшапат ойининг йигирма иккинчи куни). Матнда учраган *č(a)xš(a)p(a)t ay* – рўза ойи, тақвимнинг ўн иккинчи ойидир.

Бундай ҳужжатларда келтирилувчи тарих учта компонентдан тузилган бўлади: йил, ой, кун. Йил, одатда, мучал йил отлари билан келтирилади.

Ислом давридан аввал яратилган матнларда ой икки хил тартибда берилган: 1) ойнинг тартиб кўрсаткичи айтилади: *birinč ay, ikinč ay, üçünč ay* сингари. Бу тартиб туркий тиллар тарихидаги энг эски тартибдир; 2) ой қадимги уйғур тақвими (будда тақвими, монийлик даврида ҳам турклар ана шу тақвимдан фойдаланган) асосида келтирилади. Бу тақвимга кўра ҳар қайси ойнинг ўз оти бўлган. Масалан: *aram ay // ram ay* [*<сүгд. r`m*] – қадимги уйғур тақвимининг биринчи ойи. Ёки: *č(a)xš(a)p(a)t ay* [*<скр. siksapada*] – рўза ойи, тақвимнинг ўн иккинчи ойдир. Ушбу тартиб турклар буддизм ва монийликни қабул қилганларидан кейин оммалашди.

Қадимги туркларда кунларнинг оти йўқ, улар ўз тартиби билан айтилади. Фақат ойнинг биринчи кунлари (одатда, биринчи ўн кунлик) тилга олинганда унга *yaŋi* сўзи қўшиб айтилади. *yaŋi* – “ойнинг биринчи куни” деган маънони англатади. Масалан, *biš yaŋiqa* дейилганда “яңги ойнинг бешинчисида, ойнинг бешинчи кунда” деб тушунилади.

Ислом давридан бошлаб ҳафта кунлари ҳам оммалашди. Шунинг учун ислом даври матнларида ой кунларидан кейин ҳафта кунлари ҳам қўшиб қўйилган.

Демак, туркий тиллар тарихидаги санок кишилиқ ҳисоб-китоб тушунчаларининг келиб чиқишидан бошлаб унинг тугал бир тизимга айланишига қадар давом этган узоқ асрли тараққиётини ўзида акс эттиради.

ҚАДИМГИ ТУРК МОНУМЕНТАЛ МАТНЛАРИНИНГ УСЛУБИ

Монументал матн деганда ўликлар хотирасини мангулаштириш истагида мазор тошларига ёзилган битиглар, зиёратчилар томонидан қоя тошларга, шунингдек, бирор улў тарихий воқеалар сабаб бўлиб тошларга ёзиб қўйилган ёзувлар тушунилади. Кўк турк ёзуви енисей битигларида бунинг сингари

монументал матнлар **whb** *beñü~* **wkhb** *beñkü~* **wghb** *beñgü* дейилган. Ҳозирги матншуносликда “монументал матн” билан бирга “эпиграфик матн” атамаси ҳам қўлланилмоқда. Эски туркчада унинг ҳам ўз атамаси бор. Кўк турк ёзувли урхун битигларида эпиграфик матнни **Ycgtib** *bitigtaš*, енисей битигларида эса **aJqwkhb** *beñkü qaya~* **aJqwkhm** *meñkü qaya* дейилган.

Кунимизга қадар сақланган турк монументал битигларининг энг кўхнаси урхун обидаларидир. Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадийий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл-улусга, келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилик, эпитафияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкретик услубни қўллаганлар.

Унутмаслик керак, қабртошлардаги ёзувларнинг бари бадийий услубда эмас. Юқорида енисей битигларининг кўпи бадийий услубда битилганини таъкидлаган эдик. Бироқ айрим битигларда ўлик тўғрисида маълумот берилган, холос. Ўрناق учун III Тува битигини ўқиймиз (Orkun, 580–582):

- 1) Qara qan içräki ben Äzginä
- 2) altı otuz yaşıma erti
- 3) ben öltüm. Türgäs el içintä beg-ben. Bitig ...

Мазмуни: (1) Қорахон саройида мен Азгина (2) йигирма олти ёшимда эди (3) мен ўлдим. Тургаш элда бегман. Битиг...

Баъзи қабртошларга марқад эгасининг ўлган вақти қайд этилади, унинг отини ёдга олиб дуо айтилади. Табиийки, бундай матнларни бадийий асарлар деб бўлмайди. Насроний муҳитида яратилган турк қабртошларини бунга ўрناق қилиб келтириш

мумкин. 1313 йили тикланган Денха Арим ёдгорлигининг (Малов 1959,78–79) услубига эътибор беринг:

(1) Aleksandros qan (2) saqış(i) miñ altı (3) yüz yegirmi dört (4) erdi. (5) Ut erdi. (6) Bu qabra (7) Denxa Arim (8) Batmanıñ turur. (9) Yat bolsun! Kelmiş (10) yazıqıña puşu bolsun.

Мазмуни:

(1) Александр хон (2) тарихи минг олти (3) юз йигирма тўрт(инчи йил) (4) эди. (5) (Туркча ҳисобда) сигир (йили) эди. (6) Бу қабр (7) Денха Арим (8) Бамтаникидир. (9) Ёд бўлсин! (Қабр тепасига) келган (10) (яратгандан марҳумнинг) гуноҳларидан ўтишни сўрасин.

Эпиграфик матнларнинг баъзилари тарихий саналарни, муҳим воқеаларни қайд этиш учун битилган. Бундай матнларнинг услуби-да айри. Матнда унинг ким томонидан битилганлиги, ёдгорлик ўрнатилишининг мақсади, муҳим тарихий вақеа ва албатта сана қайд этилади. Шу ўринда Амир Темурнинг етти юз тўқсон учинчи йил кўкламида (=1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида (“чиғатой туркийси”да) ёздирган битигини мисол келтирамиз. Султоннинг номидан ёзилган битиг ўн бир сатрли бўлиб, илк уч қатори арабча, кейинги саккиз сатри уйғур хати билан туркий тилда битилган.

Арабча хатнинг биринчи қатори басмала, кейинги икки сатри оят. Уйғур ҳарфли туркий матн, нисбатан, яхши сақланган (қаранг: Содиқов 2009(а),70–71). У шундай ўқилади: Tarix yeti yüz toqsan üçtä, qoy yıl yaznıñ ara ay Turannıñ sultānı Temür-beg üç yüz miñ çerig bilä islām üçün Toxtamış xanı (?) xanığa yoridı. Bu yergä yetip belgü bolsun tep bu tobanı qopardı. Teñri nisfat bergäy inşalla. Teñri el kişigä rahmat qılğay, bizni duā bilä yād qılğay.

Эски ўзбек тилидаги ушбу матн ҳозирги тилимиздан бир оз фарқли. Матндаги *yaz* сўзи “кўклам, баҳор” деган маънони беради. Бу сўз ҳозирги болалар кўшиғидаги “Лайлак келди ёз бўлди” жумласида ҳам сақланиб қолган. Матнда яна *el kişi* бирикмаси ҳам бор. Бу ўринда *el* – “юрт, мамлакат”, *el kişi* эса

русчадаги “гражданин” деган тушунчани беради. Битигдаги *töbä* сўзи “ёдгорлик, битигтош” англамидадир. Битигнинг эътиборни тортадиган яна бир хусусияти, ундаги таърих (сана) асл туркий қолипда: аввал йил (ҳижрий ва мучал тартибида), сўнг ой, кун кетма-кетлигидадир.

Амир Темур битигда *Temür-beg* деб тилга олинган. Бу исмдаги *beg* унинг даражасидир. У “амир”га тўғри келади.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, битигнинг мазмуни шундай бўлади: “Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида) Туроннинг султони Темурбег уч юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамиш хон(нинг) хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри (бизга) нисфат [яъни тўғрилиқ, инсоф] бергай иншооло. Тангри фукарога раҳм қилгай, (эл) бизни дуо билан ёд қилгай”.

У. Серткая уйғур ёзувли матннинг биринчи жумласини *Tirix yedi yüz toqsan üçtä qoy yıl yerniñ uğanı turanniñ sultānı Temür-bek üç yüz miñ çerik bilä ismi ücün toqtamış qanqa bulğar qanıqa yoridi* кўринишида ўқиб, туркчага “*Tarih yedi yüz doksan üçte, Koyun yıl(ında), yerin (cihanın) sahibi, turanın sultanı Temür Bey, üç yüz bin asker ile, ismi (islam?) için Toktamış Han’a, Bulgar Hanı’na yürüdü*” деб таржима қилган (Sertkaya 2007,36–37).

Эътибор берсангиз, битигда Темурбег ўз салтанатини *Turan* деб атамоқда. Темурбег мамлакати аслида шундай аталган. Матнда ҳуқумдор ўзини *Turanniñ sultānı*, отини эса *Temür-beg* деган: *Turanniñ sultānı Temür-beg*. Султоннинг оти туркий тилдаги бошқа ҳужжатларда ҳам шундай. Масалан, Султон Абу Саиднинг уйғур ёзувли васиқасида у *Sāhibqirān Temür-beg, Beg, Sāhibqirān Beg, Temür-beg* деб берилади. Янада муҳими, битигнинг араб хатида эмас, балки қадимги уйғур ёзуви ва туркий тилда эканлигидир. Бу ҳам бўлса, Темурбег ўзининг тарихий ёзмалари, йилномалари, расмий ёрлиқларини уйғур хатида биттирганидан далолат беради. Темурийлар тарихини битган муаррихлар ўз асарларини ёзишда уйғур ёзувида битилган ана

шундай йилнома, тарихий хужжатлардан фойдаланганларини ҳам кайд этиб ўтганлар.

Ташриф битиглари ҳам услуб жиҳатдан ажралиб туради. Бундай ёзувлар кўпроқ мукаддас қадамжоларга битилган. Битигда зиёратчининг оти, зиёрат тарихи аниқ кўрсатилади. Бунга Қирғизистоннинг жанубида Ақбейит яқинидаги Унгир деган жойдаги қоятошга уйғур хатида ёзилган битигни мисол келтиришимиз мумкин. Битиг шундай ўқилади:

Yil tört yüz altmıř altıda men Qumar Arämük munı bitidim. Yil bars yilı erdi, beři(n)ç ay on erdi. Tuřambat (?) kün erdi. Qutluğ bolsun, inřa(a)la.

Мазмуни: Йил тўрт юз олтмиш олтида (мелодий 1061–1062) мен, Қумар Арамук, буни битдим. Йил барс йили эди. Бешинчи ой(нинг) ўн(инчи куни) эди. Тушамбат (?) кун эди. Қутлуғ бўлсин, иншоолло (Содиқов 1997,91).

ИСЛОМ ДАВРИ ҚАБРТОШЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

Қабртошлар ўтмишнинг ўзига хос санъат асари, архитектура ёдгорлиги бўлиб, уларни тайёрлаш жуда катта меҳнат ва маҳоратни талаб этган. Бошлаб ёдгорлик учун ноёб ва қимматли тош танланган. Тарихий манбаларда бундай тошлар ҳукумдорлар буйруғига кўра баъзан узоқ ўлкалардан ташиб келтирилганлиги тўғрисида хабарлар бор. Келтирилган ашё тош йўнувчи уста(сангрез)га топширилган. У тошни йўниб сандикбичимли ёки бешикбичимли шаклга солган. Бу орада тошга битилгучи ёднома матни ҳам тайёрлаб қўйилган. Матн, одатда, олим, муаррих ё шоирлар, диний уламолар томонидан тузилар эди. Улуғ кишиларга аталган ёдномани тузиш учун баъзан улар орасида танлов ҳам ўтказилган. Оқибат, матнлардан энг маъқули, талабга жавоб берадигани танлаб олиниб, хаттотга топширилган. Тошни безашда наққошнинг хизмати айрича ўрин тутади. У силлиқланган тошнинг юзаси ва ён бағирларини нақшлар ҳамда ислом санъатида оммалашган геометрик шакллар билан безаган. Ҳарқалай, кейинги жараён хаттот билан биргаликда бажарилган

дея оламиз. Чунки, тошнинг қанчалик чиройли чиқиши хаттот ва наққошнинг биргаликдаги меҳнатига боғлиқ эди. Бу юмушлар тугагач, тош сангтарошга топширилган. Сўнгги ва энг заҳматли ишни сангтарош якунлаган. Шундай қилиб, чиройли бир қабртошни тайёрлаш учун ойлаб вақт сарфланган.

Ўрта аср ислом маданияти тарихида турли маданият ва санъат марказларида сангтарошлик мактаблари шакллангани маълум. Бу даврларда, айниқса, самарқанд-кеш сангтарошлик мактаби шуҳрат қозонган. Самарқанд-кеш усталарининг ишларини бошқа ерлардаги ёдгорликларда ҳам кузатамиз. Бу усталарнинг меҳнатига талаб катта бўлган ва эътиборли кишилар хотирасига қабртош яшаш учун улар таклиф этилган.

Шакли, ишланишига кўра турли даврларда яратилган қабртошлар бир-биридан ажралиб туради. Қабртошларнинг юксак даражада ишланган, классик тури сандиқ кўринишидадир. Биз уларни шартли равишда “сандиқбичимли” қабртошлар деб атадик. Шундай аталса-да, уларнинг тепа қисми бўртган, айвон пештоки кўринишида. Ҳатто тошнинг тўрт устун ҳам кўпинча сарой устунлари шаклида. Умумий кўриниши эски туркистон архитектурасига тегишли бўлган чиройли бир уйни эслатади. Бунда чуқур маъно мужассам: қабр ўликнинг уйи деган қараш бор. Сандиқбичимли қабртошлар, XIV–XVI асрларда кенг тарқалган. Ёдгорлик шакли, унинг безаклари марҳумнинг тириклиги чоғида жамиятда тутган мавқеи ва ёшига ҳам боғлиқ бўлган. Хонлар, султонлар, амирлар, шайхлар қабрига ўрнатилган тошлар ниҳоятда чиройли ва салобатли. Уларни ўз даврининг ажойиб архитектура обидалари санаш мумкин.

Қабртошларнинг яна бир хили “бешиқбичимли” тошлардир. Улар бешиқ кўринишида ишланган (киши чақалоқлигида бешиқда улғайгани сингари унинг сўнг ери ҳам бешиқдай осойишта бўлуви тиланган бунинг билан). Баъзилари икки бўлакдан иборат: асоси сандиқбичимли ишланиб, усти бешиқ кўринишида. Бешиқтошларнинг тарихи ҳам узок. Бундай тошлар ҳам кишининг тириклигидаги даражаси, ёшига қараб ишланган.

Айникса, ўспирин ва гўдак ўтганларнинг қабртошлари кичик ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Шартли равишда “рельсбичимли” деб аталаётган қабртошлар, нисбатан, кейинги даврларга тегишлидир. Улар кўринишдан қиркма темир йўл рельсига ўхшайди. Шакли жўн, безаклари ҳам йўқ ҳисоб. Марҳумнинг тириклик чоғида нисбатан қуйироқ амалда ўтганидан далолат беради. Иқтисодий таназзул даврида бундай тошлар кенгроқ тарқалган.

Шакли, ишланиши жиҳатидан Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида жойлашган Ҳазрати Лангар зиёратгоҳидаги қабртошлар бошқа қабртошлардан буткул айрилиб туради. Мақбара ичидан бир неча қабр жой олган. Биринчи қабр устига тобутбичимли тош қўйилган. Лекин тобутбичимли тошнинг ёзуви йўқ. Тошнинг бош томонига тепаси меҳроб шаклидаги тошлавҳ (стела) тикланган. Марҳум хотирасига аталган ёзув мана шу тошлавҳда.

Иккинчи қабр устидаги ёдгорликнинг кўриниши ҳам шундай. Қабрнинг бош томонига лавҳ тикланиб, ёзув ана шу лавҳга битилган. Лавҳнинг терс ёғига ҳам рамка ишланиб, остига меҳроб чизилган. Рамкага *Lahu-l-hukmu va alayhi yurja'u:n* (Ҳукм Уникидир ва Унга қайтадилар) деб ёзилган. Остидаги меҳробда эса ёзув йўқ. Учинчи қабртошнинг ишланиши ҳам шундай. Ундаги лавҳнинг терс ёғида ҳам аввалгисидай ёзуви бор.

Усталар мазкур тошлавҳларни маҳорат билан ишлаганлар, уларнинг хати ҳам ўта чиройли. Умуман, мазкур қабртошларни ўз даврининг энг ажойиб санъат ва архитектура, эпиграфик ёдгорликлари сифатида баҳолаш мумкин.

Ёдгорликлар ичида трапеция кўринишидагиларини ҳам учратамиз.

Қабртошларнинг анча кейинги даврларда оммалашган симёғоч асоси шаклида ишланганлари ҳам бор. Кеш-Шаҳрисабз теварагида бундай тошлар жуда оз. Бундай қабртошлар Жиззах вилояти Бахмал туманидаги эски қабристонларда бор. У ерда симёғоч асоси шаклидаги тошлар кенг тарқалган.

Қабртошлар орасида сополак шаклидагилари ҳам бор. Бундай тошларнинг шакли оддий бўлиб, уларга нақшлар берилган. Ёзуви чиройли.

XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида қайроқ шаклидаги тошлар кенг тарқалган. Буларнинг шакли оддий, безаклари ҳам йўқ. Тошга асосан, басмала ҳамда марҳумнинг исми-шарифи, ўлимининг санаси битилган, холос. Бундай тошларни Самарқанд вилоятининг Челек туманидаги эски қабристонларда учратамиз.

Ёдгорликлар орасида қабр-сандиқ ҳам айрича ўрин тутати. Бу ерларда қабр-сандиқлар, асосан, тахтадан ишланган. Шунинг учун ҳам улар ўралган, усти ёпиқ жойлар, кўпинча, мақбаралардаги қабрларга қўйилган. Одатда, қабр-сандиқ ўзининг ишланиши, безаклари жиҳатидан қабртошлардан қолишмайди. Табиийки, бундай ёдгорликлар улуғ кишиларнинг қабрига қўйилган. Афсуски, кунимизгача бундай ёдгорликлар жуда оз сақланган. Худди шундай қабр-сандиқ Китоб туманидаги Султон Саид Аҳмад (Ҳазрати Башир) мақбарасида бор. Уни айни турдаги санъат ёдгорликларининг гўзал намуналаридан бири деб санаш мумкин. Ёдгорлик яхши сақланган. Фақат у айни чоғда гўр устидан четга олиб қўйилибди. Бу ерлик қарияларнинг сўзига қараганда, қабр-сандиқ аввал гўр устида турган. Кейинчалик қабрга янги мармар ўрнатилгач, четга олиб қўйилган. Афтидан, мазкур қабр-сандиқ 300–330 йиллар бурун ясалган.

Ислом даври қабртошларида матнга жиддий эътибор қаратилган. Бу давр қабртошларидаги матн ўз тузилиши, матн танлаш принципига кўра Ўрта Осиё халқлари томонидан анча бурун, бошқа диний эътиқодлар даврида яратилган эпиграфик матнлардан фарқ қилади. Муслим хотирасига ўрнатилган қабртош ислом маданиятининг муҳим ёдгорлигидир. Бу давр тошларидаги матн буткул исломий руҳда. Табиийки, ёднома матни тошнинг тузилиши, кимга аталаётганига қараб танланган. Ёдгорликларда марҳумга оид тарихий маълумотлардан ташқари ислом эътиқодидаги тушунчалар, Қуръони карим оятлари жой

олган. Чунончи, эътиборли кишилар шарафига битилган ёднома басмала билан бошланади. Бундан ташқари тошга Оллохнинг исми-сифатлари (асмау-л-хусна) битилган. Уларнинг сони турлича: ўта эътиборли ёдгорликларда 99 та, бошқаларида 66 ёки 33 та келтирилади. Тошга баъзан *Allah, Muhammad* сўзлари ҳам битилган. Шунингдек, матнда Қуръони каримдан оятлар ҳам келтирилган.

Матн ичида марсиялар, баъзан шарқ классикларининг теран фалсафий байтлари ҳам жой олган. Ва, энг асосийси, матнда марҳум тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ер эгаллайди. Сандикбичимли қабртошларда бундай маълумотлар тошнинг бош ва оёқ кўндалангига битилган. Бош томонда ушбу марқада кимга тегишли эканлиги таъкидланса, оёқ томонда ўлимининг таърихи берилади.

Тош қанчалик соддалашган сари ундаги матн ҳам оддийлашиб, қисқара боради. Айрим тошларда басмала, ўликнинг исми-шарифи ва ўлимининг санаси қайд этилган, холос.

Ислом даврида яратилган қабртошлар уч тилли: арабча, форсий ҳамда туркий. Ёдгорликларда басмала, асмау-л-хусна, Қуръони каримдан олинган оятлар арабча шаклда келтирилган. Марсия ва шеърлар, кўпинча, форсийда келади. Марҳумга тегишли қайдлар, ўлимининг таърихи XIV–XVI асрларда, кўпинча, араб тилида бўлиб, булар билан олдинма-кетин форсчада ҳам ёзила бошлайди. Кейинги даврларда марҳум тўғрисидаги қайдлар туркийда бериладиган бўлди.

Қабртошларнинг безаклари ҳам эътиборга молик. Тошларга кўпинча меҳроб тасвири туширилган. Баъзи тошларнинг безаклари бой, таърифига сўз ожиз. Ҳатто қирраларига ишланган устунчалар ҳам нақшинкор. Устунчалар ишланишига кўра уч хил: морпеч (кулала илон), кунгирадор ҳамда безаксиз устун шаклида. Яна бир жиҳати, тошларнинг юзига ромашка гул, юлдузчалар ўйиб туширилган. Бу шакл, афтидан, шамдон вазифасини бажарган кўринади.

Яна тошларга ислом тушунчасидаги абадият белгиси(свастика)ни тушириш ҳам мумкин бўлган.

Ёзув тошларга ўйиб ёки бўртма шаклда битилган. Хат услуби кўпда сулс, сулси насх, шунингдек, насх ва настаълиқда. Баъзи тошларда *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳамда матндаги муҳим ўринлар рамкаларга олиниб, куфийда ҳам ёзилар эди.

АТАМАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Туркий битигларда атамаларнинг танланиши ва уларнинг матн услубига таъсири.

Диний атамалар тизими ва унинг матн услубига таъсири.

Қадимги туркий тилга чет тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами.

Қадимги туркий тилнинг илмий атамалар тизими.

Эски турк қарашлари билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан атамалар.

Ҳозирги ўзбек тилидаги қариндош-уруғчилик отлари ва уларнинг тарихий илдизлари.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛДА ҚЎЛЛАНИЛГАН БУДДИЗМ АТАМАЛАРИ

Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти тарихида, адабий алоқалар ва тилларнинг ўзаро таъсирида буддизмнинг ўрни катта бўлган. У ўтмишда улуслар бирлиги, уларнинг маданий юксалиши, диний-фалсафий фикрлар умумийлигини таъминлаб, Шарқ цивилизациясига унумли таъсир кўрсатган динлардан бири эди.

Илк Ўрта асрларда Ўрта ва Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди. Ушбу ижтимоий-тарихий, маданий жараён, хусусан, туркий халқларнинг қадимги ҳинд, тоҳар, суғд, хитой маданиятлари билан яқиндан танишувига, адабий алоқаларнинг ривожланувига имкон туғдирди. Қадимги турк теологияси ва илмида буддашунослик, санскритшунослик, тоҳаршунослик, суғдшунослик, хитойшунослик каби йўналишлар юзага келди. Турк ўқимишлилари орасидан доврўғи кетган буддашунослар, санскрит, тоҳар, суғд тилларининг билимдонлари, шарқшунос олимлар етишиб чиқди.

Буддизм туфайли турк оламига қадимги ҳинд фалсафаси ва маданияти таъсир эта бошлади. Ўзининг эски анъаналари ва янги қарашлар қуршовида туркий маданият янги босқичга кўтарилди.

Туркий муҳитга буддизмнинг тарқалиши, бошлаб, таржимачилик соҳасида катта бурилиш ясади. Кўплаб будда ёдгорликлари қадимги туркий тилга таржима қилина бошлади. Одатда, ушбу асарлар санскрит, тоҳар, суғд ва хитой тилларидан ўгирилар эди.

Илк ўрта аср турк-будда диний оламида бутун фикр буддизм фалсафаси, таълимоти ва қонун-қоидаларини ўрганишга қаратилди. Ўз навбатида, бу жараён ҳинд-қадимги турк маданий, адабий ва тил алоқаларининг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Қадимги турк-будда муҳотида ёзув маданияти янги босқичга кўтарилди. Кўк турк хоқонлиқлари даврида турклар кўк турк хатидан фойдаланган бўлсалар, буддизм муҳотида оромий алифбоси негизида яратилган қадимги туркий-уйғур хати ҳамда буддизм таъсирида кириб келган браҳма ёзувларидан фойдаландилар.

Диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Санскрит тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англатувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, маъориф, адабиётшунослик ва фаннинг айрим соҳаларига оид атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади. Қадимги туркий тилда будда таълимотига оид бутун бошли атамалар тизими шаклланди, ёзма адабий тилда буддавий асарларга хос бўлган хос бир услуб – “сутра услуби” юзага келди. Луғат таркибидаги сўзларнинг айримлари будда тушунча ва тасаввурларини ҳам ифодалай бошлади.

Туркий ёзма манбаларда “Ҳиндистон” *änätäk* дейилган. Шунингдек, бу атама *änätäk*, *änätäkčä*, *änätäk tili* шаклида қўлланилиб, “санскрит тили”ни англатади. Будда асарларида санскритчага нисбатан *aryabašča* сўзи ҳам қўлланилган. Бу сўз унга берилган сифат бўлиб, “муборак санскритча” англамидадир.

Буддизм даври ёзма адабий тили тўғрисида сўз борганда, луғат таркибида юзага келган атамалар тизимини эсламасликнинг иложи йўқ. Бу даврларда санскрит, тоҳар, суғд, хитой тилларидан диний, фалсафий атамалар, буддизм санъати, маданияти, маъориф, адабиёт ва фаннинг бошқа соҳаларига тегишли атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади. Тилшуносликда, шулар билан баробар, асл туркча сўзларнинг айримлари будда диний-фалсафий тушунчаларини ҳам ифода эта бошлади.

Тилшуносликда чет тиллардан сўз ўзлаштириш ёки туркий тилнинг ички имкониятлари, луғат бойлигининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги атамалар яшаш ёхуд туркий сўзларни янги маънода қўллаш усули илмий асосда ишлаб

чиқилган эди. Қадимги туркий тилга будда атамаларини ўзлаштириш ва янгиларини ясаш принциплари қуйидагича.

Муайян атама асл тилда қандай бўлса, ўшандай кўринишида, таржима қилинмай ўзлаштирилган, матнларда ҳам ана шундай қўлланилган. Масалан, *nirvan* (<скр. *nirvana*) сўзи будда таълимотида энг юксак, қутлуғ ер. Бунинг сингари атамалар будда асарларида кўплаб топилади.

Буддизм қадимги туркларнинг ҳинд адабиёти билан яқиндан танишувига ҳам имкон берди. Адабий алоқалар эткисида турк адабиётида янги жанрлар юзага келди. Табиийки бу янги жанрларни ифодалаш учун санскритча атамалардан ҳам фойдаланилган. Жумладан, турк адабиётида *ślok* (<скр. *ślok*), *padak* (<скр. *padaka*), *kārānt* (<скр. *grantha*) сингари янги шеър турлари шаклланди.

Буддизм даврида қадимги турк насрида будда қонунлари, ақоид, таълимотлари акс этган асарлар шухрат топди. Бундай асарлар *nom* ёки *nom bitig* деб юритилган (*nom*<суғдча. *nwm*; *nom bitig* –“ақоид китоби” маъносини билдиради). Будда диний адабиётида сутралар (ёдгорликлардаги шакли *sudur~sutra*), шастарлар (манбаларда *śastir~śastar* шаклида қўлланилади) кенг ёйилди. *Sudur* (<скр. *sutra*) – сутра, Будданинг насихатларидан иборат; *śastar* (<скр. *śastra*) – буддизмнинг муқаддас китоби, сутранинг тафсири, трактатдир. Буни *śastar bitig* ҳам дейилган.

Турк адабиётида улуғ роҳибларнинг ҳаёт йўлини, муқаддас ерларга уюштирган зиёратларини акс эттирувчи мемуарлар яратилди. Йирик эпик асар(*kavi nom bitig*)лар пайдо бўлди. *Kavi* (<скр. *kavya*) – “эпос, эпик асар”деган маънони беради. Будда афсона-ривоятлари кенг тарқалди. Булар *purani* (<скр. *purana*) аталган.

Буддизм динидаги турклар ҳиндларнинг китоб шаклидан ҳам фойдаланганлар. Фанда уни потхи китоб деб юритилади. Потхи китобнинг варақлари *pata* дейилган. Бу сўз санскритча *patra* дан бўлиб, улар пальма япроқлари ва варақни шундай атаганлар. Туркий тилда у иккинчи маъносида қўлланган.

Хар қайси варақнинг бош қисмига асар бўлими ва ушбу бўлимнинг тартиб кўрсаткичи ёзиб чиқилган. Масалан: *Yükünč alti patar* (Юкунч бўлими, олтинчи варақ), *Yükünč yeti patar* (Юкунч бўлими, еттинчи варақ), *Baštinqi ülüs on patar* (Аввалги бўлим, ўнинчи варақ), *Baštinqi ülüs tört yigirmi patar* (Аввалги бўлим, ўн тўртинчи варақ) ва б. Бир бўлим тугагач, кейинги бўлимдан бошлаб тартиб кўрсаткичи ҳам янгиланган. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, пойгир (погинация) вазифасини ўтаган ва китоб варақларини тартибли сақлаш имконини берган.

Қадимги туркий тилга чет тиллардан ўзлашган сўзларга туркий қўшимчалар қўшиш йўли билан ҳам янги атамалар ҳосил қилинган. Масалан, *nomčī* – будда қонунларининг билимдани, қонунларни йўрувчи (маъносини айтиб берувчи), уламо. Қонунлар ҳақида дарс берувчи устозни *nomčī ačarī~nomčī baxši* ҳам дейилган. Бу ердаги *ačarī* (<скр. *ačarya*) “ўқитувчи, устоз” маъносида.

Будда матнларида баъзи иборалар, диннинг асосини белгиловчи тушунчалар (формулалар) ҳам туркийга ўгирилмай, асл ҳолида, ўша тилда қандай бўлса, шундайлигича қўлланилган. Масалан, будда асарлари, анъанага кўра, *Namo but. Namu darm. Namu saṅ* жумлалари билан бошланган (бунинг *Namo Buddaya. Namu darmaya. Namu saṅgaya* шакли ҳам бор). Бунинг санскритчаси *Namo budha. Namu dharma. Namu samgha* дир. Маъноси: “Буддага таъзим. Будда ақидаларига (қонунларига) таъзим. Будда жамоасига таъзим” демакдир. Бу учликнинг бир формулада келишининг сабаби буддизм таълимотида Будда, буддизм қонунлари, таълимоти ва жамоа қутсалдир. Эски турклар бу учликни *üč erdini* ёки *erdinilär* деганлар.

Erdini (=скр. *ratha*) – “жавоҳир” маъносини беради. Қадимги туркий тилда *erdini* – “жавоҳир”. Буддизмнинг қутлуғ тушунчаси (=Ratna) шу сўз билан аталган: *nom erdini* – “нўм жавоҳири” (=Dharmaratna); *Burqan erdini* – “Бурхон (Будда) жавоҳири”; *üč erdini* – будда тушунчасидаги “уч жавоҳир” (=Triratna).

Будда матнларида суғдча, хитойча атамалар ҳам кўп учрайди. Бунинг сабабларидан бири будда асарларининг ўша тиллардан таржима қилинганлиги бўлса, иккинчиси қадимги турклар билан ўша халқлар орасида кечган яқин муносабатлар, адабий алоқалар ва Шарқ тилларининг ўзаро таъсиридир. Масалан, *Azrua* (<суғдча 'zrv') – брахма динининг яратувчиси, Зервана (=скр. *Brahma*). Ёки: *Xormuzta* (<суғдча 'xwrmzt') – илоҳ, тангрининг оти, Хўрмузд (=Indra). Аслида бу сўз моний диний қарашлари асосида шаклланган. Кейинчалик турк-буддистлар уни ўзлаштириб, ўз тушунчаларидаги “илоҳ” маъносида қўллай бошлаганлар.

Матн тузиш анъанаси билан боғлиқ яна бир жиҳат. Шарқ, хусусан, турк матнчилиги, матн тузиш анъанасига кўра асар қай тилдан таржима этилаётган бўлса, китобнинг отини ўзидай қолдириш ёки яратилган асарларга шарқ тилларининг бирида (табиийки, адабий эткиси ва мавқеи юқори бўлган тилда) от қўйиш русум бўлган. Масалан, монийчилар тавбаномасининг туркий версияси “Niğošaklarnıñ suyıñ yazuqın öküñgü Xuastuanıft” (яъни, “Тингловчиларнинг гуноҳларидан тавба қилувчи Хуастуанифт”) деб аталган. Турк-будда асарларида хос бир хусусиятни кузатамиз: айрим асарларнинг оти аслида қандай бўлса ўшандай, баъзиларига эса туркча от қўйилган. Масалан, “Mahayanasutra” – туркий тилда “Uluğ kölüñü sutur” ёки “Maytreya samiti nataka”нинг туркча версияси “Maytri simit nom bitig” деб аталган. “Suvarnaprabhasa sutra” қадимги туркий тилга “Altun öñlüğ yaruq yaltrıqlığ qopta kötrülmiş nom eligi” (яъни, “Олтин тусли ёруғлик таратувчи ҳамма нарсадан буюк бўлган тождор нўм”) деб ўгирилган. Ёки, туркча “Nirvan bitig” (=скр. *Nirvana sutra*) – маҳаяна мазҳабида яратилган сутралардан бирининг отидир.

Қадимги турк-будда, турк-моний адабиётлари, матнчилиги негизида шаклланган ушбу анъаналар туркий халқлар адабиётида узоқ давр сақланиб қолган. Бунинг таъсирини ўзбек мумтоз адабиётида ҳам учратамиз. Масалан, Алишер Навоийнинг

асарлари туркий тилда эканлигига қарамай, арабча аталган: “Me’zānu-l-avzān”; “Muhākamatu-l-luğātayn” ва шунинг сингари.

Ёзма манбаларда будда диний-фалсафий тушунчаларининг асл туркий шаклда қўлланилгани ҳам эътиборга лойиқ. Будда мухитида туркий тилнинг луғат таркибида бурундан қўлланиб келаётган туркий сўзлар янги маънода ишлатилган. Ёзувчилар атамани диний қарашларнинг моҳиятидан келиб чиқиб танлаганлар. Бунга бир мисол. Туркларда буддизмнинг маҳаяна йўли амал қилган. Қадимги туркий тилда бу мазҳаб *mahayana*, *tayšiq* (буларнинг бири санскритча, иккинчиси хитойчадан ўзлашган) ёки *uluğ kölüñü* деб аталган. Хинаяна мазҳаби эса *kičig kölüñü* аталган. *Kölüñü* – қадимги туркий тилда “йўл, мазҳаб” дегани; *uluğ kölüñü* – “диннинг кенг тариқати” (большая колесница), *kičig kölüñü* – “кичик тариқат” (малая колесница) маъносини англатади.

Қадимги турк, қолаверса, ушбу ўлкаларда яшовчи халқларда амал қилган буддизмнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, бошлаб буддизм худосиз дин бўлган. Бироқ туркларнинг бунга қадар амал қилган инончларида бутун оламни ва тирик мажудотни яратган тангри (*yaratmıš tǎñri*) тушунчаси бор. Қадимги турк буддизмининг муҳим белгиси, унда туркларнинг бундан бурунги диний-фалсафий тушунчаларига таянган ҳолда, худо (*tǎñri*) яратилди. Турк-буддистлар тушунчасида *tǎñri tǎñrisi* – “олий тангри, Будда”. Буддани улуғлаб, *tükäl bilgä tǎñri tǎñrisi burqan* “туғал доно, тангрилар тангриси, Бурхон” ҳам деганлар. *Tǎñri tǎñrisi* (=скр. *Devātideva*) ҳамда *tükäl bilgä* “тангриларнинг тангриси, туғал доно” – Будданинг сифатидир: *Tǎñri tǎñrisi Burqan* – Тангри тангриси Бурхон (Будда).

Beš yol – беш йўл. Бу атама “дўзах, жин-алвасти, ҳайвон, инсон ва худо”ни билдиради.

Beš čaxšapit~beš čaqšapat (*čaqšapat* <скр. *sikṣapada*) – беш ақида: “гуноҳсиз бўлиш; вужуд поклиги; бўғиз поклиги; ёмонлик қилмаслик; шод йўқсил бўлиш” демакдир.

Altı yol – олти йўл, яшашнинг олти шакли. Будда акидасига кўра, жонзодлар ҳаётлик чоғида қилган яхши ва ёмон амалларига қараб олти бор туғилиш ва ўлиш имконига эга бўладилар. Бу ном ана шу тушунчани англатади.

Tört toғum – тўрт туғилиш: 1) тухумдан туғулиш, 2) қориндан туғулиш, 3) намликдан туғулиш, 4) мавҳумликдан, йўқ нарсадан туғулишни англатади.

On karmapt (karmapt <скр. karmapatha). Бу атама будда йўлидаги ўн эзгулик: 1) жониворларни ўлдирмаслик, 2) ўғрилиқ қилмаслик, 3) зино қилмаслик, 4) ўзгаларга айб чапламаслик, 5) ичкилик ичмаслик, 6) ёлғон сўзламаслик, 7) масхарадан холи бўлиш, 8) ҳасад қилмаслик, 9) аччиқланмаслик, 10) хато ва ёмон ҳаёлларга бормасликни билдиради.

On түrlүg paramit (paramit <скр. pramita) ҳам ўн ножўя ҳаракатдан ўзни тийишга ишорадир. Булар: 1) жониворларни ўлдирмаслик, 2) ўғрилиқ қилмаслик, 3) зино қилмаслик, 4) ўзгаларни масхара қилмаслик, 5) ичкилик ичмаслик, 6) зебу зийнатга берилмаслик, 7) қўшиқ тингламаслик ва рақс тушмаслик, 8) юмшоқ тўшакда ётмаслик, 9) ман қилинган таомларни емаслик, 10) мол-дунёга берилмаслик.

Üč etöz – Будданинг уч хил образини, уч хил қиёфада намоён бўлишини англатади.

Üč ödki – уч замон: бу атама буддизмдаги “уч замонга тегишли” (ўтган, ҳозирги ва келаси замон) тушунчасини беради (=Triskāla).

Диний-фалсафий атамаларни матнда қўллаш бир қанча принципларга таянади. Диний матнларда ўзлашмаларнинг сони анча. Улар матн талаби билан санскрит ва асар таржима қилинаётган бошқа тиллардан ўзлашган. Муҳими, туркий тилда бурундан қўллаб келинаётган ўз сўзларни атама вазифасида қўллаш анъанаси ўша чоғлардан қолган.

Буддизм терминологиясидаги суғдчадан ўзлашган *nom* сўзи “қонун, таълимот” деган маънони беради (санскритча матнлардаги *Dharma* га тўғри келади). Бундан бошқа сўзлар ҳам

ясалган: *nom eligi* – “нўм ҳуқумдори” (=Dharma-rāja); *nom tilgāni* – “нўм ғилдирағи” дегани (=Dharmaçakra); *nom buši* – “нўм садақаси” (=Dharma dhana);

Xormuzta tāñri (=Indra). Уни “тангрилар хони” деб аташган: *Tāñri qanī Xormuzta tāñri* – Тангрилар хони Хўрмузд тангри.

Буддизм фалсафасида *tāñri yeri* тушунчаси бор – “тангри ери, қутсал ер” дегани (=Devaloka).

Буддизмдаги “беш узв” (=Pança-Mandala) тушунчасини *beš tilgān* дейилган.

Ёки “кўк, асос” (=Svabhava) тушунчасини туркий сутрада *töz yiltiz* дейди ва б.

Турк-будда муҳотида ишлаб чиқилган атама қабул қилиш ва ясаш принциплари туркий тиллар луғат таркибининг бойишига катта ҳисса қўшди ва кейинги давр атамашунослигининг йўналишларини белгилаб берди.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛГА ХИТОЙЧАДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР

Хитой ва Марказий Осиё халқлари тарихида илк ўрта асрлар ўзаро келишмовчиликлар, уруш ва босқинлар билангина маълум эмас. Бу кезлар Хитой ва Марказий Осиё халқлари ўртасида маданий, адабий алоқаларнинг ривожланиши, ижтимоий, савдо муносабатларининг ўрнатилувига кенг йўл очилди. Ушбу алоқалар икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти, улуслар бирдамлигини таъминлаб берди.

Хитой билан Марказий Осиё эллари, хусусан, турк давлатлари ўртасида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, адабий алоқаларни ўрганишда қадимги туркий битигларнинг ўрни каттадир. Кўк турк ёзувли урхун битиглари, уйғур ёзувидаги қадимги турк манбаларида ушбу маданий жараён тўғрисида кенг ва тўлиқ хабар берилган.

Қуйида туркий ёзма манбалар асосида ушбу алоқаларнинг икки қиррасига – турк эпиграфик матнчилигида хитой тилига эътибор масаласи ҳамда қадимги туркий тил луғатидаги хитойчадан ўзлашган қатлам тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда Хитой эли, юртини *Tabğaç*(~*Tawğaç*), *Tabğaç eli* аталган, хитой хоқони – *tabğaç qağan*, хитой халқи эса – *tabğaç bodun*, хитой тилини *tabğaç tili* дейилган.

Биринчи ва иккинчи кўк турк хоқонликлари, кейинчалик унинг ўрнида юзага келган уйғур хоқонлиғи ва давлатларида халқаро мавқега кўтарилган суғд, хитой тилларига эътибор катта эди. Айниқса, монументал матнларни битишда, туркий тил билан баробар, суғд, ора-чора, хитой тилидан ҳам фойдаланилган. Бунинг ёрқин мисолини 732 йили саркарда Кул тигин хотирасига тикланган ёдгорликда кузатишимиз мумкин. Ёдгорликнинг тўртала юзида ёзуви бор: Шарққа қараган юзи, икки ёни, тошнинг қирраларига кўк турк ҳарфлари билан туркий матн битилган; Ғарбга қараган юзидаги матн эса хитойча (қаранг: МТА.26–29). Ёдгорликдаги туркий матнни кўк турк адабиётининг йирик намояндаси, ёзувчи ва тарихнавис Йўллуғ тигин битган. Хитойча матннинг муаллифи эса хитой генерали Чангдир. Ушбу матнни у хитой императорининг кўрсатмасига кўра ёзган. Туркий битигда унинг оти *Саң sānūin* дея қайд этилади. Отига кўшилаётган *sānūin* сўзи унинг ҳарбий унвони бўлиб, “генерал” маъносини беради.

Орадан кўп вақт ўтмай, 735 йили Билга хоқон хотирасига тикланган ёдгорликда ҳам хитой тили эътибордан четда қолгани йўқ. Ушбу қабртошнинг Шарққа қараган юзи ва икки ёнидаги матн туркий тилда. Ғарбга қараган юзида эса хитойча матннинг ўрни бор. Бироқ, тош парчаланиб кетгани учун хитойча ёзуви ҳозир сақланган эмас (МТА.94–95).

Марказий Осиё ерларида, хусусан, қадимги турк давлатларида уч тилли ёдгорликлар ҳам яратилган. Шулардан бири 3-Қорабалғасун битиги оти билан машҳур. Тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга хотирасига атаб 820–821 йилларда ўрнатилган ушбу ёдгорликнинг матни уч тилда: туркий, суғдча ва хитойчада (МТА.222–226). Бу эса турк муҳотида (ҳарқалай, зодагонлар ичида ва расмий доираларда) монументал матнларни бирийўла

нуфузли тилларнинг бир нечасида битиш анъанаси уйғур хоқонлиғи даврида ҳам сақланганидан белги беради.

Шу ўринда илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган тил вазияти билан боғлиқ муҳим бир ҳодисани таъкидлаш керак. Маълумки, тарихий ёдгорликларнинг бирийўла бир неча тилда ёзилишига айна эллардаги тил вазияти ҳам сабаб бўлган. Қадимда Ўрта ва Марказий Осиёнинг турли ерларида, турклар билан аралаш яшаган суғд, тохар, қадимги хоразм муҳитида турк-суғд, турк-тохар, турк-қадимги хоразм икки тиллилиги амал қилганлиги ёзма манбалардан аён. Бироқ, турк-хитой ёки, кейинчалик, турк-араб билингвизми амал қилган, дея олмаймиз. Бизнингча, туркча матнларда хитойчанинг аралаш ишлатилиши, кўпроқ, сиёсий вазият, давлат сиёсати, қолаверса, Хитой давлатининг таъсири ва хитой тилининг халқаро майдонда тутган ўрни билан белгиланган.

Яна бир жиҳати, бутун Марказий Осиёни кесиб ўтган Буюк ипак йўлида туркий ҳамда суғд тиллари халқаро тил сифатида амал қилган. Аммо хитой тили ушбу савдо йўлида, ўзаро муносабатларда халқаро мавқега эришган дея олмаймиз.

Хитой ва Марказий Осиё муносабатлари тарихида буддизм даври ажралиб туради. Илк Ўрта асрларда Ўрта ва Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди. Ушбу ижтимоий-тарихий, маданий жараён, хусусан, туркий халқларнинг қадимги хитой маданияти билан яқиндан танишувига, адабий алоқаларнинг ривожлануви, туркий дунёда хитойшуносликнинг фан сифатида юзага келиб, тараққий этишига имкон туғдирди.

Туркий муҳитга буддизмнинг тарқалиши, бошлаб, таржимачилик соҳасида катта бурилиш ясади. Туркий халқлар буддизм динига сиғинган чоғларда хитой тилидан қадимги туркий тилга кўплаб диний-фалсафий, тарихий, бадий асарлар, табобатга тегишли китоблар таржима қилинган. Вазият тақозоси билан турк ўқимишлилари ичидан хитой тилининг билимдонлари,

шарқшунос олимлар етишиб чикди. Шулардан бири Х асрда яшаб ижод этган хитойшунос олим Сингку Сели (~Шингку Шели) тудунгдир.

Диний-фалсафий карашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Хитой тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англатувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, адабиётшунослик, китобат иши ва фаннинг айрим йўналишларига оид атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади.

Табиийки, ўзлашган сўзлар туркий тилнинг қолипига, талаффуз ўлчовларига солинган. Масалан, хитойча *Kun-futszi* (Конфуций)ни турклар *Qunvutsi* шаклида қўллаган. Ёки “меҳмонлар учун тайёрланган жой, меҳмонхона” маъносигаги *xon-lu-si* сўзи туркий матнда *qunlusī* шаклида ишлатилган.

Туркий ёзма манбаларда *baqšī~baxšī* сўзи учрайди. Эътироф этилишича, бу сўз хитойчадан ўзлашган бўлиб, уйғур ёзувли будда, моний ёдгорликларида “устоз, мураббий, муаллим” маъноларида қўлланган. Баъзан у киши отини ҳам билдиради. Унинг *otačī baqšī* кўриниши ҳам бор. Бу сўз “табиб, шифокор” англамида. Замонасининг хат-саводли, билимдон кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. XIV–XV юзйилликларда Чиғатой элида ушбу атама “уйғур хатида битувчи котиб, хаттот”ни билдирган. Ҳозирги ўзбек тилида *baxšī* сўзи “достончи, халқ ижроچиси, бахши”ни билдиради. Айрим ўзбек оғизларида унинг “афсунчи, фолбин” маъноси ҳам бор. Хитой тилида ҳозир ҳам *bošī* сўзи қўлланилмоқда. У фан доктори илмий даражасига эга бўлганларни англатади.

Хитой тилидан ўгирилган асарларда хитойча ўзлашмаларнинг ҳам кўп учраши табиий. Таржимонлар ушбу ўзлашмаларни бошқа туркий сўзларга синоним сифатида қўллаганлар. Шунингдек, матн услубини сақлаш, хитойларга хос тушунчаларни аслидай бериш ниятида ҳам ушбу атамаларни ишлатганлар. Масалан, хитойчадан ўзлашган *varšī* сўзи “устоз, ўқитувчи”ни билдиради

(хитойчаси *faši*). Ёки айна маънода *tayši* (хитойча *daši*) сўзи ҳам қўлланилган. Қизиғи шундаки, бу сўзлар моний матнларида ёки тоҳар тилидан ўгирилган будда ёдгорликларида учрамайди.

Хитойчадан таржима қилинган асарларда *titsi* сўзи “ўқувчи”ни билдиради (хитойчаси *ditszi*).

Қадимги туркий тилга хитойчадан китобат иши, матншуносликка тегишли атамалар ҳам ўзлашган. Масалан, будда асарларининг мукаддимаси, кириш қисми *süü* дейилган (бу хитойча *суу* нинг туркчалашган кўринишидир).

Хат, фармон битилган ўрама қоғозни *kuin* деганлар (унинг хитойчаси *tszan*).

Хитойчадан ўгирилган асарларда *linxua* сўзини-да учратамиз (хитойчаси *lyanxua*), у “нилуфар” дегани. Хитойча *xua* – “гул” дегани, таржимонлар уни туркий *čečäk* сўзига синоним сифатида қўллаганлар.

Ёки туркча матнларда *luu* сўзи учраб туради (хитойчаси *lun*), у “аждар” дегани, бу сўз кўпинча йил номида келади: *luu yil* – аждар йили.

Битигларда учрайдиган “дур, марварид” англамидаги *yinčü~inčü* сўзи ҳам хитойчадан ўзлашган. Сирдарёни турклар *Yinčü ögüz* деганлар. *Ögüz* – қадимги туркий тилда “дарё” дегани.

Хитойча ўзлашмаларнинг муайян қисмини буддизмга оид атамалар тизими ташкил қилади. Қадимги туркий тилда *Burqan~Burhan* сўзи қўлланилган. У хитойча *bvyr* (“Будда”)дан ясалган бўлиб, турк-будда муҳитида “будда таълимотининг асосчиси, Будда; будда дини; бут” маъноларини англатган. Бу атама Ўрта ва Марказий Осиёдаги буддизм давридан қолган айрим жой отларида ҳозир ҳам учраб туради. Масалан, Қозоғистоннинг Талдиқўрғон вилоятида *Burhanbulaq* деган жой бор. У ердаги улкан шаршарага шундай от берилган. Бу ном таркибидаги *Burhan* – “Будда”ни билдиради; *Burhanbulaq* – “Будданинг мукаддас суви, шаршараси” дегани. Ҳозир ҳам ўша шаршара оқиб турибди.

Буддизмнинг хинаяна мазхаби хитойчадан таржима қилинган асарларда *siušiŋ* дейилган (бу хитойча *śuaōšen* сўзининг туркча талаффузга мослашган шаклидир). Бу атаманинг туркий варианты ҳам бор, турклар уни *kičig kölünü* деганлар. Ёки махаяна мазхаби *taŋšiŋ* аталган (хитойча *dayšen*), унинг қадимги туркча варианты – *uluğ kölünü*. Туркий *kölünü* сўзи будда диний терминологиясида “йўл, мазҳаб” маъносини билдиради.

Хитойчадан ўзлашган *toyin* сўзи “роҳиб” деган маънони англатади (унинг хитойчаси *daojen*).

Турклар ўз хоқонларининг аёлини, маликани *qatun~xatun* деганлар. Лекин хитой императорининг хотини, маликаси тўғрисида сўз кетганда *tay quu* атамаси қўлланилган (унинг хитойчаси *tauxou*).

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратсак. Маълумки, қадимги хитой фалсафасида императорлар “Осмон ўғли” (*thien-tsi*), осмон билан ер ўртасида яралган зотлар дея қаралган. Хитойча “Осмон ўғли” маъносидаги *thien-tsi* сўзини кўк турклар *tānsi~tinsi* шаклида қўллаган. Таъкидлаш керакки, турклар бу унвон билан ўз ҳукумдорларини эмас, хитой императорларини атаганлар.

Тўнюқуқ битигида *tinsi oğli* деган сўз бирикмаси учрайди. Битигда унинг билан боғлиқ қизиқ мисол бор. Турихчи Тўнюқуқ турк қўшинининг катта юришлари ҳақида хикоя қилар экан, “Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғ” (*Tinsi oğli yatıǵma Bānligäk tağ // Tinsi oğli yatıǵma tağ*) ни тилга олади (битигнинг 44- ҳамда 47- қаторлари). Бу ўринда *tinsi* – “Осмон ўғли” (яъни, ҳукумдор, император); *tinsi oğli* эса “ҳукумдорнинг ўғли, шахзода” дир (Sertkaya 1995,212). Бизнингча, тарихчи Тўнюқуқ тилга олган *tinsi oğli* нинг келиб чиқиши турклардан эмас. Чунки турклар ўз шахзодаларини *qağan oğli* ёки *tigin* деганлар.

Эътиборлиси шундаки, тарихчи Тўнюқуқ турк қўшинлари бу ерга Сирдарё (*Yinčü ögüz*)ни кечиб борганларини қайд этади. Башарти, унинг маълумотларига таянилса, битигда тилга олинган “Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғ” Суғд ўлкасида эканлиги аён

бўлади. Дарвоқе, битигда баён этилаётган бу воқеа-ходисалар Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида юз берган. Афтидан, бундан бурунроқ, хитой босқини чоғида тавғач императорининг ўғли бу ерларга келган ва шу ерда ҳалок бўлган. Унинг жасади шу тоққа қўйилган бўлиши мумкин ёки ерли халқ орасида унинг билан боғлиқ бирор ривоят тарқалган чиқар. Шуларга асосланиб, Тўньюқуқ ҳам жой отини шундай атаган. Бунга ўхшаш ҳодисалар Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихида учраб туради. Масалан, араб истелоси чоғида ислом оламида донғи кетган айрим кишиларнинг жасади бизнинг тупроғимизга қўйилган ёки муқаддас қадамжолар авлиёлар, айрим саҳобаларнинг номи билан боғланади. Жумладан, юртимизда ҳазрат Али ва унинг ўғилларининг номи билан боғланувчи қадамжолар бор. Ваҳоланки, улар бу тупроққа келмаган ҳам.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда маданий, фалсафий ва диний карашлар, адабий алоқалар натижасида қадимги туркий тилга хитойча сўзларнинг бутун бир қатлами ўзлашган эди. Худди шунинг сингари, ўша кезларда хитой тилига ҳам туркий тилдан кўплаб атамалар ўтгани маълум. Ушбу қатлам лексикография тарихи, турли оилаларга мансуб туркий ва хитой тилларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

ИСЛОМ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Туркий тилда амал қилган исломга тегишли диний атамалар тизимини улуғ адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ишлатилган атамалар мисолида кўриб чиқамиз.

Муҳими шундаки, “Қутадғу билиг”да ислом билан боғлиқ атамаларнинг катта бир қисми соф туркийдир. Юсуф Хос Ҳожиб ислом билан боғлиқ тушунчалар учун ҳам туркий тилда эскидан қўлланилиб келаётган диний атамалар тизимидан кенг фойдаланди. Шунинг билан бир қаторда, асарда араб ва форс тилларидан ўзлашган атамалар ҳам учраб туради.

Асарда *Allāh* сўзи бир ўринда – арабий басмалада келган. Матн давомида муаллиф унинг ўрнида *idi* (ёки *iđi*), *bayat*, *tāhri*, *rabb* сўзларини қўллайди ва буларнинг бари ислом тушунчасидаги Оллоҳни англатади.

Bayat сўзи *erklig bayat* (эркли, қодир худо), *etigli bayat* (яшнатувчи худо), *uğan bir bayat* (қодир ва воҳид худо); *erklig uğan meñü muñsuz bayat* (эркли, қодир, мангу, мунгсиз худо) шаклларида, *tāhri* сўзи *uğan tāhri* (қодир тангри), *tāhri ‘azza vā jalla* (энг азиз ва улуғ тангри), *iđi* сўзи эса *törütkān iđi* (яратган эга), *igidgān iđi* (парваришлаган эга), *kečürgān iđi* (рахмдил, кечирувчи эга), *muñsuz iđi* (мунгсиз эга), *bağirsaq iđi* (меҳрибон эга) шаклларида қўлланилган.

Қадимги туркий тилда Оллоҳнинг сифатлари *at* дейилган. “Қутадғу билиг”да Оллоҳнинг сифатлари шундай аталади: *uğan* (қодир), *bir* (воҳид), *zuljalal*, *‘azza vā jalla* (энг азиз ва улуғ), *qadir kamal* (қодир камол), *uluğluğ iđisi* (улуғлик соҳиби), *yer kök iđisi* (Ер ва кўкнинг эгаси), *erklig* (эркли, қодир), *yaratqan* (яратган), *törütkān* (яратган), *igidgān* (парваришлаган), *karim*, *kečürgān* (рахмдил, кечирувчи), *bağirsaq* (меҳрибон), *etigli* (яшнатувчи), *māñü muñsuz* (мангу мунгсиз), *muñsuz* (мунгсиз), *māñü tutci tirig* (мангу, доим тириг), *čergüci* (олампадох), *biliglig* (билимли), *köşüş* (азиз), *ğafir* (ғофир), *yaratigli* (яратувчи), *yarağsizni yiratiğli* (яроксизни йиратувчи).

Муаллифнинг таъкидлашича, Оллоҳнинг мингта оти бор. Тавғач Буғрахон таърифига бағишланган байтларнинг бирида шундай ёзилган:

Bayat berdi davlat, ey türkān qutı,

Anıñ şukrı qılğu oqır min atı. –

Эй туркларнинг бахти, худо сенга давлат берди; (бунинг ҳақиқа Оллоҳнинг) мингта отини ёд этиб, унинг шукрини қилмоқ керак (QB.106).

Асарда *iđi* қаҳрамонлар тилидан *bağirsaq iđim* (меҳрибон эгам), *bağirsaq inanğu iđim* (меҳрибон, инонадиган эгам), *qatiğliq yerindä siğinğu iđim* (оғирлик пайтларида сиғинадиган эгам) дея

таъриф этилган (QB.3013). Оллоҳнинг бирлиги *seniḡdā aḡin yoq siḡinḡu iḡim* – (сендан ўзга сиғинадган эгам йўқ) сингари таърифлар билан берилган (QB.5017).

iḡi сўзи “эга, соҳиб” маъносида инсонни ҳам билдирган:

Biliglig bilig berdi tilqa biḡiḡ,

Aya til iḡisi, kōḡāzgil baḡiḡ –

Билимли (яъни худо) тилга пишиқ билим берган. Эй тил эгаси (яъни инсон) бошингни асрагин (QB.165).

Худонинг ёрлиғи *bayat yarliḡi* / *iḡi yarliḡi*, худонинг раҳмати *bayat rahmati* / *bayat fazli* / *iḡi fazli* дейилган. Худонинг фазлига эришмаклик эса *bulmīḡ* феъли билан ифода этилган: *Bayat fazli barḡa özüḡ bulmīḡ*-a – Ўзинг худонинг бари эҳсонларига муяссар бўлибсан (QB.4993).

Асарда “пайғамбар” маъносида *yalawaḡ*, *sawḡi*, *oḡitḡi* сўзлари қўлланган. *Yalawaḡ* асли “элчи” дегани. Ўрни билан, у “тангрининг элчиси, пайғамбар” ни ҳам билдиради. *Sawḡi* – *saw* (“хабар, сўз”) дан ясалган, *sawḡi* – “хабарчи, тангрининг хабарчиси” деган маънони англатади. Ҳозир қўллаётган *sawḡi* сўзимизда ҳам “хабарчи” маъноси бор, бироқ у “куда-андалар орасида хабар етказувчи” маъносидадир.

“Ҳибату-л-ҳақойиқ”да “пайғамбар” – *rasul*, унинг сифатлари эса *habib*, *halq talusi* (халқнинг сараси), *kiḡi qutluḡi* (кишиларнинг қутлуғи) дея таърифланган.

Саҳобаларнинг туркий оти *tört eḡ* дир.

Оллоҳнинг бандаси *qul* аталган: *Kimiḡ atī qul bolsa qilḡu tapuḡ*. – Кимнинг оти банда бўлса, тоат-ибодат қилиши керак (QB.3615). Худонинг бандалари *bayat qullari* дейилган.

Асарда *musulman* ва *kafir* тушунчалари бир-бирига зид қўйилади. *Musulman* / *mo’min* атамаларида Оллоҳнинг собит эътиқодли бандалари, *kafir* дейилганда эса буддистлар назарда тутилади:

Ewin, barqin örtä, siḡil burxanin,

Aniḡ ornī masjid, jama’at qilin. –

Уй-жойини ёндир, бутларини синдир, унинг ўрнига масжид, жамоатга йўл бер (QB.5372).

Маълумки, ислом тушунчасида *kafir* сўзи Оллоҳга ширк келтирувчиларни англатади. Қайд этилган байтда бу сўз билан буддистларга ишора этилмоқда.

Мусулмонликда бўлиш *musulmanliq*, мусулмон жамоаси *jama'at* дейилган. Ислом йўсунлари *šari'at* аталган.

Қуръон илми *'ilm-u Qur'an* деб аталган.

Юсуф Хос Ҳожиб сўзнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритар экан “Сўз бўз ерга мовий кўкдан инди” (*Yaşıl kökdin indi yağiz yerkä söz*) деган жумлани ишлатади (QB.207). Бунинг билан у кўкдан инган (нозил бўлган) муқаддас китобларга ишора қилади.

Асарда “ёруғ дунё” *dünya*, “охират” эса *'uqba, bar* аталган:

Bayat berdi qulqa iki köz qulaq,

Biri dünya baqsa, biri 'uqba baq.

Elig berdi eki sunup tutğuqa,

Biri dünyakä tut, biri uqbaqa.

Ayaq berdi eki yurıtğu ücün,

Biri baru mañsa, biri bar ücün. –

Худо бандасига икки кўз, кулоқ берди: бири билан дунёга боксанг, бири билан охиратга бок.

Узатиб ушлаш учун икки қўл берди: бирини дунёга тут, бирини охиратга.

Юриш учун икки оёқ берди: бири бунда одимласа, бири бор (у дунё) учун (QB.3598–3600).

Дунё ва охират тушунчаси *törütmiş eki* (яратган икки нарсаси) бирикмасида ҳам ўз белгиси эга: *Törütmiş eki bir tanuqı anuq* – Яратган икки нарсасида (яъни дунё ва охиратда) воҳиднинг белгиси аниқдир (QB.14).

“Қиёмат куни” *uluğ kün / köni kün / qiyamat* аталган.

Асарда “жаннат” тушунчаси *uçmaq*, “дўзах” эса *tamuğ* аталган:

Eki ew yarattı bu halqqa qamuğ,

Biri atı uçmaq, biriniñ tamuğ. –

Бу жами халққа худо икки уй яратди: бирининг оти жаннат, бириники дўзах (QB.3597).

“Қутадғу билиг”да ислом фарзларига бағишланган атамалар ҳам мавжуд.

Исломнинг беш фарзи (*farz-i 'ayn*) “Қутадғу билиг”да шундай аталган: *iymān / inanč, namaz, roza, haj*.

“Ибодат” маъносини асарда *ta'at* ҳамда *tapuğ* сўзлари ифода этади [киёсланг, Маҳмуд Кошғарий девонида: *tapuğ* – тоат-ибодат қилиш. *Teŋri tapuği* – худога тоат қилиш (МК.І.354)].

“Қутадғу билиг”да *ta'at* ва *tapuğ* сўзлари баъзан жуфт ҳолда келиб “тоат-ибодат” маъносини англатган:

Nekü-teg qilur-men bu ta'at tapuğ. –

Бу тоат-ибодатни қанақасига қиламан (QB.4584);

Seniñdä bar erkän yigitlik küči

Yawa qılma, ta'at, tapuğ qıl tuči. –

Сенда йигитлик кучи бор экан, уни беҳуда кетказма, доим тоат-ибодат қил (QB.356).

“Ибодат қилмоқ” маъноси *ta'at qıl-*, *tapuğ qıl-*, *tapin-*, *siğin-* феъллари билан ифода этилган. “Худога тоат қилмоқ” тушунчаси *bayatqa tapin / bayatqa tapuğ qıl* дейилган. “Сенгагина сиғиндим” дегани *senär-oq siğindim* бўлган [киёсланг, Маҳмуд Кошғарий девонида: *tapindim* – бўйсундим; *Men teŋrigä tapindim* – Мен худога бўйсундим (МК.ІІ.161). Ёки: *siğindi* – тангрига сиғинди; *Men teŋrigä siğindim* – Мен худога сиғиндим (МК.ІІ.177)].

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, кипчоқлар “намоз”ни *yükünč* деганлар. Бунга у куйидаги гапни ҳам мисол келтиради: *teŋrigä yükünč yükündi* – худо учун номоз ўқиди (МК.ІІІ.385)

“Худодан тиламоқ” тушунчаси *bayatdin qul-* бирикмасида ўз ифодасини топган.

“Худога шукур қилмоқ” тушунчаси *bayatqa / rabbqa šukur qildi* дейилган: *Šukur qildi rabbqa, atadi atin.* – Раббга шукур қилди, отини тилга олди (QB.5327).

Асарда номоз билан боғлиқ атамалар ҳам бор. Чунончи, “тахорат” маъносида *yundi* сўзи қўлланган: *Turup yundi, qildi bu*

yatğu namaz – Туриб, таҳорат олди, хуфтон номозини ўқиди (QB.3246).

Фарз намози *fariza namaz*, жумъа намози – *adina namaz*, бомдод намози *tan namaz*, хуфтон намози *yatğu namaz* дейилади. “Намоз ўқиди” маъносида *namaz qildi*, *namaz otadi*, *namaz yetürdi* бирикмалари қўлланилган. Ният билан намоз ўқиш *eđü fal yorup namaz qildi* (яхши ниятлар билан намоз ўқиди), *namaz qildi*, *virđin oqidi ariğ* (намоз ўқиди, кундалик ҳамдни тақорлади) каби иборалар билан таърифланган. *Namaz, roza birlä yuriğli kişi* бирикмасида намозхон, рўза тутувчи солиҳ кўзда тutilган.

“Дуо қилди” маъносида *du’a qildi* ишлатилган. Дуо билан фотиҳа ўқиш *rabbqa du’a qildi / rabbqa sana qildi* дейилган: *Du’a qildi rabbqa, kötürdi elig* – Раббга дуо қилди, фотиҳага қўл кўтарди (QB.3012); *Sana qildi rabbqa, kötürdi elig* – Раббга сано айтди, фотиҳага қўл кўтарди (QB.3077).

ЕТТИ ЮЛДУЗ ВА ЎН ИККИ БУРЖ АТАМАЛАРИ

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида астрономик атамалар тизими яхши берилган. Асарнинг бир бўлими (“Yeti kavāķib, on iki buruj” ёки “Yeti yulduz on iki öķāk buruj ayur”) коинотнинг тузилишига бағишланган.

Юсуф Хос Ҳожиб коинотнинг тузилиши тўғрисида баҳс этар экан, кўкдаги жисмларни бирма-бир санаб ўтади. Муҳими, китобни ўқиб, бутун бир астрономик атамалар тизимига тўқнашамиз. Бежиз эмас, шу тизимнинг ўзи-ёқ ўша кезде астрономик билимлар юкори босқичда эканлигидан белги бериб туради. Ҳар бир атама коинот жисмларининг кўриниши, ҳолати ва ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда ясалган. Бу ҳодисани ўша кезлардаги соҳа тараққиёти, қадимги туркий тилда атама яшаш ва танлаш принципларининг пухта ишлаб чиқилгани ҳамда тил анъанасининг узоқ асрли тақомилига боғлаганимиз маъкул.

Астрономик атамаларнинг маъносини уқиб, уларни фарқлай билиш матн маъзини чақишга йўл очади. Аввал “Ер юзи” ва “фалак” тушунчалари қандай аталгани хусусида. Муаллиф

“фалак”ни *kök, ewrân*, ора-сира *falak* деб атайди. “Ер куппаси; олам” эса *Yer, aẓun, dunya* ёки *tezginč* аталган. “Коинот”ни *yer-kök* дейди. Матнда *yer-kök iḏisi* деган бирикмани ҳам учратамиз, бу сифат “еру кўкнинг (коинотнинг)” эгаси, Тангри”ни билдиради.

Достонда фалакка *yašil* (“мовий”), ерга эса *yağiz* (“кулранг”) сифати берилган: *yašil kök, yağiz yer*.

Энди кўкдаги юлдузларга кўчамиз. Асарда “юлдуз” *yulduz* ёки *kavkab*, “юлдузлар туркуми, бурж” эса *ew, ökäk, buruj* дейилган. Юлдузлар илми билан шуғулланувчи олимни *yulduzčī* деб атайди. Юсуф Хос Ҳожиб юлдузчиларга “Етти қат фалакнинг сирларини ерда ётган хасчалаик билиб ол” (*Yeti qat falaknī yatur yamčā tut*) деган талабни кўяди (QB.4277). Бунинг билан инсон етти фалакнинг сиринигина билиши мумкин, деган фикрга таянган чоғи (Масалан, тўққизинчи фалак – Арш аъло (*eḏiz ’arš*) сирларини ечишга қодир эмас).

Юлдуз ва буржларнинг отлари туркча. Етти юлдуз қуйидагича аталган: Зуҳал (Сатурн) юлдузини – *Sekāntir*, Муштарий (Юпитер) юлдузини *Oṇay* ёки *Qaraquš*, Миррих (Марс)ни *Körüd* ёки *Baqirsoquna*, Қуёшни *Yašiq* ёки *Kün*, Зухра (Венера) юлдузини *Sewit*, Уторидни *Arzu*, Ойни *Ay* ёки *Yalčiq* дейди. Унинг замондоши Махмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” китобида “Миррих”ни *Baqirsoqum* деб берган ва унинг кўриниши ҳақида “қизилликда мисга ўхшатилади” деб ёзади (МК.I.342). Муштарий юлдузини *Qaraquš* деб атайди ва “Бу тонг вақтида чиқади. Баъзан буни *Qaraquš yulduz* деб ҳам атайдилар” дея қайд этади (МК.III.240).

“Қутадғу билиг”да юлдузларнинг ҳолати ва ўрни ҳам яхши берилган. Уларнинг баъзилари юқори, баъзиси қуйи. Юлдузлар ушбу кетма-кетликда етти фалакка жойлашади. Булардан энг устда, яъни саккизинчи фалакда Секантир (Зуҳал) юради. У бир буржда икки йилу саккиз ой қолади. Иккинчиси – Ўнғай (Муштарий), у бир буржда ўн икки ой қолади. Учинчиси – Кўруд (Миррих), у қай томон қараса, яшнаб турган нарса қурийд. Тўртинчиси – Яшиқ (Қуёш), дунёни ёритади. Бешинчиси – Севит

(Зухра). Ундан кейин Арзу (Уторид) келади. Булардан энг олдин Ялчик (Ой) юради. У Яшиқ билан қарши келса, тўлишади. Ой жой ва йўли биринчи фалакда.

“Қутадғу билиг”да Етти қароқчи юлдуз – *Yetikän*, Ҳулқар эса *Ürkär* аталган.

Ўн икки бурж булардан бошқадир. Улар турғун юлдузлар бўлиб, жойи саккизинчи фалакда. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Оллоҳга ҳамд ўқир экан, “Саккизинчи гумбазга турғун юлдузларни жойладинг” деб ёзган эди (SI.13).

Юсуф Хос Ҳожиб Ҳамални *Qozi*, Саврни *Ud*, Жавзони *Erändiz*, Саратонни *Qučiq* ёки *Saratan*, Асадни *Arslan*, Сунбулани *Buğdaybaşı*, Мезонни *Ülgü*, Ақрабни *Čadan*, Қавсни *Ya*, Жадийни *Oğlaq*, Далвни *Könäk*, Ҳутни *Baliq* деб атаган.

Буржларнинг айримлари икки хонали (жуфт), айримлари бир хонали (тоқ).

Юсуф Хос Ҳожиб буржларнинг жойлашиш ўрни ва кетма-кетлигини қуйидагича тасвирлайди: Кўзи – кўклам буржи, сўнг Уд келади. Эрандиз юлдузи Қучиқ билан яқиндир. Арслон билан Буғдойбоши қўшнидир. Улгу эса Чадан ва Ёй билан эшидир. Сўнг Ўғлақ, Кўнак ва Балиқ буржлари келади, булар туғса, осмон ёришади.

Буларнинг учи кўкламги бурж, учи ёзги, учи кузги, учи қишки бурждир. Юсуф Хос Ҳожиб оламнинг яралишига асос бўлган тўрт унсурни ана шу буржларга боғлайди. Унинг таъкидлашича, буржларнинг учтаси ўт, учтаси сув, учтаси ел, учтаси эса тупроқ бўлди. Олам (*ažun*) ва эл шулардан яралди. Уларнинг бири бошқасига ёвдир. Бу ўринда: “ўт – сув”, “ел – тупроқ” қарама-қаршилиги назарда тутилади. Шундан оламнинг яралишидаги эиддият қонуни юзага чиқади. Шиорнинг бадий талқинига кўра, Тангри ёвга ёвни йўллади (давосини қилди) ва ўртадаги адоватни кесди. Бунинг оқибатида қоришмайдиган ёвлар ўзаро яқинлашди, кўришмайдиган ёвлар орасидан ўч кўтарилди.

Файласуф тўрт унсур бирлигини ер ва кўкдаги жисмларда кўради. Достонга киритилган мактубларнинг биридаги ҳамдда шундай дейилган:

Yaşıl kök törütti, kötürdi eðiz,
Kün, Ay birlä yulduz bezädi beðiz.

Quðisî yağiz yer yaşıl suw bilä,
Örüsi süzüg yel üzä ot bilä.

(Мазмуни: Яшил кўкни яратди, юқори кўтарди,
Кун, Ой, юлдузлар билан суратини безади.
Куйиси кулранг ер билан яшил сувдан иборат.

Юқориси сузувчи ел билан ўтдан иборат.) (QB.3659–3660).

Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, эвран [яъни, фалак] доим эврилади [муттасил айланади], тезгинч [яъни, Ер курраси] тезгинади [чарх уриб туради]. Муаллиф Аллоҳга ҳамд ўқир экан, ёзади:

Yarattî, kör, ewrân tuçî ewrülür,
Anîñ birlä tezginç yemä tezginür.

(Фалакни яратди, кўргин, доим айланади,
Унинг билан чарх ҳам чарх уради.) (QB.122).

Ёки бошқа бир ўринда Тангрини алқаб, “Доим айланувчи бу фалакни яратди” (*Törütti bu ewrân tuçî ewrülür*) дейди шоир (QB.3155).

Бунинг билан фалакнинг айланиши, Ер куррасининг тинимсиз ҳаракатда эканига ишора этилади. Коинот атамалари ҳам ўз ҳаракати ва ҳолатига нисбат бериб ясалган: *ewrân* ҳамда *ewrül-* (айлан-) сўzlари ўзакдош, *tezginç* сўзи эса *tezgin-* (чарх ур-) феълидан.

Шу ўринда муҳим бир масалага эътибор қаратсак. Юсуф Хос Ҳожиб Ойни таърифлар экан, унинг тинимсиз ҳаракатда эканини алоҳида таъкидлайди. Ойнинг таърифи асар қаҳрамонлари Кунтуғди элиг билан вазир Ойтўлди суҳбатида яхши очиб берилган. Ойтўлди дейди:

Bu Ay ornî boldî ewî munqalîp,
Orunsuz bolur munqalîp nân qîlîp.

Bu Ay burjî Saratan, bu ew ewrülür,
 Ewi ewrülür ham özi çewrülür.
 Qayu ewkä kirsä, bu Ay terk çiqar,
 Çiqarî üçün terk batarîn yîqar.
 (Бу Ойнинг ўрни ўзгарувчан уйдир,
 У ўзгарувчан ҳаракат қилиб, ўринсиз бўлиб қолди.
 Ойнинг буржи Саратондир, бу уй доим айланади.
 Уйи айланади, шунинг учун ўзи ҳам чарх уради.
 Қайси уйга [буржга] кирмасин, бу Ой тез қайтиб чиқади,
 Чиқиш уйи бўлгани учун, ботган уйини тез тарк этади.)
 (QB.728–730).

Ойтўлди, ўз отининг маъносини изоҳлар экан, сифатини
 Ойга менгзайди:

Bu Ay tuğsa, aşnu eđi az tuğar,
 Küningä beďüyür, yuqaru ağar.
 Tolun bolsa, tolsa ažunda yarar,
 Ažun xalqî andîn yaruqluq bulur.
 Tügäl bolsa, kör, Ay bu ağsa eđiz,
 Yana erlü törçir, ketär körk meñiz.
 Yaruqluqî eksür, yana yoq bolur,
 Tuğar kečä ađin yana-oq tolur.

(Мазмуни: Ой туғилганда, бошлаб жуда кичик туғилади,
 Сўнг кундан-кун улғаяди, юқори кўтарилади.

Тўлин бўлса, тўлса, оламини ёритади,
 Олам халқи ундан ёруғлиқ топади.
 Ой тугал тўлишиб, энг баланд кўтарилса, кўргин,
 Яна емирилиб, камая боради, юз чиройи кетади.
 Ёруғлиғи камаяди, яна йўқ бўлади.

Қайта туғилгач, кейин яна тўлишади.) (QB.716–719).

Юсуф Хос Ҳожибнинг таърифича, Ой ҳаракатда бўлгани учун
 ёруғлиғи ўзгариб туради. “Кун билан юзма-юз келганда
 тўлишади” (*Yaşiq birlä otu baqışsa, tolir*) дея таъкидлайди шоир
 (QB.133).

Алишер Навоий “Садди Искандарий”да Оллоҳга ҳам ўқир экан, Ойнинг ҳаракатини шундай таърифлаган эди:

Yana birni sâz âylâdîñ turfa dayr,
Anîñ sâkinîn âylâdîñ tez sayr.
Barîdîn itigrâk xirâmî anîñ,
Vale tegmâyin yergâ gâmi anîñ.
Manâzilğa bāt-bāt qîlîp intiqāl,
Atîn gah etip Badru gahi Hilâl.

(Яна бир фалакдан ажойиб бутхона яратиб, унинг яшовчисини саргардон қилдинг. Унинг юриши барча сайёралардан шу қадар тезки, унинг оёғи ерга ҳам тегмайди. Манзилини тез-тез ўзгартириб туради, отини ҳам гоҳ Бадр [тўлин], гоҳ Ҳилол [янги чиққан Ой] деб ўзгартириб туради)(SI.15).

Яна “Қутадғу билиг”га қайтамыз. Эътиборлиси, асарда айрим юлдузлар тўғрисида сўз кетганда улар *yurir* (юради) деб таърифланади. Бунинг билан уларнинг ҳаракати билдирилади.

Энди муаллифнинг коинотдаги бошқа бир жисм – Кун ва унинг ҳолати билан боғлиқ фикрларига эътибор қаратамыз. Асар қаҳрамони Кунтуғди, ўз исмининг маъносини изохлар экан, сифатини Кунга ўхшатади. Шу ўринда Кунни таърифлаб, дейди:

Bu Kün burjî Arslan, bu burj tebrämäs,
Ewi tebrämäsä üçün artamas (QB.819).

(Мазмуни: Бу Кун буржи Арслон [яъни Асад]дир, бу бурж тебранмайди,

Уйи [яъни буржи] тебранмайди, шунинг учун ўзи бузилиб камаймайди.)

Юсуф Хос Ҳожибнинг таърифига кўра, Кун кўзғалмасдир. Кун буржи барқарор, турғундир. *Kün burjî sabit turur* (Кун буржи собит турур) деб таъкидлайди олим бошқа бир ерда (QB.818). Шунинг учун доим бирдай ёруғлик сочиб туради.

Бошқа бир ёғи, муаллифнинг ушбу фикрлари асосида катта бир масала турибди. Бу жумбоқни шундай тушунтириш мумкин: Фалак ва Ер доимий ҳаракатда. Кун марказда туради, у турғундир. Ер эса унинг теварагида айланади. Бу фикрлар улғ

олимнинг дунё ва унинг тузилиши тўғрисидаги фалсафий қарашларининг асосини ташкил этади.

Маълумки, Н. Коперникнинг оламнинг айланиши тўғрисидаги қарашлари юзага чиққунга қадар, бутун Ғарб астрономия илми геоцентрик назария таъсирида яшар эди. У “Ер эмас, Қуёш марказда туради, Ер эса унинг теварагида айланади”, деганида бошда афкор аммаси уни қўллаб-қувватламади. Кейинчалик, илмий ҳақиқат тан олинди ва унинг қарашлари фаннинг улуғ кашфиётлари қаторидан ўрин олди. Ҳозирги замон астрономия илмида бу кашфиёт унинг номи билан боғланмоқда. Ваҳоланки, бу фикрни Н. Коперникдан анча бурун улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтиб турибди.

ЭСКИ ТУРК ҚАРАШЛАРИДА “ТОМОН” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Кўк туркларнинг тасаввур-қарашидаги “томон” тушунчаси икки хил – тик (вертикал) ва юза (гаризонтал) йўналишларида амал қилган. Уларнинг тасаввурида “томон” олти ёғдан иборат. “Олти томон” қадимги туркий тилда *altı yaraşur* дейилган. Бунинг асл маъноси “олти мувозанат” дир.

Тик йўналиш қарама-қарши икки томон ва улар оралиғини ташкил этади. Булар *üzä* (юқори, яъни осмон), *asra* ёки *alt* (паст, яъни ер юзи) ҳамда уларнинг ораси(*ara*)дан иборат. Қадимги туркларнинг олам, ёруғ дунё, кишилиқ тириклиги тўғрисидаги ўй-қарашлари ҳам айни чизикда туради. Ана шу уч қатли (уч ярусли) олам тушунчаси эски битигларда, санъат ва архитектура ёдгорликларида ўз изини қолдирган. Мухими, ёзма ёдгорликларда “томон” тушунчаси билан боғлиқ бутун бир атамалар тизими мавжуд.

Энди мисолларга мурожаат қиламиз. Иккинчи кўк турк хоқонлиғи замонидан қолган Кул тигин ва Билга хоқон битигларида бунга тегишли яққол бир мисол бор. Битигларда хоқон тилидан турклар кечмиши ҳикоя қилинади. Унинг ҳикояси қуйидаги жумлалар билан бошланган: *Üzä kök tǝŋri, asra yağiz yer*

qilintuqda ikin ara kisi oğli qilinmiş. Kisi oğlinta üzä eçüm-apam Bumîn qağan, İstâmi qağan olurmış (K.1).

Биринчи жумла пайт эргаш гапли кўшма гап бўлиб, *Üzä kök täñri, asra yağiz yer qilintuqda* – эргаш гап, *İkin ara kisi oğli qilinmiş* эса бош гапдир. Эргаш гапдаги уюшиқ бўлақлар (*üzä kök täñri, asra yağiz yer*) мазмун жиҳатдан ўзаро қарама-қарши томон тушунчаларини ифодалайди. Терс маънолар *üzä* (“юқорида”) ва *asra* (“пастда”) равишлари ёрдамида юзага чиқади. *Täñri* – қадимги туркий тилда икки маънода қўлланилган: биринчиси – “кўк, осмон”; иккинчиси – “худо, тангри”. Кейингиси, ҳарқалай, “осмон” маъносидан ўсиб чиққанлиги аниқ. Ушбу жумлада у илкин – “осмон” маъносиди. Олдидаги *kök* унинг сифатловчи-аниқловчисидир: *kök täñri* – “кўк осмон”. Жумладаги *yağiz* – ернинг сифатловчи-аниқловчиси: *yağiz yer* – кўнғир ер. Пайт муносабатини билдирувчи *qilintuqda* сўзи “яралганда” деган маънони беради.

Энди ана шу тартибда бош гап маъносини очиклаймиз. Ундаги *kisi* – “киши, инсон”. Ислон тушунчасида кишилиқнинг яралиши Одам-отадан бошланади, қадимги турк фалсафасида кишилиқнинг ўтмиши Киши-отадан бошланган. Киши – бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги Одам-отага тўғри келади. *Oğul* сўзи “бола, фарзанд”ни билдиради. Чоғиштиринг: *urı oğul* – “ўғил бола”; *qiz oğul* – “қиз бола”. Матнда келган *kisi oğli* – “киши ўғли, инсон фарзанди” англамидадир.

Қадимги турк тасаввурларидаги Киши-отани *Apa* ҳам дейилган. “Қутадғу билиг”да *apa oğlanı* деган атама қўлланилган, у “инсон боласи, одам боласи” деган маънодадир.

Иккинчи гапдаги *eçüm-apam* жуфт сўзи – “ота-бобом”, яъни “аждодим” деган маънони беради. Ушбу жуфт сўз таркибидаги *apa* ҳам илкин маъносини ташийди.

Матндаги *Bumîn* ҳамда *İstâmi* – Биринчи кўк турк хоқонлиғининг қурувчиларидир; *qağan olurmış* – гапнинг кесими бўлиб, бу бирикма “хоқон бўлиб тахтга ўтирган” деган англамга эга.

Юқоридаги изоҳларга таянган ҳолда матн маъносини ҳозирги тилимизга қуйидагича ўгиришимиз мумкин: “Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яралганда, иккисининг орасида инсон боласи яралган. Киши ўғиллари уза ота-бобом Бумин ва Истами хоқон бўлиб (тахтда) ўтирганлар”.

Бу таъбирда қадимги туркларнинг ўша уч қатли олам тўғрисидаги тасаввурини англаш қийин эмас: юқорида – осмон, пастда – Ер, иккисининг ўртасида инсон ва унинг ҳаёти.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратсак. Маълумки, қадимги хитой фалсафасида императорларга “Осмон ўғли” (*thient-si*), осмон билан ер ўртасида яралган зотлар дея қаралган. Баъзи олимлар қадимги туркларнинг фалсафий қарашлари тўғрисида фикр юритар экан, “тангри”ни англашда қадимги турклар хитой фалсафасига эргашадилар, деб биладилар. Бирок, Кул тигин ва Билга хоқон битигларидан олинган юқоридаги матн бу қарашни тамом инкор этади. Унга кўра, юқорида осмон, пастда ер яралганда иккисининг ўртасида киши ўғиллари яралган. Киши ўғиллари орасидан тангрининг инояти билан Бумин ва Истами хоқон бўлиб тахтга чиққанлар. Улар “Осмон ўғли” эмас, балки тангрининг инояти билан тахтга ўтирган хоқонлардир.

Бунинг далили учун Билга хоқон битигидан бошқа бир мисолни ҳам келтиришимиз мумкин. Чунончи, битигда Билга хоқоннинг эл-улусга мурожаати берилган. Мурожаат *Tängri-täg tängri yaratmış türük Bilgä qağan sabīm* (Кўкдек улуғ тангри яратган турк [яъни жасур] Билга хоқон сўзим) унвони билан бошланади (Ха.13). Ушбу унвонда Билга хоқон ўзига “тангридан бўлган” деб эмас, “тангри яратган” сифатини қўлламоқда.

Юза йўналиши бўйича “томон” тушунчаси “қутб”ни англатади. Бу Ер юзининг тўрт тарафи билан боғлиқ. Эски турклар “тўрт қутб”ни *tört buluḡ* ёки *tört sarī* деб атаганлар. *Tört buluḡ, tört sarī* тушунчалари “кенглик, замин бепоёнлиги”ни ҳам билдирган. Жумладан, бадий адабиётда эл қаҳрамонларининг чексиз ерларга эгалик қилганлиги, уларнинг куч-қудрати айни тушунчалар билан таъриф этилган. Масалан, Кул тигин битигида

Бумин ва Истами хоқоннинг эл эрки йўлидаги курашлари шундай таърифланади: *Tört buluñ qor yağı ermis, sü süläpän tört buluñdağı bodunuğ qor almıs, qor baz qılmıs* (Тўрт тараф бутунлай душман экан. Қўшин тартиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай бўйсундирганлар) (К.2). Ёки Билга хоқон битигида хоқон ўз қахрамонликларини шундай ёдга олади: *Täñri yarlıqaduq üčün özüм olurtuquma tört buluñdağı bodunuğ etdim* (Тангри ёрлиқагани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт тарафдаги халқни тартибга солдим) (Хб.9). “Ўғузхоқон” достонида *Yerniñ tört buluñınıñ qağanı* деган жумла ҳам учрайди. Бу жумла “Ернинг тўрт томонининг хоқони, Ер юзининг хоқони, замин ҳукумдори” деган маънони англатади. Асарда Ўғузхоқон ана шундай сифатлар билан улуғланган.

Қадимги турклар тасаввурида ён-теварак, олам кутблари тушунчаси кишининг кунчиқарга қараб турган ҳолати билан боғлиқ юзага келган. Эски турклар кўк-тангрига кунчиқарга юз тутган ҳолатда ибодат қилганлар. Айни ҳолатда теварак, қарама-қарши томонларни англатувчи тўрт жиҳат юзага келган: “олд” – “орқа”, “ўнг” – “сўл”. Қадимги туркий тилда “олд” тушунчаси – *il* ёки *öñ*, “орқа” – *qurı*, “ўнг” – *bir* ёки *oñ*, “сўл” эса *yür* ёки *çoñ* дейилган.

Ер юзининг тўрт кутби (*tört buluñ*) ҳам шу сўзларга жўналиш келишиги қўшимчасини қўшиш билан аталган. Бу сўз кутбнинг ўша томонига бўлган йўналишни англатади: *İlgärü* – олдинга (~Шарққа), *Birgärü* – Ўнгга (~Жанубга), *Qurıgaru* ёки *Kirü* – орқага (~Ғарбга), *Yürgaru* – сўлга (~Шимолга). Масалан, Кул тигин ёдгорлигида Билга хоқон тилидан хоқонлиқ тарихи ҳикоя қилинар экан, кутб номлари ҳам тилга олинади: *İlgärü Şantuñ yazıqqa tegi sülädim, taluyqa kiçig tegmädim. Birgärü Toquz ärsänkä tegi sülädim, Tüpütkä kiçig tegmädim. Qurıgaru Yinčü ögüz kečä Temir qarığqa tegi sülädim. Yürgaru Yer Bayırqu yeringä tegi sülädim.* – Шарққа – Шантунг даштига қадар қўшин тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқиз арсанга қадар қўшин тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу

Ўғуз(Сирдарё)ни кечиб, Темир копикка қадар қўшин тортдим. Шимолга – Ер Байирқу еригача қўшин тортдим (Ка.3–4).

Жануб *оғ жағақ* (~*оғ уақ*) [яъни, ўнг томон], Шимол *ёғ жағақ* (~*ёғ жақ*) [яъни, сўл томон] деб ҳам юритилган.

Эски турклар кутбни қуёшнинг кўринуви (чиқиши ва ботиши, кеча-кундуз алмашинуви) билан ҳам боғлиқ ҳолда тасаввур этганлар. Жумладан, қуёшнинг чиқиши билан боғлиқ равишда юзага келган *Küntoğsıq* (Кунчиқар) тушунчаси – Шаркни, Қуёшнинг ботиш ери билан алоқадор *Künbatsıq* (Кунботар) эса Ғарбни билдирган. Ҳозирги ўзбек тилида бунинг ўрнида *кунчиқар* ва *кунботар* сўзлари қўлланади.

Kün ortusı – туб маъносида “чошгоҳ, туш, пешин”ни, кутбга нисбатан Жанубни, *Tün ortusı* – туб маъносида “қоқ тун, ярим тун”ни, кутбга нисбатан Шимолни билдиради. “Жануб”ни *Kündünki* ҳам дейилган: *Kündünki buluğ* – Жануб томон.

“Ўғузхоқон” достонида қарама-қарши кутбларни англатувчи *Kün toğusı* ва *Kün batusı* атамалари қўлланган. Ушбу атамалардаги *toğusı* ва *batusı* қуёшнинг Шаркдан чиқиши ва Ғарбга ботиш ҳолатини ифода этмоқда. Шунга кўра, *Kün toğusı* – “Шарк”, *Kün batusı* – “Ғарб”ни билдиради. Бу икки атама қарама-қарши икки кутбни билдирувчи *Küntoğsıq* ва *Künbatsıq* қа тенгдир.

“Қутадғу билиг”да куннинг чиқиши билан боғлиқ ҳолда Шаркни *Tuğar*, Ғарбни эса кун ботиши билан боғлиқ равишда *Batar* дейилган.

Манбаларда вақтни билдирувчи *tañ*, *tün* сўзлари ҳам кутбларни ифода этган: *Tañ sarı* – Шарққа, *Tün yañaq* – Шимол томон, *Tün sarı* – Шимолга.

Айрим коинот жисмларининг ҳаракат ва ҳолати қадим тасаввурларда киши ҳаётини белгиловчи деб тушунилган ва уларга ҳурмат билан қаралган. Бунга “Қутадғу билиг”да асар қаҳрамонларининг оти *Aytoldı* ва *Küntuğdı* аталганини ҳам далил келтириш мумкин: *Aytoldı* – “тўлган ой”, *Küntuğdı* – “қуёш чикди” деган маънода.

Quzuluš, *Quzordu* тапонимлари таркибидаги *quz* “кунга терс”, “кун ботар” маъноларини билдиради. *Quzuluš*, *Quzordu* – “кун ботардаги шаҳар” дегани. Ҳозирги *quzğay*, *küngäy* деган сўзларимизнинг туб англами ҳам “томон” тушунчаси билан боғлиқдир.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида Ер юзи харитасини келтирган ва унда ҳам қутблар қайд этилган. Бироқ, ушбу харита араб тилида бўлгани учун қутбларнинг номи ҳам арабчада. Чунончи, ушбу харитада доиранинг тўрт ёғига қутб номлари ёзиб қўйилибди: унинг юқори томони – Шарқ (*aš-Šarq*), қуйи томони – Ғарб (*al-Ġarb*), ўнг томони – Жануб (*al-Janub*), чап томони – Шимол (*aš-Šimāl*).

Муҳими, ушбу хаританинг тузилишида олам қутблари, томонлар ҳақидаги қадимий тушунчалар ўз ифодасини топган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий Ер юзи харитасини келтирар экан, юқори томонда ҳозирги хариталардаги сингари Шимолни эмас, Шарқни кўрсатган.

Қадимги туркларда ранглар ҳам томонни ифодалашга хизмат қилган. Масалан, оқ ранг – Ғарбни, кўк ранг – Шарқни, қора ранг – Шимолни, қизил ранг – Жанубни билдиради. “Оқ хунлар” деганда ғарбий ўлкалардаги қанқа ва кушонлар назарда тутилади. “Кўк турклар” дейилганда шарқий турклар тушунилиши ҳам, эҳтимол, шундандир.

Олтин Ўрда давлати иккига бўлинган эди: Оқ ўрда – ғарбий ўлкалар, Кўк ўрда – шарқий давлат, уни Абулхайрхон курган.

Амир Темурнинг Шаҳрисабзда курдирган қароргоҳи *Оқсарой*, Самарқанддаги қароргоҳи эса *Кўксарой* деб аталган эди. Уларнинг биринчиси ғарбда, иккинчиси эса шарқда жойлашгани учун шундай аталган.

Демак, битигларда қўлланган “томон” тушунчаси билан боғлиқ атамалар тизими қадимги туркларнинг олам ва унинг тузилиши тўғрисидаги қарашлари, уларнинг борлиққа муносабатини, фалсафий қарашларини ўрганишда энг ишончли ва керакли манба бўлиб хизмат қилади.

“ВАҚТ” ТУШУНЧАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Қадимги туркий тилда “замон, давр, вақт” маъносида *öd*, “вақт, фурсат, чоғ” маъносида *tuš* сўзи ишлатилган.

Қадимги турклар ўтган зомонни *oza~uza*, *ertä* деган. Ўша замонга оидлик *ozaqı~uzaqı*, *ertäki* дейилган. Масалан: *bu bir söz ozaqı urulmıš masal.* – Бу бир сўз бурунги айтилган мақол (АН.164). Ҳазирги *uzaq* сўзимизда ҳам шу маъно сақланиб қолган. Ёки: *ozayıl* – “узок йил, ўтгандан аввалги йил” дегани.

Келаси замон *kedinki* дейилган. Бунинг ўзаги *ket* га боғланади: *ket~ked~ked>ketin~kedin~keđin> ketin~kedin~keđin.*

Кўк туркларда Ернинг айланиши, вақт ўтиши, табиат ўзгариши билан боғлиқ ҳолда йил, ой кунлар фарқланган.

“Вақт” тушунчаси мантикий ва лингвистик жиҳатдан воқеа-ҳодисанинг кечган замони ҳамда вақт ўлчовларини билдиради. Воқеа-ҳодисанинг кечган замони, одатда, феълларда акс этади. Феълларнинг замон категориясида ҳаракат вақти, унинг сўзланаётган пайтга нисбатан уч замонда (ўтган, ҳозирги ва келаси замонда) эканлиги англашилиб туради. Феъллар масдар шаклидагина замонни билдирмайди.

Гапдаги феълдан воқеа-ҳодисанинг замони англашилиб туради. Ҳаракат замонсиз бўлмайди. Бироқ, сўзловчи нутқидан ҳаракат замонининг аниқ бир муддати англашилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда нутқда пайт равишларидан фойдаланилади. Пайт равишлари воқеа-ҳодисанинг кечган замонига аниқлик киритади. Масалан, *келди* дейилганда бировнинг ўтган замонда келганлиги тушунилади. Агар *кеча келди* дейилса, ҳаракатнинг кечган замони аниқлашади: бугун ваё ўтган куни эмас, айнан кеча келгани англашилади.

Вақт аниқлигини феълнинг турли шакллари билан ҳам ифода этиш мумкин. Масалан, *келган эди* дейилганда ўша кимсанинг “бир замонлар келганлигини” тушунализ. Тилшуносликда, бундай феъл шаклини “узок ўтган замон” дейилади. Учта

замоннинг ички бўлинишлари шунинг сингари йўллар билан хосил қилинади.

“Вақт ўлчовлари” дейилганда аниқ вақт бирлигини, даврийликни тушунамиз. Вақт ўлчови ана шу даврийликнинг атамасидир. Тилда ушбу вазифани отлар бажаради.

Вақт ўлчовининг аниқлигини ифодалашда сонлардан фойдаланилади. Масалан, *ой* деганда “ўттиз кунлик муддат”ни тушунамиз. Агар *бир ой* ёки *икки ой* дейилса, вақтнинг аниқ бир муддати англашилади. Вақтнинг аниқлигини ифодалашда исталган донa сондан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу масалада қаср сонларнинг вазифаси чекланган. Масалан, *ярим* сонини олайлик, уни аср, йил, ой, кун, соатга, ҳатто дақиқага нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. *Ярим* деганда, одатда, ўша вақт бирлигининг тенг ярми тушунилади. Энди *чорак*ни ҳамма вақт бирлигига нисбатан қўллай олмаймиз. Масалан, *чорак аср* деймиз. *Йилнинг чораги* дейилганда “йилнинг тўртдан бири – уч ойи”, қадимги турк тасаввурларида “фасл” тушунилади. Шунингдек, *чорак соат* дейишимиз мумкин, бироқ *чорак ой*, *чорак кун* тушунчаси йўқ.

Баъзан кўрсатиш олмошлари, сифатдошлар ҳам вақт аниқлигини ифодалашга хизмат қилиши мумкин. Масалан, *ўша йил*, *ўтган ой*, *келаси йил* деганимизда аниқ бир муддат англашилади. Бу ходисаларнинг бари қадимги туркий тилга ҳам хос.

Вақт ўлчовларининг даражалари бор. Қадимги туркларда энг катта вақт ўлчови “аср”(юзйил)дир. Ундан қуйи даража – “йил”. Булардан кейин “фасл”, “ой”, “кун” ва шу тартибда майдалашиб боради.

Қадимги туркларда “аср” ва “ўн аср” тушунчалари. Туркий ёзма манбаларда “аср”ни *yüz yıl* дейди. Ёзма манбаларда *mîñ yıl* (~*bîñ yıl*) атамаси ҳам тез-тез учраб туради, бу “ўн аср”ни билдиради. *Yıl* сўзининг олдига қўшилаётган *mîñ* сони бошлаб унинг аниқлигини, тайин бир ўлчовини ифода этган. Қадимги туркий тилда *mîñ yıl* (~*bîñ yıl*) вақт ўлчовининг энг катта бирлиги

бўлгани боис, бадий матнларда “узоқ йиллар, асрлар, ниҳоятда узоқ вақт” тушунчасини ҳам берган. Масалан, битигларда *bîḡ yillîq, tümän künlük* деган бирикма учраб туради. Ушбу бирикма, образли ибора бўлиб, “кўп асрли, ниҳоятда эски” деган маънони билдиради. Мисол учун, уйғур хоконлиғининг асосчиси Мўюн-чўрга атаб тикланган ёдгорликда унинг тилидан шундай битилган: *Bîḡ yillîq, tümän künlük bitigimin belgümin anta yasî taşqa yaratitdim*. – Минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим (МС.21)

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам, айниқса, сўзлашувда *минг йил, юз йил* дейилганда “жуда узоқ вақт” англашилиши мумкин.

Қадимги туркларда йил ҳисоби. Қадимги туркларда бир йил ўн икки ойдан иборат.

Қадимги туркларда янги йил *yaz* (яъни кўклам)нинг биринчи кунидан бошланган. Эски ҳисобда кўкламнинг биринчи куни наврузга эмас, ҳозирги мартнинг биринчи ўн кунликлариға, яъни янги Ой чиққан кунларға тўғри келади. Эски сана бўйича шу кундан эски ой тугаб, янгиси бошланади. Йилнинг боши ҳам шу кунларға тўғри келади. Бу кунни қадимги турклар *yıl başı* деган.

Эскида йиллар мучал ҳисоби билан юритилган. Улар ўн икки ҳайвон номини ўн икки йилға от қўйганлар. Мучал тизими ўн икки ой ва ўн икки буржға асосланиб белгиланган эди. Туғилиш, жанглар ва бошқа тарихий воқеаларни ана шу ҳисоб асосида юритганлар.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида ўн икки мучал номини тартиб билан келтирган (МК.І.331–332). Кўк турк битигларида, турфондан топилган уйғур ёзувли матнларда ёки кейинги даврларда яратилган туркий ёдгорликларда қўлланган айрим йил отлари Маҳмуд Кошғарий қўллаган отлардан фарқ қилади. Улар фонетик жиҳатдан ўзгарган, унинг бошқа бир синоними билан аталган ёки ўзга тиллардан ўзлашган бўлади. Туркий ёзма ёдгорликларда қўлланган йил отлари қуйидагича:

МК да: *Sičğan yili* – сичқон йили. Кўк турк битигларида: *Küskü* – сичқон.

МК да: *Ud yili* – сигир йили.

МК да: *Bars yili* – барс йили.

МК да: *Tawışğan yili* – қуён йили. Берлин фондидаги U 5314 рақамли хужжатда: *Tawšan yil*.

МК да: *Nek yili* – тимсоҳ йили. Кўк турк битигларида: *Loo~luu* – аждар йили.

МК да: *Yilan yili* – илон йили.

МК да: *Yund yili* – от йили. Кўк турк битигларида: *Yont~yund* – от.

МК да: *Qoy yili* – қўй йили. Кул тигин битигида: *qoñ yil* (К.ІІ). Берлин фондидаги U 5254 рақамли хужжатда: *Qoyn yil*.

МК да: *Bičın yili* – маймун йили.

МК да: *Taqağu yili* – товуқ йили. Берлин фондидаги U 5238 рақамли хужжатда: *Taqiğu yil*.

МК да: *İt yili* – ит йили.

МК да: *Toғuz yili* – тўнғиз йили. Кўк турк битигларида: *Lağzın, toғuz* – тўнғиз.

Туркий тилларда *yaş* сўзи ҳам вақт билан боғлиқ. *yaş* – инсон умрининг бир йиллик бўлагидир. Шунинг учун ҳозирги *яша* феълининг ўрнида қадимги туркий тилда *yilla-* сўзи ҳам ишлатилган.

Ҳозирги ўзбекчадаги “ёш”ни англатувчи *yaşar* асли *yaşayur* дан; у “шунча йил яшаганлик”ни билдиради. Кул тигин битигида саркарда Кул тигиннинг қилган ишлари хотирланар экан, Билга хоқон тилидан *otuz yaşayur erti* ёки *bir qırq yaşayur erti* деб қайд этилган (К.42). Бу “ўттиз яшар эди”, “ўттиз бир яшар эди” деган маънони беради.

Ҳозирги ўзбек тилида *qırq yaşar, ellik yaşar* деб ишлатамиз, бу ўша *yaşayur* нинг ўзгарган кўринишидир. Ёки бунинг ўрнида *čiqdī, kirdi* сўзлари ҳам қўлланила олади: *qırqqa čiqdī – qırqqa kirdi; ellikkä čiqdī – ellikkä kirdi*.

Битигларда *yaş* сўзи ўрин-пайт келишиги кўшимчаси билан қўлланилиб, вақт аниқлигини ифодалайди. Масалан: *yeti yigirmi yaşıma* – ўн етти ёшимда (X.24); *otuz artuqi bir yasima* – ўттиз бир ёшимда (X.29). Қиёсланг, ҳозирги ўзбек тилида: *yaşı qırqda, yaşı ellikdä*.

Қадимги туркларда фасл. Бир йил тўрт фаслга ажралади. Булар: *yaz* – кўклам, *yaу* – ёз, *küz* – куз, *qış* – қиш. Булардан *yaz* сўзи ҳозир истеъмолдан чиққан, ўрнида кўклам ёки форсчадан ўтган *бахор* сўзини ишлатамиз. “Ёз”ни билдирувчи *yaу* сўзида товуш ўзгариши юз бериб, *yaz* га айланган. Шунга қарамай, уларнинг қолдиқлари айрим сўзларимизда учраб туради. Масалан, болалар кўшиғида кечган *Läyläk keldi, yaz boldi* жумласидаги *yaz* сўзи “кўклам, баҳор”ни билдиради. Ёки ҳозирги *yaуlaw* сўзининг ўзаги *yaу* (ёз) билан боғлиқ: *yaу+la+ğ/w* – “яйлов, ёзни ўтказадиган, ёзлайдиган жой”. Қиёсланг: *qışla+q* – “қишлоқ, қишни ўтказадиган, қишлайдиган жой”. Ҳозир биз қўллаётган *yaуlaw, qışlaq* сўзлари тарихан қишда қишлоқларга кўчиб келиб, ёзда эса яйловга чиқиб кун кечирувчи чорвачилар тирикчилиги билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Қадимги турк тақвимида кўра йил *yaz* (яъни кўклам) билан бошланиб, мавсум *qış* билан тугайди.

Шуниси борки, турклар тасавурида йилнинг тўртала фасли бир-бирига тенг эмас. Фасл – табиатнинг бир йилдаги мавсумий ўзгаришидир. Ҳавонинг ўзгаришига қараб, фасллар сурилиб ҳам туради. Бундан ташқари, Ер юзининг турли нуктасида фасллар алмашинуви ҳар хил. Масалан, Олтой ўлкаларида ёзга қараганда қиш узоқ давом этади. Бошқа турк ўлкаларида эса бунинг тескараси. Фаслларнинг мавсумий ҳодиса эканлиги халқ тафаккурида яхши акс этган. Кузда кунлар эрта совиб, қор тушса, “бу йил қиш эрта келди”, деб қўямиз. Ёки кўкламда совуқнинг захри кўтарилавермаса, “қиш чўзилиб кетди” деймиз. Демак, қиш ҳам ўша йили шунчалик узоқ давом этган бўлади.

Чамаси, кишилиқнинг илк тасаввурларида бошлаб “қиш” билан “ёз” тушунчаси шаклланган. Биридан иккинчисига ўтувчи

– оралиқ фасллар тушунчаси кейин қўшилган бўлиши керак. Шунинг сингари, илк тасаввурларда “кун” билан “тун” тушунчаси шаклланган. Уларни боғлаб турувчи, биридан иккинчисига ўтувчи вақт бирликлари ҳақидаги тасаввурлар эса кейинчалик юзага келган кўринади.

Қадимги туркларда ой. Туркий тилларда *ой* сўзининг икки маъноси бор: “қоинот жисми” ва “вақт бирлиги”. Ҳарқалай, у илкин маъносида “қоинот жисми”ни билдирган. Кейинги маъноси унинг даврий айланиши (ўттиз кунлиги) асосида келиб чиққан. Бошқа тилларда бундай эмас (масалан, инглиз ва рус тилларини қиёсланг). Бу ҳам бўлса, қадимги турклар тасаввурида вақт тушунчалари астрономик тасаввурлар билан уйғун ҳолда юзага чиққанлигидан далолат беради. “Кун” сўзи ҳам шундай: унинг илкин маъноси – “Кун(Қуёш)”, вақт маъноси эса ундан урчиган.

Йил ўн икки ойга бўлинади. Эски туркларда йил кўкламдан бошлангани учун йилнинг биринчи оyi кўкламнинг биринчи ойига тенг келади.

Янги ой Ойнинг чиққан кунидан бошланади. Тўлган Ойни *tolun* ёки *tolun ay* дейди. *Tolun* нинг луғавий маъноси “тўлиқ, тўлишган”дир. Туркларда *Aytoldi* деган от ҳам бўлган, маъниси “тўлган ой” дегани.

Қадимда ойларга от қўйилмаган, улар ўз тартиби билан айтилган: *birinč ay*, *ikinč ay*, *üçünč ay* сингари. Кейинчалик, турклар буддизм, монийликни қабул қилганларидан кейин уларга ном қўйдилар, тўғрироғи, бу номлар қўшни тиллардан ўзлаша бошлади.

Қадимги уйғур тақвимда учрайдиган ой отлари:

aram ay // *ram ay* [*суғд. r`m*] – қадимги уйғур тақвимининг биринчи оyi

č(a)xš(a)p(a)t ay [*скр. siksapada*] – рўза оyi, тақвимнинг ўн иккинчи оyiдир.

Ислом давридан турклар араб тақвимини қўллай бошладилар ва ойлар ҳам арабча атала бошлади. Масалан: *zulqada ayi*, *rajar ay*, *muharram ay* сингари.

Қадимда халқ ичида чорвачилик ва деҳқончилик боғлиқ ҳолда юзага келган ой отлари ҳам қўлланилган. Бу хусусда Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: “(Туркларда) ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилади. Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан: наврўздан кейинги аввал баҳорга *oğlaq ay*, сўнгра *uluğ oğlaq ay* дерлар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига *uluğ ay* дейилади. Чунки бу ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва ер неъматлари мўл-кўл бўлади” (МК.І.332).

Ўзбек тилида чорвачилик ёки деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда юзага келган атамалар ҳозир ҳам учраб туради. Масалан, халқ тилида *qirqim ayi* дейди, бу кишдан чиқиб, қўйларнинг жунини оладиган пайтга тўғри келади. *orağ ayi* – буғдой ўрадиган вақт, ёз чилласига тўғри келади. Ёки халқ тилида *Beş doğalda beşikdägi bala sawqatmas* деган гап бор. Бунда *beş doğal* деганда кунлар илий бошлаган пайт назарда тутилади.

Турк тилида ойлар шундай аталади: *osaq* – январь, *şubat* – февраль, *mart* – март, *nisan* – апрель, *mayis* – май, *haziran* – июнь, *temmuz* – июль, *ağustos* – август, *eylül* – сентябрь, *ekim* – октябрь, *qasim* – ноябрь, *araliq* – декабрь.

Қозоқ тилида ўн икки ой отлари шундай: *qanṭar* – январь, *aqpan* – февраль, *auriz* – март, *säuir* – апрель, *tamir* – май, *mausim* – июнь, *şilde* – июль, *tamiz* – август, *qirküyek* – сентябрь, *qazan* – октябрь, *qaraşa* – ноябрь, *jeltoqsan* – декабрь.

Ўзбек шеваларида ҳам бу отларнинг айримлари қўлланилади. Масалан, халқ оғзида *qanṭar*, *aqpan* номлари учраб туради. *Qantar aḡdi* дейди, у “қора совуқ ўтган, қорнинг захри озайгандан кейинги муддат”ни билдиради.

Ўзбекларда ёзнинг айни қизиган пайти, кишнинг қаҳратон палласини *çillä* дейди. Чилла ой билан тенг эмас, *çillä* деганда иссиқ ёки совуқ авжига чиққан “қирқ кунлик” тушунилади: *yaz çilläsi*, *qış çilläsi*. Чилла бошланган пайтни – *çillä kirdi*, тугаган пайтни эса *çillä çiqdi* дейилади.

Кўклам ёки кузга нисбатан чилла қўлланилмайди. Сабаби, чиллада, одатда, об-хаво бир маромда кечади. Кўклам билан куз оралиқ фасллар: кўкламнинг бошланишида кун совуқ бўлса, охираганда исиб кетади ёки кузда бунинг акси.

Хафта тушунчаси. Кўк туркларда хафта тушунчаси йўк. Бу хусусда Махмуд Кошғарий ёзади: “Туркларда хафтадаги етти куннинг исми йўк, чунки хафта исломдан сўнг шухратланди” (МК.I.332).

Қадим тасаввурларда кун (кеча-кундуз). Қадимги туркларда кеча-кундуз қуёшнинг ҳаракати, кун билан туннинг алмашинувига қараб ўлчанади. *Keçä-kündüz* деганимизнинг ўзида бир куннинг тўлиқ йигирма тўрт соати, Ернинг ўз ўқи теварагида тўлиқ айланиб чиқиш вақти тушунилади. Кеча-кундуз бошлаб иккига бўлинади: *kün – tün*.

Kün нинг икки хил маъноси бор: “Кун, Қуёш” ҳамда “кеча-кундузнинг кундузги бўлаги”. Унинг иккинчи маъноси асли “Қуёш” маъносидан урчиган. Кеча-кундузнинг кундузги бўлагини *kün* дейишимизнинг боиси, Куннинг ёруғлиқ сочиб туриши, куннинг ёришишига нисбатан олинган. Демак, қадимги турк астрономик ўлчовига кўра кун ҳозиргидай ярим тундан (соат 24 дан ўтиб) бошланмайди. Янги кун қуёшнинг кўтарилишидан, куннинг ёришишидан бошланади.

Кунни қадимги туркий тилда *kündüz / күntüz* ҳам дейилади. Бу ҳам *kün* (кун, ёриғлиқ) сўзидан ясалган. Солиштиринг: *yulduz* – “ёриғлиқ сочувчи” дегани. *Tün* сўзининг синоними *keçä* бўлади.

Маълумки, кеча билан кундуз бир-бирига тенг келавермайди. Кишда тун узун бўлса, кўкламдан бошлаб кунлар узая боради. Шунга қараб вақт ҳам сурилиб туради. Масалан, ёзда тонг эртароқ отса, кун кечроқ қораяди ё аксинча.

Кун билан тун кўкламда, март ойининг 21 кунига, наврузнинг биринчи куни, кузда эса сентябрь ойининг 21 куни тенглашади. Куннинг энг узун июнь ойининг 21 куни, туннинг энг узун вақти декабрь ойининг 21 кунига тўғри келади.

Кун кеча ва кундузнинг узун ё қисқалиги билан эмас, Ернинг ўз ўқи теварагида тўлиқ айланиб чиқиши билан ўлчанади. Кеча-кундуз айланасида, тик йўналишда оладиган бўлсак, фақат туш билан қоқ тун ўзаро қарама-қарши нуқтада туради, улар ўзгармас. Кеча-кундузнинг қолган бўлаклари (кун ва тун, тонг ва оқшом) бир-бирига қарама-қарши вақт нуқтасида туриши оз кутилади. Чунки улар сурилиб туради. Шу ҳодиса қадимги туркларнинг кўзқарашида, фалсафий тушунчасида яхши акс этган.

Kün / күндүз билан tün / кең нинг иккаласининг ҳам тенг ярмидан иккига ажратувчи вақт бирликлари бор: *tüš* – куннинг қоқ ўртаси, чошгоҳ; *qaq tün* – туннинг ўртаси. Қолган вақт бирликлари ана шу айланада ҳаракат қилади: *tañ* – туннинг охири, куннинг бошланиши, *aqşam* – куннинг охири, туннинг бошланиши.

Куннинг вақт бирлиги сифатида *ertä, keč* сўзлари ҳам қўлланилади. Булар аслида, кундузнинг вақтини эмас, замонни билдирган. Куннинг вақти сифатидаги маъноси ана шунинг асосида юзага келган. *Ertä* сўзининг илкин маъноси “бўлиб ўтган, бурунги” дегани, *ertäk* сўзи ҳам шундан. Ёки *ertäki* дейди, бу “ўтган замонга оид, бурунги, илк” дегани. *Ertä* сўзи куннинг вақт бирлиги сифатида “тонг”ни билдиради. Муҳими шундаки, сўзнинг ҳар иккала маъноси тилимизда ёнма-ён қўлланилади: *ertä tañ* деганда “тонгнинг бошланиши” ёки *ertä keldi* деганда “вақтнинг бошланиш пайтида, ҳатто ундан ҳам илгарироқ келди” деб тушунилади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *ertäläb* сўзи ҳам шундан ясалган (<*ertä-lä-b*): “эрта билан” деган маънони билдиради.

Keč сўзининг ҳам илк маъноси “кечган, бўлиб ўтган” дегани. *Kečki söz* дейди, бу “бурунги сўз, қадимги масал, ҳикмат” дегани. Бу сўз куннинг вақт бирлиги сифатида “кечиб ўтилган, тугаган” маъносини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида у “куннинг кечки палласи”, “замоннинг охири” маъносида ҳам ёнма-ён қўлланилаверади: *keč keldi* деганда “муддати тугаш чоғида, ҳатто муддатидан кейин келди” деб тушунилади.

Keçqurun сўзи ҳам шундан ясалган: *keç-qur-un*. *Qur* сўзида “қоронғи” маъноси бор, *-un* – тарихан восита келишиги.

Турк тилида кеча-кундуз билан боғлиқ вақтлар шундай аталади: *imsaq* – саҳар, бомдод вақти, *güneş* – кун чиқиши, *öğle* – туш пайти, *ikindi* – куннинг иккинчи ярми, туш билан кечки пайт оралиғидаги вақт, номозга нисбатан куннинг иккинчи ярмида ўқиладиган аср номози вақти, *aqşam* – оқшом, шом, *yatsi* – ётар пайт, *gecä* – кеча, *gecä yarisi* – ярим тун.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Ҳозирги ўзбек тилида туғишганлар, бир урукка тегишли кишилар *qarindaş*, *uruğ* дейилади. *Qarindaş* – “бир қориндан туғилган”, *uruğ* “бир уруғдан тараган, уруғдош” дегани.

Қариндош-уруғчилик оила муносабатларининг, турмуш қуриш ва эр-хотинликнинг юзага келиши билан бошланади.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида қариндош-уруғчиликка оид атамалар тизими ўта такомиллашганлиги билан ажралиб туради. Ўтиборлиси шундаки, ушбу тизимни ташкил этувчи атамаларнинг асосий қисми соф туркча.

Янги туғилган болани *çaqalaq* дейилади. *Çaqalaq* сўзидаги *çaqa* – “майда, кичик” маъносини беради, *-laq* – кичрайтириш, эркалаш қўшимчаси. Фарзандни *bala* дейилади: *qiz bala* – “қиз фарзанд”, *oğil* (<*oğul*) *bala* – “ўғил фарзанд”. *Bala* сўзининг “ўғил” маъноси ҳам бор. Бола вояга, балоғат ёшига етиб, ўсмирга айланади. Бу ёшдаги шахсни *ospirîn* ҳам дейилади. Вояга етганлик белгиси – *boy*. Бу сўз ҳали турмуш курмаган йигит ё қизни билдиради. Қиз болани *boy qiz*, йигитни эса *boydaq* дейди. *Boyï yetkän qizi bar* деганда, “қизнинг вояга етганлиги” тушунилади. Ёки *boyida boldi*, *boyida bar* деймиз. Энди бу “икки қат бўлди; ҳомиладор” деган маънони англатади. “Боши очиқ ўсмир”, “вояга етганлик” ёки “ҳомиладорлик” англамларидаги *boy* сўзининг туби “уруғ; эрлик ё хотинлик суви” маъносига тақалади. Масалан, *boyï yetkän* деганда “уруғи етилган” маъноси

бор. Чунки инсонда вояга етиш ўшанинг билан ўлчанади. Кейинги сўзларнинг асл маъноси ҳам ўшандан.

Эски ўзбек тилида *boу* сўзи “уруғ” маъносида қўлланилган. Буни Заҳириддин Бобур ҳам ишлатган (қадимги туркий тилдаги кўриниши – *bod*). *Boу* сўзини ҳозирги турклар ҳам “уруғ, келиб чиқиши бир бўлган жамоа” маъносида қўлламоқда. Бу сўз “келиб чиқиши бир; бир уруғдан чиққан жамоа” маъносини беради. Сўзнинг ушбу маъноси ҳам юқорида биз қайд этган маъносидан урчиган. Ўзбек тилида бурунги *boу* сўзининг ўрнида *uruғ* сўзини ишлатамиз. *Uruғ* сўзининг ҳам маъно тараққиёти *boу* сўзи сингари кечган: бошлаб “эрлик ва хотинлик суви” ни билдирган, кейин “шундан таркаган уруғларни” (яъни туғишган, қариндошларни), охирида “бир уруғдан тараган жамоани” англата бошлаган.

Энди яқинлик, қариндош-уруғликнинг босқичларини кўриб чиқамиз.

Яқинликнинг бош чизиғида ота-она туради. Ўзбекчада *ada* (ёки *ata*) ва *ana* бўлади. Онани *ayī* ёки ора-чора *aya* деювчилар ҳам бор. Кейинги шакллари *ana* сўзидаги [n] товушининг [y] га ўзгаришидан келиб чиққан.

Яқинлик *туғишгандан* бошланади. Туғишгани уй ичидагиларни (оилани) қамрайди. Булар, ўғилларга нисбатан: улуғи – *ağa* ёки *ākā*, кичиги – *ini* ёки *ūkā*; қизларга нисбатан: улуғи – *egāci* ёки *apa*, кичиги – *siñil*.

Ўзбек тилида ушбу атамаларнинг айримлари жуфт ҳолда қўлланилиб, янги маъно билдиришга ҳам хизмат қилади. Масалан, *ata-ana* бирикмаси “родители”, *oğil-qiz* бирикмаси “фарзанд” маъносини англатади.

Илк *қариндошлик* ота ёки она томондан тармоқ отади. Ота ҳамда онанинг отаси – *dada* ёки *buwa*, онаси – *buwī* бўлади. *dada* сўзидаги *da-* компонентлари “катта” маъносини беради: *dada* – “катта ада” дегани. Бувини *kättä ayī* ҳам дейди.

Отанинг туғишганлари: акаси ёки укаси – *ämäki*, эгачи-сингиллари – *amma*; она томондан: онанинг оға-инилари – *tağa*, эгачи-сингиллари – *xala* бўлади.

Йигит ё киз турмуш кургач, *қариндошликнинг иккинчи тизими*, тутунган қариндошлик шаклланади. Бунини *qayin uruğlar* дейди. *Qayin* сўзи турмуш кургандан кейинги эр ё хотин томонидан юзага келган қариндошликни англатади. Бу сўз бурунги замонда *qadin~qatin* шаклларида қўлланилган бўлиб, ўзаги *qat* сўзига тақалади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида *qat* (қават), *ikki qat* (ҳомиладор) деб ишлатамиз. *-in* – ясовчи қўшимча, *qatin* – “қатланган” деган маънони беради. Масалан, *tolon* (Ой) сўзи ҳам шундай қолипда ясалган.

Қайин уруғларни аташ тартиби бўйи давридаги яқин ва туғишганликни билдирувчи атамаларга *qayin* сўзини қўшиш билан ясалади: *qaynata* (<*qayin ata*) – келин учун куёвнинг, куёв учун эса келиннинг отаси; *qaynana* (<*qayin ana*) – келин учун куёвнинг, куёв учун эса келиннинг онаси; *qaynağa* (<*qayin ağa*) – келин учун эрининг, куёв учун эса хотиннинг оғаси; *qayni* (<*qayin ini*) – келин учун эрининг, куёв учун эса хотинининг иниси; *qaynägäči* (<*qayin egäči*) – келин учун эрнинг, куёв учун хотинининг эгачиси, *qayni siñil* (<*qayin siñil*) – келин учун эрининг, куёв учун хотинининг синглиси.

Ўзбекчада *qayin boy* деган сўзимиз бор. Бу сўздаги *boy* – “уруғ”, *qayin boy* – “қайин уруғлар” дегани, яъни келин учун эрнинг уруғлари, куёв учун эса келиннинг уруғлари.

Қадимги туркий тилда *apa* сўзининг “она; опа, эгачи” маънолари билан бир қаторда “катта, улуғ” маъноси ҳам бор. Масалан, кўк турк битигларида *apa tarqan* атамаси учрайди. Бу сўз таркибидаги *tarqan~tarhan* унвондир. Махмуд Кошғарийнинг ёзишича, *tarhan* – бек. Исломиятдан олдин қўлланилган исм (арғуча) (МК.І.409). *Apa tarqan* атамаси таркибидаги *apa* – “катта, улуғ, бош” маъносида; *apa tarqan* – “катта тархон, бош тархон, бош қўмондон” дегани.

Apa~aba “катта, улуғ” маъносида акраболик (қариндош-уруғчилик) отлари таркибида ҳам келади. Масалан, эски ўзбек тилида (“чиғатой туркчаси”да) *abağa* сўзи қўлланган. Навоий сўзи билан айтганда, турклар “*atanıñ ağa (vā) inisin abağa*” деганлар (ML.176). Мазкур сўз *apa~aba+ağa* – “катта оға” деган маънони англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *apa* нинг “катта, улуғ” маъноси қолдиқ шаклида айрим сўзлар таркибида сақланган: *apağayı* (<*apa+ayı*) – сўзма-сўз “улуғ она, катта она” дегани, амакининг хотини; *apa(ğ)dada* ёки *apağada* – биринчиси *apa+dada* (“катта дада”)дан, кейингиси *apa+ada* (“катта ота”)дан. *Apağdada* – аслида даданинг ёки онанинг буvasи? *Apağada* эса отанинг ёки онанинг отаси; *apağbuwı* (<*apa+buwı*) – маъноси “катта буви” дегани; *apaqı* (<*apa-qı*): -*qı* – сўз ясовчи қўшимча. *Apaqı* – асл маъноси “апа, яъни катта туғишган (амаки ёки тоға)га тегишли” дегани, амакининг ёки тоғанинг хотини.

Баъзи акраболик отларидаги *da-* узвида ҳам “катта, улуғ” маъноси мужассам. Масалан: *dada*, келиб чиқиши *da-ada* дан, маъноси – “катта ада”, яъни бува. Ушбу сўзда *da-* узви бўлмаса, унда “катта, улуғ” маъноси ҳам ифодаланмайди. Демак, “катталиқ” маъноси айни узв орқали англашилаётгани табиий. Тошкентда “ота”ни *dada* дегучилар бор.

Яна бир мисол: *tağa* (<*ta-ağa*) “катта оға” дегани, онанинг акаси ёки укаси. “Чиғатой туркчаси”да бу сўз *tağay~tağayı* шаклида қўлланган. Навоийнинг таъкидича, турклар “*ananıñ ağa (vā) inisin tağayı*” деганлар (ML, 176). Махмуд Кошғарий девонида бу сўз *tağay* шаклида берилган. Лекин унинг маъносини муаллиф “амаки” деб изоҳлаган (МК.ІІІ,256). Қадимги туркий тил морфем тузилишига кўра *tağay~tağayı* сўзи таркибидаги *ta* узвида “катта, улуғ” маъноси мужассамлашганлигини кузатиш мумкин: *tağay* (<*ta-ağay*).

Шунинг сингари, *daya* сўзида “катта ая” маъноси бор.

Харқалай, *dada*, *tağa*, *daya* сўзлари таркибидаги *ta~da* нинг англами “катта, улуғ” эканлиги чин. Мазкур *ta~da* узвини айрим

олимлар хитойчадаги “катта, улуғ, бош, йирик” маъносини берувчи *da* сўзига боғлайдилар. Бироқ, айрим асл туркий сўзлар таркибида унинг мавжудлиги бу қарашни буткул инкор этади (масалан, *tag* сўзида). Шунга кўра, уни бошқа тиллар таъсирида туркийга ўзлашган деб қарамаслик керак. У бериси билан хун даври, эҳтимол, олтой давридан келаётган қолдиқ бўлса ажаб эмас.

МИСОЛЛАР КЕЛТИРИЛГАН МАНБАЛАР

AYar – “Олтун тусли ёруғ” сутраси: Gabain 1950,270–283.

AT – “Оға-ини тигинлар қиссаси”: Gabain 1950,283–285.

АН – Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достони: Arat 1992,41–81.

E – Енисей битиглари: Малов 1952; Orkun 1987,295–616.

K – Кул тигин битиги: *Ka* – кичиг битиг, *K*, *Kb* – улуғ битиг, *K.I–III*, *Kc* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув.

ML – ‘Ali Şir Nevayî. Muhakemetü’l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. Ankara, 1996.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I–III. Тошкент, 1960–1963.

MTA – Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. Ankara, 2001.

SI – Алишер Навоий. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчи М. Ҳамидова. Тошкент, 1991.

U – Берлин фондида сақланаётган ҳужжатлар: Ушбу матнларнинг фотоси “Digitales Turfan-Archiv” номи билан интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган www.Turfanforschung.com.

Huast – “Хуастуанивт”нинг Санкт-Петербурғ нусхаси: Sodiqov 2009,318–331.

X – Билга хоқон битиги: *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa*, *Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X.I–II* – тарошланган қирралардаги ёзув.

QB – Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, 1971.

ИЛМІЙ АСАРЛАР

Аманжолов 1996 – Аманжолов А.С. Түркі филологиясы және жазу тарихы. Алматы, 1996.

Аманжолов 2003 – Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.

Григорьев 1978 – Григорьев А.П. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII–XV вв. – Тюркологический сборник. 1974. М., 1978. С. 208–209.

Дмитриева 1963 – Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (введение, текст, перевод). – Тюркологические исследования. М.–Л., 1963. С. 214–232.

Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.

Малов 1952 – Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. М.–Л., 1952.

Малов 1959 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.–Л., 1959.

Мелиоранский 1906 – Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.

Содиқов 1997 – Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Тошкент, 1997.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

Содиқов 2008 – Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, 2008.

Содиқов 2009(a) – Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009.

Sodiqov 2009(b) – Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. Toshkent, 2009.

Arat 1992 – Edib Ahmed b. Mahmud Yükneci. Atebetü'l-hakayık. R.R. Arat. Ankara, 1992.

Gabain 1950 – Gabain, von A. Alttürkische Grammatik. Leipzig, 1950.

Deny 1957 – Deny J. Un Soyrgal du Timouride Sahrüh en écriture Ouigoure. // Journal Asiatique. Tome CCXLV. Année 1957. Fascicule № 3. Paris. P. 253–266.

Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Yarluk ve Bitikler. İstanbul, 1940.

Orkun 1987 – Orkun H.N. Eski Türk Yazıtları. Ankara, 1987.

Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977.

Sertkaya 1995 – Sertkaya O.F. Göktürk Tarihinin Meseleleri. Ankara, 1995.

Sertkaya 2007 – Sertkaya O.F. Timür Bek'in Toktamış Han'a 793=1391'de Yapmış Olduğu Seferin Arap ve Uygur Harfli Kitabeleri (Karsakpay Yazıtı). – Ölümünün 600. Yılında Emir Timür ve Mirası. Uluslararası Sempozyumu. 26–27 Mayıs 2005. İstanbul 2007. S. 31–39.

Tekin 1988 – Tekin, Talât. Orhon Yazitlari. Ankara, 1988.

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

**ТУРКИЙ РАСМИЙ УСЛУБ ВА УНИНГ ГРАММАТИК
ЎЛЧОВЛАРИ**

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Расмий матнларда ёзув масаласи.

Расмий ёзмаларнинг фонетик ўлчови.

Расмий матнларда лексик бирликларнинг танланиши.

Хужжатлар услубининг кўп маъноли сўзларга муносабати.

Хужжатлар услубида сўз туркумларининг қўлланилуви.

Хужжат услуби ва лексикасини танланишида ёзув турининг ўрни.

Расмий услубда морфологик бирликлар.

Хужжатлар услубининг синтактик ўлчови ва гап қурилиши масаласи.

Расмий матнлар услубидаги стереотип бирикмалар.

Хужжатларни расмийлаштириш қоидалари.

РАСМИЙ МАТНЛАРДА ЁЗУВ МАСАЛАСИ

Илк ва ўрта асрлардан қолган расмий ёзмалар турли тизимга тегишли ёзувларда битилган. Туркий расмий услуб тараққиётининг илк икки (хун ва кўк турк хоқонликлари даври (Исҳоқов, Содиқов, Омонов 2009, 93–96)) босқичида битилган хужжатларнинг салмоқли бўлаги, асосан, кўк турк ёзувида бўлса, кейинги юксалув босқичларида битилган хужжатлар уйғур, моний, дўрбаржин, араб алифболаридадир. Расмий услубга тегишли матнларда ёзувнинг танланиши, хужжат битилган даврнинг тил ва ёзув вазияти ҳамда ёзувнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган кўринади. Масалан, биринчи ва иккинчи турк хоқонликлари даврида давлатнинг бош ёзуви кўк турк алифбоси бўлганлигини салтанат хоқонларининг буйруғи билан тикланган битигтошларнинг матни тасдиқлаб турибди. Ундан кейинги даврларда уйғур ва араб алифболари давлат ёзуви мақомига кўтарилганлигини ўша чоғлардан қолган давлат хужжатлари, тангалар, муҳрлардаги ёзувлардан билса бўлади.

XX юзйилликнинг биринчи ярмида топилган ҳуқуқий ёзмалар она тупроғимизда бўй кўрсатган қадимги салтанатларда давлат бошқарувига тегишли расмий ёзмалар кўк турк ёзувида олиб борилганини кўрсатмоқда. Чунончи, қадимги хитой

солномаларидаги қайдлар эрамиздан бурунги II юзйилликларда хунларнинг хитойларга йўллаган расмий ёзишмалари ҳам хунларнинг ўз ёзувларида эканидан дарак.

Шунингдек, тархий манбаларда ҳам турк хоқонларидан қўшни элларга йўлланган ёзишмалар кўк турк ёзида бўлганини тасдиқловчи далиллар етарли. Чунончи, византиялик тархчи ва дипломат Менандр 568 йили Истами хоқондан Константинополга қирол II Юстин қошига келган элчиларнинг қабули тўғрисида маълумот бера туриб, улар келтирган мактуб “скиф ёзуви” билан битилганини қайд этган (http://ru.wikipedia.org/wiki/Менандр_Протектор). Агар Византия тарихнавислигида турк халқига нисбатан “скиф” этноними қўлланишини ҳисобга олсак, бу ўринда “скиф ёзуви” атмаси остида, айнан туркларнинг ўз ёзувлари – кўк турк алифбоси кўзда тутилаётгани аён бўлади.

Ҳозирга келиб, ота-боболаримизнинг кўҳна ёзуви кўк турк хатида битилган расмий матнларга таяниб, давлатчилик тарихида амал қилган расмий тил ва ёзувнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида янги илмий ҳулосаларни илгари суриш мумкин.

Кунимизга қадар топилган кўк турк хатидаги ҳуқуқий матнлар жуғрофияси ва хронологиясига эътиборни қаратсак. Улар Марказий Осиё минтақасининг турли ҳудудларида мелоддан бурунги кезлардан бошлаб, эрамизнинг IX юзйиллигига қадар битилгани билан аҳамиятидир. Бу эса ўша чоғларда кўк турк алифбоси туркий хоқонлиқларнинг давлат ёзуви мақомида бўлгани тўғрисидаги тўхтамга олиб келади.

Қадимдан қолган кўк турк хатидаги расмий ёзмалар ниҳоятда саводли битилган. Мазкур расмий матнлар имло меъёрларига ўз даври адабий тили имлосининг мезони сифатида қараш мумкин. Хужжатларда ҳарфлар тизими ва имлода қатъий тартиб мавжуд. Эътиборлиси, ўша замонларда кўк турк хатида битилган даврдош ёдгорликларда унлиларни ифодаловчи график белгилар сўзда доимо акс этавермаган. Биз ўрганаётган кўк турк ёзувида битилган хужжатлар матнида сўзнинг кўп ўринларида унлиларни билдирувчи белгилар тўлиқ ёзилган. Чунончи, VIII асрнинг

бошларида битилгани тахмин қилинаётган, шароб олингани эвазига берилган тилхатда унлилар ёзувда тугал акс этган (Thomsen 1912).

IX юзйилликдан бошлаб, туркий салтанатларда ёзув вазияти ўзгара бошлади. Бу кезлардан туркий-уйғур ёзуви туркий халқларнинг асосий ёзувларидан бирига айланди. Мазкур ёзув туркийлар орасида кенг қўлланилган. “Қашқардан Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган”, деб хабар беради, Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит турк” асарида (ДЛТ I,50). Ота-боболаримиз ислом динини қабул қилганларидан кейин эса, уйғур хати араб ёзуви билан ёнма-ён қўлланила бошлади. Давлат бошқарув тизимида иккала ёзувнинг ҳам ҳуқуқий мақоми бир даражада эди. Чунончи, Қорахонийлар давлатида ҳужжат иши билан шуғулланувчи матн битувчилар “битигчи”, тек уйғур хатидагина ҳужжат тузувчилар эса “алимға” атамаси билан юритилган (ДЛТ I,161).

XIII юзйилликнинг биринчи ярмидан уйғур хатининг юксалуви Чингизхон ва унинг авлодлари билан боғлиқ бўлди. Мўғуллар ўз давлатларини қуриб, қўшни элларни босиб олгандан сўнг, улар илгида бўлган улусларда давлат-идора, маҳкама ишлари уйғур хатида олиб борилган. “Улар ҳатто ўзларининг мўғул тилларини унутиб, туркча тилни сарой тили, ҳамда жонли сўзлашув тили сифатида истеъмол қилдилар” (Вамбери 1990,30).

XIV асрга келиб Темур давлатида ва Олтин Ўрдада уйғур ёзуви давлат муҳофазасида бўлди (Вамбери 1990,56). Бу кезларда давлат-идора ишлари, расмий ҳужжатлар, дипломатик ёзишмалар, иш юритиш қоғозлари ана шу хатда олиб борилди.


Уйғур ёзуви бу даврда салмоқли ўрин эгаллаганини араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” асарида шундай ёзади: “Улар (чиғатойликлар) имзою фармонлари, буйруғу мактублар, ҳисоб-китоб дафтарларию тамғали (ёрлиқ)лар, солномаю назмлар, киссаю хабарлар, аҳднома ва муқаддас китоблардан парчалар ҳамда девон ишлари билан боғлиқ жами хатларию (ҳатто) Чингизхон тавросини ҳам шу хат

билан битадилар. Бу хатда мохир киши уларда очидан ўлмайд, чунки бу (хатни билиш) улар наздида ризқ калити ҳисобланади” (Ибн Арабшоҳ 1992, 96).



Темурдан сўнг унинг ворислари ҳам уйғур ёзувига оталаридан қолган мерос сифатида ҳурмат билан қарашди. Уларнинг девонларида уйғур хатида кўчирувчи котиблар “бахши” атамаси билан юритилган.

Ёзув маданияти тарихида темурийлар даври уйғур ва араб ёзувларининг ёнма-ён (параллел) қўлланилганлиги билан аҳамиятлидир. Муҳими, ўша кезларда уйғур хатининг мавқеи араб ёзувидан оз эмасди. Ўша чоғлардан қолган давлат ҳужжатларининг салмоқли бўлаги икки хил ёзувда: Темур Қутлуғ, Абу Саид, Фотиҳ Меҳмед ёрлиқлари уйғур хатида битилиб қаторма-қатор араб ёзувида очиклаб чиқилган.

IX–XV юзйилликларда уйғур ёзуви ниҳоятда катта минтақада тарқалган ва давлатнинг бош ёзуви эди. Бу кезларда уйғур ёзувининг бир-биридан фарқ қилувчи хат кўринишлари юзага келди. Уйғур хати турларини олимлар уч гуруҳга ажратишган (Қаранг: Содиқов 1992,66–71). Биз ўрганаётган уйғур ёзувли расмий ёзмаларнинг хат кўринишлари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Чунончи, XIII–XIV юзйилликларга тегишли кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш, хўжаликни юритиш билан боғлиқ кўплаб иш қоғозлари ҳамда Тўхтамиш ёрлиғининг ёзув тури қадимги уйғур хати шаклини ёдга туширади. Матнда ҳарфларнинг тишчалари нисбатан кичик; сўз охирида келган белгилар ёзув йўналиши бўйлаб ( , ) ва тепага чўзилган (). Ушбу ҳужжатларнинг ёзув шакли ҳозирги кунгача сақланган манбалардан “Ўғузнома” нинг хат турига яқин.

Темур Қутлуғ,
Султон Абусаид, Фотиҳ
Меҳмеднинг уйғур
ёзувли ҳужжатларининг



Султон Абусаид ёрлиғидан узунди



хат кўриниши, мутахас-сислар фикрича, кейин-ги - араб ёзувиға ўтиш босқи-чида юзаға келган.

Уйғур хатида ёзилиб сўзма-сўз араб ёзувида транскрипция-си берилган матнлар бу хат шаклиға мисол бўлади. Ушбу ёдгорликларнинг ўзига хос хусусияти бўлган. Ўрта асрлар китобатчилиқ анъанасига кўра, ёзма обидаларда уйғур хатидаги матн қалин қамиш билан қорада, остидаги араб ёзуви билан битилган матн эса ингичкароқ қилиб қизил сиёҳда битилар эди (Содиқов 1990,9). Ёрлиқ матнидаги ҳарфларнинг тишчалари кенг; бошқа хат турларидан фарқли ўлароқ, сўз сўнидаги ҳарфларнинг тепаға тортилган ва тушириладиган элементи чўзикроқ ( , ) В.Радлов мазкур ёрлиқ хат шаклини “хужжатлар ёзуви” (Dokumenten schrift) деб атайдиган (Содиқов 1992,65). Бироқ ушбу хат турида ёлғиз хужжатлар эмас, шунингдек, XIV–XV асрларда кўплаб бадий асарлар ҳам кўчирилган. Шу боис, олимнинг уйғур ёзувининг ушбу шакли ҳақидаги фикри ўзини оқламайди (Бу ҳақда қаранг: Содиқов 1992,65–67).

Фотиҳ Меҳмеднинг ёрлиғидан

XIII–XIV асрларда кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатларни расмийлаштириш мақсадида битилган хужжатларнинг салмоқли бўлаги, Шоҳруҳ ва Умаршайх нишонида қўланган ёзувдаги ҳарфларнинг тишчалари ўртача; белгиларнинг, асосан, пастға тортилган элементларигина чўзилган () Ёзувда [s] ва [q] ундошлари умумий белги () билан ифодаланилган. Француз шарқшуноси Ж. Дени фикрича, ушбу хужжатларнинг хат тури “Меърожнома” ва “Тазкират-ул-авлиё” сингари асарларнинг уйғур ёзувли нусхалари хат шаклиға ниҳоятда ўхшайди (identique) (Deny 1957,254).





Шуни қайд этиш керакки, биз тадқиқ этаётган уйғур ёзувли туркий хужжатларда баъзан [h] ундоши [a] ни ифодаловчи белги () кўмагида берилади. Бу график ўзгачалиқ эса хужжатларнинг чоп эттирган олимларни чалғитган. Чунончи, В.



Радлов Тўхтамиш ёрлиғидаги () *Hasan* отини *Äsän*, П. Мелиоранский Умаршайх нишонидаги () *har* олмошини *är* тарзда, Ж. Дени Шохрух хужжатидаги () *Bahadur* унвонини *Batur* кўринишида транскрипцияга ўгирди. Бироқ, бу ўринларда мазкур  белги [a] нинг эмас, [h] ундошининг ифодасидир.



Хужжатларда муайян пунктуацион белгилар ҳам расмий услубдаги график меъёрни белгилашга хизмат қилган.


Аёнки, график белгилар фонетик хусусиятларни ёзувда аниқ акс эттиришга хизмат қилган, расмий ёзмалар қонун кучига эга матн сифатида тўғри, хатосиз ўкилуви керак бўлган. Шунинг билан бирга диакритик белгилар матнларни турли талқинлардан халос этади ва услуб аниқлигини таъминлайди.

Ўйғур хатининг ўрта асрлардаги тараққиёт босқичларида ўзлашган сўзларга хос айрим товушларни ёзувда акс эттириш учун диакритик белгилар қўлланилган. Хусусан, араб ёзувининг таъсирида кириб келган ишоратлар ҳам бор. Ушбу давр матнларида график ишорат сифатида баъзан араб алифбосидаги харфлардан фойдаланилган. Қуйида айрим хужжатларда қўлланилган ана шундай ишоратлар билан танишиб чиқамиз:


1) Қўш нуқта кўп ўрнида [ğ], [q] ва [x] ни ифодалашга хизмат қилган () *yarliq* “ёрлиқ” (TQ,12), () *xanaqağa* “хонақага” (ŠH,5), () *tarhan* “тархон” (TQ,18); айрим ўринларда [š] ни ифодалашда ҳам қўш нуктадан фойдаланилган: () *quščī* “қушчи” (TQ,10).

2) Матнларда бир нуқта [n] ни ифодалайди: () *devan*, “девон” (TQ,21), () *qonur* “жойлашиб” (ŠH,11).

3) Ўзлашган сўзлар таркибидаги “айн” (ع) ни ифодалаганда араб алифбосидаги (ع) дан фойдаланилган: () *muta'did* “кўп қайта” (TQ,24), () *varizat* “қўшимча солиқ” (TQ,45).

4) [H] (ه) ифодаланганда араб хатидаги ه дан фойдаланилган: () *mašhur* “машхур” (TQ,25).

5) [Н] (ح) ни ифодалаганда араб алифбосидаги ح дан фойдаланилган: () mahrus “сақланган” (TQ, 46).


6) Айрим расмий ёзмаларда матндаги гапнинг тугагани тўрт нукта ёрдамида берилган: - . Берлин фондида сақланаётган U 5239 сонли васиқада *toğrı qilip berdim* (тўловини тўлиқ адо эттдим) жумласидан кейин, тўрт нўқта қўйилган: ().

XI–XIII асрларнинг расмий матнларида кўп қайтарилувчи ва қолипли бирикма ҳосил қилган айрим сўз ва бирликлар қисқартма кўринишида ҳам битилган. Чунончи, *sānap* – санаб сўзи *snp* кўринишида, *čam čarim* формуляри () *čm črim* шаклида *mān* олмоши () *mn* тарзида *yāmā* – яна ёрдамчи сўзи *ymā*, *yigirma* сони () *yrmi* (ŠH,12), ҳужжатнинг турини англатувчи *nišan* атамаси () *nšn* (UM,12) кўринишида ёзилган. Бу ўша давр иш-юритиш амалиётида айнаи имло нормаси қабул қилинганидан бўлуви мумкин.

Уйғур ёзуви тезхат учун мослаштирилган ёзув ҳисобланади. Чунки у кам сонли график белгилардан ташкил топган. Уйғур хатида бир қалам тортиб, уни узмай сўзни охиригача ёзиш мумкин. Ҳарфлар кўшиб ёзилганда сўзлар занжирдек тизилади (Кара 1972,84). Аслини олганда маҳкама ва девон учун ана шундай ўзгачаликларга эга ёзув керак бўлади. Шундан бўлса керак, XI–XV асрларга оид кўплаб расмий битиглар, иш юритиш қоғозлари, ҳуқуқий матнлар ва кишиларга тегишли васиқалар шу ёзувида битилган кўринади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдирсак. Ўша қадим кездеги кондошларимизнинг аксари ёлғиз ўқиш ва ёзиш саводидан ташқари, расмий ёзишмалар тузиш лаёқатини яъни ҳуқуқий саводхонликни ҳам ўзлаштириб олганини кўрсатмоқда. XIII–XIV юзйилликларда кишилар ўртасидаги нотариал муносабатларни расмийлаштириш мақсадида битилган уйғур ёзувли ёзмаларда оти кўрсатилган шахслардан бирортаси матн тугалланмасида унинг тузувчиси (котиби) сифатида қайд этилади. У қайси соҳа

эгаси – хоҳ деҳқон, хоҳ чорвачи, хоҳ ҳунарманд бўлуvidан қатъий назар, ҳужжатни ўзи тузган. Масалан, Берлин Фанлар академияси фондида U 5259 сони билан сақланаётган васиқа Қавсиду деган кимсанинг кунжут донини қарзга олгани тўғрисида. Тилхат сўнггида Қавсиду уни ўз қўли билан битгани таъкидланган: *Mān Qavsīdu özüm bitidim* (Мен Қавсиду ўзим ёздим). Ёки яна шу фонддаги U 5271 рақамли ҳужжат ернинг ижараси билан боғлиқ. Унда Темур Буға исмли киши Қийимту деган кишидан ерини ижарага олгани тўғрисида сўз боради. Тугалланмада Қийимту расмий ёзма матни билан Темур Буғани таништириб, сўнг битгани қайд этилади. Мана ўша бўлак:



Qüïmtu Tämür

Buğağa ayitiþ bitidim (Қийимту Темур Буғага айтиб (эшиттириб) ёздим). Шу боис, айрим тадқиқотчиларнинг уйғур хати тор доирада, оддий кишилар муносабатидан узоқда, ёлғиз улуслар ўртасидаги дипломатик ёзишмаларда қўлланган, деган қарашлари у қадар асосли эмас ¹.

XIV асрга келиб айрим туркий қавмлар жойлашган минтақаларда расмий ёзмалар дўрбалжин номи билан аталган хат билан ҳам битилган. Шу ўринда ушбу хатнинг аталиши, келиб чиқиши, юксалуви, туркий элатларнинг ёзув маданияти тарихида тутган ўрни тўғрисида икки оғиз сўз.

¹ В.В. Радлов 1888 йилда эълон қилган “Тўхтамиш ва Темур Қутлуғ ёрлиғи” мақоласида уйғур хати тор доирада қўлланган ва ундан ёлғиз дипломатик ёзишмаларда фойдаланилган деган фикрни олға суради (... что ханы употребляли только в дипломатических документах уйгурский шрифт, а арабский в документах, которые назначены были для народа. Радлов 1888,3). Олим мазкур ёрлиқлар тадқиқи билан шуғулланган йилларда уйғур хатида битилган темурий хонлардан Шохрух, Абусаид, Умаршайх, усмоний султонлардан II Меҳмеднинг ёзмалари, шунингдек, XIII- XIV юзйилликларда битилган кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжаликни юритиш билан боғлиқ юзлаб иш қоғозлари топилмаган эди. Шу сабабдан, туркшунос юкоридаги уй-қарашга келган бўлуvi мумкин.

Биламизки, XIII–XIV юзйиллик Евроосиё халқларининг сиёсий, маданий, ижтимоий тарихи мўғул босқини билан боғлиқ. Бу кезларда мўғуллар улкан ҳудудда ўз салтанатларини курган. Мўғулларнинг ўз миллий ёзуви бўлмагани боис, уларнинг илгида бўлган элларда (салтанат қурилган дастлабки йилларда) давлатидора ишлари, расмий ёзишмалар уйғур ёзуви ва туркий тилда олиб борилган (Всемирная история 1957,527). Уйғур хатининг ушбу кездеги такомили Чингизхон ва чингизий сулолалар билан боғлиқ. Чингизийлар уйғур ёзувига ўз қондошларининг хати сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан қарадилар (Қара 1972,30).

Ўша кезлар мўғуллар салтанатидаги ўлкаларнинг этнолингвистик ва ёзувнинг қўлланиши ҳолати тўғрисида XIII асрда ўтган, тарихчи Алоуддин Отамалик Жувайний “Тарихи жаҳонгушай” асарида ҳам маълумот қолдирган. У ўз китобида ҳамма одамлар илм-фан билан шуғулланиш ўрнига уйғур (туркий – Қ.О.) тили ҳамда ёзуви билан машғул бўлиб боряпти деб, қайд этади (Баровкоф 1943,4).

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, вазият бир оз ўзгара борди. 1234 йилда шимолий Хитойдаги Цзинь давлати мўғуллар қўлига ўтди. 1276 йилда жанубий Хитойдаги Сун империяси босиб олинди ҳамда бутун Хитой мўғул империясининг бир қисмига айланди. 1264 йили империя маркази Хонбалиқ (Яньцзин – ҳозирги Пекин) шаҳрига кўчирилди. Салтанат ташкил топган дастлабки вақтдан бошлаб, девонда ва таълим соҳасида маданий куч сифатида асосий ўринда келаётган туркий халқлар ўрнини тебит ва хитойлар эгаллай бошлади. Хубилайхон² даврида ёзув ислохотининг амалга оширилувига тўртки берган омиллардан бири ҳам ана шу ҳолат эди.

1260 йилда Хубилайхон топшириғи билан тибетлик роҳиб Пагба-лама (Басиба 1239–1280 йй.) янги алифбо яратиш ишига киришди. Пагба-лама янги ёзув яратиш мақсадида ўзининг тибет

² Хубилай хоқон ва унинг меросхўрлари хитой тарихнавислигида Юань династияси оти билан машхур. Уларнинг юртга эгалиги 1269–1368 йилларга тўғри келади.

алифбосига мурожаат қилди. Бир оз ўтиб, ўша алифбо негизда такомиллашган, янги мўғул ёзуви яратилди. Мазкур ёзувни шаклига қараб *дўрбалжин усуг* (мўғулча – *dörbeljin* “тўртбурчак, квадрат”, *üsüg-* “ёзув” дегани) ёки “давлат ёзуви” (хитойча – *го цзы*) деб атаганлар³. Дўрбалжин хатида жумла тибет хати сингари чапдан ўнгга эмас, қадимги уйғур ёзуви сингари тепадан пастга қараб битилган.

1269 йилда дўрбалжин ёзуви улуғ хокон Хубилай буйруғи билан қўлланувга жорий қилиниб, янги алифбо асослари ўргатиладиган ёзув мактаблари ташкил қилинди. Ҳатто, салтанат марказида уйғур ёзуви тақиқлаб қўйилди (Қара 1972,30).

Дўрбалжин алифбоси 41 белгидан иборат бўлиб, улардан 9 белги унли товушларни ифодалашга хизмат қилган (Лоукотка 1950,202–203). Уйғур хатида хос бир белги бир неча товушни ифода этиш хусусияти дўрбалжин хатида мавжуд бўлмаган.

Ушбу хат келгусида мўғуллар илгидаги барча ўлка халқларининг миллий ёзувлари ўрнини эгалаши кўзда тутилган эди. Шу боис, ёзувдаги айрим белгилар мўғул тилида умуман учрамайдиган товушларни ифодалашга хизмат қилган. Дўрбалжин имлосида бошданок турли тилларга хос хусусиятлар инобатга олинган эди (История лингвистических учений 1981,233).

Янги ёзув имлосида хитой тили хусусиятлари ҳам назарда тутилган эди. Бир неча белги ва идеограммалар хитой товушларини тугал қайд этиш имконини яратган. Унда хитой тилига хос мусикийлик (тон) ҳамда мусикий урғуни ифода этиш имкони бўлмаган, холос. Хитой иероглифлари ҳамда дўрбалжин ёзувида ёнма-ён битилган манбалар ҳам мавжуд. Шунингдек, иероглифларни қай тарзда дўрбалжин хатида тўғри ёзиш мумкинлиги кўрсатилган имло луғатлар ҳам етиб келган. Ана шулардан бири Чжу Цзунвэнь томонидан 1308 йили қайтадан

³ Соҳибкирон Темурбек даври тўғрисида “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” асарини ёзган тарихчи Ибн Арабшоҳ “дулбаржин” деб атаган ёзув ана шу эди (Ибн Арабшоҳ 1992,96).

тўғирлаб, кенгайтирилган “Мэнгу цзы юнь” (Мўғул хатининг товуш хусусиятлари) луғатидир (История лингвистических учений 1981,233). Дўрбалжин хитойларнинг ёзув маданияти тарихидаги илк фонетик ёзув сифатида муҳим ўрин тутди.

Дўрбалжин хатидан фақат хитой ёки мўғулчагина эмас, балки тебитча, санскрит ва туркий тилдаги матнларни ёзишда ҳам фойдаландилар.

Ушбу хатда битилган ўндан ортиқ манба бизгача етиб келган; мўғул ва хитой тилидаги кўплаб ёдгорликлар, турк ва тебит тилидаги бир қатор узинди матнлар шулар жумласидандир.

Мўғул империясининг Хитой ва Шарқий Туркистон қисмида ушбу ёзув кенг тарқалди. Дўрбалжин алифбосидан давлат-идора ишларида, расмий ёзишмаларда кенг фойдаланганлигини тасдиқловчи бир қатор ҳужжатлар етиб келган (Григорьев 1978,9,12). Ана шундай ёрлиқлардан бири мўғул шахзодаси Хайсаннинг будда ибодатхонасини тўловлардан озод этиб, 1305 йилда берган суюрғал ёрлиғидир (Pelliot 1949,621–624).

Мўғуллар салтанатининг бошқа (Чигатой, Жўжи, Хулагу) улусларида янги ёзув маълум бўлса-да, шухрат топмади; тўғрироғи, уйғур хатини сиқиб чиқара олмади. Бу тўғрида, араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ ўзининг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” асарида шундай ёзади: “Хитойликларнинг дулбаржин (яъни дўрбалжин – Қ.О.) дейиладиган ёзуви бўлиб, мен унинг қирқ битта ҳарфи (борлиги)ни кўрдим. Ҳарфларнинг зиёдалигига сабаб шуки, улар ҳамма талаффузлар ва “амалат”лар (қўшимча товушлар), шунингдек, “байин ва байинотлар” (ёрдамчи ва кўмакчилар)ни ҳам ҳарф ҳисоблайдилар. Шу сабабдан зиёд ва қўшимча ҳарфлар ҳосил бўлади. Аммо чигатойликларнинг эса уйғур деб аталувчи ёзуви бўлиб, у мўғул ёзуви номи билан машҳурдир” (Ибн Арабшоҳ 1992,96).

Марказий Осиё ўлкаларида дўрбалжин хати билан туркий тилда битилган ёдгорликлар ниҳоятда кам салмоқни ташкил этади, деб келинар ва бу сирага Олтин Ўрда ҳудудидан топилган қайин пўстлоғидаги дўрбалжин ёзувли матн кўрсатилар эди

(Поппе 1941,81). Бироқ, кейинги изланишлар ушбу ўй-қарашлар у қадар тўғри эмаслигини кўрсатмоқда. Чунончи, ўтган асрнинг охирларида немис шарқшуноси Петер Цайме Берлин фондларида сақланаётган айрим дўрбалжин ёзувида битилган туркий хужжатлар узундисини чоп эттирди (Zieme 1998,63–69).

II. Цайменинг кузатувларига кўра, XIII–XIV асрлардан қолган дўрбалжин ёзуви билан туркий тилда битилган бунинг сингари хужжатларнинг салмоқли бўлаги кунимизга қадар ўрганилган эмас (Zieme 1998,68).

XIV асрнинг бошларига келиб, салтанат марказида дўрбалжин ёзувининг давлат ёзуви сифатидаги мавқеи сусая бошлади. Ўз мукаммалиги ва аниқлигига қарамай, дўрбалжин хати миллий ёзувлар – хитой иероглиф, туркий-уйғур ёзуви, тибет, араб хатларини сиқиб чиқара олмади. Шунга қарамай, эътиборга лойиқ ери, дўрбалжин инсоният маданияти тарихида илк халқаро алифбо сифатида муҳим ўрин тутди.

XV асрдан бошлаб то XX аср бошларига қадар давом этган туркий расмий услубнинг кейинги тараққиёт босқичларидан қолган расмий ёзмалар эса, асосан, араб хатидадир.



Шу билан бирга матнда қўлланган ёзувнинг турига қараб хужжат битувчилар хужжат услубини танлашган. Айниқса, бу ҳодиса расмий ёзмада ишлатилаётган муайян сўз, атама ва синтактик бирикмаларни танлашда очиқ кўринади. Бу тўғрида кейинги бўлимларда кенгрок тўхталамиз.

ЁРЛИҚ МАТНЛАРИНИНГ ФОНЕТИК ЎЛЧОВЛАРИ

Услубшуносликда матнларнинг товуш қуруми билан боғлиқ масалалар фонека бўлимида ўрганилади. Фонекa стилистиканинг бўлими сифатида, асосан, нутқнинг товуш жиҳатдан уйғунлиги масаласига эътибор қаратади.

Биз илмий ишда расмий ёзмаларнинг ёлғиз товуш уйғунлиги масаласини текшириш билан чекланмай, унинг фонетик меъёри тўғрисида ҳам айрим кузатишларимизини келтирмоқчимиз.

Илк ва ўрта юзйилликлардан қолган расмий ёзмалар тилининг товуш меъёрини аниқ тиклашнинг имкони чекланган. Чунки орадаги вақтнинг узоклиги, турли тизимдаги ёзувларнинг мураккаблиги бу масалани ойдинлаштиришда тусқинлик қилади. Айниқса, айрим алифболардаги ҳарфларнинг кўп вазифалилик табиати, унли ва ундош ҳарфларни муайян ўринда қандай товушни ифода этаётганини аниқлаш имкониятини қийинлаштиради (Содиқов 1992,166). Шунинг учун, қадимги ёзувлардаги ёдгорликларни текширганда, оз сонли ҳарфлар тизими орқали туркий тилнинг мураккаб товуш куруми ўз ифодасини топганлигини эътиборда тутиш керак. Жумладан, расмий битиглардаги ҳарфлар функциясини аниқлаш учун ўша ҳужжат матни битилган давр тилига хос фонетик хусусиятларни, баъзи ҳуқуқий матнлар остидаги араб ёзувидаги изоҳларни, шунингдек, даврдош араб хатидаги туркий ҳужжатларни қиёсан текшириб чиқмоқ лозим.

Илк ва ўрта асрларнинг туркий расмий матнлари тилида қуйидаги унлиларни фарқлаш мумкин: [a], [ä], [ā], [e], [i], [ī], [u], [ü], [o], [ö] (Бу давр ёзма ёдгорликлари тилининг унлилар тизими хусусида қаранг: Маҳмудов 1990,39). Шунини айтиш керакки, В. Радлов ва П. Мелиоранский ўрта аср ҳужжатларини чоп этиш жараёнида [e] унлисини фарқламаган (Радлов 1888,6–39; Мелиоранский 1906,03). Унинг ўрнида [ä] ёки [i] берган. Лекин уйғур хатидаги давлат ҳужжатлари матнида () *el* “эл” (ТҮ,13), () *bergil* “бергил” (ТҮ,19), () *evi* “уйи”, “оиласи” (ЎН,11), () *ne kim* “ҳар ким” (ЎН,5), () *emdi* “энди” (УМ,6) сингари сўзларда [e] талаффуз этилаётганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Ҳужжатларда лабланмаган очик кенг [ā] унлиси ўзлашган сўзларда учрайди: () *hāji* “ҳожиди” (ТҚ,27) () *sultān* “султон” (УМ,1). Илк ўрта юзйилликлар расмий ёзмалари тилининг ундошлар тизимида учрамайдиган айрим ундошлар ўрта аср туркий ёрликлар тилида [f], [j], [h] ундошларини ўзлашган сўзлар таркибида кўриш мумкин.

Фонетик ходисалар. Илк ва ўрта асрларнинг расмий ёзмалари тилида куйидаги фонетик ходисаларни кузатиш мумкин:

а) Кўк турк ёдгорликлари тилидаги [n] ўрта асрларнинг хужжатларида [y] га ўтган [n]>[y]: qanu>qayu (TQ,39).

б) Матнларда [d]=[t] мослиги кузатилади: *tep* “деб”(ТҲ,22), *tedimiz* “дедик” (ТҚ,21). *dep* “деб” (ТҚ,50) *emdi* “энди” (УМ,6).

в) [d]=[y] тенглиги мавжуд: *ud* “сигир” (ШН,12), *uy* “сигир” (УМ,12).

г) [ä] фонемаси ўрнида [i] қўлланади: *y(igi)rmi* “йигирма” (ШН,13), *yigirmi* “йигирма” (УМ,13). Даврдош обидаларда *yigirmä* тарзда ҳам учрайди (Махмудов 1990,120). Даврдош ёдгорликларда [d]>[z] ходисаси устун бўлишига қарамай, хужжатларда қадимги фонетик шакл сақланган: *edgü* “эзгу” (ТҚ,4), *edügü* “эзгу”(ТҲ,8).

е) Баъзи туркий сўзларда икки ундош ёнма-ён келган ўринда [i] ёки [ü] орттирилган: *edgü* (ТҚ,4), *edügü* (ТҲ,8), *täbragän* феъли *täbirägän* (ТҲ,12) кўринишида учрайди.

ж) Сўз ўртасида айрим сўзлар туркийга мослаштирилади: *Mahmat* “Муҳаммад” (ТҚ,27).

з) Сўз охирида ундошларнинг тушиши ходисаси учрайди: *başli* “бошлиқ” (ТҲ,8), *atli* “исмли” (ТҲ,8).

и) [r] // ø ходисаси аралаш қўлланилади: *birlä* “билан” (ТҲ,9), *bilä* “билан” (УМ,9).

к) Лабланган тор [ü] фонемаси таъсирида [e] унлиси ўзгариш мумкин: *tegürmäsin* “етказмасин” (ТҚ,33), *tügürmäsin* “етказмасин” (УМ,12).

л) Ротацизм ходисаси ([z]>[r]) кузатилади: *bayza*>*bayra* “пайза” (ТҚ,14).

Хужжатлар тилида акс этган ушбу фонетик ходисалар тасодикий эмас, балки тилимизнинг узоқ тараққиёт босқичини босиб ўтганлигини кўрсатувчи муҳим омиллардир. Шу жиҳатдан, адабий тилда мавжуд фонетик ходисалар расмий услубда ҳам ўз аксини топган.

Товушлар уйғунлиги. Товушлар уйғунлиги туркий тилларнинг табиатидаги туғма қонуният сифатида қўлланилиши учун, уларда атайин бошқа тиллар сингари услубни силлиқлаш мақсадида сўздаги товушлар уйғунлигига эътибор қилиш эҳтиёжи йўқ.

Туркий тиллар учун хос хусусият ҳисобланган бу ҳодиса, расмий матнлар тилида ҳам мавжуд. Илк ва ўрта асрларнинг расмий ёзмаларида даврдош ёдгорликлардаги сингари товуш уйғунлигининг икки тури кузатилади (Щербак 1962,51):

1) Танглай уйғунлиги: Йўғон ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг йўғон варианты қўшилган *qiriğiğa* “чегарасига” (TY,10), *ortaқçilariğa* “шерикларига” (TQ,32), *yildin* “йилдан” (SH,7), *tartusini* “тортиғини” (UM,7); ингичка ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг юмшоқ эши қўшилган: *elçilärgä* “элчиларга” (TY,19), *bitigçilärigä* “котибларига” (TQ,7), *ikisidä* “иккисида” (SH,13), *berilgänni* “берилганни”(UM,8).

2) Лаб уйғунлиги: *tuttuq* “тутказдик, бердик” (TY,23), *körüp* “кўриб” (TQ,19), *sürüsün* “ёзилсин” (UM,11).

XIV–XV асрларнинг айрим расмий ёзмалар тилида қадимги васикалардаги сингари товушлар уйғунлиги ҳодисасига қатъий амал қилинган деб бўлмайди. Баъзи ўринларда мазкур ҳодисадан чекиниш ҳам учрайди. Хусусан, *kentlariğa* “шаҳарларига” (TQ,5); юмшоқ ўзакли сўзга қўшимчанинг йўғон варианты қўшиляпти. Шунга карамай, расмий битиглар тили сингармонизмли тил ҳисобланади. Хужжатларда қўшимчаларнинг йўғон ва ингичка эшларидан фойдаланиш услубнинг муайян уйғунлигини таъминлаган.

ХУЖЖАТЛАР МАТНИДА ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАНЛАНИШИ

Тил тизимида сўзнинг аҳамияти, унинг услубшунослигидаги етакчи ўрнини кўрсатади; сўз услубнинг асосий бирлигидир. Сўз услубшунослиги тилдаги лексик воситаларни ўрганиш баробарида, муайян нутқ вазиятида ишлатилаётган сўзнинг

ўрнига баҳо беради. Шунингдек, у турли услубларда сўз ишлатишнинг нормасини ишлаб чиқади.

Сўз услубшунослиги замонавий семасиология қўлга киритган ютуқларни қўллаган ҳолда тилдаги мавжуд сўзларни турли-туман системали боғланувини ўрганади. Бунингдек ёндашув биринчи навбатда расмий матнлар учун маълумотни аниқ бериш воситаси бўлиб хизмат қилувчи, атамалар ва кўпмаъноли сўзларни ўрганишни тақоза этади. Сўз услубшунослигининг марказида сўзларнинг қўлланувида услуб жиҳатдан фарқланиши, турли мулоқот ўринларида керакли лексик воситаларнинг ишлатилиш қонун-қоидаларини таҳлил этиш туради.

Сўз текширишнинг услубий жиҳати матндаги лексик бирликнинг асосли қўлланилаётгани нуқтаи назаридан мулоҳаза билдиришни талаб этади.

Сўзнинг стилистикада фақат номинатив (аташ, номлаш) қирраси эмас, балки эстетик вазифаси ҳам ҳисобга олинади.


Лексик стилистика нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ ва уни тартибга солиб туради. Чунки, маълум бир доирада тилдаги лексик воситаларнинг ишлатилишини кўрсатиш асносида, сўз услубшунослиги тўғри сўз қўллашни назорат этиб туради. Шу боис, муайян матндаги сўз танланишининг таҳлили ўша матн битилган давр жамиятининг нутқ маданияти ва адабий нормасини белгилашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади. Илк ва ўрта асрлардан бизга қадар етиб келган расмий матнларнинг лексик ўзгачалиги, ёзмалар битилган кезде яшаган қадим аждодларимизнинг иш юритувчилик соҳасидаги нутқ маданияти ва расмий нутқ участкасида қўлланилган адабий нормани кўрсатувчи энг ишончли далиллардир.

Сўз – матнни англаш асоси. Расмий матн услуби устида тадқиқот олиб бориш биринчи кезде унинг лексикаси устида текшириш олиб боришдир. Аёнки, сўз матн англашнинг тамалидир.

Сўзга услуб жиҳатдан ёндашув фикрни аниқ ифодалашга кўмак берувчи сўзни танлаш муаммосини келтириб чиқаради.


Муаллиф томонидан сўзнинг тўғри танлангани ёлғиз услуб фазилати бўлиб қолмасдан, матннинг ахборот ташиш қимматини оширади ва унинг мазмун таъсирини кучайтиради. Сўзни ўринсиз танлаш эса фикрни англашда қийинчилик келтириб чиқариш баробарида, мантикий хатоликларни келтириб чиқариши тайин. Бу масалада ўтмиш боболаримиз тўғри йўлдан юрган. Улардан қолган расмий матнларда сўз қатъий ўз англамида ишлатилган. Агар сиз матндаги сўзни бошқасига ўзгартиришга ҳаракат қилсангиз бутун матн ўзгариб кетгудек таассурот қолдиради. Матнни ўқиш жараёнида тилда улар ишлатган лексик бирлик ўрнида қўланилувчи бошқа сўз йўқдек ҳис этасиз.

Расмий матнда сўз танлашда катта аҳамият берилган. Давлат институтларига тегишли иш ёзмаларининг мазмуни ва сўз танланишига девонда шу соҳа билан шуғулланувчи мансабдорлар “алимға”, “ёзғучи” ва “битигчи” масъул ҳисобланган. Давлат ҳужжатлари уларнинг қўлидан чиққан. Уларнинг машаққатли меҳнатларини кўрсатувчи айрим фактлар ҳам бизга қадар етиб келган. Бу айрим ҳужжатларнинг қоралама вариантларидир. Қорлама матнларни кўздан кечирган киши ҳужжат тузувчилар матн битиш жараёнида ҳар бир сўзни ўрнида, керакли қуршовда ишлатилишига эътибор қилишганига шохид бўлади. Шунингдек, бизга қадар етиб келган кишиларга тегишли васикаларнинг айримлари ҳужжат тузиш ишини ўрганаётган ўқувчиларнинг қораламаларидир. Улар диққат билан кўздан кечирилса, ҳужжат матнида кўп қайтарилувчи бўлимлар, канцеляризм, қолипли бирликлар, формулярларни машқ қилинганини, айрим сўз ва бирликлар ўчириб ташланганини кўриш мумкин.



Чунончи U 5534 рақам остида сакла-наётган ёзма-да васиқалар-нинг бошлан-масидан ўрин олувчи киши отлари ёзилиши керак бўлган қатор ўчириб ташланган.

Шунингдек, кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатларни қайд этиш мақсадида тузилган ҳужжатларнинг мазмуни ва ундаги сўз танлаш меъёрига ҳужжат битган киши ҳамда ҳуқуқий муносабатни амалга ошираётган томонлар, унга гувоҳ сифатида қатнашган шахслар масъул бўлган. Одатда, ҳужжатда амалга оширилаётган олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус бериш учун икки киши гувоҳ сифатида қатнашган. Бироқ, алоҳида ҳолатларда тўрт кишигача ҳолис сифатида иштирок этиши мумкин бўлган (Zieme 1981,59). Шу боис, ҳужжат тугалланмасида уни битган кишининг оти, гувоҳлар номи, ёзма расмий томонлардан кимнинг сўзи билан ёзилгани ва неча қайта томонларга ўқиб берилгани қайд этилган банд доим мавжуд бўлади. Шу ўринда ер олди-сотдисига бағишланган U 5239 сонли васиқанинг тугалланмасини эътибор қаратсак:



Bu nišan men Töläk Temürniñ ol.
 Bu nišan men Buyan Temürniñ ol.
 Bu nišan men tanuq Käräyniñ ol.
 Bu nišan men tanuq Temür Buqaniñ ol.

Bu bitigni men Buyan Tämür öz iligin bitiyü tegitim.

Бу белги мен Тўлак Темурнингдир.

Бу белги мен Буян Темурнингдир.

Бу белги мен, гувоҳ Карайнингдир.

Бу белги мен, гувоҳ Темур Буқанингдир.

Бу ҳужжатни мен Буян Темур ўз қўлим билан ёздим.

Бу сингари тугалланма барча васиқаларнинг ажралмас компоненти сифатида доимо мавжуд бўлган.

Хатто айрим фуқароларга тегишли ҳужжатларда айрим сўзлар ўчирилиб ўрнига бошқаси ёзилган, таҳрир қилинган, тузатилган расмий матнлар ҳам учраб туради. Масалан, U 5260 рақамли ҳужжат қарзга шароб олингани тўғрисидадир. Ана шу ёзманинг учинчи қаторида қарзга олинган шаробнинг миқдори *yarim bor* ҳажмида кўрсатилган бирикма мавжуд. Ана шу миқдор ёзилган бирикманинг устида яна ҳам аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида *qar* ҳисоб сўзи киритилган ва *yarim qar bor* кўринишига келтирилиб таҳрир этилган:



Ана шу тузатишдан сўнг шаробнинг миқдори аниқлашиб, *Turiñ Baqšidin yarim qar bor* кўринишига келган. Ёки U 3907 сонли васиқада жумла таҳрир қилингандан сўнг унинг устига тамға босилган:



Буни ҳужжат битилаётган вақтнинг ўзида тузатиш киритилганига ишора сифатида қабул қилиш мумкин.

Бизнингча, бунингдек ҳужжатларнинг борлиги матн яқунлангандан сўнг томонларга ўқиб бериш жараёнида, айрим сўз ва жумлалар томонларнинг эътирозга сабаб бўлганини кўрсатади. Ана шу сўз ва бирикмалар ўчирилиб бошқаси билан алмаштирилган бўлуви мумкин. Шундан сўнг ҳужжат имзоланиб тасдиқланган ва олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус берилган. Фуқароларга тегишли ҳужжатлар билан боғлиқ ушбу далиллар аждодларимиз расмий ёзмалари таҳрири билан ўзлари шуғулланганини, ўша кезларда расмий ёзишмаларнинг муайян

нормаси яхши шакллангани, расмий ёзмалар услуги жамиятга ўрнашгани, ўша кез кишиларнинг аксари ёлғиз ўқиш ва ёзиш саводидан ташқари, расмий ёзишмалар тузиш лаёқатини яъни ҳуқуқий саводхонликни ҳам ўзлаштирганини кўрсатмоқда. Буларнинг бари ўша кезларда ҳужжат битиш қонун-қоидаларини ўзлаштиришга мўлжалланган муайян мактаблар фаолият олиб борган бўлиши мумкин, деган тўхтамга асос бўлади.

Шу ўринда боболаримизнинг ҳуқуқий тафаккури тўғрисида немис шарқшуноси Ле Кокнинг фикрини келтириш ўринли бўлади. У ёзади: “Во многих документах ясно указано, что один из участников составил документ сам. Мы не где не читаем, что какой-либо правовед контролировал их составление; следовательно, знание употребительных в каждом случае юридических формул было общедоступно. В сравнении с Европой примерно той же эпохи – мы говорим о времени до и после Крестовых походов – эти тюрки, таким образом обнаруживают здесь известное превосходство: многие ли из благородных феодалов Европы были в состоянии в то время по всем правилам составить подобные договоры?” (Тугушева 2001,139).

Ҳужжатлар услубининг кўп маъноли сўзларга муносабати. Кўп маънолилик ҳодисаси ҳужжатлар услубининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Полисемантик сўзлар барча маъноси билан расмий услубда келавермайди, балки бир маъноси билан ҳужжат тилига киради. Масалан Тўхтамиш ёрлиғидаги қуйидаги жумлага эътибор қаратсак: *ol yaman kişilär burun täbirgändin* (ТҲ,12). Мазкур мисолдаги *täbirämäk* феъли кўп маъноли сўз бўлиб, у тек бир маъноси билангина ҳужжат услубидан ўрин эгаллаган. Масалан, Л. Будагов луғатида бу сўзнинг уч англами келтирилади: 1) тронуться, двинуться; 2) дрожать; трястись; 3) походъ (Будагов 1869,340). Лекин ушбу маъноларни ва шу англамлардаги *täbirämäk* феълининг ҳужжатлар услубига алоқаси йўқ. Фактлар таҳлили *täbirämäk* сўзи Л. Будагов луғатида келтирилган маънолардан ташқари яна бир “чекинмоқ” деган

семаси борлигини кўрсатмоқда. “Бобурнома”да ҳам *tābārādi* феълини “чекинди” маъносида қўлланилган ўринларни учратамиз (Бобур 1990,81). Худди шу маъноси билан *tābirāmāk* сўзи хужжат лексикасига кирган. Ёки *sōz* калимасининг барча мавжуд илмий луғатларда фақат бир “сўз” (слово) маъноси келтирилади (Будагов 1869,645; Радлов 1911,IV,586; ДТС 1969,511). Лекин мазкур маънони ва шу семадаги *sōz* лафзининг хужжатлар услубига алоқаси йўқ. Илк ва ўрта асрларга тегишли туркий ва форсий расмий матнларни кўздан кечирганда маълум бўлдики, *sōz* калимаси юқоридаги луғатларда қайд этилган маъносидан ташқари хужжатлар унвони учун алоҳида “бўйруқ”, “фармон” каби махсус маъно касб этади. Бу тўғрида кейинги бўлимларда алоҳида тўхталамиз. Бундан бошқа кўпмаънолилик касб этувқи *el* (халқ, уруғ, қўшин), *oġlan* (саркарда, шахзода), *nišan* (хужжат номи, муҳр), *tamġa* (муҳр, солиқ тури) каби сўзлар расмий матнларда кўплаб учрайди.

Кундалик сўзлашувда ишлатиладиган айрим лексик бирлик ва бирикмалар расмий матнга ўтганда атамалик хусусиятини ҳам бажаради. Мулоқотда ишлатиб келинган сўзнинг тармоқ ичидаги янги умри бошланади. Атама муайян тармоққа йўналтирилган, айна тармоқ тушунчаларини англатадиган ва шу соҳа объектларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Атама аниқликни талаб қилади. Шу боис, сўзлашувда кўп маънолик ташиган айрим сўзлар расмий матн участкасида, асосан, бир маъноси билан иштирок этади. Муҳими, ота-боболаримиздан қолган қадим хужжатлардаги ҳуқуқий атамалар тўлиқ шаклланиб ва тугал кўринишни қабул қилгани билан характерланади. Шу боис, барча расмий ёзмаларда ҳуқуқий тушунчаларни англатиш учун айнан бир хил атамлар қўлланилади.

Куйида келтирилган жадвалдаги мисолларга боқинг:

Сўз

Англами

Атама сифатидаги
маъноси

al	хийла	товламачилик
and	онд, қасамёд	битим, шартнома
arīġ	Тоза	ишончли
	бирор нарсани	тугатишлик,
arītmaq	кетгазишлик,	тарқатишлик
	аритмоқ, фориғ	(савдо билан
	бўлишлик	боғлиқ бирор
		уюшмани)
arqış	карвон	элчилик
bitig	китоб, ёзилган	хужжат, васиқа
	нарса	
budun	халқ	аҳоли
yazuq	гуноҳ	жиноят
esân	соғ	мустаҳкам
ev-barq	бойлик	молу мулк
âd-tavar	бойлик	молу мулк
El	давлат	бирлашма уюшма
čam	даъво	суд
keṇgäš	маслаҳат	йиғин
köni	тўғри	тугал, тўлик
näŋ	нарса	мулк
söz	сўз	буйруқ, хабар
qut	толеъ	сиёсий ҳокимият
qor	шикаст	зиён
öz	ўзи, қалб,	моҳият
tarīġ	деҳқончилик	экин майдони
	тиламоқ,	арз этмоқ
tilämäk	сўрамоқ	
tīyīq	тийилиш	таъқиқ
törü	қоида	қонун, ҳукук
		тизими
tüzülm		қўшничилик
äk	текслашлик	муносабатини
		ўрнатиш
tusu	фойда	фоизи билан
tapuġ	ибодат	қайтариш
		хизмат
yasa	қонун	қонунлар
		мажмуаси

Сўз таркиби ва лексик birlikларнинг танланиши жиҳатидан илк ва ўрта юзйилликлардан қолган расмий ёзмалар услуби ўзига хосдир. Бу ўзгачалик ҳужжатлар матнида умумтуркий луғат қатламидаги мавжуд birlikларнинг бари ҳам қўлланавермаслигида, балки расмий ёзмалар услубига тегишли лексик birlikлардангина фойдаланишда кўринади. Шу билан бирга, расмий матнлар услубида даврдош ёдгорликлардаги ёзма обидаларда ва оғзаки нутққа хос birlikлар учрамайди. Қолаверса, ёзма услубнинг бошқа турларига хос образли ифодалаш учун хизмат қилувчи ва инсон руҳий кечинмалари, туйғуларини тасвирловчи воситалар расмий матнларда ишлатилмайди.

Ҳужжатлар услубнинг сўз танлашдаги ўзгачаликларини очиш мақсадида Берлин фондида сақланаётган ҳукумат маъмурларининг элчига берган кичик бир рухсат қоғозига кўз ташласак:

Ud yil čaqšapat ay iki otuzqa Buyan Temür elčiniñ nökürläriñä kezig aşqa birgü bir siğ et, biş tembin bornı Turpan sanınqa tutup, Taqış Qaya birsün. – Сигир йили ўн иккинчи ойнинг йигирма иккисида Буян Темур элчининг навкарларига доимий (сирадаги) овқатга бериладиган бир сиғ гўшт ва беш тембин шаробни Турфон (маъмурияти) ҳисобига қайд этиб, Тақиш Қоя берсин (Arat 1987,565).

Биринчи галда, матн сўз танланиши, луғат таркибининг ўзига хослиги ва услубий ўзгачалиги билан ажралиб турибди. Матннинг аниқлиги ва тушуниш учун соддалигидан унинг ўзига хослиги кўринади. Элчига берилган рухсат қоғози кичик бир матн бўлишига қарамасдан, ундан элчи ва унинг навкарларига бериладиган егуликнинг миқдори, уни бериши керак бўлган шахс ҳамда қайси бошқарув маъмурияти ҳисобидан ажратилиши аниқ белгиланган. Шу боис, ушбу васиқани бошқа бир йўсинда талқин қилиб бўлмайди. Қолаверса, ҳужжат тили ва услубида даврдош ёзма обидалар тилида кўплаб учровчи ўзлашган лексик қатлам ҳам кўринмайди. Расмий матнлар услубида ўша давр умумтуркий

лексик бирликларнинг ҳаммаси ҳам қўлланавермаслигига сабаб, биринчи навбатда, ҳужжатлар услубига хос расмий адабий тилнинг талаби бўлмиш “расмийлик” билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам даврдош ёдгорликлардаги образлик, кўтаринкилик, дабдабалик каби белгилар расмий битиглар табиатига тўғри келмайди.

Расмий матнлар лексик қатламнинг асосини туркий тилнинг ички имкониятлари асосида ҳосил қилинган сўз ва атамалар ташкил этади. Мазкур давр эски ўзбек тили лексикасидаги маълум миқдордаги сўзлар расмий услубга яъни, ҳужжатлар тилигагина хос. Булар сирасига ёлғиз расмий ёзмалар услубида учровчи *tarbīr*, *tartanaq* ва бошқа ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзларни киритиш мумкин (тартанақ тўғрисида қаранг: Вашари 1987,97–101).

Ҳужжатлар услубида лексик бирликларнинг танланиши масаласи тўғрисида сўз кетганда, аввало, икки ҳодисани айтиб ўтиш керак бўлади: 1) расмий матнларда қўлланиладиган ва 2) расмий матнларда учрамайдиган сўзлар. Илк ва ўрта асрлар умумтуркий лексикадаги бир гуруҳ сўзлар ҳужжатлар услубида қўлланила олади. Айримлари эса ишлатилмайди. Мазкур хусусиятни сўз туркумлари доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Энди ушбу ўзгачаликларни сўз туркумлари тизимида кўриб чиқамиз.

Ҳужжатларда отларнинг ишлатилиши. Расмий услубда отнинг қўллануви бошқа (бадий, оғзаки) услублардан фарқ қилади. Расмий ёзмалар услубида отларнинг қўлланувидаги ўзгачаликларни текшириш алоҳида тадқиқот мавзуи бўлуви мумкин. Биз бу ўринда унинг айрим қирраларигагина эътибор қаратишни лозим топдик.

Ўрганаётганимиз ҳужжатларда отнинг қўлланишини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Расмий матнда келувчи мансаб ва унвон номлари: *bökavül*, *tutqavul*, *taṁḡačī*, *tartnaqčī*, *bitigčī*, *quščī*, *barsčī*, *elčī*, *tušumal*, *mujavur*, *sahibijam* сингари атамалар. Айниқса, имтиёз ёки бирор

мансабга тайин этиш муносабати билан берилган ҳужжатлардаги талабларни бажариш юклатилган давлат девонида фаолият юритган амалдорларни қамраб олган бўлимда бунинг сингари номлар кўплаб келади.

2. Солиқ ва тўловларнинг отлари: *borla tamğası, anbar malī, endir haqī salīq, yasaqluq, mal, tavači tartusi*.

3. Турли расмий ёзмаларнинг номлари: *yarliq, nišan, bitig, bildürgülük, bitig, baş bitig, čin bitig, čin baş bitig, vučun bitig, ata bitigi, bodun bitigi, őtüg bitig, ay bitigi, boşuğ, yumuş, biçğas bitig, tutsuğ*.

4. Ҳужжатда берилган имтиёзларнинг номлари: *Suyurğal, Tarhan, İnju*.

5. Васиқаларда қайд этилган жуғрофий исмлар: *Ändigän, Čäçktü, Tan, Bağı šahar, Miñana, Qirim, Turpan*.

6. Йил ва ой номлари: *ud, bars, taqağı, rajab, šavval, muharram, aram, čaqšapat*.

7. Расмий матнларда учрайдиган киши номлари: *Mir Sayid Ahmad, İsmail, Yağayla, Temürbeg, Töläk Temür, Büyän*.

Айниқса, дипломатик ёзишмаларда ҳамда кишиларга тегишли ҳужжатларнинг тугалланмасида уни битган кишининг оти, гувоҳлар номи ёзиладиган қисмда расмий шахсларнинг номлари кенг учрайди.

Расмий матнда сифатнинг танлануви. Ҳозирги ўзбек тилида сифатлар тўққиз гуруҳга бўлинади. Мазкур семантик турларнинг ҳаммаси ҳам ҳужжатлар услубида қўлланавермайди. Чунончи, кишининг феъл-атворидаги хусусиятларни ифодаловчи ва ҳолат билдирувчи сифатлар.

Сифатларнинг қолган турлари ушбу матнларда бемалол қўллануви мумкин.

Ҳужжатларда соннинг ишлатилиши. Адабий тил тараққиётининг эски туркий тил босқичида соннинг санок, тартиб, жамловчи, дона, чама каби турлари мавжуд бўлган (Абдурахмонов, Шукуров 1973,76). Уларнинг бари ҳам расмий услубда қўлланавермайди. Масалан, чама сон ҳужжатларда

умуман учрамайди. Чунки чама сон нарса-предметнинг аниқ сонини билдирмайди. Расмий услубнинг табиати аниқликни талаб этади. Аниқлик – ҳужжатлар услубининг асосий белгисидир. Шунингдек, нумератив сўзларнинг ҳам барчасидан ҳужжатлар услубида фойдаланилмайди. Хусусан, *parča, para, awiç, luqma, ewlük* кабилар. Бунга сабаб, ушбу нумеративларнинг кўпроқ оғзаки ва бадий услубга мослашганлигидадир. Расмий битигларда кўпроқ ўлчов ва миқдор билдирувчи ҳисоб сўзлар ишлатилади. Расмий ёзмалар услубида *bir qoşluq, bir siğ, biş tembin* сингари нумеративлар кенг тарқалган.

Ҳужжатлар услубида сон ясалишининг икки усулини кўриш мумкин. Биринчи усулга кўра, икки хонали сонларни яшаш учун бошлаб бирлик айтилиб, кейин ўнлик айтилган. Эътибор беринг: *iki yigirmi* “ўн икки” маъносида қўлланилган. Бунинг билан йигирмага қараб икки сони қўшилди, деган маъно англашилади. Илк ўрта асрларнинг ҳужжатларида икки хонали сонларни яшашда айна тартиб етакчи бўлган: *yiti yigirmi* – ўн етти, *iki otuz* – йигирма икки. Ҳозирги тилимизда мавжуд тартибга яқин тартиб ҳам бўлган (Соннинг ясалиши тўғрисида тўлиқ маълумот учун боқинг: Содиқов 2006, 156–158). Сон ясалишининг ушбу тури ўша кезлар у қадар фаол бўлмаган. Ўрта асрларга келиб, расмий ёзмаларда соннинг ясалиши сифат жиҳатдан ўзгарди ва ҳозирги кўринишга келган: *on sākiz* – 18.

Умуман, расмий матнларда сон туркумидан кенг фойдаланилади.

Расмий матнда олмошнинг қўлланилиши. Семантик ва грамматик хусусиятларига кўра эски ўзбек тилида олмошларнинг қуйидаги турлари фарқланган: кишилик, сўроқ, биргалик, белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари (Абдурахмонов, Шукуров 1973, 89). Юқорида саналганлардан гумон олмоши ҳужжатлар услубида қўлланилмайди. Чунки мазкур олмош предмет ва ҳодиса тўғрисида ноаниқ таассурот уйғотади. Бу эса аниқликни талаб қилувчи ҳужжат услубига тўғри келмайди. Расмий матнларда кўпроқ кишилик ва кўрсатиш олмошлари фаол

қўлланилади. Кўрсатиш олмошларининг ҳаммаси эмас, асосан, *ol va bu* олмошлари ишлатилади: *ol yaman kişilär burun täbirägändin el tarbip ol iş tağı ol čaqli bolğan yärgäsi ol erdi* (У ёмон кишилар олдин чекинганларидан қўшин тарқалиб (кетди), бу воқеа тағин ўша вақтда (юқорида айтилгандай) бўлган ҳолати шу эди (ТҮ, 12–13). Ўрта асрларнинг ёзма обидалари тилида мавжуд *uşbu, oşul, oşal, şul* сингари кўрсатиш олмошлари биз ўрганаётган ҳужжатларда учрамайди. Бизнингча, бунга сабаб, мазкур олмошларнинг бадийи услубга кўпроқ мослашганлигида бўлса керак.

Ҳужжатларда феълларнинг ишлатилиши. Расмий матнларда феълларнинг қўлланиви баъзи бир ўзига хосликка эга. Бу ўзига хослик, ҳужжатларда эмоционал-экспрессив оттенкага эга бўлмаган, субъектив муносабат бўёғидан ҳоли феълларнинг ишлатилишида кўринади. Хусусан, Алишер Навоий “Муҳакаматул луғатайн”да туркийнинг форсий тилдан устун жиҳатларини кўрсатиш мақсадида келтирган *sipqarmaq, tamışmaq, boxsamaq, inrämäk, siqtamaq, ökürmäk, sinrämäk* каби феъллар расмий матнлар услуби учун бегона. Чунки, мазкур феъллар эмоционал-экспрессив бўёғли сўзлар ҳисобланади. Буни Навоийнинг ўзи ҳам илмий асослаб берган эди (Navoiy 1940, 46–47). Демак, ҳужжатлар услубини асосан, умумистеъмолдаги феъллар белгилайди.

Ҳужжатларда кўмакчиларнинг ишлатилиши. Расмий матнларда *birlä, bilä, sayi* кўмакчиларини учратамиз.

Даврдош ёдгорликларда кенг қўлланилувчи *yanliğ, üzä, ičrä* сингари кўмакчилар ҳужжатларда қўлланилмайди. Чунки улар бадийи асарлар тилига мослашган. Бундан ташқари *kibi, körä* кўмакчиларининг ўхшатиш ва қиёслашга хизмат қилувчи маънолари бўлгани учун расмий битигларда учрамайди.

Ҳужжатлар матнида боғловчиларнинг ишлатилиши. Расмий битиглар услубида ўзбек тили тарихига бағишланган адабиётларда саналган боғловчиларнинг барчаси ҳам учрайвермайди. Масалан, айирувчи боғловчилар: *gah-gah, xah-*

xah, gahi gah, эргаштирувчи боғловчилар: *oyla, kim, oyla-kim, harčand*, зидловчи боғловчилар: *lek, vale, valekin* сингарилар расмий ёзмалар услубида қўлланилмайди. Чунки бу турдаги боғловчилар бадийий ва оғзаки услуб табиатига тўғри келади. Расмий матнларда асосан, *va, daği, taqi* бириктирувчи боғловчиларини учратиш мумкин: *türlüg zahmat va mavinat va avarizatlarđin masun va mahrus bolsunlar* (ҳар турли қийинчиликлар ва оғир тўловлар ва қўшимча солиқлардан озод ва ҳимояда бўлсинлар TQ,45–46).


Шундай қилиб, расмий ёзмаларда фикр аниқлиги ва равшанлиги устун қўйилган. Шунинг учун бўлса керак расмий матнларда субъектив муносабат юкланган сўзлар ва грамматик воситалар қўлланилмайди. Расмий ёзмалар лексикасининг асосий ўзгачалиги турли ижтимоий-сиёсий соҳага тегишли атама ва қолип-бирикмалардан кенг фойдаланишидадир. Юқоридагиларга асосланиб, ҳужжатлар услубида лексик бирликларнинг танланиши барча сўз туркумларида ўзига хос деган тўхтамга келиш мумкин.

Ёзув турлари ва ҳужжатлар услуби. Ўрта асрлардан қолган, турли тизимдаги ёзувларда битилган туркий ҳужжатларни кўздан кечирсак, уларнинг услуби ва сўз танланишида, қисман бўлса-да, ўзаро фарқли қирраларни қузатиш мумкин. Айниқса, бу ҳолат уйғур ва араб хатидаги расмий ёзмаларда яққол кўзга ташланади.

Расмий ёзма уйғур хатида бўлса, алимға (котиб)лар матнда имкон қадар туркий тилнинг ички имкониятлари асосида ясалган қолип-бирикма, сўз ва атамаларни қўллашга, эскидан келаётган ҳужжат тузишдаги узлуксизликни онгли равишда сақлашга интилганлар. Фикримизни исботлаш мақсадида, Туроннинг султони Темурбекнинг 1391 йили Улуғтоғ мавзесида ўрнатган битигтошига мурожаат қиламиз. Эски ўзбек тилидаги саккиз қатордан иборат матн уйғур хатида бўлгани учун тошйўнувчилар мумкин қадар туркий сўз ва расмий бирликларни ишлатган. Ҳатто, битигтошдаги йил ойларининг отлари ҳам туркийда берилади: *tarix yeti yüz toqsan üçtä qoy yıl yazniñ ara ayi*

(Пономарев 1945,223). *Yaznñ ara ayi* “шаъбон” (апрель)га тўғри келади. “Шаъбон” атамаси эса даврдош ёзма обидалар тилида фаол қўлланилгани ва туркий лексикага ўзлашганига қарамай, матн уйғур хатида битилаётгани учун қадимги туркий атама *yaznñ ara ayi* қўлланган. Ёки яна ана шу битигтошнинг еттинчи сатрида “фуқаро”, “раъиат” ўрнида (“фуқаро” ёки “раъиат” ўша давр ёдгорликларида кенг қўлланилади) эски ўзбек тилидаги *el kiši* бирикмаси ишлатилади. Уйғур хатида битувчи бахши бунинг барини махсус амалга оширган ва қадимда юзага келган анъанани сақлаган.

Бу сингари ходисаларни расмий хужжатлар матнида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Шохруҳ Мирзо нишонида даврдош ёдгорликларда қўлланилган *у* (сигир) сўзининг қадимги *ud* фонетик варианты ишлатилади. Ёки Тўхтамишхон ёрлиғида хужжат битилган тарих кўрсатилган йилнинг оти *taqağu yil* (Махмуд Кошғарийнинг “Девон”ида худди шундай қўлланилган: Алиев, Содиков 1994,111) кўринишида берилади. *Ud, taqağu* сингари шакллар қадимги туркий тилга хос фонетик ходисалар экани туркийшуносларнинг асарларида ўз исботини топган (Махмудов 1990,195). Шунинг учун бўлса керак, П. Мелиоранский уйғур ёзувидаги бошқа бир хужжат Умаршайх Мирзо нишони тўғрисида гапирганда, унинг тили бир оз сунъий ва қадимий деган хулосага келади. У ёзади: ... “как нам кажется, на некоторую искусственную архаичность языка канцелярий Омар Шейха” (Мелиоранский 1906,05). Бунда тадқиқотчи хужжат услуги ва сўз танланиши ёзув тури билан боғланганини кўздан кочирган кўринади.

Бунингдек мисолларни XIII–XIV юзйилликлардан қолган кишлар ўртасидаги васиқаларда ҳам топса бўлади. Шарқий Туркистон ўлкасидан топилган уйғур хатидаги ёзмаларнинг салмоқли бўлагиде тарих қадимги туркий тил босқичида қўлланилган вариантда берилган. Чунончи, U 5243 рақамли ёзмада  *Küskü yil säkizincä ay säkiz yigirmikä* – “Сичқон йили саккизинчи ойнинг

ўн саккизида”. Ёки U 5242 сонли хужжатда  Bars yil toquzunč ay altı otuzqa – “Йўлбарс йили тўққизинчи ойнинг йигирма олтисида” шаклида берилган. Ушбу ёзмалардаги тарих ва соннинг берилиши туркий халқларнинг энг эски ёзма ёдгорликлари – кўк турк битигларида қўлланган тарих ва сонни эсга солади.

Бу ҳолат айрим изланувчиларнинг хужжатларни ёзилиш санаси тўғрисида янглиш тўхтамга ҳам олиб келишига сабаб бўлган. Улар васиқаларнинг тил ва услуб ўлчовига ҳамда матнларда қадимги грамматик воситалар қўлланганига қараб, ёзмаларни X–XI юзйилликларда битилгани эҳтимolini илгари сурадилар. Бироқ текширувлар уларнинг XIII–XIV асрдан олдин ёзилмаганини кўрсатмоқда (Zieme 1981,56). Бу эса уйғур ёзувидаги хужжатлар андазаси анча эски кезлардан тикланиб, унинг яхлит бузилмас, турғун қолипи шаклланиб улгурганидан дарак беради. Ёзма тилнинг бошқа услублари ва оғзаки нутқда грамматик воситалар ҳамда тарих қўллашнинг янгича варианты бўлишига қарамасдан, васиқларда эски қолип-андозадан воз кечилмаган. Даврдош араб ёзувли туркий хужжатларда эса битигчилар янгича тил воситалари ва тарих қўллашнинг янги кўринишини қўллаган.

Хўш, хужжат араб хатида бўлса-чи? Аксинча, услубнинг кўтаринки ва улуғвор бўлишига ҳаракат қилинган. Хужжат матни лексикасини имкон қадар (сўзларнинг туркийча эши бўлишига қарамай) арабча ва форсча сўзлар билан “зийнатлаганлар”. Мисол сифатида, Амир Темурнинг 1378 йили берган ёрлиғини кўздан кечирсак (Мазкур хужжат тўғрисида: Остроумов 1910,3). Ушбу ёрлиқда уйғур хатидаги расмий ёзмалардан айрича *inayatnama*, *hukmi humayuni*, *jahān panāhi*, *jam’i tahsildārлар va sāhibi dāhillar*, *dāri-s-saltanat*, *muxtasib* сингари арабча ва форсча сўз, қолип-бирикмалар кенг ишлатилган. Араб хатида битилган туркий расмий матнларда араб ва форс сўзларнинг кўп миқдорда қўлланишини *табуйи* қабул қилиш керак. Чунки бу ўринда хужжат битувчиларнинг ёзув ўлчовидан келиб чиққан ҳолда матн

услуги ва лексикасини танлашлари масаласини назарда тутиш лозим. Яна шу нарса аёнки, одатда, прагматик сема ўзлашган сўз маъноларига бориб такалади. Буни эътиборга олмаган айрим изланувчилар, хусусан, О.Д. Чехович Темур ёрлиғи тўғрисида: “Вообще этот ярлык во многих частях представляет как бы дословный перевод с персидского образца”, деб “хукм” чиқарган эди (Чехович 1948,310). Юкоридагилардан англашиладики, уйғур ёзувидаги расмий матнларда ўзлашган сўзларнинг озлиги, бу туркий-уйғур ёзувидаги хужжатчилик, умуман, матнчилик анъанасининг шаклланиб, бир ўзанга тушиб бўлгани билан боғлиқ.

РАСМИЙ УСЛУБДА МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАНЛАНИШИ

Расмий услубининг шаклланишида лексик-семантик воситалар билан бир қаторда морфологик бирликлар ҳам муҳим ўрин тутди. Кераклиси, расмий услубда қўлланувчи сўз шакллариининг ҳам меъёри бор. Расмий услубнинг чегараланган, муайян тартибли ўлчови амал қилади. Бошлаб, даврдош ёзма обидаларнинг барида қўлланувчи сўз шакллари расмий услубда қўлланилавермайди. Расмий услубда қўлланувчи сўз шакллари ўзига хос бўлиб, у услуб табиатини белгилайди.

Отга хос шаклларнинг қўллануви. От туркумига келишик, кўплик, эгалик сингари граматик категориялар билан бирга кичрайтириш, эркалаш, ҳурматлаш сингари хусусиятлар ҳам хосдир. Расмий матнлар услубида илк ва ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликларида мавжуд эркалаш ва ҳурматлаш маъносида ишлатиладиган *-qī (ataqī, anaqī)*, *-č (anač, bekäč)*, *-gän // -kän (teŋrikänim)*, *-čiq // -cük*, *-čaq // -čäk (baqačiq, oğlancüq)* (Шербак 1961,109–110) янглиғ қўшимчалар воситасида ҳосил қилинувчи шакллар қўлланилмайди.

Келишик категорияларининг қўлланувида даврдош ёдгорликлар тили билан умумийликни кузатиш мумкин. Расмий матнларда олтига келишик амал қилади.

Бош келишик – морфологик кўрсаткичга эга эмас. Хужжатлар унвонидаги хон номлари бош келишигга келади: *Toqtamış* (ТҮ,1), *Temür Qutluğ* (ТҚ,1), *Šāhruh* (Ш,1), *Abu Sa'id Körägän* (АК,1), *Umaršayx* (УМ,1).

Қаратқич келишиги – матнларда *-niñ // -nñ, -nñ // -nuñ, -iñ // -iñ* кўринишида қўлланган *bizgä baqar ellärniñ* – “бизга қарашли давлатларнинг” (ТҮ,18), *Tabriz taxtini menin atam Mirānšāh Mirzāğa bergän durur* – “Табриз тахтини менинг отам Мироншоҳ Мирзога берган эди” (АК,26–27), *Talhan ataniñ* – “Талхон атанинг” (Ш,3), *ikki qoşuq ekininiñ* – “12 гектарли ерининг” (УМ,5), *inim Qasunñ* – “иним Қасукнинг” (U 5259,7), *bu tamğa biz ikägüniñ ol* – “бу тамға биз иккимизнингдир” (U 5242,17–18).

Қаратқич келишигининг *-iñ // -iñ* шакли, асосан, кишилик олмошининг I шахс кўплигига қўшилган: *biziñ han ağalarimiz* – “бизнинг хон оғаларимиз” (ТҚ,17), *biziñ suyrğal* – “бизнинг суюрғол” (ТҚ,20).

Тушум келишигининг *-ni // -nñ* қўшимчаси билан ясалган шакли хужжатларда кенг қўлланган: *Edigu atlı kişini* – “Эдигу исмли кишини” (ТҮ,8), *bu yarlığnı* – “бу ёрлиқни” (ТҚ,12), *har türlü malini* – “хар турли молини” (УМ,6). Шу билан бирга *-n* аффиксли вариант ҳам қўлланилган: *ellärnin çiqışların* – “давлатларнинг хирожларини” (ТҮ,28), *ötülin yör körüp* – “аризасини тўғри топиб” (ТҚ,19).

Расмий битгларда жўналиш келишиги *-gä // -ğa, -kä // -qa* қўшимчаси билан ясалган. Давлат хужжатларининг кириш қисмидаги мурожаат ана шу келишикда келади: *Yağaylağa* – “Яғайлага” (ТҮ,2), *on qol, sol qolnñ oğlanlarığa* – “ўнг қанот, чап қанот шахзодаларига” (ТҚ,2–3), *devanlarğa* – “девоңларга” (Ш,2), *daftarlärğä sürüsün* – “реестрларга ёзилсин” (УМ,11), *Töläk Tämürkä* – Тўлак Темурга (U 5239,7), *kezig aşqa* – “сирадаги овқатга” (Arat 1987,565).

Матнлар тилида ўрин-пайт келишиги *-dä // -da, -tä // -ta* қўшимчаси билан ясалган. Хужжатлар сўнгида унинг битилган жойи кўрсатилагн қайд шу шаклда берилади: *ordu tanda* –

“қароргоҳ Танда” (ТҮ,25), *Mujavaranda erürdä* – “Мужаваранда бўлганда” (ТҚ,55), *Baği šaharda bitildi* – “Боғи шаҳарда ёзилди” (ШН,23), *Andigändä bitildi* – “Андижонда битилди” (УМ,13). Айрим васиқаларда ўрин-пайт келишигининг *-qa // -kā* варианты ҳам учрайди: *Küskü yil sekizinč ay sekiz yigirmikä* – “Сичқон йили сакизинчи ойнинг ўн саккизида” (U5243,1), *Qoyin yil üçünč ay iki otuzqa* – “Қўй йили учинчи ойнинг йигирма иккисида” (U5260,1).

Чиқиш келишиги *-din // -dīn, -tin // -tīn* қўшимчаси қўмагида ясалган: *Sayinxan čağidan beri* – “Саййинхон (Ботухон) замонидан бери” (ТҚ,14), *Marğinan qasabasidan* – “Марғилон шаҳарчасидан” (УМ,5). *Bay Tämür ikägüdin* – “Бой Темур иккаласидан” (U5264,3), *Qiyimtutin bir yarim böz aldım* – “Қийимтудан бир ярим бўз олдим” (U5262,4).

Кўплик шаклларининг ишлатилиши. Қадимги ёдгорликлар тилида мавжуд кўплик ясовчи *-t, -n* қўшимчалари биз текшираётган расмий ёзмалар тилида учрамайди. Хужжатларда кўплик ёлғиз *-lär // -lar* қўшимчаси билан ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида ушбу қўшимчанинг ўн уч маъноси мавжудлиги тилшунослар томонидан исботланган (Ғуломов 1944,5). Илк ва ўрта асрларда ҳам унинг кўплик англатувчи маъносидан ташқари ҳурмат билдирувчи маъноси ҳам бўлган. Бироқ расмий матнларда *-lär // -lar* фақат кўплик маъносида келади: *Hasan başli elčilär* – “Ҳасан бошчилигидаги элчилар” (ТҮ,4), *Marğinan büzrügläridin* – “Марғилон улуғларидан” (УМ,4). Хужжатларда *-lär // -lar* нинг ҳурмат маъносида қўлланмаслигига сабаб, расмий услубда предмет ёки объектга ижобий ёки салбий муносабат акс этмайди.

Эғалик. Расмий битигларда эғалик категориясининг қўллануви ҳам ўзига хос. Чунки расмий матнларда даврдош ёзма обидалар тилида мавжуд барча эғалик шакллари қўлланавермайди; уларнинг ишлатилув теграси чекланган. Масалан, I шахс бирлик ва кўплик шакллари, асосан, хужжатлар унвонида келади. Уйғур хатидаги ҳуқуқий матнларда фақат I шахс бирлик шакли учраса: *Temur Qutluğ sözüm* (ТҚ,1), *Šahrüh Bahadur sözüm* (ШН,1), *Sultān Abu Sa’id Körägän sözüm* (АК,1).

Араб ёзувидаги ҳужжатлар унвонида эса кўплик шакли ҳам учрайди: *Abul ġazi Abul Latif Bahadurxan sۆzүmiz* (Чехович 1974,311).

II шахс бирлик шакли ҳисобланувчи *-iη // -iη*, ҳозирги ўзбек тилидаги расмий матнларда учрамайди. Замонавий ҳужжатлар услубидан фарқли ҳолда биз ўрганаётган ҳужжатлар услубида мазкур шакл ишлатилади: *sān taqī kelāčiηi* – “сен ҳам хабарчингни” (TY,5), *Uluġ ataη 'Usmān-beg* – “Катта бобонг Усмонбек” (AK,5). II шахс бирлик шаклининг ҳозирги расмий услубда қўлланмаслиги сабабини тадқиқотчи Д. Бобохонова қўйидагича изоҳлайди: “...Форма на -(и)нг несет ва себе оттенок невижливого обращения на “ты”, что не соответствует этому виду речи” (Бабаханова 1987,69). Мазкур шаклнинг ўтмиш васиқаларида қўлланилувига келсак, бизнингча, илк ва ўрта асрларда ушбу шаклнинг ҳозирги сингари “сеналашга” йўналтирилган маъноси қатъий реаллашмаган эди. Буни ҳужжатларнинг матни ҳам тасдиқлаб туради. Биз текшираётган расмий битиглар услубида II шахс кўплик шакли учрамайди.

Ҳужжатларда III шахснинг бирлик ва кўплик шакли кўп учрайди: *atasī Hāji Bayram Xojani* – “Отаси Ҳожи байрам Хўжани (TQ,11), *har түrlүg malini* – “хар турли молини” (UM,6); *Mahmatniη oġlanlari* – “Муҳаммаднинг ўғиллари” (TQ,27), *Marġinan бүzrүgläridin* – “Марғилон улуғларидан” (UM,4).

Ҳужжатларда феъл шаклларининг ишлатилиши. Туркий тиллар тарихида феълнинг ўзига хос белгиларини қуйидаги грамматик категориялар ташкил этади. Феъл аспектлари, феъл даражалари, ўтимли ва ўтимсизлик, феълнинг грамматик функционал шакллари (ҳаракат номи, сифатдош, равишдош), феълларда тусланиш (майл, замон, шахс-сон) (Абдурахмонов, Шукуров 1973,115). Феълларга тегишли мазкур категорияларнинг даврдош ёзма ёдгорликлар ва расмий ёзмаларда қўлланилувида умумий ҳолатлар бўлиши билан бирга, расмий услубнинг ўзгачалик томонлари ҳам мавжуд. Юқорида саналган феълга

тегишли шаклларнинг бари ҳам расмий матнларда қўлланавермайди.

Расмий битигларда феъл функционал шаклларининг қўлланылиши. Даврдош ёзма обидалар тилида ҳаракат номининг кенг учрайдиган *-maq // -māk; -(i)š // -(i)š* қўшимчали қўринишлари биз тадқиқ этаётган расмий матнлар ичида кишиларга тегишли васикаларда кўпроқ учрайди: *išlādmāk boldum* – “ишлатмоқ бўлдим” (Малов 1932,143–144. 15), *anīḡ bitigi yoq bolmīš ücün* – “унинг ҳужжати йўқолиб қолгани учун” (U 5251,3), *Misīr, Rum, Šāmteg yerlärni alip bermākni men biläyin* – “Миср, Рум, Шом сингари ерларни олиб беришни мен билайин (менга қўйиб бер)” (AK,61–63).

Расмий ёзмаларда сифатдошлар *-ğan // -gän; -ar // -är, -ur // -ür; -mīš // -mīš* қўшимчалари ёрдамида ясалган. Ушбу қўшимчалар қатнашган мисолларга эътибор берайлик: *uluḡ orunḡa olturḡan* – “подшолик тахтига ўтирган” (TY,3), *bizgä baqar* – “бизга қарашли” (TY,18), *barur kelüridä* – “борар-келарида” (TQ,38) *birilgän nišanī* – “берилган нишони”(UM,9).

Ҳужжатларда қадимги ва эски туркий тил даврларида кенг қўлланган *-duq // -dük, -tuq // -tük, -ḡli // -gli, -dači // -däči, -tači // -täči* қўшимчали сифатдошлар учрамайди.

Ҳужжатлар тилида асосан, *-ar // -är, -ip // -ip, -ur // -ür* аффиксли равишдошлар ишлатилади: *aḡlap yigilip* – “англаб йиғилиб” (TY,11), *Tämürgä ayitip bitidim* – “Темурга айтиб (ўқиб эшиттириб) ёзим” (U 5260,12). Бундан ташқари *-a // -ä* қўшимчали равишдошлар ҳам учрайди: *aḡlata* – “тушунтириб” (TQ,18).

Феъл нисбатлари. Туркий тиллар тарихида феълнинг бош, ўзлик, мажхул, биргалик ва орттирма нисбатлари амал қилган (Абдурахмонов, Шукуров 1973,186). Феълнинг мажхул даражаси расмий матнларда кам учрайди. У ҳужжатлар сўнггида келади: *bitildi* – “ёзилди” (TQ,55), *Andigändä bitildi* – “Андижонда битилди” (UM,13). Ҳозирги ўзбек тилининг расмий услубда эса феълнинг мажхул нисбати кенг учрайди (Бабаханова 1987,74).

Феълнинг бош, ўзлик, биргалик, орттирма нисбатлари биз ўрганаётган расмий ҳужжатларда кенг қўлланилган.

Феъл майллари. Расмий услубда феъллар буйруқ-истак майлида фаол қўлланила олади. Дипломатик ёзишмаларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик шакли учрайди: *ul čaqlıq kiši yibäräyin* – “керакли микдордаги киши юборайин” (АК,59). Расмий ёзмаларда масъулият юклатилган шахс аниқ бўлгани боис, одатда буйруқ-истак майлининг кўплик кўрсаткичи қўлланилмайди.

Буйруқнинг II шахс бирлиги айрим мактуб-ёрлиғларда учрайди. Чунки ушбу мактуб-ёрлик аниқ шахсга йўлланган бўлади. Масалан, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлага йўллаган ёрлиғида келади: *barğan elčilärgä bergil* – “борган элчиларга бергин” (ТҮ,19). Ёки Абусаид Мирзонинг Узун Ҳасанга йўллаган ёрлиғида ҳам буни кўриш мумкин: *kelip körür yaraqini tapsaḡ, kelip körgil* – “келиб кўриш имконини топсанг, келиб кўргил” (АК,50–51). Ушбу II шахснинг кўплиги кўпроқ бадийий услубга мослашгани учун ҳужжатларда қўлланилмаган.

Расмий ёзмаларда буйруқнинг III шахс бирлик ва кўплик шакли кенг қўлланилади. Бирлиги *-sun* // *-sün* аффикси билан ясалади: *almasun* – “олмасин” (ТҚ, 11); *tilamasun* – “сўрамасун” (УМ, 12), *ularqa tapšursun* – “уларга топширсин” (Арат 1987,564–565,6). Кўплиги *-sunlar* // *-sünlär* билан ясалади: *tegürsünlär* – “келтирсинлар” (ТҮ,19), *köni bersünlär* – “тўғри қилиб берсинлар” (U 5260,9). Буйруқнинг ушбу кўринишини А Шчербак қатъий буйруқ – “категорический императив” деб атайди (Шчербак 1959,64).

Ҳужжатлар тилида феълнинг шарт майли кишилар ўртасида олди-сотти, ижара ва қарз битимларида кенг учрайди. Ушбу битимларда олинган мулкни қайтариш шарти кўрсатилган қисмда феълнинг мазкур кўриниши қўлланилади. *Bermädin käčürsär män el yañinča tüši bilä köni berür-män* – “Бермасдан кечиктирсам, мен элнинг қонунлари бўйича фоизи билан, тўлиқ бераман” (U

5260,6–7). Мисолдаги сўзларга эътибор қилинса, унда шарт кўрсаткичи *-sar // -sār* қатнашаётганини кузатиш мумкин. Бу шакл ҳам қадимги туркий тилга хос шакл саналади (Абдурахмонов, Шукуров 1973,149). Бу эса юқорида таъкидлаганимиз уйғур ёзувида битилган ҳужжатлар услубида қадимги тил анъаналари яхши сақлаганлигини кўрсатади. Чунки ҳужжатнинг ушбу компоненти феълнинг айни шаклда берилишини талаб қилади. Дипломатик ёзмаларда ҳам ушбу майл қатнашади. Бироқ, давлат ёрлиқларида эса феълнинг шарт майли учрамайди. Боиси, шартлилик буйруқ ва фармонларга уйғун эмас. Давлат ёрлиқлари аниқликни талаб этади.

Ҳужжатлар услубида феъллар уч замонда кела олади. Лекин уларнинг қўлланиш доираси чегараланган. Хусусан, ўтган замон феълининг айрим аналитик шакллари – *bolmaduq erdi, körmädük erdi, tedük erdi*, шунингдек, ўтган замон давом феълининг *kelä turur erdi* сингари кўринишлари ҳам ишлатилмайди.

Юқорида кўриб ўтилганлардан англашиладики, ҳужжатларнинг морфологик кўрсаткичларни қўллаш тизими ўзига хосликларга эга. Мана шу ўзгачалиklar билан расмий услуб бошқа услублардан фарқланиб туради.

ҲУЖЖАТЛАР ТИЛИДА СИНТАКТИК ЎЛЧОВ МАСАЛАСИ

Расмий ҳужжатларда гап қурилиши. Туркий тилнинг узоқ асрли тарихий тараққиётини кузатадиган бўлсак, унинг структур қиёфасида катта бир ўзгаришни кўрмаймиз. Ундаги ҳодисалар яхлит, бир бутун (монолит) кўринишда намоён бўлади. Тилдаги ана шу яхлитлик узлуксиз давом этиб келаётганини кузатиш мумкин. Айниқса, бу ҳолат гап қурилишида янада яққол кўринади. Туркий халқларнинг энг кўҳна ёдгорликлари кўк турк матнларининг гап қурилиши ва гап бўлақларининг жойлашуви ҳозирги тилимизга айнан тенг келади. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун ушбу гапнинг қурилишини кузатайлик: *Üzä kök täñri, asra yağiz yär qilintuqda ikin ara kisi oğli qilinmis. Kisi oğlinta üzä äcüm apam Bumîn qağan, Istami qağan olurmiş*. “Юқорида кўк осмон,

пастда кўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яратилган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон, Истами хоқон бўлиб ўтирган”. Ёки Кул тигин ва Билга хоқон битигларига киритилган ёрлиқлар бошланмасида келувчи унвон ва мурожаат қисмларини таҳлил этсак: *Tägritäg tägri yaratmış türk Bilgä qağan sabim. Sabimın tükäti äsidgil: ulayu ini yägünüm, oğlanım, biriki, oğuşum, bodunum, biryä šadapit bäglär, yïrya tarqat, buyruq bäglär, otuz ... toquz oğuz bägläri, bodunï, bu sabimın ädgüti äsid, qatïğdï tiñlä.* “Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган турк Билга хоқон сўзим. Сўзимни тугал эшитгил кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз ... тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла” (Ўрнаклар Қ. Содиқовнинг “Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини” китобидан олинди: Содиқов 2004,76–79). Ҳар икки матннинг қурилиши ва гап бўлақларининг жойлашув тартиби ҳозирги тилимиздан айтарли фарқ қилмайди. Гўёки, бир минг тўрт юз йил ўтмаганидек. Асосий фарқ айрим лексик бирликлар ва морфологик кўрсаткичларда. Бунинг сингари жараёни сўз бирикмаси қуршовида ёки қўшма феъллар билан боғлиқ лексик бирликларни ўзлаштиришда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида мураккаб феъл таркибидаги ўзлашмалар ёлғиз ҳолда феъл маъносини бера олмайди, ҳар қачон ҳам туркий феъл шакллари ёрдамга чакиради. Масалан, *nazar tašladï* феълини таҳлил этсак, *nazar* сўзи *tašladï* ёрдамчи феълисиз ҳолат маъносини бера олмайди. У ҳолатни ифодалаш учун тилдаги бирор ёрдамчи феълни кўмакка чакиради. Бунинг ўзбекчаси *qaradï* дир. Ёки расмий услубга тегишли *arz etmāk* феъли ҳам шундай. У тилимиздаги *etmāk* ёки *qilmaq* ёрдамчи феълларининг хизматисиз маъносини баён эта олмайди. Унинг ўзбекчаси *otınmaq*. Яна бир расмий матнларда келувчи *farmān berdi* феъли *bermaq* ёки *qilmaq* ёрдамчи феълининг кўмаги билангина нутқда *buyurdï* маъносини бера олади. Феъл билан боғлиқ бунинг сингари мисоллар тўлиб ётибди.

Юқорида келтирилган далиллар туркий тиллар табиатида ўз-ўзини муҳофаза этиш, ўзлигини сақлаб қолиш, ҳимоя эмунитети яхши шаклланганини кўрсатади. Бошқа айрим қўшни тиллар тарихига назар ташласак, бунинг сингари ҳолатни кўпда кўрмаймиз.

Чунончи, форс тили кечмишига қарайдиган бўлсак, кўк турк обидалари билан бир даврда битилган суғдча матнлар тили ҳозирги форсчадан тамомила ажралиб туради. Форс тили устида изланаётган билимдон тадқиқотчи ҳам махсус суғд тилидаги матн билан шуғулланмас экан, уни умуман тушунолмаслиги тайин. Шунинг учун ҳам фанда форс тили тараккиётининг суғд тили даври “ўрта форс тили” босқичи деб, ҳозирги тил даври эса “янги форс тили” деб юритилади. Рус тилининг ривожланиш босқичлари ҳам шундай.

Туркий халқлар тарихида кечган сиёсий, ижтимоий, этник, диний, мафкуравий, маданий жараёнларнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ туркий халқлар ва уларнинг тили ҳамиша ўзлигини сақлаб, бу каби тала-тўплардан соғ-омон чиққан.

Расмий ёзмалар услуби синтактик қурилишда ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Кузатувлар шунини кўрсатмоқдаки, ёзма обидалар тилидаги гап турларининг барчаси расмий матнларда қўлланавермайди. Хусусан, уларда сўроқ ва ундов гаплар иштирок этмайди. Расмий услубда эмоционал лексик бирликлар, ундов ва тақлидий сўзлар гап бўлаклари сифатида ишлатилмайди. Негаки, расмий услуб учун эмоционал-экспрессивлик бўёғи бегона. Содда гапга нисбатан қўшма гапнинг қўлланиш теграси кенг. Содда гап кўпроқ, ҳужжатлар бошланмасида келади: *Toqtamiš sözüm* (ТҲ,1) *Sultān Abu Sa'id Körägān sözüm* (АК,1).

Ҳужжатлар табиатига сўроқ ва ундов гаплар тўғри келмайди. Чунки ушбу гаплар, асосан, оғзаки ва бадий услубга хос. Масалан, ундов гап аксар ҳолларда, бадий услубда қўлланади. Боиси, бу гапда сўзловчининг субъектив муносабати, ҳис-

хаяжони, рухий кечинмалари ўз ифодасини топган бўлади. Сўроқ гаплар эса диалогик нутққа хос. Улар оғзаки услубда кўпроқ қўлланилади ва сўзловчининг ўзига номаълум бўлган бирор воқеа тўғрисидаги фикрини ифодалайди (Абдурахмонов, Сулаймонов, Холиёров, Омонтурдиев 1979,29). Бу эса аниқликни талаб этувчи расмий услуб табиатига тўғри келмайди.

Хужжатларда дарак ва буйруқ гаплар кенг қўлланилади. Кишилар ўртасидаги олди-берди, қарз, ижара шартномалари одатга кўра, дарак мазмунидаги хабар билан бошланади. *Küskü yil altinç ay on yañida mähä Qavsıduqa tüskä künçit kärgäk bolup, El Tämirtin bir küri künçit altım* – “Сичкон йили олтинчи ойнинг ўнинчи янги кунда, менга Қавсидуга фойдаси билан қайтариш шарти бўйича кунжит керак бўлиб, Эл Темирдан бир кури кунжит олдим ”(U 5259,1–4). Имтиёз ҳуқуқини берувчи тархон ёрлиқларида эса дарак гап кўпроқ хужжатларнинг маълумот қисмида келиб, воқеа ҳодиса тўғрисида хабар беради: *Mamatniñ öbägä atalarini burunğı kečkän Sayınhan çağidin beri bayra yarlıg rast tarxanlıq yosuniča yürüb atası Hāji Bayram Xojani biziñ xan aqlarimiz soyurqab tarxan qılğan järgasin aqlata ötüindi* – “Муҳаммаднинг аждодларини бурунги ўтган Саййинхон (Ботухон) вақтидан бери пайза ёрлиқли ҳақиқий тархонлик йўсинида юриб, отаси Ҳожи Байрам Хўжани бизнинг хон аждодларимиз сийлаб тархон қилган ҳолатини англатиб, (ўзини ҳам тархон қилишимизни сўраб) ўтинди (TQ,13–18).

Шунинг билан бирга, дарак гапнинг қўлланиш доираси ҳам чегараланган. Чунки дарак гапда соф хабар мазмуни ифодаланиб қолмасдан, унда сўзловчининг воқеликка бўлган муносабати (модаллик, экспрессивлик) ҳам ўз аксини топади. Бундай маънодаги дарак гаплар даврдош ёдгорликларда кўплаб учрайди. Бироқ, мазкур дарак гаплар хужжатларда ишлатилмайди.

Давлат ёрлиқларининг табиатини, асосан, буйруқ гаплар белгилайди ва улардан кенг фойдаланилади. Мисолларга мурожат қилайлик: *tavar qaralarin ulaq tutmasun* – “қора молларини юк ташиш учун олмасин” (TQ,42–43), *bizga baqar ellärniñ çiqışlarin*

čiqarub barğan elčilärgä bergil – “бизга қарашли давлатларнинг хирожларини тўплаб борган элчиларга бергин” (ТҮ,18–19). Хужжатларда буйруқ гаплар даврдош ёдгорликлардан фарқли ўлароқ, сўзловчининг воқеа-ҳодисага ўз муносабати ифодаламайди. Яна даврдош ёдгорликларда илтимос, таклиф, хоҳиш, ўғит-насиҳат, хитоб, огоҳлантириш сингари ҳар хил маъно нозикликларига эга буйруқ гаплар ҳам учрайди. Аммо улар расмий ёзмалар услубини белгиламайди. Хужжатларда буйруқ гап фақат қатъий буйруқ (категорический императив) маъносида келади: *kim kim ersä mal tilämäsün* – “ҳеч бир кимса (ундан) мол тиламасин” (ЎН,9), *heč kiši māl taru tilämäsün* – “ҳеч киши (ундан) дон-дун тиламасин” (УМ,11–12). *Esän Atsiz ularqa tapšursun* – “Эсон Отсиз уларга топширсин” (Арат, 1987, 564–565,5–6).

Шундай қилиб, расмий матнларда сўроқ ва ундов гаплар қатнашмайди. Чунки улар табиатан диалог ва бадиий услубга хосдир. Расмий ёзмалар асосини дарак ва буйруқ мазмунидаги гаплар ташкил этади. Ушбу гаплар расмий услуб табиатини белгилайди.

ЁРЛИҚЛАРДА ҚЎЛЛАНУВЧИ ҚОЛИПГА ТУШГАН БИРИКМАЛАР

Расмий услубнинг муҳим ўлчовлари унда қўлланувчи қолипга тушган лисоний бирликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу қолипга тушган бирикмалар лингвистикада *стереотип бирикма, қолип (клише, трафарет)* ёки *формуляр* атамалари билан юритилади. Формуляр расмий услуб бирлигидир. Қолипга тушган бирикмалар юридик кучга эга бўлган расмий матннинг *а н и қ л и г и н и* таъминлайди. Айнан шунинг учун расмий қоғозларда қолиплашаган лисоний шакллар ишлатилади. Туркий ҳужжатчилик тарихида стереотип бирликларнинг ишлатиши кенг расм бўлган. Расмий қоғозларнинг муайян турлари ва уларнинг бўлимлари алоҳида ўзигагина тегишли формулярларини юзага келтирган. Ҳужжат битувчилар (эскида уларни “алимға” дейилган) ана шу бирликлардан унумли фойдаланган.

Куйида туркий хужжатчилик тарихида кенг қўлланган ана шундай қолип бирликлардан айримларини таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Ёрлиқлар унвонида учровчи қолипга тушган бирикма тўғрисида. Одатга кўра, давлат ёрлиқларининг бошланишида унинг ким томонидан берилаётгани қайд этилган компонент ўрин олади. Ушбу компонент “унвон” дейилган. Унвонларнинг тузилиши ўзига хос. Айниқса, илк ва ўрта асрлардан қолган хужжатларнинг унвони эътиборни ўзига тортади. Улар содда гап шаклида бўлишига қарамай, моҳиятан кенг қамровлидир. Шу ўринда ота-боболаримиз томонидан яратилган расмий ёзмаларнинг унвонларини кўриб чиқсак.

Сохибқирон Темурбек 1378 йили Хоразмда Або Муслим авлодларига берган ёрлиғининг унвони *Abul Muzaffar al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurخان sözüм* шаклида (Мўминов 1932,2). Ушбу унвон икки компонентдан ташкил топган бўлиб, биринчиси ёрлиқ бераётган хоннинг исми ва сифати (*Abul Muzaffar al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurخان*), иккинчиси ёрлиқ(söz)нинг кимга тегишлилигини англатувчи бўлакдир.

Темурбекнинг 1400 йили сиғноқлик Сирожиддинни шайхул ислон мансабига тайинлаш муносабати билан берган нишонининг унвони ҳам шундай кўринишда: *Abul ġāzi Amir Temürخان Bahadur Sultān sözüмүз* (Нишон ЎзР ФА Шаркшунослик институтида 197 рақаи билан сақланмоқда). Бу унвонда, юқоридаги ёрлиқ унвонидан фарқли ўлароқ, söz калимаси кўплик шаклида қўлланилган (sözümүз).

Энди темурийлар даврида уйғур ёзуви билан битилган ёрлиқларнинг унвонига эътибор қаратсак. Шулардан бири Султон Абу Саиднинг 1468 йили Оқ кўюнлилар беги Узун Ҳасанга юборган битигидир. Унинг унвони *Abu Said Körägän sözüм* шаклида берилган (Kurat 1940,196). Унвонда ҳуқумдор Темурбекнинг оиласи учун русумга айланган *körägän* унвони билан юритилмоқда.

Уйғур ёзувидаги бошқа бир ёрлиқ Шохрух Мирзога тегишли. У 1422 йили Ҳирот яқинидаги Талхон ота мазорининг мужовури Исмоилни турли тўловлардан озод этиш учун суюрғол берган. Суюрғолнинг унвони шундай: *Šahrüh Bahadur sözüм*. Мазкур унвонда ҳукмдорнинг номидан кейин олий табақа вакиллариға берилувчи *bahadur* унвони қўшилди.

1469 йили Андижонда битилган Умаршайх Мирзо нишонидаги унвон Шохрух Мирзо ёрлиғининг унвониға яқин кўринишда: *Sultān Umar Šayx sözüм*. Ушбу унвонда ҳукмдорнинг оти “хон” даражасига тенг турувчи *sultān* сўзи билан қўлланилган.

Туркий хужжатлар унвонининг бундай тузилганлиги баъзи олимларға ясама бўлиб кўринган. Чунончи, В.В. Радлов Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили битилган уйғур ёзувли ёрлиғида келган *Toqtamış sözüм* унвонини аслида *Toqtamış мәнің sözüм budur*(= *bu turur*) жумласининг қисқарган шакли деб қарайди (Радлов 1888,4). Бизнингча, буни ўйлаб кўриш керак. Масалаға чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, расмий матнлардаги *Šahrüh Bahadur sözüм*, *Sultān Umar Šayx sözüм* сингари унвонлар туркий тилнинг ички қонунлари, расмий услуб талаблари асосида шаклланган қолип эканлиги аён бўлади. Ҳукумдор қўл остидагиларига йўлланган барча расмий битиглар унвони ана шу шаклда бўлган.

Энди, расмий матнлар унвонининг кесимиға айланган *sözüм*(ёки *sözüмүз*)нинг маъноси ва вазиғиси хусусида. Унвонлардаги *sözüм* илкин маъносида “менинг сўзим”(“слово мое”)ни беради. Бироқ, расмий ва дипломатик хужжатларда у “менинг ёрлиғим; менинг буйруғим; менинг фармоним” маъноларида қўлланилган. *Sözüм* айна маъноси билан расмий услубни таъминловчи атамадир.

Шуниси эътиборға лойиқки, “буйруқ, фармон” маъносини берувчи *sözüм* хонлар томонидан берилаётган ёрлиқлардағина

қўлланилади ⁴ . Дипломатик ҳужжатлар унвонида эса ишлатилмайди. Сабаби, дипломатик ҳужжатлар тенг томонлар ўртасида тузилган ва уларда бир ҳукумдорнинг иккинчи ҳукумдорга буйруқ, кўрсатма беришга ҳақи йўқ. Шу ўринда “Нима учун Абу Саиднинг Узун Ҳасанга йўллаган битигининг унвонида “буйруқ, фармон” маъносини англатувчи *sözüm* қўлланилган” деган савол туғилиши табиий. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўша кезлар Ҳасанбек салтанадигаги ерлар темурийларга тегишли эди. Буни битиг мазмуни ҳам тасдиқлайди. Шу сабабдан Абу Саид ўзига вассал хонга йўллаган дипломатик мактуб унвонида *sözüm* (буйруғим) атамасини ишлатиши табиийдир.

Расмий матнлар унвонидаги *sözüm* нинг “буйруқ, фармон” маъносида келишини тасдиқловчи мисоллар ҳам бор. Хусусан, форсча ёрлиқлар унвонини бунга қиёслаш мумкин. Масалан, шарқшунос Л. Фекетининг “Einführung in die persische paläographie” (“Форс палеографиясига кириш”) китобига киритилган 101 ҳужжат унвонларининг баъзилари *farmān* истилоҳи, унга даврдош бўлган бошқа бирлари эса *sözüm* калимаси билан қўлланилган: *Farmāni Abul Muzffar Nuriddin Muhammad Jahāñir pādīšāh ġāzi* “Абул музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳ ғози фармони” (Fekete 1977,31). Ёки туркий унвонлар билан бошланувчи айрим форсча ҳужжатларда *sözüm* ўрнига тўғридан-тўғри *buyruġi* қўлланилган: *Abul Fath Uġurlu Muhammad buyruġi* (Fekete 1977,40).

⁴ Бу тўғрида татаристонлик тарихчи Ж. А. Усмонов ёзади: “Известно, что все ханские ярлыки, как правило, начинаются со слов “такого-то хана слово” (*Timūr-Qutliq sözüm* и т.д.). Как показали предварительные исследования, формула “такого-то хана слово”, свойственна только ярлыкам, но не битикам-посланиям. Ярлыки содержали повелительный, указной оттенок, являясь прерогативой только хана” (Усманов 1973,156).

Демак, ҳужжатлар унвонидаги *söz* калимаси ҳуқуқий атама вазифасида “буйруқ, фармон” маъноларини англатган. Шу ўринда туркий унвонларнинг келиб чиқиши, тарихий илдизлари тўғрисида икки оғиз. Айрим тарихчилар ҳужжатлардаги *sözüm* чингизий хонларнинг ҳужжатлари унвонида келувчи “уги ману” (сўзимиз)нинг ўзлаштирилган ва калькаланган шакли деб қарайдилар (Бартольд 1922,191; Чехович 1974,37; Григорьев 1978,33.).

Аслидачи? Масала моҳиятига чуқурроқ кирилса, расмий матнлардаги айни анъана қадимги туркий ҳужжатчилигида ҳам мавжуд эди дейиш имконини беради. Ўрта аср ҳужжатчилигида кенг қўлланган бунинг сингари қолип-бирикмалар ўз йўлини қадимги битиглардан ёки ундан-да эски кезлардан бошлаган дея оламиз. Боиси, А. Беренштамнинг ёзишига қараганда, қадимги хитой йилномаларида мелоддан бурунги юзйилликларда хунлардан борган расмий ёзмалар, хоқонлар йўллаган ёрлиқларнинг унвони ҳам ана шундай қолип эди (Беренштам 1940,82–84). Демак, биз сўз юритаётган ҳужжатлардаги унвонларнинг тузилиши узоқ тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Ҳужжатчиликдаги бу анъана хусусида Л.Ю. Тугушева ёзади: “Аналогичные выражения являются лишь сохранившимися по традиции траферетными формами, принятыми в подобного рода документах в более раннюю эпоху и выработанные, по-видимому, в полном соответствии с нормами того языка, на основе которого эти штампы создавались” (Тугушева 1972,246).

Шунга кўра, 734 йили ўрнатилган Билга хоқон битигида икки бор учрайдиган унвонни текшириб кўрсак.

Битиг *Täñritäg täñri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm* қолип-бирикмаси билан бошланади. Айни қолип ўрта асрлардаги андозага тенг келади. Битигдаги *Täñritäg täñri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm* ҳам ёрлиқлардаги вазифада келган бўлиб, бу билан хоқон эл-улусга ўз ёрлиғини йўлланмоқда. Ушбу формуляр уч қисмдан тузилган. Биринчиси Яратганнынг мадҳи (*Täñritäg täñri*

yaratmish – “Кўкдай улуғвор тангри яратган”), иккинчиси хоқоннинг исми сифати (*türk Bilgä qağan* – “жасур Билга хоқон”) ва учинчиси эса *sab* (ёрлик)нинг англатувчи бўлак (*sabim*).

Ушбу унвонидаги *sabim* ўрта аср туркий ҳужжатчиликда кенг қўлланган *sözüm* нинг айнан ўзидир. Туркий тилнинг қадимги босқичида *sab* сўзи қўлланилган бўлиб, кейинги юксалув босқичида унинг ўрнида *söz* лексимаси қўллана бошлаган. Шундан бошлаб, ёрликлар бошламасида ҳам қадимги *sab* ўрнини *söz* эгаллади.

Энди яна мўғулча ҳужжатлардаги “уги ману”га қайтсак, бу қолип-бирикма Чингизхон даврида давлат маҳкамачилик ишларида етакчи вазифаларни бажарган туркийлар томонидан олиб кирилган. Улар ўз ота-боболари ёрликларидаги унвонлар ва ҳужжат тузиш шаклини мўғулча ёрликларга таржима қилиб қўллай бошлаганлар. Чунки туркларларнинг ўз ёрликлари ана шундай қолипни бошламалар билан берилган. Чунончи, уйғур бекларининг XI-XII асрларга оид ёдгорликларида *Apa Temür sözüm*, *Küräm Arslan sözüm* каби ўнлаб туркий унвонларни топиш мумкин (Radloff 1928,66,33,236). Бундан ташқари, мўғулча ёрликларда “уги ману” Чингизхон давридан бошлаб ишлатилган (Усманов 1979,202).


Кўринадик, туркий расмий матнлар унвони қадимги туркий муҳитда ҳужжат ёзилаётган тил хусусиятлари ва расмий услуб қонуниятлари асосида шаклланган бўлиб, ўрта аср даври ёрликларида унинг такомиллашган ва ихчам бир қолипини кўрамиз. Демак, туркий расмий матнчилиги тарихан узок, узулуксиз юксалув босқичини ўтган.

Туркий расмий ёзмаларда қўлланган ушбу ифода шакли XIX юзйилликнинг иккинчи ярмида, сўнгги хонликлар даврида ҳам амалда бўлган⁵.


⁵ Сўнгги Бухоро, Қўқон, ва Хева хонларининг расмий ёзмаларида ҳам илк ўрта асрларнинг ҳужжатларида қўлланилган шакл сақланган. Ана шундай матнлардан бири Хева хони Муҳаммад Аминхоннинг 1854 йили битилган ёрлигининг унвони қуйидагича: *Abul Muzaffar val*

Муҳими шундаки, туркий тилдаги ҳужжатчилик анъанаси ёлғиз мўғул ҳужжатчилигига эмас бошқа тилларнинг ҳам расмий ёзмалар услубига таъсир этган. Чунончи, ўрта асрларда битилган форсча ёрлиқлар унвонининг андазасини турклардан ўзлаштирган; улар туркий тилда, турклар қўллаган шаклда берилади. Бунга мисол сифатида Темурбекнинг 1401 йили битилган форсча ёрлиғи ва унинг унвонини келтириш мумкин. Ушбу ёрлиқ туркий унвон билан (*Temür Körägän sözüimiz*) бошланади (Fekete 1977,72). Темурийлардан бўлмиш Маҳмуд Мирзонинг Ўратепа вилоятига қози тайинлаш муносабати билан берган форсча ёрлиғининг унвони ҳам туркий шаклда: *Sultān Mahmud ġāzi sözüimiz* (Егани 1975,78). Шундай унвонлар сирасига XV–XVII асрларда яратилган бошқа форсча ёрлиқларни ҳам киритиш мумкин.


Шу ўринда форс тилида ёзилган ёрлиқларнинг унвонларидан ўрнаклар келтирамиз (Мисоллар Л. Фекете нашридан олинди (Fekete 1977,29–30):




Узун Ҳасаннинг 1473 йили
ёздирган ёрлиғидаги унвон:
*Al-hukmu-l-lahi Abu-l-Nasr Hasan
Bahadur sözüümüz.*



Сафавий ҳуқумдор шох
I Исмоилнинг 1509 йили битилган
ёрлиғининг унвони: *Al-hukmu-l- lahi
abu-l- Muzaffar Isma'il Bahadur sözüümüz*



Шайбонийлардан Убайдулла-
хоннинг 1513 йили берган ҳуж-
жатининг унвони: *Abu-l-ġāzi
Ubaydullah Bahadurxan sözüümüz*



Mar,
196'

ammad Amin Bahadurxan sözüümüz (Брегеля

Сафавий шох I Исмоилнинг
1533 йилдаги Ёрлиғининг
унвони: *Al-hukmu-l-lahi abu-l-
muzaffar Tahmasb al- Safavi al-
Husayni Bahadur al-mavidu
min inda-l-lahi sözüмүз*

Форсча ёрлиқларда туркий унвоннинг қўлланиши форсча хужжат тузиш услубининг чекланганини эмас, балки форс девончилиги амалиётида ҳам туркий иш юритиш анъанаси юқори бўлганидан далолат беради.

Туркий хужжатчилик анъанаси ўрта аср рус давлат маҳкамачилигига ҳам таъсир этган. Чунончи, рус князлари 1492 йилдан эътиборан ўз хужжатларида туркий унвонларга хос бўлган *sözüm* ни “слово мое” шаклида қўллай бошлаганлар (Усманов 1979,185–199). Кейинчалик, бу шакл такомиллашиб, “Великого князя Васильево слово Асану князю. Слово наше то...”; “Великого князя Василия Ивановича всея Руси слово Аппак мурзе. Слово наше то...”, шаклларида қўлланила бошлаган (Усманов 1979,197).

Шундай қилиб, туркий расмий ёзмалар кириш қисмининг ажралмас компоненти сифатида келувчи унвон туркий хужжатчилик анъанаси таъсирида юзага келган. У қатъий бир қолипга тушиб улгирган эди. Шунингдек, ўрта асрларда мўғул, форс, рус тилларида битилган хужжатлар унвонининг шаклланувида туркий хужжатчилик анъанасининг самарали таъсири кўринади.

Хужжатлардаги ҳуқуқий муносабатлар англамида келувчи формулярлар. Давлат хужжатлари ичида тархонлик ёки суюрғол ҳуқуқи билан боғлиқ ёзмаларда ёрлиқ олаётган шахснинг мамлакатда мавжуд барча солиқ ва тўловлардан тўлалигича ёки қисман озод этилгани баён қилинади. Ушбу баён ҳуқуқий муносабат англамидаги тайёр қолип-бирикмалар кўмагида ифодаланади. Бундай формулярлардан бири *küç uğa tegürmäsün* (унга куч ишлатилмасин) канцеляризмидир. Бу бирлик барча имтиёз ҳуқуқини берувчи хужжатларда келди. Олтин Ўрда

хукмдорларининг девонхонасида битилган Темур Кутлуғ ёрлиғини нашрга тайёрлаган В. Радлов бу бирикма таркибидаги *uğa* олмоши тўғрисида сўз юритиб, уни шева таъсирида юзага келган, деб шарҳлайди: “оға очень интересная форма, не употребляющаяся не в уйгурской, не в джагатайской письменности, не в западных наречиях. Это форма ногайская, и по моему мнению указывает на происхождение лица, писавшего ярлык (Радлов 1888,33). Бироқ, шу турдаги бошқа хужжатларни ўрганиш, тадқиқотчининг мулоҳазалари у қадар асосли эмаслигини кўрсатмоқда. Чунки темурийларнинг Хирот ва Андижон сингари пойтахт шаҳарларидаги девонхоналарда битилган Шохруҳ ҳамда Умаршайх номидан берилган битигларида ҳам шу бирикма, айна кўринишда (*küç uğa tegürmäsün*) ва ёрлиқнинг ўша бўлимида келади. Бу эса унинг туркий хужжатчиликда кенг ёйилган қолип-бирикмалардан бири эканини кўрсатади. Ушбу бирикма имтиёз олаётган шахсга ҳеч ким зиён-заҳмат етказмаслиги қайд этилган қисмнинг ўзига хос, асосий бирлиги сифатида юзага келган.

Хужжатларнинг ҳақиқийлиги кўрсатувчи қолипга тушган бирикмалар. Хужжатларнинг ҳақиқийлиги унинг легитимлиги доимо хужжатчилик ишида бирламчи вазифалардан бири бўлиб келган. Айниқса, кишиларга тегишли васиқаларнинг ҳақиқийлиги таъминлаш қийинчиликларни келтириб чиқарган. Бироқ, бу масалада ҳам туркий хужжатчилик тарихида асосли йўлни танлаганлар. Бунинг ёрқин мисоллари фуқароларга тегишли ёзмаларда кўринади. Ушбу хужжатларнинг сўнггида унинг ҳақиқийлиги билан боғлиқ бир неча қолип-бирикмалар қўлланилган. Улардан бири *bu nişan meniñ ol* формуляри. Бу бирлик барча турдаги олди-сотти, ижара, қарз битимлари ва васиятномаларнинг ажралмас бирикмасидир. Бу ҳозирги хужжатчиликдаги имзо ва имзони ҳақиқийлигини тасдиқлаш жараёнига тўғри келади. Одатда васиқаларда *bu nişan men* қолипи, ундан сўнг белги (имзо) тегишли кишининг оти ва *ol* кесим вазифасидаги таъкид келади. Мана унинг мисоли: *bu nişan men*

Ariğniñ ol – “бу белги (имзо) мен Ариғнингдир”. Ушбу бирикмада қўлланилаётган *nišan* атамаси ҳуқуқий муносабат жараёнида қатнашаётган кишининг имзоси ёки белгиси маъносида келади. Бундан бошқа мазкур сўз ўрнида *tamğa* атамаси ишлатилган қолипни ҳам кўриш мумкин. Бу сингари бирикмада *tamğa* – “муҳр” англамида қўлланилади. Мана унинг ўрнаги: *bu tamğa men Asananıñ ol* – “бу муҳр мен Асаннингдир”.

Nišan ва *tamğa* сўзларининг бири “белги” (имзо), иккинчиси “муҳр” эканини васиқалар матнидан ҳам билиш мумкин. *Nišan* битилган ўринда белги қўйилган; *tamğa* ёзилган ёзмаларда муҳр босилган.

“Минг йиллик туман кунлик” формулярининг илдизи ва такомили. XII–XIV юзйилликлардан қолган олди-берди, савдосотиқ битимлари туркумига кирувчи ер, боғу роғ ва қулларнинг олди-соттиси билан боғлиқ расмий ёзмаларда ерни ёки хизматчи-қулни сотиб олган мулкдор унга умр бўйи эгалик қилиши таъкидланган. Ушбу умр бўйи давом этадиган қуллик даври битимда *miñ yıl tümän kün* формуляри ёрдамида берилади.

Энди ана шундай ёзмалардан айримларини кўриб чиқсак. С.Е. Малов Шарқий Туркистонга уюштирган илмий экспедицияси чоғида топган қулнинг олди-соттиси билан боғлиқ ҳужжатларнинг бирида ушбу қолип бирикма қуйидагича берилган: *Bu, män satmıš kişigä miñ yıl tümän küngä tägi Bedrün erklig bolsun* (Бу, мен сотган киши минг йил туман кунга қадар Бедруннинг эркида бўлсин).

Ёки В.В. Радлов чоп эттирган Қутлуғ отли хотиннинг олди-соттиси билан боғлиқ битимда ҳам юқоридаги сингари қолипни учратамиз: *Bu, Qutluğ atliğ qatun kişigä miñ yıl tümän küngä tägi Qutluğ Temür erklig bolsun* (Бу, Қутлуғ отли хотин кишига минг йил туман кунга қадар Қутлуғ Темур эга бўлсин) (Radloff 1928,87).

Берлин фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида қадимги туркий халқларга тегишли юзлаб расмий ёзмалар сақланади.

Улардан U 5235 сони остида сақланаётган хужжат киши эътиборини ўзига тортади. Унда отанинг Олкиш деган кишига ўн уч ёшли ўғлини хизматкор-гуломликка бергани тўғрисида гап боради. Расмий ёзмада ҳам сотиб олувчининг эгалик ҳуқуқи биз ўрганаётган стереотип бирикма ёрдамида берилган: *Bu, Yünçiqā miñ yil tūmān kūngā tāgi Alqīš erklig bolsun* (Бу, Юнчига минг йил туман кунга қадар Алқиш эга бўлсин).

Ушбу формуляр ёлғиз кулларнинг олди-сотти хужжатларидагина эмас, ер ёки боғу узумзорларни сотиш тўғрисидаги хужжатларда ҳам учрайди. Жумладан, Берлин фондида U 5234 рақамли хужжат ернинг олди-соттиси билан боғлиқ. Унда биз текшираётган ифода бирлиги қуйидагича келтирилган: *Bu, tört siqiliğ yirgä miñ yil tūmān kūngā tāgi Mīsīr erklig bolsun* (Бу тўрт сиғлик (ер ўлчови) ер минг йил туман кунга қадар Миср (фойдалансин) эркида бўлсин).

Хужжатларда биз тахлил этаётган ифода шаклининг бир оз ўзгарган кўриниши ҳам учрайди. Масалан, “Қадимги уйғур ёзувидаги васиқалар” китобида 7- сирада чоп этилган ернинг олди-сотти битимида “минг туман йил” кўринишида келган: *Bu kūntä inaru bu yer üzä miñ tūmān yilqā tāgi Āničük erklig bolsun* (Бу кундан бошлаб бу ер минг туман йилга қадар Аничук (эгалик қилсин) эркида бўлсин) (Қадимки уйғур тилидаки васиқалар 2000,145).

Юқорида келтирилган формулярларга эътибор қаратилса, уларнинг бари бир қолип асосига қурилгани кузатилади. Бошлаб, *bu* кўрсатиш олмоши ёрдамида кул оти ёки ернинг ўлчови кўрсатилган қайд (*Bu, Qutluğ atliğ qatun kişi, Bu, tört siqiliğ yir*), сўнг “умр бўйи, мангу” англамига тенг келувчи “минг йил туман кун” ёки “минг туман йил” қолипи (*miñ yil tūmān kūngā tāgi, miñ tūmān yilqā tāgi*) ва яқунда ер ёки хизматкор-гуломга эгалик ҳуқуқини қўлга киритаётган шахснинг оти (*Qutluğ Temür erklig bolsun, Alqīš erklig bolsun*) келади.

Шу ўринда ушбу формулярнинг келиб чиқиши, тарихий илдизлари тўғрисида икки оғиз. Айрим туркшунослар, чунончи,

С.Е. Малов “Выражение “тысяча лет и десять тысяч дней” (т.е. вечно) заимствовано турками у китайцев встречается оно и в памятниках турко-рунической письменности”, – деб карайди (Малов 1927,394). Бизнингча, ушбу қолип-ифоданинг хитойлардан ўтгани масаласини ўйлаб кўриш керак.

Боиси, айна формулярга тенг келувчи бирликни биз ўрганаётган хужжатлар битилган даврдан тўрт, беш аср бурун ёзилган кўк турк ёзувидаги матнларда ҳам учратамиз. VIII юзйилликда битилган қабр тошларида ҳам ушбу бирикма бекаму кўст учрайди. Чунончи, фин олими профессор Г.И. Рамстедт томонидан 1909 йили Мўғилистондан топилган уйғур хокони Мўюнчўр шарафига ўрнатилган битигда давлат тузукларининг жуда қадим илдизга эга экани тўғрисидаги мисол бор. Битигда ўша бирлик шундай берилади: *Anta İduqbaş kedintä, Yabaş, Toquş beltirintä anta yayladim, örgin anta yaratitdim, çit anta toqitdim, biñ yilliq, tümän künlük bitigimin belgümin anta yası taşqa yaratitdim.* – Ўшанда ғарбда Идукбошда, Ябаш ва Тўқуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудрофаа деворларини ўша ерда тиклатдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим (Содиқов 2007,58). Мисолдаги “минг йиллик, туман кунлик битиг” (*biñ yilliq, tümän künlük bitig-belgü*) қолипидан боболаримизнинг давлатчилик илдизлари ва унинг низоми минг йиллик анъаналар асосига қурилгани англашилмоқда.

Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, расмий матнлардаги *Bu Qutluğ atliğ qatun kişigä miñ yil tümän küngä tägi Qutluğ Temür erklig bolsun, Bu tort siqiliğ yirgä miñ yil tümän küngä tägi Misir erklig bolsun* каби формуляр туркий тилнинг ички қонунлари, расмий услуб талаблари асосида шаклланган қолип эканлиги аён бўлади. Кишилар ўртасидаги барча ер ва қулларнинг олди-сотти битимларида эгалик ҳуқуқи қайд этилган бўлим ана шу кўринишда бўлган.

Хужжатлардаги *miñ yil tümän küngä tägi* (кишининг оти) *erklig bolsun* ҳуқуқий формуляри ёрдамида “хужжатда олди-сотти

операциясини амалга ошириётган кишининг молу мулкка ёки хизматчи-қулга эгалик эркини тўлиқ қўлга киритаётгани” таъминланган.

Демак, биз сўз юритаётган ҳужжатлардаги ифода қолипларининг тузилиши узоқ тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Бу сингари бирликлар анча бурунги кезлардан шу каби давлатнинг расмий ёзмаларда қолип шаклида юзага келтирилган ва айни ҳужжатлар битилган тил меъёрларига тўла мос равишда ишлаб чиқилган кўринади. Бизнингча, туркий ҳужжатлардаги “минг йил туман кун” кўк турк хоқонлиғи давридаёқ давлат маҳкама ишларида олиб кирилган.

Шунингдек, ушбу ҳуқуқий бирлик кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик битимлари туркумига кирувчи ер ва қулларнинг олди-соттиси билан боғлиқ расмий ёзмаларнинг эгалик ҳуқуқи кўрсатилган қисмнинг ўзига хос асосий ва бош формуляри сифатида юзага келган.

Нима бўлганда ҳам, туркий ҳужжатлардаги “минг йил туман кун” бирикмаси бошлаб боболаримизнинг оғзаки сўзлашувда юзага келган. Кейинчалик ёзма бадийи услубга, ундан ўтиб фикрни қўйма ҳолда ифодаловчи бирикма сифатида расмий услубга кўчган.

“Минг йил” тушунчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади: ўтган вақтга нисбатан “узоқ муҳлат”, келажакка нисбатан эса “киши умрининг охиригача бўлган давр”ни билдиради.

Кўринадики, туркий расмий матнлардаги ушбу бирлик қадимги туркий муҳитда ҳужжат ёзилаётган тил хусусиятлари ва расмий услуб қонуниятлари асосида шаклланган бўлиб, XII–XIV юзйилликнинг ёзмаларида унинг такомиллашган ва ихчам бир қолипни кўрамыз. Демак, туркий расмий матнчилиги тарихан узоқ тикланиш босқичини ўтган.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШНИНГ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ

Давлат ва фуқаро ишларида
ҳужжатларнинг



расмийлаштирилишига алоҳи-да урғу берилган. Қадим кезлардан бошлаб, ҳужжатни юридик кучга эга экани, унинг легитимлиги тасдиқлаш орқали амалга оширилган. Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги “тамға”, “муҳур”, “нишон”лар билан қонунийлаштирилган.

Ўша замонларда расмий ишларда қўлланилган муҳр-тамғаларнинг кўриниши бир неча хил – доирабичимли, бодом-бичимли ёки уч, тўрт, олти, саккиз бурчаклидир.



Улар орасида тўртбурчак кўринишдаги муҳрлардан ҳужжатчилик амалиётида кўпроқ фойдаланилган.

Эътиборга сазовор ери шундаки, расмий услуб тараққиётининг илкин чоғларида кўк турк хатида *qutluğ* сўзи ўйиб туширилган тамға ҳам топилган. Шу сингари муҳр-лардан кўк турк хати-даги ҳукукий матн-



ларни тасдиқлаш учун қўлланилгани шубҳасиз.

Мўғулистоннинг Дўндгоби аймағидан топилган кўк турк хати билан *qutluğ* сўзи ўйиб битилган тамға.

Қадимги бобо-ларимизда

расмий матнларни шунга ўхшаш сўзлар ўй-иб ёзилган муҳрлар билан тасдиқлаш анъана тусига кирганини, кейинги XI–XIII юзйиллик-ларга

тегишли туркий-уйғур ёзуви-даги ҳужжатларда кузатиш мумкин. Бу давр ҳужжатлари-нинг катта қисми ана шу сингари “қутлуғ”




Ушбу расмлар XI–XIII юзйилликларга тегишли уйғур ёзувидаги ҳужжатларнинг тасдиқ қисмидан олинди. Тамғаларда ҳам “қутлуғ” шиори ўйиб туширилган.

шиорли туркий-уйғур ёзувида битилган тамға билан тасдиқланган.

Ислом даври хужжатчилигида ҳам ушбу анъана узлуксиз давом этган. Бундай мухр-тамғаларнинг классик намуналарини теурийлар даври хужжатчилигида учратамиз. Улар “чорсу мухур” дейилган. Чорсу мухрни Захириддин Мухаммад Бобур ҳам тилга олган. У ёзади: “Яна бири Мир Ғиёс тағойи эди. Али Дўстнинг иниси эди. Мўғул мирзолари орасида Султон Абусаид мирзо эшигида мундин илгарроқ киши йўқ эрди. Султон Абу Саид мирзонинг чорсу мухри мунда эди” (Бобур 1990,17). Ушбу маълумотлардан Султон Абусаид мирзонинг тўрт бурчакли мухри унинг Мир Ғиёс

тағойи исмли муло-
зимида сақланганлиги
маълум бўлади.


Қизиғи шундаки,
Бобур тилга олган
чорсу мухрнинг наму-
наси расмий хужжат-
ларда ҳам етиб келган.
Абусаид мирзонинг
ана ўша тамғаси оқ
қуюнлилар ҳукмдори
Узун Ҳасанга 1468
йили йўлланган ёр-
лиқнинг якунига қў-
йилган. Тўрт бурчакли
ушбу хон тамғаси



8.5x8.5 ўлчамида бўлиб, юқорисида *bismillah*, ўнг ёғида *la ilaha illal-l-iahu* (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), сўл ёғида *Muhammadu-r-rasul-ul-lahi* (Мухаммад Аллоҳнинг элчиси) калимаси ва қуйисида *al-Husan va-l-Husayin* деб ёзилган. Мухр-тамғанинг тўрт бурчагига тўрт эш (чоҳарёп) – *Abubakr*, *Umar*, *Usmān* ва *Ali* отлари бўртма қилиб туширилган. Мухрнинг ўртасида *As-sultanu-l-a'zam*

va-l-xaqanu-l-akram muğisu-l-haq va-d-din sultan Abusaid Kōrāgān halida-l-lahu mulkahu va sultanahu (Адолат ва диннинг қўриқчиси буюк султон ва кароматли ҳокон султон Абусаид Кўрагон. Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини юксалтирсин) шиори бор.

XIV–XV юзйилликларда тўрт бурчак мухрнинг функцияси бир оз торайган кўринади. Ундан, асосан, ҳукмдорнинг олий даражадаги буйруқлари ва ёзишмаларини расмийлаштириш ҳамда тасдиқлашдагина фойдаланилганини кўрсатувчи фактлар мавжуд.



Бу мулоҳазани 1393 йилда ёзилган Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк кироли Яғайлага йўллаган ёрлиғининг тасдиқ қисми далиллайди. Ёрлиқнинг 3-5- сатрлари қолганларидан ичкарироқ (чапроққа) ёзилган. Улар олдида араб ёзувининг куфа турида битилган, бири иккинчисининг ичига жойлаштирилган 6,3х6,6 см. ли тўртбурчак шаклидаги хоннинг олтин мухри босилган. Мухр араб тилида бўлиб

ўртасида: *as-Sultānu-l-ā'dilu Toqtamiš* (адолатли султон Тўхтамиш), ташки томонида: *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim. La ilaha illa-l-lahu Muhammadu-r-rasul-ul-lahi. Salla-l-lahu a'layhi va-s-sallam* (Меҳрибон раҳимли Аллоҳнинг оти билан бошлай-ман. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси. Унга Аллоҳнинг саловат ва саломи бўлсин) калималари битилган

Юқоридаги далиллар айрим олимларнинг тўртбурчак кўринишдаги мухрларни хитой иш юритишидан ўзлаштирилган деган қарашларига терсдир (Малов1951,200).

Темурийлар давлатининг ички ёрликлари, асосан, доира ва бодомбичимли муҳр-тамғалар билан тасдиқланган. Чунончи, Темури, Шохруҳ Мирзо ва Умаршайх Мирзо нишонларининг тасдиқ қисмидаги муҳр-тамғалар бодом бичимли ва доира бичимлидир.

Соҳибқирон Темурибек-нинг 1378 йили Хоразмда Або Муслим авлодларига берган тархонлик ёрлиғининг 3—4- қаторлари олдида хоннинг муҳри босилган. Унда: *Amir Temür Körägän bin Tarağay* жумласи ўйиб битилган.

Ўйғур хатида битилган ҳужжатлардан Шохруҳ Мирзонинг 1422 йилдаги нишонидagi тамға доирабичимлидир.



13 қаторли ҳужжатнинг иккинчи ва учинчи сатрлари матннинг ўртасидан бошланган ва улар олдида доира шаклидаги хон муҳри мавжуд. Араб ёзувли ушбу муҳр шундай ўқилади: *al-vatiq bi-l-lah al-ğafur Šahruh bahadur* (кечиргувчи Аллоҳ номи билан тасдиқловчи — Шохруҳ Баҳодир). Ҳужжатнинг 11-13- қаторлари охирида, яна бир доира кўринишидаги муҳр бор. Унга: *nišani Šahruh bahadur nišani* (Шохруҳ Баҳодир муҳри) сўзлари ёзилган.


Ҳужжатларда муҳр-тамғанинг босиладиган ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, расмий ёзишмаларда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Унга қараб, мактуб йўллаган кишининг мавқеи, даражаси ва мартабасини билиш мумкин. Ўринсиз урилган муҳр-тамға баъзан англашилмовчилик ва келишмовчиликка ҳам сабаб бўлган. Бунинг билан боғлиқ бир мисолни Бобур ҳам элаган эди. У

ёзади: “Хат битмақдин ва бизни тиламақдин мункир бўлиб, рустоиёна ва дурушт жавоблар йибордилар. Ул рустоиликларидин бири бу эрдиким, Шоҳибек менга битилган хатнинг орқасида беклар бекларга, балки улузграқ мартабалик беклар кичикрак чарғалик бекларга муҳр босар ерда қоғознинг ўртасида (таъкид бизники – Қ.О.) муҳр босиб йибориштур. ... Ушбу ситезаларидин ва рустоиликларидан эдиким, хонумонларини ва ўтгуз, қирқ йил қазғанларини барбод бердилар”(Бобур 1990,187–188).

Кишилар ўр-тасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжаликни юритиш билан боғлиқ иш қоғозларини тасдиқлашда фуқарорлар ўзларига тегишли нишон ва имзо кўринишидаги белгиларидан фойдаланишган.

Чигатой ва Олтин Ўрда хонлари девонида битилган хужжатларни тасдиқлашда қизил тусли тамға-муҳрдан фойдаланганлар. Бу муҳрнинг номини англатишда *al tamğa* атамаси ишлатилган. Бу билан боғлиқ далилни Ибн Баттута асарида учратиш мумкин. “Улар (муҳрни) “ал тамға” деб аташади “ал” - қизил ва “тамға” - муҳр маъносини билдиради (Иброҳимов 1993,69).

Ўрта асрларда туркий хужжатчилик амалиётида подшоҳ-



Ўрта аср кишиларига тегишли нишон ва имзо кўринишидаги белгилар.



Ал тамға намуналари

ларнинг фармонлари битиладиган қоғознинг энг юқори қисмига чиройли кўринишда сарлавҳа ёзиш анъана тусига кира бошлади. Бу ҳодиса ҳужжатчиликда “туғро” атамаси билан юритилган. Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарида ушбу атама билан боғлиқ қуйидаги маълумот



Усмонли султонларнинг туғроларидан ўрнаклар.

келтирилади: “Яна улким, бир нишонингиз (буйруқ)ни келтурдилар, туғросида Мирзо отини битмайдурсиз” (АНАТИЛ,266). Туғрода ҳукмдорнинг оти ва унвони берилади. Чунончи, Заҳириддин Бобур ўз эсдаликларида Рано Санго устидан ғалаба қозонгандан сўнг ўз фатҳномаси ва ҳужжатларининг туғросида “ғозий” унвони кўшиб ёздира бошлаганини алоҳида қайд этган: “Бу фатҳдан сўнгра “туғро”да “ғозий” битилди” (Бобур 1990,298).


Булардан ташқари хонларнинг девонида уйғур хатидаги расмий ёзма тузиш иши билан шуғулланадиган битигчилар ҳужжатни расмийлаштириш жараёнида қуйидаги жиҳатга ҳам алоҳида урғу беришган.

Ёзмада ёрлиқ бераётган ҳукмдорнинг оти, унинг ота-боболарининг номи ва сифатлари, шунингдек тангрининг исми сифатлари ҳамиша янги қатордан бир оз олдинга чиқарилиб бошланган. Бунинг иботини Соҳибқирон Темурбегнинг буйруғи билан 1391 йили апрель ойида Қозоғистоннинг Улуғ тоғда ўрнатилган битигтошда ҳам кўриш мумкин.

Султоннинг номидан ёзилган ёзманинг саккиз қатори уйғур хати билан туркий тилда битилган. У шундай ўқилади (Содиқов 2009,91–93):

1. Tarix yeti yüz toqsan üctä, qoy
2. yil yaznıñ ara ayı Turannıñ sultānı
3. Temürbeg üç yüz min çerig bilä islām üçün Toxtamış xanī(?)

4. xanīğa yoridī. Bu yergä yetip belgü bolsun tep
5. bu tobanī qopardī.
6. Teŋri nisfat bergäy inşalla.
7. Teŋri el kişigä rahmat qılğay, bizni duā bilä
8. yād qılğay.



Туронинг султони Темурбегнинг Улуғтоғда ўрнатган битигтоши

Агар ушбу битиг фотосига диққат қилинса, унда хоннинг оти (*Temürbeg*), тангрининг исми (*Teŋri*) янги қатордан, бир оз олдинга чиқарилиб ёзилган.

Айни шу сингари мисолларни Тўхтамиш, Темур Қутлуғ, Абу Саид, Фотих Меҳмеднинг уйғур ёзувли ёрлиқларида ҳам кўриш мумкин. Айрим ҳолларда битигчилар хон ва тангри билан боғлиқ сўзларга айрича муносабат бўлишиб, ушбу бирликларни зарҳал ёки қизил сиёҳда битганлар.

Бизга бу масалани ойдинлаштиришда XV асрнинг доврўғли тарихчи ва дипломати Абдурразоқ Самарқандий маълумотлари ёрдам беради. У ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Шохруҳ қошига хитойдан келган элчилар тўғрисида хабар бера туриб, биз авлодларга хужжатнинг расмийлаштириш билан боғлиқ қимматли далилни келтирган. У ёзади: “Хитойликларнинг услуби шундайки, улар мактубда подшоҳнинг

номини сатр бошидан ёзадилар ва (қолган) сатрларни ундан бир микдор пастдан бошлайдилар. Мактуб асносида ҳар ердаки худойи таолонинг номи (тилга олинган жой)га етган бўлса, шу етган жойларида (сатрни бўш) қолдирадилар ва оллоҳи таолонинг номини янги сатр бошидан ёзадилар. Агар подшоҳнинг зикри тилга олинса ҳам шу тариқа иш тутадилар” (Абдураззоқ Самарқандий 1969,257). Бу ўринда Абдураззоқ Самарқандий ҳужжат расмийлаштиришнинг бунингдек услубни хитойча дея эътироф этмоқда.

Демак, уйғур хати билан туркий тилда битилган ҳужжатлардаги бу усулни Марказий Осиё халқлари тарихида узоқ давом этган дипломатик ва тарихий-маданий муносабатлар таъсирида юзага келган дейиш мумкин.

Шу ўринда Абдураззоқ Самарқандий қўшни эллардан келган ёзмаларнинг тили тўғрисида ҳам муҳим маълумотни келтиради: “У (хитойлик)лар уфқлар султони (хоқони сайд- Шохруҳ) қошига ҳар гал келтирган мактублари уч мактубдан иборат бўлиб, ҳар бир мактуб уч хил хат: бири ана шу нусха ёзилган машҳур хат билан форсий иборатда, иккинчиси (аслида) уйғур хати бўлмиш мўғул хати билан турк тилида ва учинчиси хитой хати билан хитойликлар тилида ёзилган эди; ҳар учала хатнинг мазмуни бир. Яна бир мактуб юборилган бўлиб, овчи қўшлардан, тўққиз-тўққизлардан ва ҳадялардан нимаики юборган бўлсалар, у мактубда муфассал қайд қилинган эди; бу мактуб ҳам юқоридагидек уч тилда ва уч турли хат билан ёзилган. Шунингдек, бамисоли йўл хатидек яна бир мактуб ҳам шу тариқа ҳар уч тилда уч хил хат билан битилган (Абдураззоқ Самарқандий 1969,258). Мазкур факт дипломатик ёзмаларнинг тили тўғрисидаги қарашларга ойдинлик киритади. Абдураззоқ Самарқандий фикрига ҳамоҳанг қарашни Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Наҳчивоний ҳам ёзиб қолдирган. У “Дастур ал-катиб фи таъйин ал-маратиб” асарида қуйдагиларни ёзади: “Даже государственные указы – ярлыки – и.т.п. для доступности и содержания другим народам иной раз издавались на языке

каждого народа” (Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Наҳчивоний 1976,10–11). Туркий ҳукмдорлар ўз давлатларида яшавчи ўзга миллат вакилларига бағрикенглик (талерантлилиқ) муносабатида, уларнинг она тилисида ҳам ҳужжатлар тузишган. Ёзмаларнинг тили турлича бўлувиға қарамасдан унинг тузилиши қатъий ишлаб чиқилган бир хил кўринишдаги қолип, андоза асосида ёзиларди. Бунда туркий ҳужжатчилиқнинг шакли асосға олинган эди.

Умуман, туркий ҳужжатлар тили ва расмий услуб тизимининг юқори даражада сайқалланганилиги билан ҳрактерланади. Расмий ёзмалар услубида тил воситаларининг муайян тартибдаги ўлчови амал қилади. Уларнинг муҳим қирралари қуйидагилар билан белгиланади:

Ҳужжатларда тил воситаларидан фойдаланиш теграси чегараланган. Бу чегараланганликни расмий ёзмаларнинг лексик, морфологик ҳамда синтактик қурилишида кузатиш мумкин.

Расмий ҳужжатлар лексикасини танлашда ёзув турининг таъсирини кузатиш мумкин.

Ҳужжатлар ҳуқуқий матн саналади; фикр аниқлиги ва лўндалиги унинг сифатини белгилайди. Унда келган айрим лексик бирликларнинг график қиёфасидан тортиб, матн тугалламасигача, матн тугал тузилишигача ҳамма босқичлари нормаға тушган. Шундай тизимни яратиш учун эса бир неча авлод битигчилари тинимсиз излануви, эмгак чекуви керак бўлади.

МАНБАЛАР

AK – Абусаид ҳужжати: Kurat 1940.

TU – Тўхтамишхоннинг битиги: Радлов 1888.

TQ – Темур Қутлуг ёрлиғи: Радлов 1888.

SH – Шохруҳ нишони: Deny 1957.

UM – Умаршайхнинг ёзмаси: Мелиоранский 1906.

U – Берлин фондида сақланаётган ҳужжатлар: Ушбу матнларнинг фотоси “Digitales Turfan-Archiv” номи билан интернет тармоғиға жойлаштириб чиқилган www.Turfanforschung.com.

ИЛМИЙ АСАРЛАР

Абдураззоқ Самарқандий 1969 – Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлари кандидати А. Ўринбоевники. Тошкент, 1969.

Абдурахмонов, Сулаймонов, Ҳолиёров, Омонтурдиев 1979 – Абдурахмонов *Ғ.*, Сулаймонов *А.*, Холиёров *Х.*, Омонтурдиев *Ж.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1979.

Абдурахмонов, Шукуров 1973 – Абдурахмонов *Ғ.*, Шукуров *Ш.* Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973.

Алиев, Содиқов 1994 – Алиев *А.*, Содиқов *Қ.* Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент, 1994.

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II жилд. Тошкент, 1984.

Бабаханова 1987 – Бабаханова *Д.А.* Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. // Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1978.

Баровкоф 1943 – Баровкоф *А.К.* Ўтура Асиё халқларининг турмуш тарихида уйғурларнинг тутқан ўрни. // “Шарқ хақиқити”. № 2–3. Тошкент, 1943 (уйғур тилида).

Бартольд 1922 – Бартольд *В.В.* Монеты Улугбека. // ИРАМК. Том II, 1922.

Бернишам 1940 – Бернишам *А.* Уйгурский юридические документы. // Проблемы источниковедения. Вып. № 3. М.–Л., 1940.

Бобур 1990 – Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1990.

Брегеля 1967 – Документы архива Хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Подбор документов, введения, перевод, примечания и указатели Ю.Э. Брегеля. М., 1967.

Будагов 1869 – Будагов *Л.* Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том 1–2, СПб., 1869–1872.

Вамбери 1990 – Вамбери *Херман.* Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи. Тошкент, 1990.

Вашари 1987 – Вашари *И.* Еще раз о термине tartanaq. // Советская Тюркология. № 4, Баку, 1987. С. 97–101.

Всемирная история 1957 – Всемирная история. Том 3, М., 1957.

Григорьев 1978 – Гигорьев А.П. Монгольская дипломатика XII–XV вв. Л., 1978.

Григорьев 1978 – Григорьев А.П. Монгольская дипломатика XIII–XV вв. Л., 1978.

Фуломов 1944 – Фуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. Тошкент, 1944.

ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. Тошкент, 1960.

ДТС 1969 – Древнетюркский словарь. Л., 1969.

Егани 1975 – Егани А. Ярлык султана Махмуда Тимурида (1494). // Известия Академии наук Таджикской ССР. Отделение общественных наук. 3 (81). Душанбе, 1975.

Ибн Арабишох 1992 – Ибн Арабишох. Амир Темур тарихи. 2- китоб. Тошкент, 1992.

Ибн Арабишох 1992 – Ин Арабишох. Амир Темур тарихи. II китоб. Тошкент, 1992.

Иброҳимов 1993 – Н. Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993.

История лингвистических учений 1981 – Итория лингвистических учений. Средневековый Восток. Л., 1981.

Исҳоқов, Содиқов, Омонов 2009 – Исҳоқов М, Содиқов Қ, Омонов Қ. Мангу битиглар. Тошкент, 2009.

Қадимки уйғур 2000 – Қадимки уйғур тилидаки васиқилар. Урумчи, 2000 (уйғур тилида).

Кара 1972 – Кара Д. Книга монгольских кочевников. М., 1972.

Лоукотка 1950 – Лоукотка Ч. Развитие письма. М., 1950.

Малов 1927 – Малов С.Е. Два уйгурских документа. – В.В. Бартольд Туркестанские друзья ученики и почитатели. Ташкент, 1927.

Малов 1932 – Малов С.Е. Уйгурские рукописные документы экспедиции С.Ф. Олденбурга. – Записки института Востоковедения АН СССР. Том I, Л., 1932. С. 143–144.

Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М., 1951.

Маҳмудов 1990 – Маҳмудов Қ. XIII–XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. Тошкент, 1990.

Мелиоранский 1906 – Мелиоранский П. Документ уйгурского письма Султана Омар-Шейха. // ЗВОРАО. Т. XVI, СПб., 1906. С. 01–012.

Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Наҳчивоний 1976 – Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Наҳчивоний. Дастан ал-қатиб фи таъйин ал-маратиб (Руководство для писца при определении степеней). Критический текст, предисловие и указания А.А. Али-заде. Том 2. М., 1976.

Мўминов 1993 – Мўминов И. Амир Темурининг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1993.

Остроумов 1910 – Остроумов Н.П. Жалованная грамота Тимура // Туркестанская ведомости. № 254, № 255, 1910.

Пономарев 1945 – Пономарев А.И. Поправок к чтению “надпись Тимура”. // Советское Востоковедение. Вып. III, М.–Л., 1945. С. 222–224.

Поппе 1941 – Поппе Н.Н. Золотоордынская рукопись на бересте. // Советское востоковедение. Т. 2, 1941. С. 81–134, таб. XI б.

Радлов 1888 – Радлов В. Ярлыки Тохтамыша и Темир Кутлуга. // ЗВОРАО, том III, вып., I–III, СПб., 1888. С. 1–40.

Радлов 1911 – Радлов В.В. Опыт словаря тюрских наречий. Том 1–4 СПб., 1893–1911.

Содиқов 1990 – Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. Тошкент, 1990.

Содиқов 1992 – Содиқов Қ. XI–XV аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. // Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1992.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

Содиқов 2006 – Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006

Содиқов 2007 – Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2007.

Тугушева 1971 – Тугушева Л.Ю. Ярлыки уйғурских князей из рукописного собрания ЛО ИВАН СССР. // Тюркологический сборник. 1971. М., 1972.

Тугушева 2001 – Тугушева Л.Ю. Раннесредневековый тюркский литературный язык. Словесно-стилистические структуры. СПб., 2001.

Усманов 1973 – Усманов М.А. Актуальность комплексного изучения актовых источников Джучиева улуса XIV–XVI в. // Южноуральский археологический сборник. Вып. I, Уфа, 1973.

Усманов 1979 – Усманов М.А. Жалованные акты Джучиева Улуса XIV–XVI вв. Казань, 1979.

Чехович 1948 – Чехович О.Д. Собрание восточных актов академии наук Узбекистана // Исторические записки. М., 1948. С. 306–311.

Чехович 1974 – Самаркандские документы XV–XVI вв. Факсимиле. Критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович. М., 1974.

Шербак 1961 – Щербак А.М. Грамматический строй языка тюркских текстов X–XIV вв. из Восточного Туркистана. М–Л., 1961.

Щербак 1959 – Щербак А.М. Огуз-наме, Мухаббат-наме, М., 1959.

Щербак 1962 – Щербак А. Грамматика староузбекского языка. М–Л., 1962.

Arat 1987 – Arat R.R. Makaleler. Cilt I. Ankara, 1987.

Deny 1957 – Deny J. Un Soyurgal du Timouride Sahrüh en écriture Ouïgoure. // Journal Asiatique. Tome CCXLV. Paris, 1957. Pp. 253–266.

Fekete 1977 – Fekete L. Einführung in die persische Paläographie. 101 persische Dokumente. Budapest, 1977.

http://ru.wikipedia.org/wiki/Менандр_Протектор.

<http://www.Turfanforschung.com>.

Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. İstanbul, 1940.

Navoiy 1940 – Navaïy A. Muhakamatul luğatayn. Taşkent, 1940.

Orkun 1987 – Orkun Hüseyin Namık. Eski Türk Yazıtları. Ankara, 1987.

Pelliot 1949 – Pelliot P. Un rescrit Mongol en écriture “phags-pa”. // In: Tucci g. Tibetan painted scrolls, vol. 2, pt. 4, Roma, 1949. P. 621–624.

Radloff 1928 – Radloff W.W. Uigurische Sprachdenkmäler. Leningrad, 1928.

Sodiqov 2009 – Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. Toshkent, 2009.

Thomsen 1912 – Thomsen W. Dr. M.A. Stein Manuscripts in “runic” script. // JRAS. 1912. January.

Zieme 1981 – Zieme P. Research on uigur documents since 1975. – Journal Asiatique. Tom CCLXIX, Paris, 1981. P. 55–61.

Zieme 1998 – Zieme P. Turkic Fragments in ‘Phagspa Script’. – Studies on the Inner Asian Languages XIII. The Society of Central Eurasian Studies. 1998. Pp. 63–69.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
Қ. Содиқов. Ўзбек тилининг қадимги ёзма услублари	
Ёзма тил ва унинг услублари.....	4
Битиглар услуби ва уни тушуниш масаласи.....	8
Бадиий матнлар услуби.....	12
Сутра услуби.....	21
Монийчиларнинг ўтинчи “Хуастуанивт” ва унинг услуби.....	28
Хужжатлар услуби.....	33
Темурий хонларнинг ёрликлари: матн тузилиши ва услуби.....	43
Шохруҳ мирзонинг уйғур ёзуви ёрлиғи.....	43
Султон Умаршайх ёрлиғи.....	48
Султон Абу Саид битиги.....	54
Туркий ёзма ёдгорликларда сана ва унинг айтилиши.....	65
Қадимги турк монументал матнларининг услуби.....	70
Ислом даври қабртошларидаги ёзувлар.....	73
Атамашунослик масалалари	
Қадимги туркий тилда қўлланилган буддизм атамалари.....	79
Қадимги туркий тилга хитойчадан ўзлашган сўзлар.....	86
Ислом билан боғлиқ атамалар.....	93
Етти юлдуз ва ўн икки бурж атамалари.....	97
Эски турк қарашларида “томон” тушунчаси ва унинг билан боғлиқ атамалар.....	103
“Вақт” тушунчаси билан боғлиқ атамалар.....	109
Ўзбек тилидаги қариндош-уруғчилик отлари ва уларнинг илдизлари.....	118
Мисоллар келтирилган манбалар.....	122
Илмий асарлар.....	123
Қ. Омонов. Туркий расмий услуб ва унинг грамматик ўлчовлари	
Расмий матнларда ёзув масаласи.....	125
Ёрлик матнларининг фонетик ўлчовлари.....	137
Хужжатлар матнида лексик бирликларнинг танланиши.....	140
Расмий услубда морфологик бирликларнинг танланиши.....	155

Хужжатлар тилида синтактик ўлчов масаласи.....	161
Ёрлиқларда қўлланувчи қолипга тушган бирикмалар.....	165
Хужжатларни қонунийлаштиришнинг йўл-йўриқлари.....	177
Манбалар.....	86
Илмий асарлар.....	186

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ, ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЁЗМА УСЛУБЛАРИ ТАРИХИДАН

2010 йил февралининг йигирма олтисида босишга рухсат берилди. Қоғоз
бичими Шартли босма табоқ. Буюртма